

Ж. ТУЛЕНОВ


ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ

ТОШКЕНТ
«ЎЗБЕКИСТОН»
1993

87
Т 83

Тақризчи: фалсафа фанлари доктори,
профессор М. А. АБДУЛЛАЕВ

Муҳаррир Карим БУРОНОВ



Туленов Ж.

Т 83 Ҳаёт фалсафаси.— Т.: Ўзбекистон, 1993.—319б.
ISBN 5-640-01622-1

ПСДР
Таниқли файласуф олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ж. Туленовнинг мазкур китобида фалсафанинг инсон дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантиришдаги ўрни, унинг фан ва мафкура сифатидаги хусусиятлари, сиёсат билан алоқадорлиги, ҳозирги ҳаёт тараққиётидан келиб чиқаётган долзарб муаммоларни фалсафий жиҳатдан мушоҳада этиш, фикрлаш маҳоратини ошириш масалалари ҳақида сўз юритилади.

Китоб олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, шунингдек, фалсафа билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Туленов Ж. Философия жизни.

ББК 87Я73

№ 448—93

Навоий номли Ўзбекистон
Республикаси давлат кутубхонаси.

Т 0301010000—91
М 351 (04) 93 81—93

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1993 й.

МУҚАДДИМА

Мазкур асарга «Ҳаёт фалсафаси» деган ном бежиз қўйилмади. Фалсафа фани вужудга келгандан бошлаб то ҳозирги кунгача ҳам ҳаёт юзага келтирган турлитуман масалалар, инсон авлодини қизиқтириб келаётган муаммолар доимо унинг диққат марказидадир. Шу боис ҳаёт фалсафа фанининг манбаи, унинг хазинаси десак янглишмаган бўламиз. Фалсафий ғояларнинг эскирмаслиги, уларнинг инсон дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантиришдаги роли тобора ортиб бориши ҳам бу фаннинг ҳаёт билан узвий боғлиқлигидандир. Юнон мифологиясининг қаҳрамони Антей она заминга оёғи тегиб турганда куч олганидек, фалсафий ғоялар ҳам ўз кучини ҳаётдан олади. Демак, ҳаёт фалсафа учун бирламчи, фалсафа эса ҳаётга нисбатан иккиламчидир.

Афсуски, кўп йиллар мобайнида ҳукмрон мафкура таъсири остида биз ҳаёт билан фалсафанинг ҳақиқий муносабатларини назар-писанд қилмай, реал воқеликдан ажралиб қолган ғоялардан келиб чиқиб, борлиқни ўзгартирмоқчи ва уни қайта қурмоқчи бўлдик. Марксизм-ленинизм ғояларини янги, революцион назария, деб тушуниб, ана шу ғоялар орқали биз янги ҳаётни, янги жамиятни барпо этамиз, деб келдик. Натижада ғояларимиз ҳам, у орқали бино бўлган жамиятимиз истиқболи ҳам пучга чиқди. Шу билан бир қаторда фалсафа фанининг халқ ўртасидаги обрўси ҳам тушиб кетди. Ана шундай вазиятда унинг обрўсини тиклашнинг асосий

йўли—фалсафа ғояларини қайтадан кўриб чиқиш, уларни ҳаёт билан уйғунликда ривожлантиришдир. Фалсафа ҳаётдан ажралиб қолган масалалар билан эмас, балки воқеликдан келиб чиқадиган, давримизнинг долзарб масалалари билан шуғулланмоғи лозим.

Ушбу китобда фалсафанинг инсон дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантиришдаги ўрни, унинг фан ва мафкура сифатидаги хусусиятлари, сиёсат билан алоқадорлиги, ҳозирги ҳаёт тараққиётидан келиб чиқаётган долзарб муаммоларни фалсафий жиҳатдан мушоҳада этиш, фикрлаш маҳоратини ошириш масалалари ҳақида гап кетади.

Асарда ёритилган масалалар фалсафа фанининг ривожланиш жараёнидаги зиддиятлар ва муаммоларни атрофлича акс эттириш билан бир қаторда, жамиятимизнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа соҳаларида юз бераётган ҳодисаларни чуқурроқ англаб етишга имкон беради, деган умиддамиз.

1606. ФАЛСАФА, МАФКУРА, СИЁСАТ

1. ФАЛСАФАНИНГ МАФКУРА ВА СИЁСАТ БИЛАН АЛОҚАДОРЛИГИ

Фалсафа — инсониятнинг бир неча минг йиллик тарихий тараққиёти давомида яратилган маданиятнинг ажралмас таркибий қисмидир. Фалсафа фанининг марказида бутун инсониятни қизиқтирадиган, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий, сиёсий ва бошқа томонларига тааллуқли бўлган мураккаб муаммолар туради. Ҳаётнинг маъноси ва мазмуни, инсоннинг пайдо бўлиши, унинг табиат ва жамиятга муносабати, келажак авлодларнинг тақдири, жаҳон цивилизациясининг истиқболлари сингари умумбашарий муаммолар шулар жумласидандир.

Фалсафа — инсониятнинг буюк маънавий бойлигидир. У авлод-аждодлар томонидан яратилган маданий, тарихий мероснинг барча дурдоналаридан бекаму кўст фойдаланиш, табиий, техникавий, ижтимоий-гуманитар фанлар эришган улкан муваффақиятларга суяниш асосида шаклланиб ва ривожланиб бориш билан бирга, кишиларда олам ҳақида бир бутун, яхлит дунёқараш шаклланишида назарий пойдевор вазифасини ўтайди.

Фалсафанинг яна бир хусусияти шундаки, у табиат, жамият, инсон тафаккурининг объектив қонунларини билиш асосида нарса ва ҳодисалар, воқеалар ривожланиш йўналишини олдиндан кўришга, уларга амалий таъсир этиш йўлларини белгилаб олишга ёрдам беради.

Шунинг учун ҳам барча ижтимоий тузумларда ҳукмрон синфлар, ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар фалсафа фанидан ўзларининг манфаатларини таъминлаш ниятида сиёсийлашган мафкуравий қурол сифатида фаол фойдаланиб келганлар. Айниқса, шўролар жамиятида 70 йилдан ортиқ вақт мобайнида фалсафа маъмурий-буйруқбозлик системасининг сиёсати билан

чамбарчас боғлиқ ҳолда, ўзининг фан хусусиятини аста-секин йўқотиб, асосан сиёсийлашган мафкуравий ғоялар йиғиндисига айланиб қолган эди. Бу бежиз эмас, чунки фалсафа, сиёсат ижтимоий мафкуранинг асосий шакллари сифатида бир-бири билан узвий боғлангандир.

Энг аввало шунинг эътиборга олиш керакки, фалсафа ҳам, сиёсат ҳам ижтимоий муносабатларнинг шаклидир. Маълумки, ижтимоий муносабатлар моддий ва мафкуравий ижтимоий муносабатлардан ташкил топади. Моддий ижтимоий муносабатлар инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлса, мафкуравий ижтимоий муносабатлар инсон онгидагина шаклланади.

Сиёсий онг — турли ижтимоий кучларнинг давлат ҳокимиятига, партиялар, синфлар, миллатлар ва давлатлар фаолиятига бўлган муносабатларини ифода этувчи кайфиятлар, қарашлар, орзу-хаёллар, тасаввурлар, тушунчалар, ғоялар ва назариялар йиғиндисидир.

Сиёсат ҳам, фалсафа ҳам системалаштирилган фикрлар, ғоялар, тафаккурлар мажмуи бўлиб, уларнинг субъектини инсон, ижтимоий гуруҳлар, миллат, элатлар, сиёсий ташкилотлар ва оммавий ҳаракатлар, объектини эса уларнинг кўп қиррали фаолияти ташкил этади.

Шунинг билан бир қаторда фалсафа ва сиёсат ўртасида фарқ ҳам мавжуддир. Фалсафа инсон онгида воқеликнинг энг умумий алоқадорлик ва ривожланиш қонуниятларини акс эттириб, унинг дунёқарашини шакллантиришга қаратилган фандир. Сиёсат эса ҳам фаолият, ҳам мафкура сифатида инсоннинг, социал гуруҳлар, миллат ва элатларнинг, муайян синфларнинг, уларнинг сиёсий ташкилотларининг давлат ҳокимиятига, жамиятга, унда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга, табиатга, бошқа мамлакатларга ва ҳоказоларга тааллуқли фаолияти йиғиндисидир. Бундан яққол кўриниб турибдики, агар фалсафа ғоялар мажмуини ташкил этса, сиёсат эса инсон фаолиятининг йиғиндисини ташкил этади.

Сиёсат инсон фаолиятининг йиғиндиси ҳамда мафкура сифатида иқтисодий муносабатлар билан чамбарчас боғлангандир. Сиёсий муносабатлар иқтисодий муносабатларга нисбатан иккиламчи, чунки сиёсий тушунчалар, ғоялар, тасаввурлар ва уларга мувофиқ бўлган муассасалар иқтисодий базис устидаги устқурмадир.

Сиёсатнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, сиёсий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг ифодасидир. Маълумки, синфий жамиятда сиёсатнинг моҳиятини, унинг мазмуний йўналишларини синфий муносабатлар белгилайди, чунки у доимо муайян синфлар, миллатлар, элатлар ва социал гуруҳларнинг манфаати-га қаратилгандир.

Фалсафа эса фан сифатида (фаннинг асосий вазифаси борлиқнинг ривожланиш қонуниятларини билишдан иборатдир) ижтимоий гуруҳлар, синфлар, миллатларга, уларнинг ўз олдига қўйган мақсадлари ва манфаатларига нисбатан бефарқдир. Лекин ижтимоий гуруҳлар, синфлар, миллатлар ва уларнинг сиёсий ташкилотлари бошқа фанлар каби фалсафага ҳам бефарқ эмас. Аксинча, улар фалсафа ғояларини ўз манфаатларига мослаб фойдаланишга интиладилар. Фалсафа фани турли-туман оқимларнинг, йўналишларнинг, хилма-хил ғояларнинг системалаштирилган йиғиндисидан иборатдир. Шунинг эътиборига олган ҳолда ижтимоий синфлар, гуруҳлар, миллатлар, давлат ва ижтимоий ташкилотлар ўзларининг сиёсати мақсадларига жавоб берадиган фалсафий фикр ва ғояларни назарий қурол қилиб оладилар.

Фалсафа билан сиёсатнинг яна бир боғлиқ томони бор. Фалсафа фан сифатида нисбий мустақиллика эга, чунки фалсафий муаммоларнинг доираси уларнинг келиб чиқиши, турли фалсафий мактабларда, йўналиш ва оқимларда хилма-хил ҳал этилиши, илмий ва амалий аҳамияти ва шу каби масалалар сиёсатдан келиб чиқиб эмас, балки бу фаннинг ўзига хос бўлган қонуниятлар асосида белгиланади. Лекин сиёсат бошқа фанлар каби фалсафа фанининг ривожланишига ҳам фаол таъсир этади. Фалсафа фанининг ривожланиши учун зарур бўлган маблағ, унинг ҳажми, илмий-техникавий ускуналар, моддий база, ишчилар сони ва уларга бериладиган маош ҳажми, социал шароитлар ва шу каби масалаларнинг ҳал бўлиши у ёки бу жамиятни бошқариб турувчи давлатлар ва раҳбар ижтимоий партияларнинг сиёсати билан узвий боғлиқдир.

Бундан яққол кўриниб турибдики, фалсафа билан сиёсат бир-бири билан узвий боғланган ва хилма-хил алоқадорликдадир. Буларнинг ўртасидаги алоқадорлик шакллари ва унинг даражалари ҳар бир жамиятга хос бўлган иқтисодий, сиёсий ва маънавий муносабатлар-

нинг хусусиятлари билан белгиланади. Шу туфайли ҳар хил жамиятда фалсафага бўлган муносабат ва унинг сиёсат билан алоқадорлик даражаси турличадир.

Совет жамиятида ўтмишда жаҳон фалсафасининг биттагина турини ташкил қилувчи марксча-ленинча фалсафа давлатимизнинг ва уни бошқариб келган коммунистик партиянинг расмий фалсафаси бўлиб ҳисобланиб, уларнинг ички ва ташқи сиёсатининг назарий асоси сифатида фаол хизмат қилиб келди.

Марксизм-ленинизм таълимотидаги анъана таъсири остида, биз кўп йиллар мобайнида К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин ғояларидан келиб чиқиб, фалсафани муайян синфларнинг, сиёсий партияларнинг манфаатини ҳимоя қилувчи партиявий фан деб ҳисоблаб келдик.

Дарҳақиқат, К. Маркс, Ф. Энгельс ўз асарларида ўзлари томонидан яратилган янги фалсафани пролетариат синфининг манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган партиявий фан деб қайд этиб келганлар. В. И. Лениннинг таъкидлашича, улар жуда узоқ вақт давомида, қарийб ярим аср мобайнида, материализмни ривожлантириб келдилар, фалсафадаги бир асосий оқимни илгари сурдилар, ҳал қилиб қўйилган гносеологик масалаларни ҳадеб такрорлай бермасдан, изчил суратда татбиқ қилиб келдилар,— улар ўша материализмнинг ўзини ижтимоий фанлар соҳасида қандай татбиқ қилиш лозимлигини кўрсатиб, фалсафада «янги» йўл «кашф қилиш», «янги» оқим ва ҳоказоларни ихтиро қилиш йўлидаги сон-саноқсиз уринишларни бемаънилик, қуруқ дағдағадан иборат сафсата деб, раҳмсиз суратда супуриб ташладилар. Маркс ва Энгельс фалсафада аввалдан охиригача партияли эдилар, улар ҳамма ва ҳар қандай «энг янги» оқимларда материализмдан юз ўгиришни ва идеализм ҳамда фидеизмга оғушта бўлишни очиб ташлай билган эдилар. В. И. Ленин махизм фалсафасини танқид қилишга қаратилган «Материализм ва эмпириокритицизм» деган асарида буржуа фалсафасининг терминологик найранглар ва «олимона схоластика» билан ниқобланган сохта партиясизлигини қоралайди. Лениннинг фикрича, синфий антагонистик жамиятда фалсафа икки асосий йўналиш — материализм ва идеализм ўртасидаги курашда муқаррар равишда ривожланади, зотан улар бир-бири билан курашувчи прогрессив ва

реакцион синфларнинг манфаатларини ифодалайди. В. И. Ленин фалсафа тарихига «Платон билан Демокритнинг тенденциялари ёки тутган йўллари» ўтасидаги кураш деб қарайди, бундан икки минг йил илгари фалсафа қанчалик партиявий бўлган бўлса, энг янги фалсафа ҳам шунчалик партиявийдир, фалсафий ғоялар тараққиёти сиёсий кураш тажрибаси билан узвий равишда боғлиқдир, деб уқтиради.

Фалсафада ошкора, изчил материализм йўлини тугиб бориш, Лениннинг фикрича, бу партиявийлик принципини қўллаш демак, зеро, бошқа йўл йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас.

Махистлар ўз таълимотларини «эмпириокритицизм», яъни танқидий тажриба фалсафаси деб атаб, гўё фанни ноилмий нарсалардан тозалаётган «ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан» билиш усулларини фақат таҳлил қилаётган бўлиб кўринишга уринадилар. Махистлар ўзларининг фалсафаси материализм ва идеализм устида турадиган фалсафа, шу боисдан у ўрта ёки бетараф фалсафа деб уқтирмоқчи бўлган эдилар. В. И. Ленин махистларнинг бетарафлик ҳақидаги ўй-фикрларини фош қилиб, фалсафанинг «бетарафлиги», «партиясизлиги» ғояси марксизм билан ҳеч қандай умумийликка эга бўлмаган том маънодаги реакцион, буржуа ғоясидир. Сохта партиясизлик ғояси идеалистик фалсафанинг том маънодаги партиявийлигини, маълум синфий йўналишга эгаллигини ниқоблайди, деб кўрсатади.

Марксизм-ленинизм антагонистик тузумда жамиятнинг ҳар бир синфига ўзининг синфий онги, ўзининг ғоялари, дунёқарашлари хосдир, деб ҳисоблайди. Фалсафий қарашлар синфларнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий қарашлари билан бевосита ёки билвосита боғланган, уларнинг назарий асосини ташкил этади. Фалсафий назария табиат ва жамият тараққиётининг туб қонунлари ҳақида фикр юритиб, доимо синфлар, ижтимоий гуруҳларнинг ўз синфий манфаатлари учун олиб бораётган курашларида ўткир мафкуравий қурол ролида майдонга чиққан ва чиқади ҳам. Шунинг учун марксизм-ленинизм фалсафада очиқ ва изчил партиявий принципини талаб қилади.

Фалсафа масалани фақат шундай тарзда қўйиши мумкин: ёки материализм, ёки идеализм, учинчиси йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Фалсафадаги мана шу икки туб йўналишдан сакраб чиқиш «муросачилик лўттибоз-

лигидан» бошқа нарсa эмасдир,— деб таъкидлаган эди В. И. Ленин.

Марксча партиявийлик принципи, дейди В. И. Ленин, буржуа профессорлари мулоҳазалари заминидa муайян синфий курашларни ҳимоя қилиш мавжудлигини кўриш лозимлигини талаб қилади. Шунинг учун химия, тарих, физиканинг махсус соҳаларида энг қимматли асарлар бера оладиган бу профессорлардан *бирортасининг бир сўзига ҳам, гап философия устида борганда, ишониб бўлмайди.* Нима сабабдан? Шу сабабданки, сиёсий иқтисоднинг умумий назарияси устида сўз бораркан, воқеий, махсус текшириш соҳасида энг қимматли асарлар бера оладиган *ҳеч бир сиёсий иқтисод профессорларининг бир сўзига ҳам ишониб бўлмайди.* Чунки сиёсий иқтисоднинг умумий назарияси ҳозирги замон жамиятида, худди *гносеология* сингари, *партиявий* фандир. Умуман олганда, экономист профессорлар капиталистлар синфининг олим малайларидир, фалсафа профессорлари эса теологларнинг олим малайларидир, вассалом.

Фалсафанинг «бетарафлиги», партиявийсизлиги ҳақидаги махистларнинг гапларини бир четга улоқтириб, В. И. Ленин марксизмга қарши курашда унинг объектив синфий моҳиятини очиб беради. Ленинча партиявийлик принципи фалсафадан ва бошқа фанлардан фаол социал позицияда туришини талаб этарди.

Марксча-ленинча фалсафадаги партиявий принципдан келиб чиқиб, шахсга сиғиниш йилларида фалсафий кураш сиёсий курашнинг инъикоси, шунинг учун ҳам материалистик фалсафа қондаларига қарши чиқиш, уларни ревизия қилиш партиянинг сиёсий чизигидан четга чиқишдан бошқа ҳеч нарсa эмас, деб ҳисобланиб, бунга йўл қўйган кишилар қаттиқ танқид остига олинар ва сиёсий хатога йўл қўйганликда айбланарди. Чунончи 1922 йили бир қатор йирик файласуф-олимлар ва зиёлилар, жумладан Н. А. Бердяев, Н. О. Лосский, С. Л. Франк, С. Н. Булгаков ва бошқалар материалистик диалектикага зид бўлган диний ва идеалистик дунёқарашда айбланиб, чет мамлакатларга ҳайдаб юборилган эди.

20—30-йиллар давомида мамлакатимизда, бир томондан большевиклар партияси, иккинчи томондан, оппортунизмнинг икки сиёсий йўналишини (уклон) ташкил этувчи деб ҳисобланган анархо-синдикализм (Троцкий, Зиновьев, Каменев) ва реформизм (Бухарин,

Риков, Томский) оқимлари ўртасида сиёсий тортишувлар, курашлар авж олиб кетган эди.

Партиянинг касаба уюшмаларининг жамиятдаги роли, демократия, пролетариат диктатураси, яккаю-ягона мамлакатда социализм жамиятини барпо этиб бўладими ёки бўлмайдими, социализмда синфларнинг, жумладан деҳқонларнинг ва синфий курашларнинг роли нимадан иборат, халқ хўжалигини индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш масалалари, маданий меросга муносабат ва шу каби мураккаб, жиддий масалалар бўйича аксарият большевиклар бир фикрда бўлса, анархо-синдикализм ва реформизм оқимларининг намояндалари бошқа фикрда эдилар. Ҳар тарафнинг намояндалари ўзларининг сиёсий қарашларини назарий жиҳатдан асослаш, далиллаш ниятида фалсафа қоидаларига мурожаат этардилар.

Анархо-синдикалистлар ўзларининг сиёсий фикрларини фалсафадаги механистик, вульгар материализм қоидаларидан келиб чиқиб асослашга уринса, реформистлар эса ўзларининг сиёсий қарашларини фалсафадаги меньшевистик, идеализм нуқтаи назаридан келиб чиқиб асослашга интилардилар. Оқибатда бу даврда фалсафа фанида ғоявий кураш кескинлашиб кетади. Большевиклар партияси ўзини материалистик диалектика тарафдори деб ҳисоблаб, механистик материализм ва идеализм ғояларини эътироф этувчиларга қарши кураш олиб борарди.

Механистик материализм йўналишининг намоёндалари қаторига табиатшунослар А. К. Тимирязев, И. Скворцов-Степанов, А. Богдановнинг фикрдоши — Н. Бухарин, кантчи — Л. Аксельрод, фрейдист — А. Варьяш, позитивист — В. Сарабьяновлар киради деб ҳисобланиб, улар большевиклар партияси томонидан қуйидагиларда: 1) диалектик материализмни табиат фанлари билан айлантиштириб, фалсафа фанини йўққа чиқаришга уринишда; 2) материалистик инъикос назариясига қарши чиқиб, агностицизм, позитивизм, кантичилик, идеализмга йўл очиб беришда; 3) диалектика айлани вақтда билиш назариясини ҳам ташкил этади деган ғояга қарши чиқиб, диалектикани механика қоидалари билан мувозанат назарияси билан алмаштиришга уринишда; 4) диалектик мантиқ фанини формал мантиқ, эклектика ва софистика билан алмаштиришга уринишда асоссиз айблангандилар.

Меньшевикчи идеализм оқимига В. Г. Плехановнинг шогирди А. М. Деборин ва унинг фикрдошлари Я. Стэн, Н. Карев, Г. Баммель киради деб ҳисобланиб, улар большевиклар партияси томонидан фалсафани сиёсатдан, назарияни ҳаётдан, пролетариатнинг синфий курашидан, партиянинг мақсадидан, социалистик қурилиш вазифаларидан ажратиб қараб, В. И. Лениннинг марксизм таълимотига қўшган ҳиссасини инкор этишда, фалсафа фанини Гегель таълимоти асосида ижобий бойитиш ниқоби остида назарияни ҳаётдан ажратиб, уни мавҳум (абстракт) схоластик қоидалар йиғиндиси-га айлантиришга уринишда, материалистик диалектикани билиш назариясига қарама-қарши қилиб кўрсатиб, унинг инсон дунёқарашини шакллантиришга қаратилган фан эканлигини яширишга интилишда, троцкизмни қўллаб-қувватлашда ва ҳоказоларда ноҳақ айбланганлар. Мана шундай кескин курашлар оқибатида йирик файласуф олим Н. А. Карев, И. К. Луппол, Я. Э. Стэн, С. Ю. Семковский, Г. Г. Шпет, П. А. Флоренский ва бошқалар ҳибсга олиниб, отиб ўлдирилдилар.

Бутуниттифоқ (большевиклар) Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг 1931 йил 25 январда қабул қилинган «Марксизм байроғи остида кураш» тўғрисида қарорида расмий равишда фалсафадаги мавжуд икки оқимга — марксизмга механистик нуқтаи назардан ёндошиш ва уни А. Деборин, Н. Карев, Я. Стэн ва бошқалар томонидан идеалистик руҳда талқин қилишга қарши курашишни кучайтириш зарурлиги қайд этилиб, «Марксизм байроғи остида» журнали редакциясидан ўз ишларида фалсафанинг ленинча партиявийлик принципини доимо ўтказиб туриш талаб этилади.

Мазкур қарор асосида 30-йилларнинг охири ва 40-йилларда жамиятимизда мафкуравий курашлар, айниқса фалсафа соҳасида янада кучайиб кетади. 1938 йили И. Сталиннинг «Диалектик ва тарихий материализм ҳақидаги очерклари» чоп этилади. Партиянинг қисқача тарихи курсига алоҳида боб бўлиб кирган бу асар партия томонидан расмий равишда қабул қилинган марксизм-ленинизм таълимотининг энциклопедик йиғиндиси деб баҳоланди. Ана шу пайтдан бошлаб фалсафа фанининг асосий вазифаси И. Сталиннинг юқорида кўрсатилган асаридаги қоидаларни тарғиб ва ташвиқ этиш билан чегаралаб қўйилади. Оқибатда, барча совет кишилари каби, фалсафа соҳасида ишловчи олимларнинг

Ўзи ҳам ўз фанининг муаммолари бўйича эркин фикр юритишга ожиз бўлиб, партия сиёсатини, унинг турли қарорларини ўрганиш ва ташвиқ этиш билан чегараланиб қолишга мажбур бўладилар.

1947 йили партия Марказий Комитети ташаббуси билан академик Г. Ф. Александровнинг «Ғарбий Европа фалсафа тарихи» деган китоби бўйича илмий мунозаралар ташкил қилинади. Бу китоб 1940 йилдан бошлаб чоп этилаётган 7 жилдлик асарнинг учинчи жилди эди. Асар Сталин мукофотига сазовор бўлганлигига қарамасдан, партия Марказий Қўмитаси котиби А. А. Жданов томонидан қаттиқ танқид остига олинади. Асар муаллифи ғарбий Европа файласуфларини кўкка кўтариб мақтаб, марксизм асосчиларининг фалсафага қўшган ҳиссасини кўрсатиб бера олмаганликда, шу фалсафа тарихидаги икки асосий оқим — материализм ва идеализм ўртасидаги курашни атрофлича очиб бермаганликда, фалсафанинг партиявийлиги принципига амал қилмаганликда айбланган эди. Докладда файласуф-олимлардан илмий мафкуравий ишларда партия сиёсатини фаол қўллаб-қувватлаб, фан билан ҳаёт муносабатларини янада мустаҳкамлаш, буржуа мафкурасига зарба бериш лозимлиги талаб қилинган эди.

Мазкур фалсафий муҳокамадан кейин фалсафа фанининг ривожланиши янада пасайиб кетди. Чунки олимлар эркин фикрлашдан маҳрум бўлиб, сиёсий муҳитдаги оғир вазиятнинг таъсири остида янги илмий ишлар яратиш ва уларни чоп этишга журъатлари етмасди. Мана шундай аҳвол шўролар мамлакатида 50-йилларга қадар давом этиб келди. Гарчи Сталин вафот этгандан кейин жамиятда юз берган ўзгаришлар фалсафа фанининг ривожланишига ҳам бирмунча ижобий таъсир кўрсатиб, бу соҳада муайян ютуқларга эришишга имкон берган бўлса-да, лекин умуман фалсафа коммунистик партия сиёсатининг мафкуравий қуроли бўлиб қолаверди.

Ижтимоий фанларнинг КПССга тўлиқ қарам бўлиб, унинг мафкуравий қуролига айланиб қолишини қуйидагилардан яққол кўришимиз мумкин. КПССнинг расмий ҳужжатларида, жумладан, съездлар ва Пленумлар қарорларида ижтимоий фанларнинг барча соҳалари олдида турган вазифалар доимо батафсил белгиланиб бериларди. Назарияни ҳаёт билан узвий боғлаш зарурлиги ниқоби остида ижтимоий фанлардан асосан КПССнинг

ички ва ташқи сиёсатини илмий жиҳатдан асослаб ва далиллаб бериш талаб қилинарди. Фаннинг соф ва хусусий назарий масалалари билан қизиқувчи олимлар эса схоластика ва догматизмда айбланиб, қаттиқ танқид остига олинарди. Масалан, КПСС съездларида фалсафа фанининг ўзаги бўлган — диалектика назарияси бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боровчи олимлар ҳаётдан ажралиб қолган, ҳеч кимга керак эмас, мавҳум муаммолар билан шуғулланишади деб қаттиқ танқид остига олинганликлари илмий жамоатчилик учун сир эмас. Шунинг учун ҳам аввалги йилларда фалсафа фанининг назарий масалаларига эътиборсизлик билан қараш, унинг доирасидаги муаммоларни сунъий равишда бўлса-да, ҳаёт билан боғлашга интилиш кенг илдиз отиб кетган эди.

КПСС ўз фаолиятида ижтимоий фанларнинг олдида турган вазифаларни кўрсатиб бериш ва унинг бажарилишини таъминлаш билан бир қаторда марксча-ленинча назарияни ижодий ривожлантиришни ҳам ўзининг асосий ва муҳим вазифаси деб ҳисоблаб келган эди.

Қайси фан бўлишидан қатъи назар уни ривожлантириш — шу соҳада ишлайдиган мутахассисларнинг вазифасидир. Лекин КПСС бу ишни ҳам ўзининг асосий ва муҳим вазифаси деб ҳисоблар эди. Партия ҳаётда содир бўлаётган воқеаларни билиб олишга, марксча-ленинча назарияни ижодий ривожлантиришга тегишлича эътибор бермаса, ўз ролини бажара олмайди деган ғоя ижтимоий фанлар соҳасида ҳам кенг тарқалган эди. Ижтимоий фанларни ривожлантириш фақатгина партиянинг иши, монополияси бўлиб қолган эди. Шунинг учун ҳам бу соҳада ишловчи олимлар янги бир фикр айтгилари келса, уни ўзларининг номидан эмас, балки «марксизм-ленинизм таълимотига кўра», «КПСС ғояларига биноан» деган иборалар орқали ифода қилар эдилар.

Кейинги йилларда партиянинг умумий тафаккури ҳосиласи деб ҳисобланиб келган бир қатор умумлашмалар ва хулосалар ишлаб чиқилганлигидан хабардормиз. Собиқ СССРда ривожланган социализмнинг барпо этилиши, социализм жамиятининг жаҳон системасига айланиши, барча халқларнинг социализм жамиятидан муқаррар равишда коммунизмга ўтиши, коммунизмнинг моддий-техникавий асосини яратиш, миллий муносабатларни такомиллаштириш, инсоннинг камол топиши ва

ҳоказолар шулар жумласидандир. Ижтимоий фанлар соҳасида ишлаган олимлар ўзларини қизиқтирадиган илмий муаммолар билан шуғулланиш ўрнига, юқорида айтилганидек, партия томонидан ишлаб чиқилган ғояларнинг илмий ва амалий аҳамиятини асослаб бериш билан банд бўлиб қолар эдилар.

Партия ҳужжатларида марксизм-ленинизм таълимотини кенг халқ оммаси ўртасида тарғиб ва ташвиқ этиш масалалари ҳам аниқлаб бериларди. Пропагандистларнинг асосий вазифаси партия талабига биноан марксизм-ленинизм ғояларини чуқур ва атрофлича тушунтириб беришдан, социализм ва коммунизм ғалабаси учун КПСС олиб бораётган курашда марксизм-ленинизм ғоялари муваффақиятли амалга оширилаётганлигини кўрсатиб беришдан, партия томонидан тўпланган назарий «бойликдан» амалий фаолиятда фойдаланиш ва бу назарий «бойликни» ривожлантиришни ўргатишдан, меҳнаткашларни партия сиёсатини амалга ошириш учун курашга сафарбар қилишдан, коммунизм учун фаол ва саботли курашчиларни тарбиялаб етиштиришдан иборатдир деб келинганди. Пропагандистларнинг халқ оммаси орасида ўқийдиган маърузалари мавзулари ва уларни ёритиб берадиган матнлар ҳам асосан партия қўмиталари томонидан тайёрлаб бериларди. Демак, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришда ҳам партиявийлик принципига амал қилиш керак эди.

Бундан ташқари, КПСС ҳужжатларида марксизм-ленинизм таълимотининг синфийлик ва партиявийлик принциpidан келиб чиқиб, ҳозирги замон буржуазия мафкурасига қарши курашни кучайтириш зарурлиги ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган эди. Шунинг учун ҳам биз, олимлар кўп йиллар давомида буржуа фалсафасининг турли мактаб ва мактабчалари, оқим ва йўналишларини қоралаб, уларни ўзимизча фош қилишга уриниб келдик. Ҳозирги замон буржуа фалсафаси «ўлиб бораётган» капитализмнинг реакцион, халққа қарши мафкураси сифатида ғайриилмий идеалистик таълимотлар ёрдамида империалистик буржуазия капитализмини абадий деб исботлашга, меҳнаткаш оммани социал жиҳатдан озод қилишнинг олдини олишга, уларнинг янги жамият учун кураш иродасини сусайтиришга ҳаракат қилмоқда, деб камситиб, унда мавжуд бўлган ижобий фикрлардан ўзимизни маҳрум қилдик.

Ҳаёт шундан далолат берадики, ҳозирги замон фалсафасидаги барча фикр-мулоҳазаларни тўғридан-тўғри инкор этиш, уларни реакцион деб айтиш нотўғри, балки муҳокамада оқилона йўл тутиш, диалектик қарашларни мантиқий жиҳатдан асослаш мақсадга мувофиқдир. Янгича сиёсий тафаккур мафкуравий муҳолифликни таҳлил қилиш душманлик кайфиятидан халос бўлишни, у ёки бу қарашларни ҳолисона баҳолашни талаб этади.

Юқорида айтилганлар шундан гувоҳлик берадики, сиёсат ҳар доим фалсафага ўз таъсирини ўтказиб келган. Марксистик фалсафа ишчилар синфининг тарихий вазифасини амалга оширишга қаратилган сиёсат билан ҳамбарчас боғлиқ ҳолда вужудга келди ва ривожланди. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин марксизмнинг йўли унинг фалсафий асослари билан маҳкам боғланганидир, деб ёзган эди. Унинг таъкидлашича, фалсафий материализмдан ҳар қандай чекиниш, диалектик материалистик дунёқараш асосларини тафтиш қилишга ёки рад этишга ҳар қандай уриниш эксплуататор синфлар манфаатига хизмат қилади, революцион кучларга нисбатан сотқинлик ҳисобланади ҳамда социал тараққиётга жиддий зарар етказди.

Фалсафада партиявийлик принципнинг оқибати нисбатан олиб келганини ҳозирги ҳаётимиз яққол кўрсатиб турибди.

2. УТМИШДАГИ СИЁСИЙЛАШГАН ИЛМИЙ-ҲОЯВИЙ КУРАШЛАРДА ФАЛСАФАНИНГ УРНИ

Марксча-ленинча фалсафадаги синфий ва партиявий принцип КПСС ва эски маъмурий-буйруқбозлик системаси томонидан кенг маънода талқин этилиб, мафкуранинг ҳамма шакллари каби табиатшунослик фанларига ҳам жорий қилиниб келди. Барча табиий фанлар, жумладан математика, физика, химия, биология ижтимоий фанлар сингари синфий ва партиявий хусусиятга эгадир, деган ғоя шўролар жамиятида кенг тарқалган эди.

Маълумки, материалистик диалектика илмий билишда муҳим методологик вазифани бажаради. Диалектика воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий ривожланиш қонуниятларини ўрганиб, инсонда нарсаларнинг моҳиятига чуқур кириб бориш, оламда юз беради-

ган ҳодисани онгли таҳлил қилиш имкониятини яра-
тади.

Диалектика, унинг қонун ва категорияларининг та-
бий-илмий билишдаги роли ҳақида сўз юритган
Ф. Энгельс фақат диалектика табиатда юз берадиган та-
раққиёт жараёнлари учун, табиатнинг умумий алоқа-
дорликлари учун, бир тадқиқот соҳасидан иккинчи тад-
қиқот соҳасига ўтиш учун аналогдир ва шу билан бирга
изоҳат методидир, деб таъкидлаган эди. Унинг фикрича,
табиатшунослик фани тўплаган фактлар табиатни диа-
лектик тушунишга олиб келди. Табиат диалектиканинг
синов тошидир ва, айтиш керакки, ҳозирги замон та-
биати бу синов учун жуда ҳам бой, кундан-кун кўпайиб
борадиган материал берди ва шу материал билан исбот
қилдики, табиатда пировард натижада ҳамма нарс
диалектик тарзда юз беради. Шунинг учун табиатшу-
нослик ва фалсафа ўртасида мустаҳкам иттифоқ
бўлиши лозим. Бу фикрни В. И. Ленин ҳам маъ-
қуллаб, табиатшунос олим ҳозирги замон материалисти
бўлиши, Маркс ифода қилган материализмнинг онгли
тарафдори, яъни диалектик материалист бўлиши ло-
зимлигини уқтирган эди.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, КПСС бутун
фаолияти давомида марксизм-ленинизм революцион ду-
нёқараш эканлигини асослаб беришга интилди, бу таъ-
лимот ижтимоий тараққиёт жараёнини қонуний ва ғоят
кенг кўламлиги, кўп қиррали ва зиддиятлилиги билан
яхлит ҳолда илмий асосда ўрганиш йўлини кўрсатиб
беради, иқтисодий ва сиёсий кучларнинг ҳаракати ва
ўзаро муносабатларини тўғри англаб олишга, кураш-
нинг тўғри йўналишлари, шакллари ва усулларини тан-
лаб олишга, кескин тарихий бурилишларда ўзини дадил
ҳис қилишга ўргатади деб ҳисоблаб келди. Марксизм-
ленинизм таълимотининг фалсафий асосини ташкил
этувчи диалектик материализм эса илмий билишда му-
ҳим методологик функцияни бажаради, деб ҳисобланар,
партия ҳужжатларида, диалектик-материалистик мето-
дологияни доимо ижодий ривожлантириш, тадқиқотчи-
лик ишида ва ижтимоий практикада оқилона қўллаш
кераклиги алоҳида таъкидланарди.

Эски сиёсий ва маъмурий-буйруқбозлик тузуми диа-
лектик материализмни табиат, жамият, тафаккур ва шу
каби фан тараққиётида ҳам намоён бўладиган воқелик-
нинг энг умумий алоқадорлик қонуниятларини ўрганувчи

ҳамда ўз фаолиятининг фалсафий назарий асосини ташкил этувчи фан деб ҳисоблаб, барча табиий ва ижтимоий фанларни амалиёт билан боғлаш, уларни идеализм, фидеизм, метафизика, догматизмдан ҳимоя қилиш ниқоби остида олимларнинг илмий ишларига қўпол равишда араллашиб, уларга партиянинг сиёсатини ўтказишга уриниб келди. Бу ҳол пировардида кўпгина салбий натижаларга олиб келди.

Илм-фан соҳасида рўй бераётган жараёнларга диалектика юзасидан ёндошиш табиий ҳолдир, чунки фалсафий фикрлаш — бу, воқеликнинг ҳар хил соҳасида, шу жумладан фанда ҳам юз бераётган воқеа-ҳодисаларнинг энг умумий қонуниятларини инсон онгида акс эттиришга қаратилган фикрлашдир. Лекин фаннинг турли соҳасидаги натижалар ва хулосаларга диалектик материализм нуқтаи назаридан келиб чиқиб баҳо бериш нотўғридир, чунки фан муаммоларини жамиятнинг мансаб эгалари ёки муайян бир синфнинг, ижтимоий гуруҳларнинг сиёсатлари эмас, балки олимларнинг ўзи илмий асосда ҳал қилишлари керак. Афсуски, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, кўп йиллар мобайнида фалсафа фани КПСС сиёсатини тарғиб ва ташвиқ этувчи маънавий қуролга айланиб қолган эди. Файласуф олимлар эса партия сиёсатидан келиб чиқиб, табиий фанлардаги илмий масалаларни диалектик материализм нуқтаи назаридан ҳал қилишга уриниб келишганди. Бунини биз биология фанида бир неча йил мобайнида давом этган агроном-олим, ВАСХНИЛнинг собиқ президенти Т. Д. Лисенко билан классик генетика тарафдорлари ўртасидаги кескин илмий курашдан яққол кўришимиз мумкин.

Т. Д. Лисенко ва унинг ҳамкасблари фикрича, жонли организм нормал тараққий этиш учун зарур бўлган муайян шарт-шароитларни (маълум даражадаги ёруғлик, намлик ва ҳоказолар) талаб этади. Агар ана шу атроф-муҳитдаги шарт-шароитлар муайян бир мақсадга қаратилиб, аста-секин ўзгартириб борилса, у ўз навбатида организмнинг наслига таъсир кўрсатади ва унда янги хусусиятлар вужудга келади. Бундай ўзгаришлар жонли организмларнинг икки-уч авлодларида такрорланиб турилса, унда организмда ҳосил бўлган янги хусусиятлар аста-секин мустаҳкамланиб, унинг наслини тубдан ўзгартириб юбориш имкониятини яратади, натижада бир сифатдаги ўсимлик, организм иккинчи сифатли ўсим-

ликка айланади. Бунга илмий далил сифатида улар ўзлари томонидан кўп йиллар давомида соя, буғдой, маккажўхори ва бошқа ўсимликлар устида олиб борилган тажрибаларнинг натижаларига мурожаат қилган эдилар.

Генетика фанининг тарафдорлари Н. Вавилов, И. И. Шмальгаузен, Н. П. Дубинин ва бошқалар эса жонли организм насли мутлақ барқарорлик хусусиятига эга, атроф-муҳитдаги шарт-шароитлар организмнинг ривожланишига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатмай қўймайди, лекин улар жонли организм наслини тубдан ўзгартира олмайди, жонли организмларнинг туб ўзгариши уларнинг моддий асосини ташкил этувчи ген структурасининг ўзгариши натижасида ҳосил бўлади, бунга организмларнинг ички ривожланиш қонуниятларини билиш орқали эришишимиз мумкин деб ҳисоблайдилар.

Биология фанидаги бу икки йўналиш ўртасидаги қарама-қарши фикрлар фан ва амалиёт ютуқларига асосланган ҳолда олимлар томонидан баҳоланиши керак эди. Лекин КПСС томонидан Т. Д. Лисенко ғоялари материалистик дунёқараш принципларига тўлиқ жавоб беради, генетиклар ғоялари эса — буржуа мафкурасига хос идеалистик дунёқарашдир, деб эътироф этилиб, 1948 йили август ойида ўтказилган ВАСХНИЛ сессиясида генетика соҳасида олиб борилган ишлар тўхтатилсин, деган қарор қабул қилинди.

Бизнинг файласуф олимларимиз эса партиянинг сиёсатини маъқуллаб, генетика фанини диалектик материализмга зид, биология фанидаги идеалистик оқим деб изоҳлаб бердилар. 1954 йили СССР Фанлар академияси Фалсафа институтининг олимлари томонидан тайёрланиб, чоп этилган «Диалектик материализм» китобида диалектик материалистик дунёқараш билан қуролланган мичуринчилар вейсанизм-морганизмларнинг насл барқарорлиги таълимотининг назарий ва амалий жиҳатдан пуч эканлигини асослаб беришганлиги айтилган эди.

Натижада генетика соҳасида илмий тадқиқотлар қилиб келган олимлар ўз ишларидан бўшатилиб, қувғин остига олиндилар, бу соҳадаги илмий ишлар 1965 йилга қадар тўхтаб қолди, шу билан бирга мамлакатда генетика фанининг ривожланишига катта зарар етказилди. Бу сиёсатнинг фанга қўпол равишда аралашувининг натижаси эди.

Партиянинг биология соҳасидаги илмий ишларга қў-

тол равишда аралашishi, биринчидан, бу фаннинг тараққиётига путур етказган бўлса, иккинчидан, биология фани ривожланиши жараёнидаги кашфиётларни баҳолашда бирёқламаликка йўл очилди. Ҳозирги генетика фанининг ютуқлари шундан далолат берадики, жами организмнинг ривожланиши учун атроф-муҳитдаги ўзгаришлар ҳам, уларнинг насл ўзгаришлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Буларни бир-биридан ажратиб, бир-бирига қарама-қарши қилиб кўрсатиш нотўғридир.

Сиёсатнинг фанга кўрсатган салбий таъсирини физиология ва психология фанлари тараққиёти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Маълумки, совет олимлари ўртасида кўп йиллар давомида психик ва физиологик жараёнларнинг хусусиятлари ва уларнинг бир-бири билан алоқадорлиги масаласи устида кураш давом этиб келганди. Йирик рус олими И. М. Сеченов физиологик жараёнлар психик жараённинг моддий асосини ташкил этади, онгли ва онгсиз фаолият физиологик жараённинг оқибатидир, деган ғояни олға сурган эди. И. М. Сеченовнинг шогирди И. П. Павлов унинг фикрини янада ривожлантириб, олий нерв фаолияти назариясини яратди. У жонли организмнинг психик фаолиятини унинг физиологик асосларидан келиб чиқиб изоҳлаш мумкин эканлигини ўзининг шартли ва шартсиз рефлекслар назарияси ёрдамида экспериментал асослаб берди. Бу назариялар диалектик материализмдаги инъикос назариясининг муҳим табиий-илмий асосларини ташкил қилади, деб тан олинган эди. Уларнинг таълимотига зид келувчи фикрлар эса, жумладан, фрейдизм, бихеоворизм, гештальт назарияси ва шу каби буржуа мамлакатларида кенг тарқалган таълимотлар идеалистик дунёқарашни ташкил этади, деб ҳисобланиб келинган эди.

Физиология фанидаги материалистик анъаналар йирик олим Л. С. Виготский томонидан янада ривожлантирилди. У ўз асарларида тафаккур билан тилнинг алоқадорлиги, уларнинг ривожланишига биологик ва ижтимоий омилларнинг кўрсатадиган таъсири каби муҳим ва жиддий масалаларни атрофлича илмий асослаб берди.

50-йилларда партия томонидан фанни назорат қилиш янада авж олиб кетиши натижасида физиология ва психология соҳаларидаги турли илмий оқимлар ўртасида кураш кескинлашиб кетди. Бунга 1950 йили СССР Тиббий фанлар академияси томонидан физиология ва пси-

хология фанларидаги буржуа мафкурасини фoш этиш ниятида ўтказилган илмий сессия мисол бўла олади. Сессияда қатор йирик совет олимлари, жумладан П. К. Анохин, Л. А. Орбели, И. С. Бериашвили, И. П. Резенков ва бошқалар Павлов назариясига зид келувчи асарлар ёзган буржуа олимлари Когхилл, Вейс ва бошқалар томонидан яратилган реакцион ғояларни қўллаб-қувватлашда айбландилар.

Физиология фанини ижодий ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлар ичида С. А. Рубинштейн номи алоҳида эътиборга сазовордир. У ўз асарларида онг тушунчасини янгича тасвирлаб беришга муяссар бўлди. Унинг фикрича, онг бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган, бир-бирини доимо тўлдириб турадиган психик ва физиологик хусусиятларнинг йиғиндисидан иборат, деган ғояни атрофлича илмий асослаб берди. Унинг бу фикрлари В. Н. Қолбановский ва бошқалар томонидан дуализмга йўл очиб берадиган ғоя, деб танқид остига олинди. Шунини эътиборга олган ҳолда С. А. Рубинштейн ўз фикрини ўзгартиришга мажбур бўлди. Кейинги йилларда ишлаб чиққан инъикос назариясидан у психик фаолият-дунёнинг инъикоси бўлган миyanинг фаолияти, психик жараён айна вақтда ички ва ташқи омилларнинг йиғиндисидан иборат, деган ғояни илмий асослаб берди. Бундан яққол кўриниб турибдики, психик фаолият айна пайтда ҳам идеал, ҳам моддий томонларни ўз ичига қамраб олади. Психик фаолиятнинг идеал томонини дунёнинг образлари ташкил этса, унинг моддий томонини воқеликнинг ўзи ташкил этади.

А. Р. Лурия кишиларнинг психикасини шакллантиришда ижтимоий омиллар катта аҳамият касб этади, деган фикрдан келиб чиқиб, буржуа мамлакатларида кенг тарқалган фрейдизм таълимотини танқид остига олди. Унинг фикрича, фрейдистлар инсон ҳаракатини жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий омиллардан келиб чиққан ҳолда эмас, балки ақл-заковатнинг биологик асосларидан келиб чиқиб изоҳлар эмиш. Аслида эса инсоннинг онгли ҳаракати манбаини индивид билан уни қуршаб турган ижтимоий муҳит ўртасидаги мавжуд алоқадорликдан излаш керак. Шунга қарамасдан, А. Р. Лурия ҳам бошқа олимлар томонидан буржуа мафкураси таъсири остидаги олим деб танқид қилинди.

1962 йили физиология ва психологиянинг фалсафий муаммоларига бағишланган Бутуниттифоқ илмий кен-

таши ўтказилиб, унда иккита асосий масала: И. П. Павлов таълимотининг истиқболи ҳамда онг таърифи бўйича қаттиқ музокаралар бўлди. Бир гуруҳ олимлар, жумладан Н. А. Бернштейн, Н. И. Геращенко, Л. П. Латаш, И. Фейгенберг, М. М. Бонгард ва бошқалар ҳозирги даврда И. Павловнинг таълимоти ўз аҳамиятини йўқотмоқда, шунинг учун уни янгилашимиз лозим, деб, психик жараёни атрофлича тушуниш учун кибернетика фани ютуқларидан фойдаланиш зарурлигини қайд этдилар. И. Павлов таълимотининг тарафдорлари Э. А. Асратян, Л. Г. Воронин, Ю. П. Фролов юқоридагиларнинг фикрига қарши чиқиб, уларни ўз навбатида дуализм, непозитивизм, гештальт назарияси ғояларини олға сураётганликда айбладилар.

Шу билан бир қаторда кенгашда файласуф ва психологлар ўртасида онг масаласида катта тортишувлар бўлди. Файласуфлар фикрича, рефлектор фаолият аини бир вақтда ҳам физиологик, ҳам психологик фаолиятдир. Масалага бундай ёндошиш дуализмга, бихеоворизмга йўл қўймайди, деб уқтиришди улар.

Йирик физиолог П. К. Анохин ҳам И. Павлов таълимотини ижодий ривожлантириш зарурлигини таъкидлаб, бир неча янги фикрларни кенгаш иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилди.

А. Н. Леонтьев ғарбий мамлакатларда кенг тарқалган бихеоворизм, гештальтпсихология, неофрейдизм ғояларини танқид остига олиб, «фаолият» тушунчасини янгича изоҳлаб берди. Фаолият ижтимоий хусусиятга эга, у кўп қиррали тушунча, меҳнат ижтимоий фаолиятнинг биргина шакли, инсон шахс бўлиб туғилмайди, у ижтимоий шарт-шароитлар таъсирида шахс бўлиб шаклланади, деб, туғма салоҳият (интеллект) ва туғма эҳтиёж мавжуд, деган фикрларни танқид остига олади. Бу фикрлари учун уни бошқа олимлар догматизмда айблайдилар.

Совет олимлари фрейдизм таълимотини танқид қилиб, ундаги мавжуд ижобий фикрларнинг (жумладан, онгли ва онгсиз тушунчаларининг) мағзини чақа олмаган эдилар. Шунинг эътиборга олган ҳолда Д. Н. Узнадзе «инсоннинг ички ҳолати» деган тушунчани изоҳлаб, унинг инсон фаолиятидаги ролини асослаб беришга уринди ва ўз навбатида М. С. Лебединский томонидан танқид остига олинди.

70—80-йилларда инсоннинг «потенциал имкониятла-

ри»ни ўрганиш ва уларни активлаштириш масалаларига эътибор кучайиб кетди. Б. П. Никитин, Е. А. Никитиналар илмий изланишлари ва ўзларининг шахсий фаолияти асосида инсоннинг ички имкониятларини фаоллаштиришда шахсий, ахлоқий, коллектив алоқаларини ривожлантириш катта аҳамиятга эга эканлигини асослаб беришди ва шунга кўра инсон ўз-ўзини тарбиялаш орқали шаклланади, деган хулосага келишди.

КПССнинг «янги инсонни шакллантириш» сиёсатига мос келган мазкур ғояни тарғиб қилиш жамиятда кенг авж олиб кетди.

70-йилларда инсон генетикаси муаммолари долзарб мафкуравий масалалардан бўлиб қолди. Ҳолбуки инсон моҳиятини биологик ва социал жиҳатдан ёндошиб изоҳлаш катта методологик аҳамиятга эгадир. Утмишда совет олимларининг аксарияти марксизм-ленинизм таълимотидан келиб чиқиб, инсоннинг моҳияти социал-ижтимоий муносабатлар йиғиндиси билан белгиланади деб, ижтимоий омилларнинг ролини биологик омиллардан устун қўйиб келишарди. Аксинча фикрдаги олимлар буржуа мафкурасини ёқловчи кишилар сифатида айблаларди. Инсонга бундай ёндошиш партия сиёсатига мос келиб, у томонидан қўллаб-қувватлаб келинган эди. Кейинги йилларда генетика фанининг ривожланиб кетиши натижасида айрим олимлар: П. Симонов, В. П. Эфроимсон, Б. Астауров ва бошқалар инсондаги генетик омилларнинг ролини бўрттириб кўрсатиб, ижтимоий омилларнинг ролини камайтириб қарашга урингандилар. Инсонга бундай ёндошиш бирёқламаликка олиб келиши турган гап. Шунинг эътиборга олган ҳолда ҳозирги пайтда аксарият олимлар (биологлар, психологлар, файласуфлар ва бошқалар) инсон биосоциал организм, шунинг учун унга бир ёқлама қараш нотўғри деган ғояни олға сурмоқдалар.

Инсон фақат ижтимоий мавжудотгина бўлмай, балки у айни бир вақтда ҳам ижтимоий, ҳам биологик омилларнинг бирлигидан ташкил топган энг мураккаб мавжудотдир. «Инсон табияти,— деб ёзган эди академик Н. П. Дубинин,— бир-бири билан ўзаро мустаҳкам алоқадорликда бўлган икки нарса — биологик ва ижтимоий омилларнинг бирлиги билан тасвирланади»¹. И. Т. Фро-

¹ Н. П. Дубинин. Биологические и социальные факторы развития человека. «Вопросы философии» журналы, 1977, 2-сон, 46-бет.

лов, В. Г. Афанасьев, М. С. Коганлар одам айни бир вақтда биологик ва ижтимоий мавжудотдир деб таъкидлашади.

Одамнинг ижтимоий моҳияти, алоҳида хусусиятларини биологик омиллардан ажратган ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас. Одамни системали ўрганишда биологик ва ижтимоий омилларнинг ўзаро бирлигига асосланиш зарур. Одам организмда модда ва энергия алмашинувининг узлуксиз давом этиши, тўқима органларининг тузилиши ва вазифалари, инстинкт, шартли рефлекс, асаб системаси ва бошқа яхлит системалар биологик омилларга киради. Улар организмнинг тева-рак-атрофдаги муҳитга мослашувини таъминламайди, яъни улар ижтимоий вазифаларни амалга оширувчи «ишчи механизмлар» ролини ўйнайди. Одамдаги ирсий белгилар ҳам биологик омилларнинг муҳим таркибий қисмини ташкил қилади.

Одамда биологик эҳтиёжлар (овқатланиш, модда алмашинуви, зурриёт қолдириш ва бошқалар) дан ташқари билиш эҳтиёжлари, маънавий-эстетик ва бошқа эҳтиёжлар ҳам бор. Бу эҳтиёжлар туғма, наслий эҳтиёжлар эмас, балки тарихий тараққиётнинг, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг маҳсулидир. Одамнинг биологик мавжудот сифатида такомиллашуви тарихий тараққиёт жараёнида, ижтимоий омиллар таъсири остида сифат жиҳатдан ўзгара борган.

Одамнинг бундай таърифи буржуа фалсафаси ва социологиясида инсоннинг моҳиятини «табiiй (физик-биологик) ва руҳий омиллар белгиламайди», деб таъкидлайдиган таълимотларга зиддир. З. Фрейд инсондаги биологик ибтидони ўз таълимотига асос қилиб олади ва инсон руҳиятини объектив оламдан, физиологик механизмлардан узиб қўяди ва шу тариқа уни инсоннинг моддий ҳаёт шароитларидан ажралган, мутлақо мустақил соҳа деб кўрсатади. Фрейд инсон руҳиятини онгли ҳаракатларнинг ҳамда оқилона тарзда билиб бўлмайдиган ва онгсизлик оламини ташкил этадиган инстинктнинг мураккаб мажмун деб тушунади ва бу онгсизликни «шахснинг табiiй хусусияти» ёки «у» деб атайди. Айрим олимлар шу тариқа одамнинг алоҳида камолотини руҳий, биологик омиллар, генетика белгилаб беради, деб даъво қиладилар. Америкалик психолог Э. Трондайкнинг кўрсатишича, одамнинг ақлий қобилиятини, истакларини ҳам худди энг оддий жисмоний сифатлар

сингари генетика — ирсият белгилаб беради. Бундан яққол кўриниб турибдики, биология фанида, бошқа масалалар каби инсон муаммоси ҳам илмий ва сиёсий аҳамият касб этадиган муаммодир.

Жамиятда фан соҳасида кўп йиллар давом этиб келган сиёсий курашлар кибернетика фанининг моҳияти, унинг тушунчалари ва илмий-методик ролини Совет давлатининг расмий мафкурасини белгилаб келаётган диалектик материализм нуқтаи назаридан таҳлил этишга қаратилган ҳаракатларда ҳам яққол кўринди.

Совет олимлари, шу жумладан файласуфлар ҳам кибернетика фанини 50-йилларнинг ўрталарига қадар салбий баҳолашиб, у буржуа давлатларига хос бўлган сохта фан, деб келишган эди. Бунинг натижасида шўролар мамлакати кибернетика фани ютуқларини ҳаётга татбиқ этиш соҳасида, жумладан электрон ҳисоблаш машиналарини яратиш, улардан унумли фойдаланиш ва ҳоказоларда ривожланган капиталистик давлатлардан жуда орқада қолиб кетди. Бундан тегишли хулоса чиқарилди. Давлат раҳбарларининг кибернетикага муносабатлари тубдан ўзгарди. Иқтисодиёт талабларидан келиб чиқиб КПСС ўзининг расмий ҳужжатларида ва XXII съезд томонидан қабул қилинган Программасида кибернетика фанини ривожлантириш ва унинг ютуқларини ҳаётга кенг жорий қилиш коммунистик давлатни барпо этишнинг асосий йўлларида бири деб таъкидлади. Буни ҳисобга олиб, олимлар 60—70-йиллардан бошлаб кибернетика фанига оид масалалар бўйича илмий тадқиқот ишларини авж олдириб юбордилар.

Кибернетиканинг фандаги ва ҳаётдаги ролини баҳолашда совет олимлари ўртасида бир-бирига қарама-қарши икки йўналиш пайдо бўлди. Агар биринчи йўналиш тарафдорлари кибернетика жонли ва жонсиз табиатдаги умумий хоссаларини ўрганадиган фан, шунинг учун воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумий алоқадорлиги кибернетика фани асосида изоҳлаш имкониятини очади, деб ҳисоблаб, уни диалектик материализм фалсафасига қарама-қарши қилиб кўрсатишга интилган бўлсалар, иккинчи йўналиш вакиллари эса жумладан, А. И. Берг, Э. Қольман, И. Б. Новик, С. М. Шалютин ва бошқалар ўз асарларида кибернетика билан диалектик материализмни бир-бирига қарама-қарши қилиб кўрсатиш нотўғри, чунки улар бир-

бири билан узвий боғланган, бир-бирини тўлдирадиган фанлардир, агар диалектик материализм воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий қонуниятларини ўрганса, кибернетика эса мураккаб системаларни бошқариш ва улардаги алоқадорликни ўрганишга қаратилган, диалектик материализм умумийликни акс эттирса, кибернетика фани яққолликни акс эттиради деган ғояни олға сурдилар.

Ҳозирги вақтда иккинчи оқим намояндаларининг фикри олимлар ўртасида ҳукмрон бўлиб келмоқда. Кибернетиканинг асосий йўналишлари диалектик материализмнинг иңъикос назарияси асосида изоҳлаб берилаётгани ана шундан далолат беради.

Маълумки, кибернетиканинг марказий муаммоларидан бири ўз-ўзига уюшувчи (ўз-ўзига созланувчи) системаларнинг тузилиши ҳақидаги масаладан иборат. Диалектик материализм нуқтаи назаридан кибернетиканинг ўз-ўзига уюшувчи (ўз-ўзига созланувчи) принципи материянинг фаоллигини, унинг ички ва ташқи зиддиятлар асосида доимо ривожланиб, ҳаракатланиб туришининг ифодасидир. Бундан кибернетика муаммоларининг катта фалсафий аҳамиятга эга эканлиги кўриниб турибди. Кибернетикадаги «информация», «машинный интеллект», «формаллаштириш», «моделлаштириш» ва ҳоказолар диалектик материализмнинг иңъикос назариясидан келиб чиқувчи ва уни чуқурлаштиришга таъсир кўрсатадиган тушунчалар эканлигидан далолат беради.

Янги тафаккурларга асосланган олимларнинг фикрича, кибернетика фанига бундай ёндошиш асосан мафкуравий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган бўлса керак, чунки кибернетика фанига хос муаммоларни ҳал қилишда бундай фикрларнинг таъсири жуда ҳам камдир.

Кибернетика фанига кўп йиллар мобайнида КПСС мафкурасининг таъсири остида ёндошиб келинганлигини «ижтимоий маълумот» (системная информация) тушунчасини таҳлил қилишда ҳам яққол кўришимиз мумкин. Маълумки, кибернетика синтетик фан сифатида табиат билан бир қаторда жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ва бошқа соҳаларида ҳам кенг фойдаланиб келинмоқда. Ижтимоий жараёнлардаги турли хил алоқадорликларни ўрганиб, уларни бошқариш учун ижтимоий маълумотларни йиғиш, таҳ-

лил қилиш, умумлаштириш ва улардан фойдаланиш керак. Айрим олимларнинг, жумладан В. Г. Афанасьев, Д. М. Гвишиани ва бошқаларнинг фикрича, синфий жамиятда бу ишлар синфий, партиявий принциплардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Д. М. Гвишанининг фикрича, умумбашарий муаммоларни моделлаштириш ва уларнинг натижаларини олдиндан кўра билиш уларни ишлашда фойдаланилган илмий усуллар билан эмас, балки фалсафий-ижтимоий заминлар билан белгиланади. Бу кибернетика партиявий, синфий фандир, деган маънони билдиради.

Совет жамиятида олимлар асосан кибернетиканинг сиёсий, мафкуравий томонига эътиборни жалб этиб турган бир пайтда хорижий мамлакатларда кибернетиканинг амалий масалалари ишлаб чиқилиб, уларнинг натижаларини инсоннинг турли-туман эҳтиёжларини қондиришга қаратиб самарали фойдаланиш жараёни авж олиб кетди.

Диалектик материализм фан тараққиётининг методологик асосини ташкил этади, деб ҳисобланган Совет жамиятида барча фанларнинг олдида турган хилма-хил муаммоларни фалсафий қоидалардан келиб чиқиб ҳал қилишга интилиш одатга айланиб қолган эди. Буни химия фанининг ривожланиш жараёнидан ҳам кузатишимиз мумкин.

Маълумки, химия фанининг мураккаб масалаларидан бири — бу молекулаларнинг таркибини тасвирлаб беришдир. 1930 йили америка олимлари Л. Полинг ва Дж. В. Уэланд резонанс назариясини ишлаб чиққан эди. Бу назарияда улар молекула таркибининг диалектик алоқадорлигини (валентную связь) битта молекулдан чиқиб эмас, балки бошқа молекулаларнинг ҳам ўртасидаги алоқадорликни ҳисобга олган ҳолда резонанс тушунчаси ёрдамида изоҳлаб беришимиз мумкин, деган ғояни ўртага ташлаган эдилар. Амалий жиҳатдан, деб қайд этган эди улар, биз бир неча электрон структураси ичидаги молекула резонанси тўғрисида сўз юритишимиз қулай. Резонанс назарияси муайян молекулаларнинг хусусиятларини, жумладан, уларнинг химиявий реакция вақтидаги барқарорлигини тасвирлаб бериш учун квантово-механик ҳисоблаш усулларида фойдаланади. Резонанс назарияси физик ва химиклар ўзларига қулай бўлиши учун ўйлаб топган математик услубдир.

50—60-йилларда совет олимлари резонанс назариясини, диалектик материализм талабларига зид келувчи таълимот, деб қаттиқ танқид қилдилар. Г. В. Челинцев, В. М. Татаевский, М. И. Шахпоронов ва бошқалар резонанс назариясининг тарафдорларини идеализм ва редуccionизмда айблашди. Чунки улар молекулаларнинг таркибини ўзлари ўйлаб топган квантово-механик усул асосида изоҳлашга уриндилар. Улар, резонанс назарияси — марксистик дунёқарашга қарши бўлган махистларнинг назарий билиш таълимоти, у буржуа олимларининг физикавий ва химиявий муаммоларни ҳал қилишда сохта илмий хулосаларга олиб келишидан яққол далолат беради, деб уқтирдилар. Натижада кўп йиллар давомида резонанс назариясига нисбатан салбий муносабат ҳосил бўлиб қолди. Кейинги йилларда бундай ҳолат аста-секин ўзгара бошлади. Олимлар томонидан чоп этилган асарларда резонанс назарияси очиқ-ойдин тан олинмаса-да, лекин молекула структураларини изоҳлашда математик моделлаштириш ва математик ҳисоблаш услубларининг аҳамияти катта эканлиги эътироф қилинди.

Бундан яққол кўрииб турибдики, аниқ фанлар устида гап юритилганда, уларда мавжуд бўлган фалсафий-методологик масалаларни ҳар бир фанга хос бўлган хусусий масалалар билан айнийлаштириб бўлмайди. Аниқ фанларнинг хусусий масалаларини ва уларнинг натижаларини фалсафий қоидалардан келиб чиқиб, баҳолаш — бу, фаннинг ривожланишига сиёсий жиҳатдан қўпол равишда аралашиб, уларнинг ривожланишига кишан солишдан бошқа ҳеч нарса эмас.

Физика фани мисолида ҳам сиёсатнинг фанга кўрсатган салбий оқибатларини кўришимиз мумкин. Маълумки, физика фани соҳасида XX асрнинг бошида катта инқилобий кашфиётлар содир бўлди: квант-механикаси ва нисбийлик назарияси вужудга келди. Уларнинг оқибатида эски физикавий назариялар ва тушунчалар емирилиб, янги назария ва тушунчалар шаклланди. Уларнинг ўртасида Копенгаген мактабининг намояндлари: Гейзенберг томонидан ишлаб чиқилган «ноаниқлик принципи» ва Борнинг «тўлдириш принципи», Эйнштейннинг нисбий назарияси катта ўрин тутди.

Совет олимлари дастлаб бу кашфиётларнинг физика фанининг ривожланиш жараёнидаги катта инқилобий ролини тўлиқ тушуниб ета олмадилар ва уларни физи-

жавий реалликни инкор этишга қаратилган диалектик материализмга зид, идеалистик ғоялар деб ҳисоблаб, қаттиқ танқид қила бошладилар.

И. В. Кузнецов, Р. Я. Штейнман ва бошқалар Эйнштейннинг нисбийлик назариясини танқид қилиш билан чегараланмасдан, уни идеалистик назария сифатида улоқтриб ташлашга даъват этган эдилар. Лекин кейинги йилларда Д. И. Блохинцев, В. А. Фок, А. Д. Александров, А. А. Логунов, Б. А. Артуров ва бошқа йирик олимлар Копенгаген мактаби ғояларини тан олишиб, улар диалектик материализм принциплари асосида дунёни изоҳлаб беришда катта илмий заминни ташкил этади, деган хулосага келадилар.

Ўтмишда астрономия фанининг намояндалари ҳам ўзларининг хусусий муаммоларини диалектик материализм андозаларидан келиб чиқиб ҳал қилишга интилиб келдилар. Бунга Қоинотнинг пайдо бўлиши муаммосига бағишланган фикрлар яққол далил бўла олади.

Маълумки, Қоинотнинг пайдо бўлиши хусусида бири-бирига қарама-қарши икки фикр мавжуддир. Идеализм ва диний таълимотга кўра қоинот муайян бир вақтда илоҳий куч томонидан яратилган. Материалистлар фикрича, қоинот, материя абадий мавжуд, уларни ҳеч ким яратган эмас.

Совет олими О. Ю. Шмидт биринчи оқимнинг йирик намояндалари Джемс Джинс, Артур Эдингтон, Г. Е. Леметр, Ф. Хойль, Г. Бонди, Т. Гольд, О. Струве, К. Ф. Фон Вайцзеккер, Барт Бокл фикрига қарши чиқиб, Қуёш ва сайёралар газ-чанг булутидан пайдо бўлган ва доимо ривожланиб туради, деган фикрни олға сурди. Унинг фикрича, «агар космология (қоинотнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фан) тарихини материализм ва идеализмнинг ҳамма босқичларида тўхтовсиз давом этиб келган кураш тарзида ўрганилса, у пурмаъно ва ибратли эканлиги маълум бўлади»¹.

В. А. Амбарцумян ўз асарларида биринчи оқим намояндаларидан Д. Джинс ва А. Эдингтонларнинг, юлдузларда улар вужудга келган вақтдан ҳозиргача ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмаган, деган фикрларига қарши чиқиб, масалага бундай ёндошиш нотўғри, чунки у диалектик материализмнинг қоидаларига зид деб уқ-

¹ О. Ю. Шмидт. Четыре лекции о теории происхождения земли. М., 1957, С, 9-бет.

тиради: «Ички зиддиятларга тўла ва кузатувлардан олинган маълумотларга тўғри келмайдиган бу идеалистик қарашларга совет астрофизиклари аллақачонлар ўзларининг далилларга асосланган материалистик нуқтаи назарларини қарши қўйганлар. Узоқ вақтлардан буён мавжуд бўлган ва мавжуд бўлиб қоладиган Коинотда юлдузлар вазнининг ўзгариши, энг аввало, улардан моддаларнинг отилиб чиқиб кетиши сабабли рўй беради»¹.

У кейинги йилларда чоп этган асарларида ҳам шу фикрни ривожлантирди. В. А. Амбарцумян ва унинг маслакдошлари Д. Я. Мартинов, В. А. Крат, В. Г. Фесенков диалектика қойдалари асосида юлдузларнинг ўзлари ҳам ва улар атрофидаги юлдузлараро муҳит ҳам доимо ўзгариб туради, деб уқтирмақдалар.

Кейинги йилларда айрим олимлар томонидан Коинотни изоҳлашда физикавий масалаларни диалектик материализм билан айнийлаштириш тўғри эмас, деган фикрлар ҳам айтилмоқда. Академик В. Л. Гинзбург, Я. Б. Зельдович, И. В. Новиковларнинг фикрича, фанда фикр эркинлигини таъминлаш ҳозирги пайтда катта аҳамият касб этадиган муаммо. Астрономиядаги барча масалалар очиқ-ойдин бўлиб, олимлар расмий мафкура томонидан ҳеч қандай тазйиқни сезиши мумкин эмас. Бу эса олимлар онгида янги тафаккурнинг шаклланиб келаётганлигидан далолат беради.

Юқорида айтилганлардан шундай хулоса чиқариш мумкин. Физика, астрономия фанларининг кашфиётларини баҳолашда ҳам партия ўзининг мафкуравий қуроли сифатида фалсафадан фойдаланиб келган. Шунинг билан бир қаторда яна бир муҳим масалага эътибор беришимиз лозим. Ўтмишда бир неча йил мобайнида мавжуд бўлган сиёсий муҳитнинг таъсири остида аксарият олимларнинг ўзлари ҳам онгли равишда диалектик материализм илмий билишнинг методологик асосини ташкил этувчи фан деб келганлар ва ҳозир ҳам шундай фикрдадирлар.

Иирик совет математиги А. Д. Александров диалектик материализмнинг ролини таъкидлаб қуйидагиларни ёзганди: «Мен шуғулланадиган фаннинг умумий масалаларини англаб етишда марксча-ленинча фалсафа мен учун дастуриламал эканлиги шак-шубҳасиз...

¹ В. А. Амбарцумян. Проблемы происхождения звезд. Природа, 1952. № 9, 9—10- бетлар.

Мен фалсафа қандай қилиб чексиз кўпликлар математик назарияси, Эйнштейннинг нисбийлик назарияси ёки Квант механикасини эгаллашга ёрдам беришини кўрсатувчи кўплаб мисоллар келтиришим мумкин... Физика факультетида талабалик давримда Квант механикасини анча юқори даражада тушуниб олган бўлсам, бунга параллел равишда фалсафани ўрганганлигим, бу эса мазкур ўта қийин назарияни диалектик материализм руҳида англаб олишимга ёрдам берганлиги сабаб бўлган эди»¹.

Америка олими Лорен Р. Грэхэмнинг фикрича, «диалектик материализм олимга лаборатория ишида ёрдам беролмайди. У ҳеч қачон айрим тажрибанинг натижасини олдиндан айтиб беролмайди. У, табиийки, ҳеч маҳал ҳосил олиш ёки руҳий касалларни даволаш йўллари олдидан айтиб бермайди; лекин у олимни номаълум нарсанинг ҳайратга солувчи сир-асрори ва даҳшати сифатида намоён бўладиган мистика олдида тиз чўкишдан сақлайди... Диалектик материализм олимга бир фаннинг доирасидан чиқадиган, бироқ узил-кесил жавобларни билишга даъво қилмайдиган муваққат тушунтириш схемасини яратишга туртки бериши мумкин»².

Фалсафанинг аниқ фанлар соҳасидаги методологик масалаларни таҳлил қилишдаги ижобий ролини тап олиш бошқа фанлардаги хусусий илмий масалаларни унинг қоидаларидан келиб чиқиб ҳал этиш ва баҳолаш керак, деган маънони билдирмайди. Бу икки хил масала, уларни бир-бири билан айнийлаштириб бўлмайди. Афсуски, кўп йиллар давомида олимларимиз бунинг фарқига бормай келдилар. Натижада диалектик материализм ҳақиқатни акс эттирадиган яккаю ягона фан ҳисобланиб келди. Энди биз бу масалага ҳам янгича ёндашишимиз керак эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Партия Марказий Комитети марксча-ленинча фалсафадаги синфийлик ва партиявийлик принципларидан келиб чиқиб, ўтмишда гуманитар фанларга ҳам қўпол равишда аралашиб, бу соҳада ижод қилувчи олимлар, зиёлиларнинг илмий ишларини, асарларини, ижтимоий

¹ Правда, 1966 йил, 4 октябрь.

² Лорен Р. Грэхэм. Естествознание, философия и науки о человеческом поведении в Советском Союзе. М., 1991, 423- бет.

фаолиятини доимо назорат остига олиб келди. 20—30-йилларда кўплаб таниқли адиблар, адабиётшунос ва тилшунос олимлар буржуа мафкурасини қўллаб-қувватлаган деб, асоссиз айбланиб, турли жазоларга тортилдилар. Бунини биз ўз жумҳуриятимиз ҳаётидан ҳам кўришимиз мумкин.

30—40-йилларда ва эллагинчи йилларнинг бошларида феодализм сарқитларига қарши кураш шиори остида ўзбек халқининг кўп асрлик маданий мероси, анъана ва урф-одатларини сақлаш ва бойитишга ҳаркат қилган машҳур адиблар Чўлпон, Фитрат, А. Қодирӣ, У. Носир, шунингдек, М. Шайхзода, Шукрулло, Шухрат, Мирзакалон Исмоилий ва бошқалар миллатчиликда, панисломизмда ва пантюркизмда айбланиб, қатағон қилиндилар. Адабиёт ва санъат намояндалари, зиёлиларга қарши олиб борилган ҳужумлар, айниқса, 50-йилларда жуда ҳам авж олиб кетади. КПСС синфийлик ва партиявий талаблардан келиб чиқиб, адабиёт ва санъат соҳасидаги мафкуравий ишларни янада кучайтиришга қаратилган қатор қарорлар қабул қилди. Уларда «адабиёт ва санъат соҳасида рўй бераётган ғоясизлик, формализм, пессимизм ва бошқа социализмга зид кўринишлар» қораланиб, зиёлилар олдида турган вазифалар кўрсатиб берилади, адабиёт ва санъатнинг ҳаёт билан алоқадорлигини мустаҳкамлаб, буржуа мафкурасини фош этиш, капитализмга сажда қилишга қарши курашиш каби ишларни кучайтириш зарурлиги талаб қилинади.

1951 йили мамлакатда тилшунослик масалалари бўйича илмий мунозаралар ташкил этилди, унда тилшунослик соҳасида ижод қилиб келаётган олимлар, жумладан академик Н. Я. Марр ва бошқалар идеализмда айбланиб, қаттиқ танқид остига олинади.

Адабиёт ва санъат соҳасида олиб борилган мафкуравий курашлар жойларда ҳам кучайиб кетади. Масалан, Ўзбекистон КП(б) Марказий Қўмитасининг 1952 йил февраль ойида ўтган X Пленумида «Мафкуравий ишларнинг аҳволи ва уларни яхшилаш тадбирлари» деган махсус масала кўриб чиқилиб, унда бир қатор олимлар ва ижодкорлар, зиёлиларнинг фаолиятига кескин баҳо берилди. Бундан ташқари, халқимизнинг машҳур «Алпомиш» достони реакциян асар деб баҳоланди ва уни ўрганиш, ташвиқ этиш ман қилинди. Бундай хунук ҳол бошқа жумҳуриятларда ҳам кузатилди.

Партиянинг нотўғри сиёсати ва сохта қадриятлар нуқтан назаридан баҳо бериш, ижодкор зиёлиларга қарши хуружлар 60—70-йилларда ҳам давом этди. Бир неча ёзувчилар, санъаткорлар буржуа маданиятига сажда қилишган, диссидентлар, деб ноҳақ айбландилар ва қатағон этилдилар. Расмий маълумотларга кўра, 1966—1968 йиллар ичида СССРда Олий Кенгаш қарори билан 75 киши совет гражданлигидан маҳрум қилинди, қарийб 100 «диссидент» мамлакат ҳудудидан ташқарига чиқариб юборилди.

Жумҳуриятимизда ҳам ижодкор зиёлиларнинг асарларига партия сиёсатидан келиб чиқиб баҳо бериш кейинги йилларгача давом этиб келди. 1990 йили бўлиб ўтган Ўзбекистон КП XXII съездида ўзбек ёзувчилари П. Қодиров, Й. Шамшаров ва бошқалар эски ўтмишни илоҳийлаштирган, айрим шахсларни бўрттириб мақтаган, деб танқид қилингани бундан яққол далолат беради.

Янги сиёсий тафаккур шарофати билангина ўз даврида мафкуравий масалалар тўғрисида қабул қилинган қарорлар бекор қилинди. Шу билан бир қаторда, яқин ўтмишда сиёсий қатағон қилинган барча кишиларнинг ҳуқуқлари тикланди.

Ўтмишда рўй берган мафкуравий курашлар иқтисод фанини ҳам четлаб ўтмади. Маълумки, 1951 йилнинг охирида иқтисодий назарияга оид муаммолар бўйича мамлакатимизда илмий мунозара бўлиб ўтган эди. Мунозарадан кейин И. В. Сталин «СССРда социализмнинг иқтисодий проблемалари» деган асарини чоп эттирди. Унда муаллиф бир қатор иқтисодчи олимларнинг бозор муносабатларини ривожлантириш керак, деган таклифларига қарши чиқиб,— иқтисодий қонунларнинг объективлиги ва уларнинг талабларини партиянинг сиёсатида ҳисобга олиш зарурлиги, социализмнинг асосий иқтисодий қонуни, халқ ҳўжалигини планли ва пропорционал равишда ривожлантириш қонуни, социализмда товар ҳўжалиги ва қиймат қонунининг ҳаракати ва шу каби жиддий масалалар бўйича марксизм-ленинизм таълимотидан келиб чиқадиган ғояларни олға суради. Аммо кейинчалик ижодий марксизмнинг чўққиси деб тан олинган мазкур асарда бир қанча хатоликларга йўл қўйилганлиги иқтисодчи олимларимиз томонидан очиб берилади. Улар қуйидагилардан иборат эди: урушдан кейин капиталистик бозор ва ишлаб

чиқариш ҳажмининг муқаррар равишда камайиши, ҳозирги капитализмнинг асосий иқтисодий қонуни; колхоз мулкини бевосита маҳсулот алмашиш йўли билан умумхалқ мулки даражасига кўтариш, социализмда товар-пул муносабатларига ишлаб чиқариш воситаларини қўшмаслик лозим деб эътироф этилганлиги ва ҳоказолар.

Сиёсий иқтисод бошқа ижтимоий фанлар каби доимо КПССнинг диққат-эътиборида бўлиб келган.

«Аввало,— деб ёзади таниқли иқтисодчи олим О. Ҳикматов,— иқтисод фани қандай муаммолар устида ишлаши кераклиги КПСС қурултойлари, пленумлари ва бюрократик марказ қарорларида кўрсатилиб, ҳатто уларни қайси услуб билан ҳал қилиш йўллари ҳам чизиб бериларди. Яна бир муҳим услубий таяниш собиқ иттифоқ халқ хўжалигини бузилмас ва мустаҳкам комплекс деб тан олишдан иборат бўлиб, шунга кўра иқтисод фанининг ҳар қандай таклифи, биринчи навбатда, ушбу комплекснинг самарадорлигини оширишга йўналган бўлиши шарт эди. Собиқ иттифоқ халқ хўжалиги комплексининг қанчалик мустаҳкамлиги ва унинг мустақил республикалар халқларига нималар берганини ҳозирги иқтисодий ҳаёт яққол кўрсатиб турибди»¹.

Тарих фани ҳам ижтимоий фанларнинг ажралмас таркибий қисми сифатида КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаб туришга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам мамлакатда тарихни давлатни бошқариб турган шахсларнинг алмашуви билан қайта ёзиб чиқиш одатга айланиб қолган эди. КПССнинг XX съезидан кейин тарихчиларимиз партиянинг янги сиёсати таъсири остида, 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушига доир фактларни қайта кўриб чиқиб, уруш даврида, айниқса, урушнинг биринчи йилларида йўл қўйилган хатоларни асосан И. В. Сталиннинг фаолияти билан боғлаб кўрсата бошлайди. Шу билан бир қаторда тарихчиларимиз Н. С. Хрущевнинг Улуғ Ватан урушидаги фаолиятини бўрттириб кўрсатишга уриндилар. КПСС Марказий Қўмитасининг 1964 йил октябрь Пленумидан кейин партия ва давлат раҳбари бўлиб Л. И. Брежнев сайлангач, тарихчиларимиз янги вазиятни ҳисобга олиб, энди Улуғ Ватан урушида

¹ «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», 1992 йил, 7—8 сон, 11-бет.

Л. И. Брежневнинг ролини, айниқса «Кичик ер»ни озод қилишдаги хизматларини ҳаддан ташқари бўрттириб кўрсатиб беришади.

Мамлакатда раҳбарлик М. С. Горбачёвнинг қўлига ўтгандан кейин эски тоталитар маъмурий-буйруқбозлик системасига қарши кураш авж олиб кетди. Ўтмишда содир бўлган тарихий воқеаларга, жумладан, 1917 йилда рўй берган февраль ва октябрь инқилоблари, 1918—1920 йиллардаги гражданлар уруши тарихи, халқ хўжалигини индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, маданий инқилоб тарихига, Улуғ Ватан уруши, ундан кейинги йилларда рўй берган қаталонларга янги вазиятдан келиб чиқиб, янгича баҳо берилла бошланди. Буларнинг ҳаммаси тарихчиларимизнинг онги, уларнинг тарихий тафаккури жуда ҳам сиёсийлашиб, мафкуравийлашиб кетганидан яққол далолат беради.

Тарихга партия сиёсати, унинг мафкурасидан келиб чиқиб ёндошиш мамлакатда кенг илдиз отиб кетганлигини Ўзбекистон ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин. Маълумки, кўп йиллар мобайнида тарихчи олимларимиз ўзбек халқи XIX асрнинг иккинчи ярмида Россияга ўз хоҳиши билан қўшилган, деб ҳисоблаб, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Андижон, Жиззах ва бошқа жойларда рўй берган миллий-озодлик ҳаракатларини реакцион ҳаракат, деб изоҳлаб келишган эди¹. Аксинча фикрдаги олимлар қаттиқ танқид остига олинди. 1952 йили қатор ўзбек тарихчилари 1898 йилги Андижон қўзғолонини миллий-озодлик ҳаракати деб ҳисоблаганликлари учун Ўзбекистон партия раҳбарияти томонидан танқид қилинганликлари, 70-йилларда эса академик Иброҳим Мўминов Амир Темур фаолиятининг ижобий томонларини кўрсатиб беришга интилгани учун қаттиқ танқид қилингани бизга сир эмас.

«Тарих фани,— деб ёзади Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги А. Асқаров,— совет империяси даврида тоталитар-диктатура режимининг назарий асосчиси В. И. Ленин ва унинг большевиклар партияси мафкурасининг манқурт қуроли бў-

¹ История и историография национально-освободительных движений второй половины XIX нач. XX вв. в Средней Азии и Казахстане, Т., 1989.

либ қолди. Тарих фани объектив жараёни таҳлил этишда КПСС Марказий Қўмитаси белгилаб берган сиёсий, ижтимоий ва ғоявий йўлдан четга чиқа олмади... Жамият тараққиётини формацияларга, синфларга бўлиб ўрганиш, тарихни фақат синфий курашлардан иборат деб тушунтириш ҳукм сурди... Ана шу руҳ асосида тарихимиз ва маданиятимизни таҳлил қилиш, олий ва ўрта бўғин таълими учун дарсликлар, қўлланмалар яратиш, ўқув дастури тузиш давлат сиёсатига айланди. Шу сиёсат туфайли тарих фанидан тузилган дарсликларда фақат Россия тарихини ўқитиш, умуман славян халқлари тарихини СССР тарихи деб атаб, миллий ўлка тарихини мактаб ва олий ўқув юртларида ўқитиш иккинчи ва учинчи даражага суриб қўйилди»¹.

Лекин шуни ҳам эътироф этишимиз керакки, ижтимоий фанларнинг оғир аҳволга тушиб қолишида маълум даражада шу соҳада хизмат қилиб келган олимларнинг ҳам айблари бор. Чунки улар бундай маҳдудлик билан очиқ-ойдин кураша олмадилар. Кўпчилик олимлар фанда ва кундалик ҳаётда рўй бераётган жараёнлар тўғрисида дилида бошқа фикрда бўлсалар-да, тилида, амалда эса улар КПСС сиёсатини илмий асослаб, уни халқ оммаси ўртасида кенг ташвиқ ва тарғиб этиб келдилар. Натижада ижтимоий фанлар, жумладан фалсафа фани ҳам КПССга қарам бўлиб қолди, фан сифатида ўзининг хусусиятини аста-секин йўқота бошлади.

Шундай қилиб, 70 йилдан зиёд вақт ичида КПСС мафкураси ва унинг сиёсати фаннинг барча соҳасини, ижтимоий онгнинг жами шаклларини ўзига бўйсундириб олган эди. Ўрта аср даврида ҳуқуқ, табиёт, фалсафа қаби фанларнинг мундарижаси бошдан-оёқ диний таълимотга мувофиқлаштирилган бўлса, Совет Ўттифоқи даврида ижтимоий онгнинг ҳамма шакллари КПСС мафкураси, унинг сиёсатига мувофиқлаштирилиб, марксизм-ленинизм таълимоти катехизисга айланиб қолган эди.

Шуни ҳисобга олган ҳолда жамиятда фалсафа фанини сиёсат, мафкурадан халос этиб, уни мустақил фан сифатида ривожлантиришни талаб этаётган ҳара-

¹ «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», 1992 йил, 7—8-сон, 24, 26-бетлар.

катлар кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бу, албатта, табиий талабдир, ҳаёт олдимизда турган янги иқтисодий, сиёсий ва маънавий муаммоларни янги фалсафий тафаккур асосида ҳал қилишни тақозо этади.

3. ЎТМИШДА СИЁСАТНИНГ ФАЛСАФАГА САЛБИЙ ТАЪСИР ЭТИШИНING САБАБ ВА ОҚИБАТЛАРИ

Сиёсатнинг фалсафа фани ривожланишига кўрсатган салбий таъсири тўғрисида сўз юритганимизда, энг аввало, жамиятимизда қарийб 70 йил мобайнида рўй бериб келган ижтимоий-сиёсий муҳит хусусиятларини ҳисобга олишимиз лозим.

Маълумки, ўтмишда жамиятимизда битта партия, битта мафкура, битта дунёқараш яккахокимлик қилиб келди. Одамларнинг онги ва турмушига ўнлаб йиллар мобайнида, кўпгина зўравонлик йўллари билан сохталаштирилган марксизм-ленинизм ғоялари сингдирилиб келинди. Давлат, партия ва ҳукмрон гуруҳларнинг манфаатлари инсон манфаатларидан устун қўйилди. Натижада инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, демократия, ижтимоий адолат қоидалари қўпол равишда бузилди ва йўққа чиқарилди. Давлатимизнинг моддий асосини ташкил этувчи ижтимоий мулкни яратувчи кишилар ўз меҳнати билан ишлаб чиқарган маҳсулотлардан бегоналаштирилиб қўйилди. Маъмурий-буйруқбозлик давлат тизими жойларда уз ҳукмини ўтказиб, ҳамма нарсани олдиндан белгилаб, маҳаллий ҳокимиятларнинг ҳуқуқларини чеклаб қўйди.

Маданий соҳада ҳам кўпгина интеллектуал йўқотишларга йўл очилди. Халқларимизнинг миллий маданияти, тили, урф-одатлари, анъаналари оёқ ости қилинди, фуқаролар виждон ва дин эркинликларидан маҳрум бўлдилар. Фанга, жумладан, ижтимоий фанларга ҳам марксизм-ленинизм қоидаларини пойдевор қилиб сингдириш учун «катта ишлар» амалга оширилди. Расмий мафкурага зид эркин фикр юритган олимларни партиявий жазолаш, уларни партиявийликдан, ғоявийликдан чекинишда, синфий хусусиятларни йўқотишда ва бошқа камчиликларда айблаш одатга айланиб қолган эди. Бундай вазият, албатта, ижтимоий фанларнинг, шу жумладан, фалсафа фанининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб келди ва ижодий фикрлашга асло имконият бермади. Ижтимоий фанлар

ҳаётдан келиб чиқадиган долзарб муаммолар билан шуғулланиш ўрнига КПСС қўлидаги ташвиқот қуролига айланиб қолди.

Коммунистик партия ва эски буйруқбозлик, маъмурий тизими ижтимоий фанларни ўзининг маънавий қуролига айлантириш имкониятига кўп йиллар давомида амалга оширилиб борган қатор ташкилий тадбирлар туфайли эришди. Қўйида шулар ҳақида тўхтаб ўтмоқчимиз.

Маълумки, фаннинг тақдири, унинг жамиятда тутган ўрни асосан шу соҳада ишлаб келаётган кишилар фаолияти, уларнинг дунёқараши, мавжуд ижтимоий ва сиёсий системага муносабати билан узвий боғлиқдир. Шунини эътиборга олган ҳолда партия қўмиталари ижтимоий фанларнинг ҳамма соҳасида хизмат этиб келаётган кадрларни, шунингдек, олий ва ўрта махсус билимгоҳларда ижтимоий фанлардан дарс берувчи ўқитувчиларни ўзларининг номенклатурасига киритиб қўйган эди. Натижада юқорида кўрсатилган соҳаларга бирор-та киши партия қўмиталарининг розилигисиз ишга олинмас эди. Илмий тадқиқот илмгоҳларининг, олий ва ўрта махсус билимгоҳларнинг раҳбарлари партия қўмиталарининг розилигисиз ижтимоий фанлар соҳасида хизмат этувчиларнинг биронтасини ҳам ишдан бўшата олмас эди. Бу соҳадаги кадрларнинг келажақ тақдири, уларнинг ўсиши, бошқа ишга ўтиши ҳам партия қўмиталарининг қўлида эди.

Партия ташкилотларининг талабига биноан ижтимоий фанлар илмгоҳларига, олий ва ўрта махсус билимгоҳларга биринчи навбатда КПСС аъзолари ишга олинар эди. Бу соҳадаги кадрларни, аспирантура, докторантура йўли билан тайёрлаш ҳам партия ташкилотларининг назорати остида ва уларнинг тавсиялари асосида амалга оширилар эди.

Фан номзодлиги ва фан докторлиги диссертацияларини ҳимоя қилиш учун таъсис қилинган махсус илмий кенгашларнинг фаолияти ҳам партия ташкилотларининг назорати остида эди. Бу иш илмий кенгашларнинг таркибига мажбурий равишда киритилган партия ташкилотларининг вакили ва улардаги партия гуруҳлари ёрдамида амалга ошириларди.

Партия қўмиталари ижтимоий фанларнинг илмий тадқиқот йўналишларини кўриб чиқиб, унга КПСС съездлари ва Пленумларининг ҳужжатларидан келиб

чиқадиган масалаларни киритишни талаб этардилар ва уларнинг бажарилишини ўзларининг назорати остида ушлардилар. Ижтимоий фанлар соҳасидаги илмий тадқиқот ишларининг асосий муаммолари шу соҳада ишлаб келаётган олимлар томонидан эмас, балки партия қўмиталари томонидан аниқланарди. Олимларнинг шахсий хоҳиши билан режага киритилган соф илмий мавзулар ҳаётдан ажралиб қолган схоластик муаммолар деб танқид остига олинарди.

Олий билимгоҳларда ҳам аҳвол ана шундай эди. Ижтимоий кафедралар ўқитувчиларининг илмий ишлар, ўқув-методик ва тарбиявий соҳадаги режалари КПСС Марказий Қўмитасининг талабларидан келиб чиқиб ишланарди ва амалга ошириларди.

КПССнинг ҳар бир ҳисобот съездидан кейин (беш йилда бир марта) муқаррар равишда Бутуниттифоқ ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг кенгаши ўтказилар эди. Унда КПСС Марказий Қўмитаси котиби маъруза қилиб, ижтимоий фанларнинг илмий, ўқув-методик, сиёсий-тарбиявий соҳаларда қандай масалаларга эътиборини қаратиши кўрсатилиб бериларди. Кенгашда КПСС съезди талабларидан келиб чиқиб, ижтимоий фанларнинг ўқув дастурлари ва унга ажратилган соатлар миқдори тасдиқланиб олинарди.

Олий билимгоҳларнинг талабаларига мўлжалланиб, ижтимоий фанлар бўйича тайёрланган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари ҳам марказлаштирилган равишда КПСС Марказий Қўмитасининг рухсати билан чоп этиларди. Жумҳуриятларнинг олимлари ижтимоий фанлар бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини нашр этиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган эди.

Ижтимоий фанлар вакилларининг илмий ўқув-педагогик ва тарбиявий ишлари партия қўмиталари тарафидан доимо назорат остида турарди. Бирин-кетин, шошилиш равишда илмий тадқиқот институтларига ва олий билимгоҳларга юборилиб турадиган ҳар хил комиссиялар жойларда КПСС съездлари ва Пленумларининг ҳужжатлари қандай ўрганилаётганини ва ундан келиб чиқадиган вазифалар қандай бажарилаётганлиги тўғрисида маълумот тўплаб, танқидий равишда ёзилган ҳужжат тайёрланарди. Улар партия қўмиталарининг бюросида муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинарди. Кейин у ҳужжатлар барча илмгоҳлар ва билимгоҳларга юборилиб, улардан мазкур қа-

рорда кўрсатилган масалалар бўйича амалга оширилиши керак бўлган иш режаларини қабул қилиш ва кўрсатилган муддатда ҳисобот бериб туриш талаб этиларди. Бундай тадбирларнинг фойдасидан зарари кўпроқ бўлар эди.

Ижтимоий фанлар ходимлари томонидан чоп этилган асарлар, илмий мақолалар ҳам партия қўмиталарининг назорати остида эди. Эркин фикрлаш мевалари, расмий қабул қилинган қондаларга зид келадиган фикрлар кескин равишда танқид остига олинарди. Айрим олимларнинг асарларига юқорида ўтирган партия раҳбарларининг кўрсатмаси билан танқидий рецензиялар чоп этирилиб, улар партиянинг турли йиғилишларида марксизм-ленинизмнинг партиявийлик, синфийлик, байналмилаллик ва бошқа принципларини қўпол равишда бузган деб асоссиз айбланарди ва қораланарди. Худди шундай қисматга олижаноб инсон, таниқли ўзбек олими, академик Иброҳим Мўминович Мўминов дучор бўлган эди. Уни, ўзбеклар тарихига бирёқлама ёндошиб, Темурнинг хатти-ҳаракатларини ижобий баҳолаган, унинг ёвузлик томонларини кўрсатмаган, дея асоссиз танқид қилишганини, оқибатда олим ўз соғлигини йўқотиб, орамиздан бевақт кетганлигини унутиш мумкин эмас.

Шундай ноўрин ва асоссиз танқид тўғрисида файласуф олим раҳматлик К. Маҳмудов ҳам дучор бўлган эди. Бу заҳматкаш олимни Бутуниттифоқ ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг кенгашида КПСС Марказий Қўмитасининг котиби М. А. Суслов фалсафа муаммолари билан шуғулланиш ўрнига «ўзбек таомлари» тўғрисида китоб яратган, деб айблаган эди.

Кейинги йилларда партия қўмиталарининг ташаббуси билан ижтимоий фанларнинг ҳар хил муаммоларига бағишланган илмий-амалий конференциялар ўтказиш кенг авж олиб кетган эди. Бундай конференцияларни ўтказишдан асосий мақсад халқ оммасини КПСС сиёсатини қўллаб-қувватлашга ундашдан иборат эди, холос. Чунки илмий ва назарий жиҳатдан бундай анжуманларнинг ҳеч қандай фойдаси йўқ эканлиги ҳаммамизга аён эди.

Илмий анжуманларни ўтказиш партия ташкилотларининг эмас, балки олимларнинг ишидир. Илмий конференцияларни қайси мавзуда, қачон ва қаерда ўтказишни олимларнинг ўзлари ҳал қилишлари керак.

Афсуски, бундай ҳақиқат билан партия ходимлари кўп йиллар давомида ҳисоблашмай келишди.

Айрим партия ходимлари илм-фан ишларига қўпол равишда аралашибгина қолмай, ўз лавозимларини суни-истеъмол қилиб, ижтимоий-фанлардан кандидатлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя этишга, юксак илмий унвонлар олишга ҳам муяссар бўлдилар. Лекин фан бундан заррача ҳам ютгани йўқ.

Ижтимоий фанлар ходимларини КПСС сиёсати остида ушлаш, уларнинг ғоявий савиясини кўтариш мақсадида партия қўмиталари жойларда ҳар хил шаклда сиёсий ўқиш системасини таъсис қилиб, бу ишга ҳам кўп йиллар давомида раҳбарлик қилиб келди. Хилма-хил дастурлар асосида ташкил этилган бундай сиёсий ўқишлар асосан КПСС съездлари, Пленумлари ҳужжатлари ва партия қарорларини ўргатишга қаратилган эди. Назарий асос сифатида К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Лениннинг асарларини ўзлаштириш расмий равишда қабул қилинган эди. Сиёсий ўқишлар кўпинча расмий равишда ўтказилиб, кишиларнинг вақтини олишдан бошқа ҳеч нарса бермас эди. Буни ҳамма яхши билар эди. Лекин бу тартибни ўзгартириб бўлмаслигига кўникиб кетишган эди.

Партиявий ҳужжатлар, КПСС съездлари ва Пленумларининг қарорлари олий ва ўрта махсус билим-гоҳларнинг талабалари томонидан чуқур ва атрофлича ўзлаштирилиши ҳам қатъий равишда талаб қилинарди. Буни амалга ошириш мақсадида юқоридан махсус буйруқ чиқарилиб, унда ижтимоий ва бошқа фанлар ҳисобидан бир неча соат ажратиб бериларди. Оқибатда асосий фанлар ҳисобидан кўпгина соатлар ўқув дастурида кўрсатилмаган партия ҳужжатларини ўзлаштиришга сарфланарди. Бу, албатта, талабаларнинг илмий савиясига салбий таъсир этмай қолмасди. Партия ҳужжатлари мажбурий равишда ўзлаштириладиган адабиётлар рўйхатига киритиларди ва уларни ўрганиб чиқиш партия қўмиталарининг назорати остида бўлар эди.

Ижтимоий фанлар соҳасида хизмат қилувчи илмий ходимлар, олий билимгоҳларнинг ўқитувчилари партиянинг ҳар бир съезди ва Пленумларидан кейин партия қўмиталари томонидан вилоятларга, туманларга, колхоз, совхозларга, меҳнат жамоаларига сафарбар этилиб, улардан партия қарорларида кўрсатилган маса-

лаларни халқ оммаси ўртасида атрофлича ва чуқур ташвиқот этиш талаб қилинарди. Эркин фикрлашларга мутлақо йўл қўйилмасди. Жойларда бехосдан қалтис фикр айтган олимлар партиявий жазо олар, ҳатто партия аъзолигидан чиқарилиб, ишдан ҳам бўшати-ларди.

Ана шунга ўхшаш тадбирлар оқибатида ижтимоий фанлар ходимлари тўлиқ партия қўмиталарининг таъсирида қолган эди. Эски маъмурий-буйруқбозлик тизими ўзига хос ижтимоий фанларни яратган эди.

Кўп йиллар давомида жамиятнинг бошида ўтирган КПСС раҳбарлари ва маъмурий-буйруқбозлик тизими ижтимоий фанларнинг эркин ривожланишидан манфаатдор бўлиш ўрнига унга тўсқинлик қилиб келдилар. Сўзда улар ижтимоий фанларнинг родини орттириш керак, деб жар солиб келар, лекин амалиётда эса унинг ривожланиши учун ҳеч нарса қилмас эдилар. Ижтимоий фан вакиллари илмий ишлар учун зарур бўлган айрим ҳаққоний маълумотлардан, статистик ахборотлардан маҳрум қилинганди. Улар томонидан юқори ташкилотлар диққатига ҳавола этилган тавсиялар, илмий ишларда айтилган фикр-мулоҳазалар эътиборсиз қоларди.

Юқоридаги вазиятдан келиб чиқиб, ижтимоий фанлар мавжуд сиёсий тузумни, унинг ички ва ташқи фаолиятини қўллаб-қувватловчи қуролга айланиб қолган эди.

Ҳозирги ривожланиш жараёни, демократия ва ошкоралик ижтимоий фанлар соҳасида ҳам туб ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этади.

Жамиятнинг ҳамма соҳасида рўй бераётган катта ўзгаришлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари декларациясида ҳар бир киши сўз эркинлигига, фикрлари ва эътиқодларини бемалол ифодалаш ҳамда уларни ёзма тарзда тарқатиш ҳуқуқига эгадир, оммавий ахборот воситалари эркиндирлар, цензурага йўл қўйилмайди, деб кўрсатилиши, шунингдек мафкуравий, диний, маданий эркинликка кафолат берилади, фуқароларга мажбур қилинадиган ҳеч қандай давлат мафкураси бўлмаслиги керак, ҳеч ким ўз эътиқоди учун таъқиб этилиши мумкин эмас, деб айтилиши ижтимоий фанларнинг ривожланиши учун қулай имкониятларни туғдириши шубҳасиздир. Лекин ҳозирги вақтда ижтимоий фанлар ҳаётида сезиларли ўзгаришлар бўлаяпти

деб айтишга асосимиз йўқ. Чунки ҳали ҳам ижтимоий фанларга муносабат ўзгаргани йўқ. Бу соҳада хизмат қилувчи илмий ходимлар ва ўқитувчиларнинг ижтимоий шарт-шароити ночор аҳволда. КПССга ва унинг илмий асосини ташкил этувчи марксизм-ленинизм таълимотига халқ оммасининг муносабати ўзгариши туфайли ижтимоий фанларнинг, шу жумладан фалсафанинг ҳам обрўси пасайиб кетмоқда. Фалсафа фанининг ҳозирги даврдаги ҳақиқий ўрни, унинг инсон онгини янги тафаккур асосида шакллантиришдаги роли ҳали тўлиқ англаниши йўқ. Файласуф-олимлар давлат ишларига жуда кам жалб этилмоқда. Бу соҳада бошқа камчиликлар ҳам мавжуддир. Ана шу камчиликларни тугатиб, фалсафа фанининг нуфузини ошириш давр тақозосидир.

4. ФАЛСАФАНИ ФАН СИФАТИДА РИВОЖЛАНТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Юқорида биз КПСС ва эски маъмурий-буйруқбозлик тизимининг фалсафага кўрсатган салбий таъсири ҳақида сўз юритдик. Хўш, фалсафани мустақил фан сифатида тиклаб, давр талабига жавоб берадиган даражада ривожлантириш учун нималар қилиш керак?

✓ Бизнинг фикримизча, фалсафа фанини янгича ривожлантириш учун, энг аввало, уни кўп йиллар давомида тўпланиб қолган эски расмийлашган мафкуравий ғоялардан халос этмоғимиз, янги тафаккурдан келиб чиқиб, давлат ва айрим сиёсий партияларнинг муддосини ҳимоя қилувчи фан сифатида эмас, балки умуминсоний қадриятларга жавоб берадиган таълимот сифатида ривожлантиришимиз даркор.

Фалсафани фан сифатида ривожлантириш учун унинг назарий асосларини қайта кўриб чиқиб, янги ғоялар билан бойитиш лозим. Ҳар қандай фаннинг истиқболи, унинг жамиятда тутган ўрни шу фаннинг назарий бойлигидадир. Фаннинг назарияси қанчалик мукаммал, атрофли ва чуқур ишланса, унинг жамиятдаги ва умуман ҳаётдаги мавқеи шу даражада юксак бўлади. Маълумки, фалсафа фанининг асосий негизини *диалектика назарияси* ташкил этади. Шундай экан, диалектика назариясини ижодий ривожлантириб, уни ҳозирги давр талабларига мослаштириб, умуминсоний қадриятлар даражасига кўтариш керак.

Шу нарса аёнки, ҳозир фалсафа фани соҳасида кўп йиллардан бери йиғилиб қолган, давр талабларига жавоб бера олмайдиган эски қоидалар ҳам мавжуддир. Бундай қоидалардан воз кечиб, маълум янги назарий қоидаларни эса ижодий ривожлантирмоғимиз лозим. Шу жумладан, фалсафа фанининг асосий вазифаси нимадан иборат эканлигини янгича муносабат асосида таърифлаб бермоғимиз керак.

Маълумки, марксча-ленинча таълимотдан келиб чиқиб, биз олимлар кўп йиллар мобайнида фалсафанинг асосий вазифаси дунёни изоҳлабгина қўйишдан эмас, балки уни ўзгартиришдан иборат деган фикрни исботлашга уриниб келдик. Лекин ҳаёт шуни кўрсатаёптики, фалсафанинг асосий вазифаси дунёни ўзгартиришдан эмас, балки уни фалсафий англашдан иборат экан. Фалсафа — ғоя, унинг асосий вазифаси ҳаётни акс эттиришдир. Агарда биз фалсафанинг асосий вазифаси ҳаётни ўзгартиришдан иборат деб эътироф этсак, бу идеализмга олиб келиши турган гапдир. Биз 70 йилдан кўпроқ вақт марксча-ленинча фалсафани дунёни ўзгартириш қуроли деб келдик, лекин ҳаётимиз ўзгаргани йўқ, ўзгарса ҳам кўпроқ салбий томонга ўзгарди. Агар фалсафа дунёни ўзгартирувчи таълимот бўлса, нима учун бизнинг янги жамият барпо этиш ғояларимиз рўёбга чиқмади?

Қайта қуриш жараёни шуни кўрсатдики, ғоя асосида ҳаётни ўзгартириб бўлмайди, аксинча ғоянинг ўзи ҳаёт ўзгариши билан ўзгариб боради. Бу билан ғоянинг ролини камситмоқчи эмасмиз, унинг жамиятдаги ҳақиқий ролини тўғри тушуниш керак демоқчимиз. Ҳаёт бирламчи, ғоя эса иккиламчидир, ғоя эмас, балки ҳаёт ғояни вужудга келтиради, ўзгартиради. Илмий ғоянинг қиймати ҳаётни ўзгартириш қонуниятларини, йўналишларини ўз вақтида сезиб, жамиятни илмий асосда бошқариш учун керакли тавсия, маслаҳатларни бериб туришдадир.

Афсуски, бизлар ҳаётни ўрганиб, ундан келиб чиқиб фалсафий хулосалар чиқариш ўрнига, аксинча мавҳум фалсафий ғоялардан келиб чиққан ҳолда ҳаётни ўзгартмоқчи бўлдик. Шу билан биз арабани отнинг олди-га чиқариб қўйдик. Демак, фалсафанинг асосий вазифаси дунёни ўзгартиришдан эмас, балки инсонларнинг онгида табиат ва жамият ривожланиши қонуниятларини фалсафий жиҳатдан англаш маданиятини шакллантиришдир.

тиришдан иборатдир. Бу диалектик назариядан келиб чиқиб, табиат ва жамият борлиғида рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларни умумлашган даражага кўтариб, ана шу умумлашган жараёнлар қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда, уларни кишилар онгида батафсилроқ, чуқурроқ ва атрофлича англаш маданиятини шакллантириш демакдир. ✓

Янги тафаккурдан келиб чиқиб, фалсафанинг асосий масаласи нимадан иборат эканлигини ҳам қайтадан кўриб чиқмоғимиз керак. Ҳозирги пайтгача мавжуд бўлган адабиётларимизда фалсафанинг асосий масаласи тафаккурнинг борлиққа, руҳнинг табиатга муносабати деб таъкидлаб келинмоқда. Фалсафанинг асосий масаласига бундай ёндошиш Онгни, Руҳни инсондан ажратиб, инсон муаммосини, унинг табиатга, жамиятга ва борлиққа бўлган инсоний муносабатини фалсафа майдонидан четга чиқариб қўйиш демакдир. Шу пайтгача фалсафанинг аксинча таърифидан келиб чиқиб, жумладан Н. Чернишевский, Л. Фейербахларнинг, инсон фалсафанинг асосий предметини ташкил этади деган ғоясини танқид остига олиб, бундай фикрлар фалсафада антропологик қарашлар принципining йфодаланиши деб ҳисоблаб келинди.

Фалсафа жаҳон маданиятининг таркибий қисми бўлиб, инсоннинг дунёқарашини, унинг онгини такомиллаштиришга қаратилган фандир. Шунинг учун ҳам бизнинг шахсий фикримизча, фалсафанинг асосий масаласи инсондан ажратиб қўйилган онгнинг, руҳнинг борлиққа, табиатга муносабатини эмас, балки инсоннинг табиатга, жамиятга, кишиларнинг бир-бирига, жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларига, миллатлар ва миллатлараро алоқаларга, умуминсоний қадриятларга ва ҳоказоларга муносабати, уларнинг ривожланиши умумий қонуниятларини онгли равишда акс эттиришдан иборат деб билмоғимиз керак. Фалсафанинг асосий масаласига биз кўрсатгандай ёндошиш унинг муаммолари доираси марказида инсон муаммоси туради деб қарашга имкон беради. Жамиятимизни демократик ислохот асосида ривожлантириш инсоннинг қадр-қимматини, унинг келажагини, истиқболини юксалтиришга қаратилгандир. Бундан кўриниб турибдики, фалсафанинг ҳам, жамиятимизда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг ҳам асосий мақсади инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганлигидан далолат беради.

Фалсафанинг асосий масаласига берилган янги таърифдан келиб чиқиб; унинг партиявийлиги, синфийлиги тўғрисидаги эски қоидаларни ҳам янгича кўриб чиқмоғимиз лозим.

Биз ўтмишда фалсафанинг партиявийлиги, энг аввало, унинг бу фаннинг асосий масаласини ташкил қилиб келган тафаккурнинг борлиққа, руҳнинг табиатга муносабати масаласининг ҳал қилинишига қараб ажратиладиган икки асосий оқим — материализм ёки идеализм томонида бўлишидан иборат деб ҳисоблардик. Шундан келиб чиқиб, фалсафа тарихи ўша икки оқим ўртасидаги кураш нуқтаи назаридан таҳлил қилиниб келди. Материализм — бу ижобий оқим, у прогрессив синфларнинг дунёқарашини ташкил этади, идеализм эса салбий оқим, у реакцион синфларнинг муддаосини ифодалайди деб ҳисоблаб келдик.

Материализмни идеализмга, уни эса материализмга қарама-қарши қилиб кўрсатиб, биз диалектиканинг қонунига зид бўлган бирёқламаликка йўл очиб бердик. Материализм ва идеализм қарама-қаршиликларнинг бир-бири билан узвий боғланган ажралмас икки томони. Шунинг учун уларни бир-биридан ажратиб ҳам, бир-бирига қарама-қарши қилиб ҳам ёндошиш нотўғри. Афсуски, буни биз кечикиб тушундик.

Фалсафа фан экан, у бошқа фанлар сингари бир-биридан тубдан фарқ қиладиган ғоялар йиғиндисидан ҳосил бўлади. Шунинг билан бирга у мақсадлари тубдан фарқ қиладиган синфларга бефарқ қарайдиган фандир. Фаннинг асосий мақсади воқелик қонуниятларидан келиб чиқиб, ҳақиқатни акс эттиришдир.

Ҳақиқат эса инсонга, унинг сиёсий партияларига, мавжуд давлат ва ижтимоий тузумга боғлиқ бўлмаган ҳолда юзага келади. Демак, фан ҳақиқат сингари инсон манфаатларига бефарқдир. Лекин инсон фанга бефарқ қарамайди, у фан ютуқларидан ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун фойдаланишга ҳаракат қилади. Лекин бундан фан муайян бир синфнинг, сиёсий партияларнинг, ташкилотларнинг мақсадини рўёбга чиқаришга интиладиган партиявий фан бўлади деган хулоса келиб чиқмайди. Партиявийлик фанга эмас, балки кишиларга хос хусусиятдир.

Янги тафаккурдан келиб чиқиб, фалсафа фанини ўзига хос бўлмаган, ўтмиш йилларда эски сиёсат ва мафкуралардан келиб чиқиб ишланган ғоялардан ха-

лос этмоғимиз керак. Бизнинг фикримизча, инсон авлодининг маймундан тарқалиши, онгнинг шаклланиши ва ривожланиши қонуниятлари, материянинг тузилиши, ҳаракат шакллари, вақт ва фазо каби масалаларни ўрганиш фалсафа фанининг вазифаси эмас, балки физика, биология, физиология ва бошқа фанлар томонидан ҳал этилаётган муаммолардир.

Фалсафа фани аниқ фанларни қизиқтирадиган масалалар устида ҳам фикр юритиши мумкин, лекин уларни илмий равишда ҳал этиш фалсафанинг вазифаси эмас.

Янгича фикрлаш ва талаблардан келиб чиққан ҳолда фалсафа фанининг муаммолар доирасини ва уларнинг мазмунини ҳам аниқлаб олмоғимиз лозим. Ҳозирги пайтда фалсафа фани доирасини ташкил қилувчи муаммолар бир-бири билан узвий боғланмаган, мантиқий қовушмаган, тасодифий бирлаштирилган масалалар йиғиндисидан иборатдир. Ҳолбуки фалсафа фанининг негизини ташкил этадиган яхлит ғоя шу фаннинг ҳамма муаммоларида яққол ифодаланиб туриши керак.

Бизнинг фикримизча, фалсафа фанининг асосий негизини инсон онгини, унинг дунёқарашини шакллантиришга қаратилган диалектика назарияси ташкил қилиши лозим. Диалектика назарияси, юқорида кўрсатиб ўтганмиздек, айни бир пайтда ҳам воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий ривожланиш қонуниятларини ўрганадиган, ҳам уларни инсон онгида фалсафий қонун ва тушунчалар системасида акс эттирадиган, ҳам уларнинг ёрдамида ҳақиқатни билишга қаратилган таълимотдир. Диалектиканинг бу уч томони бир-бирини тўлдириб, инсоннинг атрофидаги мавжуд нарса ва ҳодисаларга фалсафий ёндошиб, унинг тафаккур маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Демак, диалектика назариясига асосланиб, инсоннинг фалсафий тафаккур маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш фалсафа фанининг марказида турган муаммони ташкил этади. Фалсафани бундай фаҳмлаш у оламдаги мавжуд нарса ва ҳодисаларни ўзгартириб қайта қуришга эмас, балки инсоннинг ўз-ўзига, унинг фикрлаш маданиятини, ички маънавий дунёсини такомиллаштиришга қаратилган фан деб эътироф этиш демакдир.

Инсон ўз-ўзини фалсафий англаш натижасида ўзини инсониятнинг фаол ва узвий бир қисми сифатида ҳис

қилиб, атрофини қуршаб турган бошқа нарса ва ҳодисалардан ажратиб кўра билиш, воқеликда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга нисбатан ўз муносабатини белгилаб, уларга доир хатти-ҳаракатларини назорат остига олиш туфайли онгли равишда тараққий этиш имкониятларига эга бўлади.

Бундан кўриниб турибдики, инсоннинг дунёни фалсафий англаши фалсафанинг марказида турган муаммолардан бирини ташкил этади. Борлиқ, субстанция, материя тушунчалари, уларнинг бирлиги, ҳаракат ва яшаш шакллари доимо фалсафа фанини қизиқтириб келган ва ҳозир ҳам қизиқтирмоқда.

Борлиқнинг таркибий қисмини ташкил этувчи табиат, унинг инсон ҳаётидаги роли, инсон билан табиат ўртасидаги алоқадорликлар ва шу каби жиддий ва долзарб масалалар ҳам фалсафанинг марказида турган муаммолар бўлиб ҳисобланади.

Инсоннинг дунёқарашини, унинг онгини шакллантиришда жамиятни, унинг келиб чиқиши ва ривожланиш қонуниятларини англаб олиш катта аҳамиятга эга.

Жамиятда рўй бераётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳодисалар, уларнинг келиб чиқиши, ривожланиш йўналишларини фалсафий англаш жамиятимизда рўй бераётган жараёнларни атрофлича ва чуқур мушоҳада этиш билан бир қаторда, инсоннинг уларга қандай муносабатда бўлишини аниқлаб олиш имкониятини туғдиради. Шунинг учун бу масалалар ҳам фалсафий таҳлил қилишни тақозо этадиган муаммолар қаторига киради. Жамиятдаги ижтимоий гуруҳлар, синфлар, миллат ва элатлар, уларнинг вужудга келиши ва ривожланиш қонуниятлари, ўзаро алоқадорликлари, социал зиддиятларнинг келиб чиқиши ва уларни бартараф этиш шакллари ҳам фалсафий тафаккурни талаб этадиган муаммолардандир.

Инсон ва инсоният, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, инсоннинг истиқболи, ҳозирги даврда инсониятни қизиқтириб келаётган умумбашарий муаммолар — фан ва техника ютуқларидан инсоният манфаати йўлида оқиллона фойдаланиш, ядровий урушнинг олдини олиш, табиатни муҳофаза этиш, очарчиликнинг олдини олиш, инсоният цивилизациясини, маданиятини сақлаб қолиш, жамият тараққиётини олдиндан кўра билиш ва шу каби масалалар ҳам фалсафанинг долзарб муаммолари ҳисобланади.

Юқорида айтилган фикрлардан кўриниб турибдики, фалсафа доирасидаги масалалар ҳаётдан ажралган, мавҳум масалалар эмас, балки улар инсон ва унинг ҳаётидан келиб чиқадиган долзарб, умуминсоний хусусиятга эга муаммолардир. Ана шу муаммоларнинг инсон онгида фалсафий жиҳатдан теран ва атрофлича англаниши, унинг дунёқарабини умуминсоний манфатларга қаратилган равишда шакллантириш ва ривожлантириш ҳаёт фалсафасининг асосий вазифасидир.

Ҳаёт эски мафкурадан халос бўлган, умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилган фалсафага янгича ёндошиш билан бир қаторда уни олий билимгоҳлар талабалари, кенг халқ оммаси томонидан ўзлаштириш услубини ҳам тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Утмишда КПСС ва эски маъмурий-буйруқбозлик тизимининг мафкураси ва сиёсати таъсири остида биз умуминсоний қадриятга эга бўлган фалсафа фанини унинг биттагина шохобчасини ташкил этувчи марксча-ленинча фалсафа билан айниёлаштириб, унинг доирасидаги муаммоларни мутлақ ҳақиқат аҳамиятига эга деб тарғибот қилиб келдик. Фалсафа фанини ўзлаштириш жараёнида биз тингловчиларга ёритилаётган масалалар марксча-ленинча фалсафада қандай ҳал этилиши тўғрисида ахборот бериш билан чегараланмасдан, улардан қайд қилинаётган маълумотларга эътиқод қилишни ҳам талаб этардик. Бу руҳий тазйиқдан бошқа ҳеч нарса эмас эди. Лекин биз шунга кўникиб кетган эдик.

Ҳозир фалсафани ўзлаштиришга эскича ёндошишдан воз кечишимиз керак. Барча мустақил давлатлар томонидан тан олинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳар бир киши сўз ва фикр эркинлигига эга деб таъкидланган. Шунга кўра биз фалсафа фанини тарғибот қилиш жараёнида ёритилаётган масалалар бўйича мавжуд ҳамма фикр-мулоҳазаларни яширмасдан баён этиб, уларнинг қайси бири тингловчилар талабига жавоб беришини аниқлаб олишни уларнинг ўзларига ҳавола этишимиз лозим. Агар биз шу тарзда иш олиб борсак, фалсафа фанини бирёқламаликдан, бирон-бир сиёсий партия ёки давлат мафкураси таъсиридан халос этган бўламиз.

Фалсафани эски сиёсатдан халос этиш тўғрисида сўз юритганда, тагин бир муҳим масалага эътибор бермо-

гимиз лозим. Ўтмишда биз фалсафа қоидаларини тингловчиларга асослаб бериш учун кўпинча К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарларига, КПСС съезди ва МК Пленумларининг ҳужжатларига, давлат ва сиёсий арбобларнинг нутқларига мурожаат қилардик, улардан парчалар келтирардик. Марксизм-ленинизм асосчиларининг асарларидан қанча кўп цитаталар келтирсак, бизнинг баён этаётган масаламиз шунчалик пухта бўлади, шубҳасиз қабул қилинади деб тушунардик. Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, фаннинг пухталиги унинг ҳақиқатни тўла-тўқис акс эттира билишидадир. Шундай экан, биз фалсафа қоидалари тўғрисида сўз юритганимизда, энг аввало, уларнинг тўғри эканлигини бошқа кишиларнинг айтган сўзларига қараб эмас, балки ҳаётга таққослаб, амалда қандай натижаларга олиб келишига қараб исботлаб беришимиз лозим. Ҳаётдан келтирилган далиллар асосидагина фалсафа фани қоидаларининг назарий ва амалий аҳамиятини атрофлича очиб бериш мумкин.

Шуни эътироф этиш керакки, ўтмишда марксизм-ленинизм ғояларидан келиб чиқиб, хилма-хил масалалар бўйича бирмунча яхши ҳужжатлар ҳам қабул қилинган эди, лекин уларнинг аксарияти сўз билан иш ўртасидаги кескин тафовут туфайли амалга ошмай қолди. Буни кўп мисоллар билан исботлаб бериш мумкин. Масалан, кўп йиллар давомида, КПСС программаси ва бошқа ҳужжатларга асосланиб, Совет давлатининг ҳал қилувчи кучи — бу меҳнаткаш омма, чунки у моддий, маданий бойликларни яратувчи, инқилобий ўзгаришлар қилувчи яккаю-ягона кучдир деб келгандик. Ҳақиқатда эса меҳнаткаш омма жамиятимизнинг бир кичкина винтчаси бўлиб қолган эди. Чунки жамиятнинг барча соҳасидаги ишлар давлатни бошқариб келаётган КПСС Марказий Қўмитаси ва маъмурий-буйруқбозлик тизими раҳбарларининг сиёсати остида бажарилар эди.

Биз, олимлар ўз асарларимизда К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин жуда камтарин, олижаноб инсонлар бўлган, улар давлат бошида ўтирган буюк шахсларнинг родини бўрттириб кўрсатишга қарши чиқишган деб ҳисоблаб, КПСС программаларида ва бошқа расмий ҳужжатларда буюк шахсларга сиғинишни қораладик, лекин амалиётда эса уларни кўкка кўтариб мақтаб, сажда қилиб келдик.

Илмий асарларда, расмий ҳужжатларда Совет давлати энг демократик давлат, унинг сиёсати инсоннинг

моддий ва маънавий талабларини қондиришга, унинг ҳуқуқлари ва эркини сақлашга қаратилган, деб жар солдик. Лекин амалда кишиларнинг сўз эркинлиги, фикрлари ва эътиқодларини бемалол ифодалаш ҳамда уларни оғзаки ёки ёзма тарзда тарқатиш бўғиб қўйилган эди. Оммавий ахборот воситалари цензура остига олиниб, кишилар мафкуравий, диний ва маданий эркинликлардан маҳрум қилинган эди. Сўзда, қоғозда ҳокимият маҳаллий Советларнинг қўлида дейиларди, лекин уларнинг ҳам ҳуқуқлари чегараланган эди. Ҳозир бундай нуқсонлар аста-секин бартараф этилмоқда.

Бизлар ўтмишда СССР халқлари дўстлиги, миллатлар ва миллатлараро алоқадорликларнинг мустақиллиги тўғрисида кўп гапириб ва ёзиб келдик. Лекин ҳаёт бунинг ҳам ёлғон эканлигини яққол кўрсатиб берди. Ҳозирги вақтда собиқ Иттифоқнинг ҳар хил жойларида турли миллатлар орасида рўй бериб келаётган кескин зиддиятлар бу соҳада айниқса, кўп муаммолар тўпланиб қолганлигини кўрсатди.

Сўз билан иш ўртасидаги тафовутларнинг далили сифатида ўтмишда жамият томонидан ижтимоий ва шахсий мулкчиликка бўлган муносабатни ҳам эслатишимиз зарур. Ўтмишда кишиларнинг фаровонлиги ижтимоий мулкчиликни ривожлантириш билан боғлиқ, деб шахсий мулкчиликка қарши чиқиб келдик. Лекин инсониятнинг бир неча минг йиллик тарихи шуни кўрсатадики, инсон мулки ўз қўлида бўлгандагина самарали ишлашга интилади.

Шундай қилиб, агар биз фалсафа фанининг обрўсини тикламоқчи бўлсак, ўзимизни қизиқтираётган масалаларга эскиб қолган ғоялардан келиб чиқиб ёндошмасдан, балки ҳаётнинг ўзига мурожаат қилишимиз лозим.

Сиёсийлашган мафкурадан халос бўлган ҳаёт фалсафасини ривожлантиришнинг муҳим бир шarti, бу — марксча-ленинча фалсафага янгича, танқидий назар билан ёндошишдир. Ўтмишда биз марксизм-ленинизм ғояларини, унинг фалсафасини инсоният маданиятининг энг чўққи нуқтасини ташкил этувчи, кишиларнинг амалий ва илмий фаолиятида юз берадиган барча муаммоларни ҳал қилиш йўлларини ва услубларини кўрсатиб берадиган яккаю ягона таълимот деб ўқтириб келдик. Лекин ҳаёт шуни кўрсатдики, инсоннинг олдида турган

барча муаммоларни ҳал қиладиган таълимот ўтмишда ҳам бўлмаган ва ҳозир ҳам бўлиши мумкин эмас. Марксизм-ленинизм инсоният тараққиётининг муайян бир даврида вужудга келган, ишчилар синфи ва унинг сиёсий партияларининг мақсадига қаратилган, ўзига хос муаммолар билан шуғулланадиган, жамиятда мавжуд бўлган-кўпгина таълимотларнинг биридир. Шунинг учун уни бошқа таълимотлардан ажратиб ва уни уларга нисбатан устун қилиб кўрсатиш ҳақиқатга хилоф ишдир.

Ҳозирги вақтда марксизм-ленинизм таълимотига айрим кишилар, сиёсий ташкилотлар, оммавий ҳаракатлар томонидан турлича баҳо берилмоқда. Айрим кишилар марксизм-ленинизм илмий жиҳатдан заиф фан, унинг ғоялари амалда тасдиқланмади, Маркс, Энгельс, Ленин таълимотларидан воз кечишимиз керак, у ўлик фан, деган фикрни олға суриб келмоқдалар. Тўғри, марксизм-ленинизм асосчиларининг асарларида кўрсатилган қатор илмий хулосалар, фикрлар амалда тасдиқланмади, бошқалари салбий оқибатларга олиб келди. Лекин бундан уларнинг ғоялари ўлик таълимот деган хулосага келиш тўғримикин?! Биринчидан, XIX аср ўрталарида ва XX аср бошларида, муайян шарт-шароитлар натижасида вужудга келган марксизм-ленинизм таълимоти сиёсий тафаккур тарихининг таркибий қисмини ташкил этади. Шунинг учун ҳам у кишиларни қизиқтириб келган ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолиши табиий. Иккинчидан, марксизм-ленинизм бир ярим аср давомида ривожланиб, дунё миқёсида кенг тарқалган таълимот. Қатор мамлакатлар (Вьетнам, Хитой, Куба), сиёсий партиялар марксизм-ленинизм таълимотиға ўз фаолиятларининг назарий асоси сифатида қараб келмоқдалар. Уни қўллаб-қувватлаб келаётган шахслар, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар собиқ иттифокдош республикаларда ҳам оз эмас. Шунинг учун марксизм-ленинизм таълимоти ўлди, халқлар ундан воз кечмоқда, деб қатъий ҳисоблаш нотўғри.

Кейинги пайтларда айниқса В. И. Ленинга, унинг ғояларига қарши ҳар хил фикрлар айтилмоқда. Айрим олимлар, зиёлилар уни сиёсатда — йирик амалиётчи, назариётчи, фанда эса — оддий марксист, фалсафа фанига В. И. Ленин томонидан ҳеч қандай янгилик киритилгани йўқ, у фақат К. Маркс ва Ф. Энгельс таълимотини ишчилар ҳаракатига татбиқ этиб келган, деб

кўрсатишмоқда. Улар Лениннинг ғоялари фақат XIX аср охирлари ва XX аср бошларигагина тааллуқли бўлгани учун ҳозирги давр воқеаларини илмий таҳлил қилишга қодир эмас, аксинча унинг ғоялари ҳозирги ўзгаришлар жараёнида катта тўсиққа айланиб қолди, шунинг учун ҳам бизлар Ленин ва умуман марксизм-ленинизм таълимотидан воз кечишимиз керак, деган фикрларни илгари сурмоқдалар.

Тарихчи А. С. Ципконинг фикрича, жамиятимиздаги инқирознинг асосий манбаи — бизнинг марксизм таълимотига қарашимиздадир. Шунинг учун «Биз марксизмнинг эскирган ва ижодий равишда қайта тасаввур қилинмаган, йиллар давомида мамлакатимиз тараққиётига тўсиқ бўлиб келган қоидаларини далил-исбот билан танқид қилмас эканмиз, қайта қуриш жараёни муваффақиятли бўлмайди»¹, — деб уқтиради у. Шунга ўхшаш фикрларни С. Б. Радкевич, Е. А. Амбарцумов, Н. А. Симония, Ф. М. Бурлацкий ва бошқалар ҳам қўллаб-қувватламоқдалар.

Хўш, бундай фикрларга биз қандай муносабатда бўлишимиз керак? В. И. Ленин каби ўзимизни изчил марксистмиз деб ҳисоблаб, Маркс таълимотининг ҳар бир қоидасини, унинг ҳар бир сатрини ўзгартмаган ҳолда сақлаб қолишни ҳимоя қилишимиз керакми ёки ҳаётда юз бераётган жараёнлардан келиб чиқиб, унга одилона ва янгича ёндошишимиз зарурми? Ҳаёт марксизм-ленинизм таълимотига танқидий кўз билан қарашни тақозо этмоқда. Буни ундаги капитализм ва социализм тўғрисидаги назарий хулосалар мисолидаёқ аниқ кўриш мумкин.

Маълумки, ўтмишда биз марксизм таълимотидан келиб чиқиб, капитализм хусусий мулкчилик ва ёлланма меҳнатни эксплуатация қилишга асосланган, бутун инсониятнинг ҳаётий манфаатларига, прогрессив интилишларга душман бўлган ўтмиш ижтимоий-иқтисодий формациядир, социализм эса — капитализмга нисбатан юксак даражадаги иқтисодий-ижтимоий формациядир, социализмда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланиб ва такомиллашиб бориши халқнинг ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини тобора тўлароқ қондиришга хизмат қилади, деб тарғибот қилиб келдик.

¹ Вопросы философии, 1988, № 11, 48—49-бетлар.

Амалда эса умуман бошқача аҳволни кўраяпмиз. Капиталистик дунё ҳам ички, ҳам ташқи жиҳатдан тубдан ўзгарди ва ҳаётнинг ҳамма соҳаларида — саноатда, қишлоқ хўжалигида, ижтимоий-сиёсий соҳада, аҳолига маданий хизмат қилишда ва ҳоказоларда социализм жамиятларини жуда орқада қолдириб кетди.

Марксизм таълимотига кўра, социалистик инқилобнинг етакчи ва ҳал қилувчи кучи — ишчилар синфидир. Улар эса асосан саноати энг тараққий этган мамлакатларда жамланган ва уюшган. Демак, биринчи социалистик инқилоблар саноати энг ривожланган мамлакатларда бўлади. Аммо ҳаёт марксизмнинг бу қондасини ҳам тўлиқ инкор этди. Қарийб бир ярим аср ичида битта ҳам тараққий этган капиталистик мамлакатда социалистик инқилоб бўлиб, пролетариат диктатураси ўрнатилгани йўқ. Чунки илғор мамлакатлар ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишда янги-янги имкониятларни топа олдилар, фан-техника тавсияларидан фойдаланиб, жамиятни инсон ҳаётида керак бўладиган маҳсулотлар билан тўлдириб юбордилар. Қишлоқ хўжалигида юқори ҳосилдорликка эриша олдилар.

Инсоният ҳозирги даврда ўз тараққиётида «капитализм ёмон, социализм эса яхши» деб икки сиёсий тузумни қарама-қарши қўйиш каби ибтидоий фикр юртишдан юқори кўтарилиб, ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш даражасини умуминсоний қадриятлар асосида ўлчай бошлади. Жаҳондаги илғор мамлакатлар умуминсоний мезонлар асосида ҳаёт кечириш ва ўзаро муносабатларни ташкил этиш йўлига ўтиб олаётган бир пайтда, бир ижтимоий синфни иккинчи ижтимоий синфга қарама-қарши қўйишни, бир ижтимоий-сиёсий тузумни иккинчи ижтимоий-сиёсий тузумга қарши қўйишни ўзининг асосий мақсади ва вазифаси қилиб қўйган сиёсий партиянинг жамиятдаги мавқеи, обрўси ва таъсирининг йўқолиши, унинг жамият ҳаётидан аста-секин четга чиқиб қолиши табиий ҳол, албатта. Худди шундай воқеа ўтмишда социалистик деб аталган давлатларнинг Коммунистик партиялари, шу жумладан, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тақдирида содир бўлди. 70 йилдан зиёд вақт ичида социализмни барпо қилаяпмиз, деб олиб борилган ишларнинг пучга чиқиши, социалистик тузум ва унга мансуб мамлакатлардаги Коммунистик партияларнинг емирилиши ком-

мунизм ғоясининг мағлубиятга учрашидан далолат беради.

«Коммунизм мағлубиятининг энг асосий сабаблари,— деб ёзади АҚШнинг таниқли сиёсий арбоби Збигнев Бжезинский,— ҳар ҳолда фалсафий сабаблардир. Тугал хулоса шуки, марксча-ленинча сиёсат тарихини сохта тушуниш ва инсон табиати ҳақидаги бутун хато концепция моҳиятидан келиб чиқади. Шундай қилиб, коммунизмнинг мағлубияти — бу интеллектуал мағлубиятдир. У кишилик турмушининг асосини ташкил этувчи шахсий эркинлик, бадий ва руҳий ўз-ўзини ифодалаш, умумий саводхонлик ва оммавий коммуникация воситалари асрида эса — кўпроқ сиёсий танлов имкониятларини ҳисобга ола билмади. У, шунингдек, бир томондан, иқтисодий маҳсулдорлик ва ижодкорлик, бошқа томондан, индивидуализмнинг шахсий фаровонликка интилиши ўртасидаги узвий боғлиқликни кўздан қочирди. Бинобарин, коммунизм ўзини янгиликка ташаббускор система сифатида тақдим этиб, аслида жамиятимизнинг ижодий асосларини бўғиб келди»¹.

Бу интеллектуал мағлубият,— деб давом этади З. Бжезинский,— коммунизмга халқаро миқёсда зарба берди. «Марксизм-ленинизм XX асрда халқаро вазиятнинг шакллантираётган асосий кучларни кўра ва ҳисобга ола билмади. У этнос ва миллатчиликнинг ролини баҳолмай олмади. Бунинг натижасида коммунистик давлатлараро миллий можаролар уни ларзага келтирди. Коммунизм диннинг жалб этувчи томонларини тушуниб етмади... Ривожланган капиталистик мамлакатларда ҳокимият тақсмоти табиати ва ижтимоий тузилишини ўзгартирган технотрон инқилоб марксизм-ленинизмни ғафлатда қолдирди — у ҳали ҳам саноат инқилобининг илк босқичларида юзага келган эски концепцияларга ёпишиб олган»².

К. Маркс, Ф. Энгельс асарларида ҳаётда исботланмаган бошқа қоидалар ҳам мавжуд. В. И. Лениннинг асарларида ҳам ҳозирги вазиятга зид келувчи, эскириб қолган фикрлар, қоидалар оз эмас. Шунинг учун унинг назарий меросига ҳам танқидий равишда қарашимиз керак. Афсуски, бизлар ўтмишда В. И. Лениннинг ҳар

¹ «Фан ва турмуш», 1991, № 12, 15-бет.

² Уша жойда, 16-бет.

бир сўзини инсоният ақлининг дурдонаси деб билиб, унинг ўзига ҳам, ғояларига ҳам сажда қилиб келдик. В. И. Ленин худо эмас, балки у оддий инсондир. У XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида ҳаёт кечирган ва ижод қилган. Ўз даврининг шарт-шаронтидан келиб чиқиб, шу даврга хос фан ютуқларидан фойдаланиб, В. И. Ленин ишчилар синфи ва унинг сиёсий партияси олдида турган вазифалар тўғрисида сўз юритган. Шунинг учун ҳам унинг асарларидан ҳозирги пайтда жамият олдида турган вазифаларни қандай қилиб ҳал этиш керак деган саволга жавоб изланса, катта хатоликка йўл қўйилган бўлади. Ҳозирги даврда жамият олдида турган муаммоларни Лениннинг асарларига мурожаат этиб эмас, балки мавжуд имкониятимиздан, ўз ақл-идрокимиздан келиб чиқиб, умуминсоният маданияти, фан ютуқлари, тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилишимиз керак.

Марксизм-ленинизм асосчилари ўзларининг таълимотини қотиб қолган, ўзгармайдиган ғоялар деб ҳисобламаган. Аксинча, улар ўз асарларида бизнинг таълимотимиз догма эмас, балки ҳаракат дастуридир деб келганлар. Шунинг учун ундан ижодий фойдалана билиш керак, деб кўп мартаба эслатган эдилар. Шунга қарамасдан, биз марксизм-ленинизм — буюк революцион таълимотдир, инсоният ҳали ҳеч қачон ўз олдига қўймаган энг инсоний мақсадни — Ер юзида адолатли ижтимоий тузумни барпо этиш мақсадини асослаб беради, у доимо барҳаёт революцион таълимот деб мақтаб келдик. Бунга, албатта, марксизм-ленинизм таълимотининг асосчилари эмас, балки бизнинг ўзимиз айбдормиз. Ҳозирги пайтда марксизм-ленинизм таълимотига танқидий кўз билан қарашимиз зарур. Маркс, Энгельс, Ленин асарларига танқидий қараш — ундаги эскириб қолган фикр, ғояларни улоқтириб ташлаб, ижобий фикрларни сақлаб қолиш ва ижодий ривожлантириш демакдир. Марксизм-ленинизм таълимотининг ижобий томонлари ундаги конкрет далил ва хулосалар эмас, балки *диалектик усулга* асосланган табиат ва жамиятда рўй бераётган жараёнларни илмий таҳлил қилиш услубидир. Чунки инсоният тарихининг илк босқичларида шаклланиб, марксизм-ленинизм таълимотида бирмунча тараққий топган диалектик усул ҳозирги даврда ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Марксизм-ленинизм асосчилари инсон атрофидаги нарсa ва ҳодисаларни таҳлил қилганда, диалектика усулидан самарали фойдаланганлар ва унинг асосий принципларини ишлаб чиққанлар, В. И. Лениннинг фикрича, гарчи Маркс (бош ҳарф билан ёзилган) «Логика» қолдирмаган бўлса-да, у «Капитал» логикасини ёзиб қолдирди. «Капитал»да битта фанга логика, диалектика ва материализмнинг билиш назарияси қўлланилган (учта сўз ишлатишнинг ҳожати йўқ, буларнинг ҳаммасининг маъноси бир). Маркс Гегелдаги энг қимматли нарсаларнинг ҳаммасини олиб, бу қимматли фикрларни олға сурди.

Мазкур фикрни у «К. Маркс билан Ф. Энгельснинг ёзишмаларини таҳлил қилишда ҳам такрорлаб, агар биз ҳам шу хатларда айтилган ва муҳокама қилинган ғояларни бирлаштириб, бир сўз билан таърифламоқчи бўлсак, бу сўз *диалектика* деган сўз бўлади, деб таъкидлаган эди.

В. И. Ленин диалектика «марксизмнинг жонли руҳини» ташкил этади деб ҳисоблаган, унинг асарлари диалектикани ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига таҳлил этишга моҳирона татбиқ этишнинг ажойиб намунаси эканлигини уқтириб ўтган.

Марксизм-ленинизм асосчиларининг асарларида илмий ишлаб чиқилган диалектика назарияси объектив олам тараққиётининг энг умумий қонунлари аналогӣ сифатида инсон тафаккурининг дунёқараш ва методологик асосини ташкил этади.

Марксча-ленинча фалсафадаги қонун, категориялар, принциплар мазмунидан иборат бўлган диалектика назарияси унинг ижобий томонини ташкил этади, у ҳозирги пайтда ҳам ўзининг амалий ва илмий аҳамиятини йўқотгани йўқ. Шунинг учун ҳам биз диалектика назариясини сақлаб қолиб, уни ҳаётга татбиқ этиб, инсоният маданиятининг ютуқлари билан бойитишимиз ва ижодий ривожлантиришимиз зарур. Ўтмишда диалектика ҳар бир фалсафий системаларда шаклланиб ва ривожланиб келган. Диалектика муаммолари ҳозирги давр жаҳон фалсафасида ҳам марказий ўринни эгаллаб турибди. Шунинг эътиборга олган ҳолда биз диалектика назариясини битта марксча-ленинча фалсафанинг назарий асоси сифатида эмас, балки уни бутун инсониятни қизиқтириб келаётган умуминсоний қадриятлар даражасидаги фан сифатида ривожлантиришимиз даркор.

Ана шундагина биз марксизмдаги партиявий, синфий принцип чегарасидан чиқиб, диалектикага одилон ва атрофлича ёндошган бўламиз. Буни амалга ошириш учун биз ҳали кўп ишлар қилишимиз керак. Энг аввало, ўтмишда ва ҳозирги пайтда хорижий мамлакатларда чоп этилган диалектика масалаларига оид асарларни атрофлича ўрганиб, уларда мавжуд бўлган ижобий фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, диалектика назариясини ҳозирги давр талабига жавоб берадиган даражада бойитишимиз лозим. Шунинг билан бир қаторда диалектикани мафкуралашган сиёсатдан халос этиб, уни мустақил фан сифатида тиклашимиз ва янада ривожлантиришимиз керак. Бунинг учун эски андозаларга зид келувчи янги тафаккур санъатини мукаммал эгаллаб олишимиз зарур.

II 606. ФАЛСАФА ФАНИ ИНСОНИАТ МАДАНИЯТИНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИДИР

1. ФАЛСАФА — ИНСОННИНГ ДУНЁҚАРАШНИИ, ТАФАККУР МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ФАН

✓ Фалсафа инсониятнинг бир неча минг йиллик тарихий тараққиёти давомида яратилган маданиятнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, илмий билимлар орасида муҳим ўрин тутати. У борлиқнинг умумий ривожланиш қонуниятларини ўрганиб, кишиларда олам ҳақида яхлит илмий тасаввур ҳосил қилади.

Фалсафа дунёқараш характеридаги фан ҳисобланади. Дунёқараш эса кишиларнинг олам ва унинг ўзгариши, ривожланиши ҳақидаги илмий, фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний қарашлари ва тасаввурлари мажмуидан иборат. Дунёқараш айрим кишининг, ижтимоий гуруҳнинг, синф ёки умуман жамиятнинг фаолияти йўналишини ва воқеликка муносабатини белгилайди. Илмий билимлар дунёқараш таркибига қўшилгач, инсоннинг ёки гуруҳнинг теварак-атрофидаги ижтимоий ва табиий реалликда бевосита амалий йўл тутиш мақсадига хизмат қилади.

Дунёқараш ижтимоий борлиқнинг инъикосидир. Унда ижтимоий турмуш акс этади ва у муайян тарихий даврда инсоният эришган билимлар даражасига ҳамда ижтимоий тузумга боғлиқ бўлади.

Дунёқараш ўзининг мазмуни ва туб моҳиятига кўра мифологик, диний, фалсафий ва илмий каби турларга бўлинади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятига эгадир. *Мифология* қадимги жамиятда кенг авж олган халқ оғзаки ижоди — нақл ва асфоналарда гавдалантирилган воқеликнинг фантастик инъикосидир. У табиат ва жамиятнинг турли ҳодисаларини худолар, афсонавий қаҳрамонлар ва шулар каби фантастик образлар орқали умумлаштиришга қаратилган дунёқараш. Мифологик дунёқарашнинг хусусияти шуки, ҳамма нарса ва ҳодисалар бири иккинчисида иштирокчи сифатида идрок этилади. Бунинг натижасида бир хил буюмларнинг сифатини иккинчи хил буюмларга бемалол кўчириш мумкин бўлади. Мифологик дунёқараш табиат кучларини жонлантириб кўрсатишга, уларни ҳиссий образлар, алоҳида вужудлар шаклида тасвирлаб кўрсатишга асосланган. Мифологияда бир хил нарсаларнинг хоссалари иккинчи хил нарсаларга осонлик билан кўчирилганлиги сабабли у хаёлга кенг майдон очиб беради ва бу майдонда мифологик тарзда фикр қилувчи киши ҳар қандай ўзгаришлар қилиши ва жасоратлар кўрсатиши мумкин бўлади. Мифологияда ғайритабиий куч ҳақида тасаввурлар мавжуд бўлганлиги сабабли дин элементлари бор, шунингдек унда ахлоқий қарашлар ҳам, инсоннинг воқеликка эстетик муносабати ҳам акс эттирилган.

Дунёқарашнинг тарихий типларидан яна бири *диний* дунёқараш бўлиб, унинг асосий ва ҳал қилувчи белгиси — илоҳий кучларга ишониш, бутун олам, барча мавжудот, инсоният дунёсининг худо томонидан яратилганлигини ва бошқарилишини эътироф этиш, ҳудога, руҳларга сиғинишдан иборатдир. ✓

Диний дунёқарашнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у табиий ва ижтимоий ҳодисалар моҳиятини уларнинг ўзидан эмас, балки табиатдан ташқари сабаблар, худонинг қудрати билан тушунтиради. У ҳамма нарсада ва ҳар қаерда илоҳий кучларнинг таъсири, мўъжизавий куч бор, деб писанда қилади.

Дин ва диний дунёқараш хусусида сўз борганда шуни айтиш керакки, ўтмишда биз динга бир томонлама ёндошиб, унинг инсон манфаати соҳасида, кишиларнинг ахлоқий муносабатларини такомиллаштиришдаги ижобий ролини тўғри тушунмай келдик. Динга қарши курашиш ниқоби остида халқимиз асрлар мо-

байнида амал қилиб келган маросим ва урф-одатлар тақиқланди, қанчадан-қанча масжид ва мадрасалар асоссиз равишда бузиб ташланди. Неча минглаб жилларни ташкил этадиган нодир китоблар шахсга сиғиниш ва қатагон авж олган йилларда куйдириб ташланди.

Ҳозирги пайтда ўтмишда рўй берган ҳаддан ошишлар тузатилмоқда, ижтимоий адолат тикланмоқда. Ёпиб қўйилган баъзи масжидлар очилди, кўплаб янги масжидлар қурилмоқда, диний адабиётларни нашр этиш ижобий ҳал этилди. Қуръони Қарим ўзбек тилига таржима қилиниб, кўп нусхада чоп этилди. Руҳонийлар ва диндорлар инсонпарварлик, жамоат ташкилотларида ҳамкорлик қилишга жалб этилмоқда. Ислом дини арбоблари ичкиликбозликни, нашавандликни, қон тўкишларни гуноҳ, деб қораламоқда. Ислом динида одамларни ўзаро дўстлик, ҳамкорликка даъват этадиган, умуминсоний ахлоқий нормаларни қадрлашга ва ривожлантиришга чорлайдиган, илм-фан асосларини пухта ўзлаштириб олишни тарғиб-ташвиқ этадиган, эркаклар билан хотин-қизларни, ота-оналар билан фарзандларни ўзаро аҳил ва ҳамкор бўлишга, бир-бирларини қадрлаш ва ҳурмат этишга ундайдиган қимматли фикрлар борлигидан кўз юммаслигимиз керак. Ислом дини арбоблари одамларни тинчликни сақлашга, ядро фалокатига йўл бермасликка, инсоният ва унинг тили, қадимий тарихи ва маданиятини, маданий мероси ва прогрессив урф-одат ва анъаналарни авайлаб-асрашга, меҳнатни севиш ва қадрлашга, табиатни асраб қолишга, экологик ва демографик муаммоларни ижобий ҳал этишга даъват этмоқда.

Ислом маданияти жаҳон маданиятининг ажралмас бир таркибий қисмидир. Унда ўрганишга ва оқилона, танқидий, илмий-иждоий фойдаланишга арзийдиган жуда кўп ижобий томонлар бор.

Фалсафий дунёқарашнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у кишиларга табиат, жамият, инсон тафаккури ривожланишининг умумий қонуниятлари ҳақида бир бутун, яхлит маълумот беради. Шу билан бирга у инсонни қуршаб турган моддий оламнинг ҳеч ким томонидан яратилмаганлигини, абадийлигини уқтиради. Фалсафий дунёқараш дунёни ва унинг тараққиёт қонунларини билиш мумкинлигини, билиш мураккаб, зиддиятли жараёндан иборатлигини таъкидлайди.

Мифологик ва диний дунёқарашлардан фарқли равишда фалсафий дунёқараш табиат ва инсоният жамияти тараққиётининг сабаблари ва моҳиятини, ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятларини тўғри, илмий асосда тушунтириб беради. Фалсафий дунёқараш таълим бериб айтадики, бутун мавжудот — органик ва ноорганик дунё ҳам, инсоният дунёси ҳам, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳам, доимо ҳаракатда, ўсиш, ўзгариш ва ривожланишдадир. Фалсафий дунёқараш асосида кишилар объектив оламдаги ҳамма нарса ва ҳодисалар, жараёнлар ўзидан бошқа нарсалар билан ички, зарурий, муҳим ва асосий алоқадорликда, таъсир ва акс таъсирда эканлигини чуқур англаб оладилар.

Фалсафий дунёқарашнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундан иборатки, у дунё қандай бўлса, уни шундайлигича, ҳеч бир ёт қўшимча ва уйдирмасиз, ҳеч қандай муболағасиз тушунтиради.

Фалсафий дунёқараш қотиб қолган эмас, балки доимий равишда ўзгариб, ривожланиб, бойиб ва такомиллашиб борадиган дунёқарашдир. Табиатда, жамиятда бўладиган ўзгаришлар туфайли, биринчи навбатда, табиий, техник ва ижтимоий фанлардаги кашфиётлар, ижтимоий ҳаётда тўхтовсиз рўй бериб турадиган муҳим ўзгаришлар натижасида кишиларнинг объектив олам ҳақидаги илмий билим ва тасаввурлари, хусусан фалсафий дунёқарашлари олдингига нисбатан анча ривожланади, бойийди ва чуқурлашади. Ҳозирги замон илмий-техника инқилоби туфайли инсон билимлари доираси беҳад кенгайиб, мазмунан чуқурлашиб ва мураккаблашиб бораётганлиги бунга яққол мисолдир. Бинобарин фалсафий дунёқараш фақат назарий билиш жиҳатдангина эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Фалсафанинг вазифаси хилма-хил бўлиб, унинг энг муҳим хусусияти кишиларга олам ҳақида бир бутун дунёқарашни шакллантиришдан иборатдир. Шунингдек, фалсафа методологик характерга ҳам эгадир. У аниқ фан вакиллари воқеликни билишнинг энг умумий методологияси билан қуроллантиради.

Фалсафа гносеологик вазифани ҳам бажаради, яъни теvarак-атрофдаги нарса ва ҳодисаларни билиш қонунларини, билишда объект ва субъект диалектикасини чамбарчас боғлиқ ҳолда очиб беради.

Бундан ташқари, фалсафа шахснинг ижтимоий-сиё-

сий дунёқарашини шакллантиради. Шу билан бирга шахснинг жамият олдидаги ижтимоий жавобгарлик ва масъулият ҳиссини уйғотади. Фалсафанинг мазкур хусусияти ҳозирги куннинг долзарб масалалари — ядро хавфининг олдини олиш, экологик ва бошқа умумбашарий муаммоларни инсоният манфаатлари нуқтаи назаридан ҳал этиш зарурати туфайли янада чуқур аҳамият касб этмоқда. Бу ҳозирги шароитда фалсафанинг инсонпарварлик моҳиятини янада чуқурлашиб бораётганлигидан далолат беради.

Фалсафанинг тарбиявий вазифасига эга эканлигини ҳам алоҳида эътиборга олиш лозим. Фалсафий тафаккур маданиятининг шаклланиши кишилар умумий маданиятининг муҳим кўрсаткичидир..

Мазкур фан бевосита инсонга, унинг онгини шакллантиришга қаратилган. Инсоннинг дунёқарашини шакллантиришда фалсафа аниқ фанлар томонидан йиғилган маълумотларга асосланади. Шунини эътиборга олиш керакки, фалсафа, энг аввало — фан. Барча бошқа фанлар сингари у ҳам ўзининг махсус предметига эга бўлиб, доимий равишда ривожланиш, тараққиётдадир. Шу билан бир қаторда фалсафа айни пайтда мафкура ҳамдир, у мафкуравий вазифани ҳам бажаради. Шунини очиқ-ойдин айтиш керакки, собиқ шўролар жамиятида узоқ йиллар давомида фалсафанинг мафкуравий вазифасига биринчи даражали аҳамият берилдию, аммо унинг илмий жиҳатига, фан эканлигига унчалик эътибор берилмади, яъни бир ёқламаликка йўл қўйилди. Ҳозирги пайтда фалсафага бундай ёндошувнинг олди олинмоқда.

Бизни қамраб олган, чексиз ва доим ривожланишда бўлган объектив олами, унинг қонунларини билиш аниқ фанлар билан бир қаторда фалсафанинг ҳам вазифасидир. Фалсафанинг ҳам, аниқ фанларнинг ҳам ўрганиш объекти битта, у ҳам бўлса бизни қуршаб олган дунёдир. Аммо уларнинг тадқиқот предметлари турлича бўлиб, бу фарқ бизнинг хоҳиш-иродамизга боғлиқ эмас. Ранг-баранг дунё ва ундаги ҳодисаларда бир вақтнинг ўзида умумий ва хусусий қонунлар амал қилади. Дунёнинг алоҳида олинган ва чекланган соҳаларида амал қилувчи ўзига хос хусусий қонунларни аниқ хусусий фанлар ўрганади. Улар орасида амал қиладиган энг умумий қонунлар эса фалсафанинг ўрганиш соҳасидир.

Масалан, миқдорий муносабат ва фазовий ўринларни — математика, иссиқлик, нурланиш, электромагнит ва ядро жараёнларини — физика, ўсимлик ва ҳайвонот оламини — ботаника ва зоология фанлари, ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларини, ишлаб чиқариш усули ва тақсимлаш кабиларни иқтисодий фанлар ўрганади.

Фалсафа алоҳида фанлар сингари дунёнинг у ёки бу соҳасини эмас, балки уни бир бутунлигича ўрганади, табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиётининг энг умумий қонунларини ўрганади, кишиларнинг назарий ва амалий фаолиятини тўғри йўлга солади.

Фалсафани бошқа фанлардан ажратиш мумкин эмас. Ҳар бир фан оламнинг аниқ бир томонини ўрганар экан, демак, бу фаннинг ёлғиз ўзи олам ҳақида бир бутун илмий тасаввур ҳосил қилиш учун етарли бўла олмайди. Олам ҳақидаги яхлит илмий тасаввурни табиатшунослик фанларининг барчаси ҳам ҳосил қила олмайди. Табиатшунослик фанлари табиат ва унинг ривожланиш қонунларини ўрганади. Олам ҳақидаги ягона илмий тасаввур эса жамият ва инсон тафаккури тўғрисидаги билимларни ҳам ўз ичига олади. Демак, олам ҳақидаги энг умумий билим барча фанларнинг муаммоларини системалаштириш, бир-бирига боғлаш ва умумлаштириш натижасида ҳосил бўлади. Ана шу вазифани фалсафа фани бажаради. Бу фан барча фаннинг амалий фаолияти жарёнида тўпланган далиллари-ни системага солиш, оламни билиш ва унга амалий таъсир кўрсатиш йўлларини очади.

Фалсафа аниқ фанларнинг ютуқларига бефарқ қарамайди, балки энг янги кашфиётларни чуқур ўрганиш, назарий умумлаштириш заминида ўсиб, ижодий ривожланиб боради. Шу маънода фалсафанинг ижодий бойиши ва ривожланиши аниқ фанларнинг тараққиёти билан бевосита боғлиқ эканлиги маълум бўлади. Фалсафий таълимотга асосланиш аниқ фанлар моҳиятини билишга, уларнинг кашфиётларини тўғри умумлаштиришга имкон беради. Илмий фалсафий назария билан қуролланган олим бошқаларга нисбатан ўз фанининг истиқболини, моҳиятини чуқурроқ била олади.

Агар ҳар бир фан ўзича ривожлана борса, кашфиётлар бир-бири билан боғланмаса ва умумлаштирилмаса, у вақтда олам ҳақида ягона билим ҳосил қилиш, унинг моҳиятини, қонун ва қонуниятларини чуқур би-

лиш мумкин бўлмай қолади. Шунинг учун ҳам аниқ фанлар билан фалсафанинг ўзаро алоқадорлигига бўлган зарурият ҳар доим сақланиб ва кучайиб бораверади.

Фалсафа муаммолари доимо янгиланиб туради. Чунки эски андозалар ўз аҳамиятини йўқотмоқда, янгилари эса чуқур мазмун касб этмоқда. Булар эса фалсафанинг ҳозирги замон талабларига мос келадиган тафаккур даражасига кўтарилиши лозимлигини талаб этмоқда.

2. ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР МАДАНИЯТИНИ ЭГАЛЛАШ — МУРАККАБ ЖАРАЁН

Фалсафий тафаккур — диалектиканинг қоидаларига асосланиб фикрлаш демакдир. Диалектик фикрлаш, энг аввало, ҳар қандай нарса, яъни ҳодисани ўрганишда ҳамма томон ва боғланишларни, шунингдек, унинг бошқа нарсалар ва ҳодисалар билан ўзаро муносабатларини ҳисобга олишни талаб этади. Бу мавҳум талаб эмас. Реал воқеликдаги нарса ва ҳодисалар бир-биридан ажралган, алоҳида ҳолда мавжуд бўлмасдан, балки бири бири билан мустаҳкам ўзаро боғланишда бўлиб, бири бирини тақозо қилади. Шунинг учун нарсалар мантиқининг инъикоси бўлган инсон тафаккури мантиқни объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни бутун ташқи олам билан бирга жонли ва турли-туман алоқасини қамраб олиши, акс эттириши керак. Назарий билим ўрганилган нарсанинг ривожланиш қонуниятларини ва унинг ҳар томонлама муносабатларини очиб бериши лозим, чунки ҳақиқат нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳар томонлама умумий хулосаларидан таркиб топади.

Диалектик тафаккур объектив дунёнинг нарса ва ҳодисаларини фақат ўзаро алоқада ва бир-бирини тақозо қилишида олиб қарамасдан, балки ҳаракатда, ўзгаришда ва ривожланишда қарашни ҳам талаб қилади. Табиат ва жамият ҳодисаларининг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирларига таъсир қилиб туриши уларнинг доимий ҳаракатда, ривожланиш ва ўзгаришда бўлиб туришини кўрсатиб беради. Ҳамма ҳодисалар ўзаро боғлиқ бўлиб, бири иккинчисидан келиб чиқади. Дунё абадий ҳаракат, ўзгариш ва ривожланишда бўлади. Ривожланиш кўп қиррали жараёндир, унинг ҳамма томонлари инсон

онгида акс этиши катта амалий ва илмий аҳамиятга эга.

Диалектик тафаккур нарса ва ҳодисаларни бевосита мавҳум тафаккур йўли билан ҳосил қилиш имкониятини беради. Абстракциялаш ҳодиса, нарсанинг хоссаларини, муносабатларини, тараққиёт босқичларини фикран билиш усулидир. Бу усул воқелик ҳодисаларини чуқурроқ, тўғрироқ, тўлароқ акс эттиради. Мавҳумлик усули аниқ воқеликнинг моҳияти ҳақидаги билиш воситасидир. Абстракциялаш муайян нарса ва ҳодисаларни чуқурроқ ва атрофлича билиш имкониятини беради.

Диалектик тафаккур — бу, мантиқий тафаккур ҳамдир. Мантиқий усул нарса ва ҳодисаларни назарий шаклда тадқиқ қилиш усули ҳисобланади. Бу усул тадқиқот объектининг энг муҳим алоқаларини ва уларнинг ривожланиш қонуниятларини билиб олишга имкон беради.

Диалектик тафаккур нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти, уларнинг бир-бири билан алоқадорлиги ва ривожланиш қонуниятларини фалсафий тушунчалар (категориялар) системаси ёрдамида очиб беради. Диалектиканинг қонун ва тушунчалари воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий алоқасини акс эттириб, инсонда нарсаларнинг моҳиятига чуқур кириб бориш, уларнинг тараққиёт қонунларини билиш ва оламда юз берадиган ҳодисаларни онгли таҳлил қилиш имкониятини яратади.

Айрим олимлар ҳозирги замон илмий-техника инқилоби энг янги тафаккур усули — «система — структура» усулини яратади, деган фикрни илгари сурмоқчи бўладилар. Уларнинг бу қарашида диалектик тафаккурнинг эскирганлиги, шунинг учун у «система — структура» усули билан алмаштирилиши лозимлиги ҳақидаги фикр ётади. Аммо бундай ҳукм чиқариш асоссиздир. «Система — структура» усулини диалектик тафаккурнинг таркибий қисми десак янглишмаган бўламиз. Шунинг учун ҳам уларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиш нотўғридир. Ҳозирги замон илмий-техника инқилоби диалектика илмий тафаккурнинг самарали усули эканлигини ва шундай бўлиб қолишини яна бир карра исботламоқда.

Материалистик диалектика энг умумий қонун ва тушунчалар системаси сифатида воқеликдаги нарса ва

ҳодисаларга ҳар томонлама ёндошишни талаб этади. Инсон ўз амалий фаолияти ва илмий билиш жараёнида диалектиканинг ранг-баранглигини, хусусиятларини ҳисобга олиши, уларни аниқлаши лозим, яъни у диалектиканинг ўзига диалектик усул билан ёндоша билиши керак.

Табийий ва ижтимоий фанларнинг энг кейинги ютуқлари объектив оламдаги ўзаро алоқалар, улар асосида ётувчи қонунлар мураккаб ва кўп қиррали эканлигидан, шунингдек бу жараёнлар тўғрисидаги билимларимиз ҳам нисбий, ўзгарувчан эканлигидан далолат бермоқда. Моддий оламдаги бу умумий алоқа ва қонуниятларнинг мураккаб шакллари диалектиканинг қонун ва категорияларида мумкин қадар тўла ва чуқувроқ акс этишини ҳисобга олиш лозим. Бу — илмий билишнинг ягона, тўғри ва зарурий шартидир.

Материалистик диалектиканинг қонун ва категориялари биргаликда олинганда, ягона системани ташкил қилгандагина дунёни билишнинг умумий усули вазифасини бажаради. Агар улар алоҳида, бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда олинганда, нарса ва ҳодисалар ҳақида яхлит, бир бутун тасаввур ҳосил бўлмайди, чунки уларнинг ҳар бири умумий алоқадорлик ва ривожланишнинг қандайдир аниқ томонини ифодалайди. Улар биргаликда олинган тақдирда бир-бирларини тўлдиради, натижада моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқаси ва тараққиётининг яхлит, бир бутун манзарасини ҳосил қилади.

Диалектиканинг қонун ва категорияларидан илмий билишда фойдаланишда уларнинг ихчамлигини ҳисобга олган ҳолда ёндошиш зарур. Диалектиканинг қонун ва категориялари мантиқий шакллар сифатида нарсалар ҳаракатини айнан акс эттириши, бунинг учун эса улар ўз мазмунининг манбаига мос келиши лозим. Моддий дунёдаги нарсалар ва ҳодисаларнинг ички зиддиятчилиги, бир сифат ҳолатидан бошқа сифат ҳолатига ўтиши ва ривожланиб бориши туфайли диалектиканинг тушунчалари ҳам зиддиятли бўлиб, улар бир-бирига ўтиб туради ва ривожланади. Уларнинг ихчамлиги ана шундан иборатдир.

Илмий билишда диалектиканинг қонун ва тушунчалари ихчамлигини ҳар томонлама ҳисобга олиш кишиларни бир томонламаликдан, қолоқликдан халос қилади, уларни диалектик фикрлашга, нарса ва ҳодисалар

тараққиёти мантиқига қатъий мос ҳукм чиқаришга, яъни тушунчалардаги айнийликда тафовут, тафовутда эса айнийлик, маълум бир тушунчада бошқа тушунчаларнинг элементи, борлигини, барқарорликда — ўзгарувчанликни, ўзгарувчанликда эса барқарорлик жиҳати борлигини кўришга мажбур қилади. Бундай ёндошиш ҳозирги замон фани — ҳам табиат, ҳам ижтимоий соҳалардаги билимларнинг бойиб боришига олиб келувчи ягона тўғри фикрлаш усулидир.

Материалистик диалектиканинг қонун ва категориялари инсон ақлининг соф маҳсули бўлмасдан, балки табиат тараққиётининг ҳақиқий қонунлари ифодасидир. Борлиқнинг энг умумий қонунлари ўз мазмунига кўра объектив бўлиши билан бир қаторда билиш қонунлари ҳамдир. Демак, диалектика борлиқ тараққиётининг энг умумий қонунлари ҳақидаги таълимот бўлиш билан бирга, билиш назариясини, яъни тафаккур шакллари ва қонунлари ҳақидаги фан ҳамдир.

Диалектика, мантиқ ва билиш назарияси объектив олам, шунингдек тафаккур ва билиш тараққиётининг энг умумий қонунлари ифодасидир. Бундан диалектика, мантиқ ва билиш назариясининг мазмунан мос эканлиги аён бўлади. Демак, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш мумкин эмас. Аммо тафаккур ва объектив қонун, дунёқарашнинг умумийлиги асосида диалектика, мантиқ ва билиш назариясининг ўзаро мос келишидан уларни мутлақ айнанлаштириб бўлмайди. Улар орасида моддий дунё, тафаккур ва билиш жараёнида умумий қонунларнинг ўзига хос амал қилиши билан боғлиқ бўлган тафовутлар ҳам мавжуд. Лекин бу тафовутларни ҳам мутлақлаштириб бўлмайди, чунки диалектика, билиш назарияси ва мантиқ яхлит фалсафа фанининг турли томонларидир.

Фалсафий тафаккур маданиятини эгаллаш жиддий ва жуда машаққатли жараёндир. Кишилар фалсафий тафаккур имкониятига ҳар хил йўл билан эришадилар. Ҳаёт шунини яққол кўрсатадики, кўпинча ҳар бир инсон атрофини қуршаб турган воқеликни фалсафий нуқтаи назардан фаҳмлашга (оммавий онг даражасида) ўзларининг кундалик эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фаолиятлари орқали эришадилар.

Касбий онг даражасида фалсафий фикрлашга эса кишилар ўзларининг машаққатли меҳнати туфайли, ўқиб билим олиш орқали, ижтимоий-сиёсий ишларда

фаол қатнашиши натижасида эришадилар. Бунн ушбу асар муаллифи ўз шахсий ҳаётидан яхши билади.

Фалсафий фикрлаш санъатини ўзлаштириб олишда камина босиб ўтган йўл бошқа ҳамкасбларимга ҳам хос эканлигини ҳисобга олиб, ўз ҳаётим тўғрисида бир оз тўхталиб ўтмоқчиман.

Мен 1928 йили Жанубий Қозоғистон вилоятининг Сайрам туманига қарашли Қорамурт қишлоғида ўзбек оиласида туғилганман. Ота-боболарим деҳқончилик билан шуғулланганлар. Шунинг учун ҳам ёшлигимдан бошлаб деҳқон оиласига хос ҳамма қийинчиликларни бошимдан кечирганман.

Бошланғич ва ўрта маълумотни рус кишилари истиқомат қилувчи қўшни Георгиевка қишлоғида жойлашган мактабда олдим. Ўқиш билан бир қаторда бошқа қишлоқ болалари сингари оиламиз ва колхозимизнинг хўжалик ишларида фаол қатнашардим. Тенгқурларим билан бирга мактаб оталиққа олган колхоз фермасида ёш бузоқларга қараб, уларни парваришлаб ўстирардим. 1940 йили ана шу ишим туфайли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик кўргазмасининг қатнашчиси деган гувоҳномага эга бўлдим. Афсуски, Улуғ Ватан уруши бошланиб кетиши муносабати билан Москва шаҳрига боришга муяссар бўла олмадим.

Халқимиз бошига дафъатан тушган қора кунлар ҳаммамизнинг режаларимизни йўққа чиқарди. Улуғ Ватан уруши йиллари эр-йигитларнинг деярли барчаси армия сафига чақирилгани туфайли қишлоқларда асосан аёллар ва ёш болалар қолгани ҳаммамизга аён. Бизлар, уруш фарзандлари, ёшлигимизга қарамасдан, халқимиз билан бир қаторда колхоз далаларида астойдил меҳнат қилиб, ғалаба кунини яқинлаштиришга қўлимиздан келганча ҳиссамизни қўшдик. Бунга «1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланганим яққол далил бўла олади. Кейинги фаолиятимда яна бир неча орден, медаль, унвон ва бошқа мукофотларга сазовор бўлдим. Лекин мен учун ўша биринчи медаль ҳаммасидан ҳам қимматлироқ.

Меҳнат мени жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқтирди. Шунинг учун бўлса керак, ҳозир ҳам бўш пайтларимда дала ҳовлимизда жисмоний меҳнат билан машғул бўлиб тураман.

1944 йили ўрта мактабни қизил аттестат билан ту-

гатдим. Лекин олий билимгоҳга кириб ўқишни давом эттиришга имконият йўқ эди, чунки катта оилани боқиш каминанинг зиммасига тушиб қолган эди. Шунинг учун ҳам 1944—1946 йиллари район халқ судининг, кейинроқ эса район прокуратурасининг котиби бўлиб ишладим. 1946 йили Олмаота давлат юридик билимгоҳига ўқишга кириб, уни 1950 йили тугатдим. Ўқиш жараёнида ижтимоий ишларда фаол иштирок этдим. Илмгоҳ комсомол қўмитасининг иккинчи котиби бўлиб сайландим. Илмгоҳни тугатгач, аспирантурага тавсия этилганимга қарамасдан, амалий ишга юборишларини илтимос қилиб, 1950—1951 йиллар давомида Қозоғистоннинг Ақмола вилоятида вилоят прокурорининг умумий назорат ишлари бўйича катта ёрдамчиси бўлиб ишладим. 1951 йил ёзида, меҳнат таътили пайтида Қозоғистон Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институти томонидан чиқарилган эълонга асосланиб, диалектик материализм мутахассислиги бўйича аспирантурага кирдим. Лекин ўқишни Москва шаҳрида бошлашга тўғри келди, чунки бўлажак раҳбарим профессор Н. Жандилдин бошқа ишга ўтиб кетганлиги туфайли мени СССР Фанлар академияси Фалсафа институтига ўқишга юборишди. Бироқ институт раҳбарияти аспирантурада ўқишим илгаридан режалаштирилмаганини важ қилиб, ўқишга қабул қила олмаслигини айтишди. Мен ҳаяжонланиб, нима қилишимни билмай, бошим қотиб қолган бир пайтда бир тасодифий воқеа аҳволимни енгиллаштиришга сабаб бўлди. Ўша пайтда Москва шаҳрига Қозоғистон Фанлар академиясининг президенти, академик Қаныш Имантаевич Сатпаев келганини эшитиб, унга телефон орқали аҳволимни баён этиб, ёрдам сўрадим. У киши мен билан жуда мулоим сўзлашиб, эртага Фанлар академиясининг бош котиби академик А. В. Топчиевнинг ҳузурида бўлишимни тайинладилар. Белгиланган вақтда Қаныш Имантаевич билан учрашиб, академик А. В. Топчиевга бўлган вазиятни батафсил гапириб бердим. Шундан сўнг улар Фалсафа институтининг раҳбари академик Г. Ф. Александров билан маслаҳатлашиб, агар мен ўз мутахассислигим бўйича кириш имтиҳонини қайтадан топшириб, илгари олган баҳони тасдиқласам, аспирантурага қабул қилишлари мумкинлиги тўғрисида бир қарорга келишди. Ўшанда Қаныш Имантаевич Сатпаевнинг менга, Москвага келиб ўқиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди, шунинг учун имти-

ҳонга яхшилаб тайёргарлик кўриб боринг, сизнинг орқангизда катта халқ турибди, унинг обрўсини сақлашингиз керак, деб берган насиҳатлари ҳамон ёдимда. Мен ўз ҳаётимда жуда кўп ажойиб инсонлар, юқори мартабали раҳбарлар билан мулоқотда бўлганман, лекин академик Қ. Сатпаевдек ҳақиқий инсон, халқ келажagini ўйлайдиган йирик олим, давлат ва жамоат арбобини кўрдим деб айта олмайман.

Бу улуғ инсоннинг маслаҳатлари менга катта далда бўлди, тез кунлар ичида кириш имтиҳонини қайтадан аъло баҳога топшириб, СССР Фанлар академияси Фалсафа институтининг аспирантлари сафига қўшилдим. Шу кундан бошлаб ҳаётимда янги давр бошланди, катта фан олами сари илк қадам ташладим.

Институт раҳбарияти, шу жумладан директор муовини профессор Д. М. Трошиннинг ташаббуси ва жонкуярлиги билан аспирантларнинг ўқиши ва илмий иш билан шуғулланиши учун керакли ҳамма шарт-шароитлар яратилиб қўйилган эди.

Аспирантурада ўқиган вақтимиз биз учун энг бахтли ва самарали йиллар бўлиб, фалсафа фани соҳасида малакали мутахассис сифатида шаклланишимизда катта замин бўлди. Бунда, албатта, бизларга мамлакатнинг ўша даврдаги таниқли ва йирик олимлари томонидан ўқилган сермазмун лекцияларнинг аҳамияти жуда катта бўлди. Хусусан СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси М. А. Динникнинг юнон фалсафасига бағишланган лекцияларини, академик Т. И. Ойзерман, профессор М. П. Баскиннинг буржуа фалсафаси бўйича, профессорлардан И. Я. Шипанов ва В. Г. Баскаковларнинг рус фалсафаси юзасидан, профессорлар М. А. Леонов, В. П. Чертков, М. М. Розентальнинг диалектик материализм муаммолари бўйича, профессор П. В. Таванецнинг логика курсидан ўқиган лекцияларини ҳамон миннатдор бўлиб эслайман. Тарихий материализм соҳасида бизларга лекция ўқиганлардан академик Ф. В. Константинов, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари Ц. А. Степанян, М. Д. Камари, фалсафа фанлари доктори, профессорлар Г. Е. Глезерман, И. П. Цамерян, Д. И. Чесноков номларини кўрсатгим келади.

Таниқли файласуфлар билан бир қаторда бизларга аниқ фанларнинг намояндалари ҳам лекция ўқиган эдилар. Жумладан, биология фанининг фалсафий му-

аммолари бўйича СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси О. Б. Лепешинская, академиклар В. Г. Фесенков, О. Ю. Шмидт, ҳуқуқшунос А. А. Вишинскийларнинг ҳам лекцияларини эшитишга муяссар бўлганмиз.

Менинг фалсафий фикрлашимга ўша пайтдаги вазият, жумладан мафкура соҳасидаги муҳит катта таъсир кўрсатди, десам хато қилмаган бўламан. Маълумки, 1946—1948 йилларда КПСС Марказий Қўмитаси мафкуравий масалалар юзасидан қатор қарорлар қабул қилди. Мазкур ҳужжатларда шўролар мамлакатининг бир неча зиёлилари, олимлари космополитизм, миллатчилик, маслаксизликда асоссиз айбланди. Жумладан, академик Г. Ф. Александров «Ғарбий Европа фалсафаси тарихи» деган асари учун қаттиқ танқид қилинди. Шу пайтларда биология фани соҳасида Т. Д. Лисенко билан генетика тарафдорлари ўртасида катта илмий кураш авж олган эди. Адабиёт ва санъат соҳасида ҳам катта мафкуравий курашлар кетаётган эди. 50-йилларнинг бошида жамиятда сионизмга қарши олиб борилган курашлар фалсафа институтини ҳам четлаб ўтмади. Бир неча олимлар таниқли файласуф олим Г. Е. Глезерманнинг асарларини тақиқ остига олиб, уни қувғин қилишга уриндилар.

Шунга ўхшаш бошқа воқеалар ҳам содир бўлган эди. Ана шу вазиятда институтда ҳам бир неча гуруҳлар орасида катта кураш авж олиб борарди. Биз беихтиёр ўша мафкуравий курашларнинг иштирокчиси бўлиб қолган эдик.

Мамлакатда юз бераётган мафкуравий курашлар натижасида фалсафа фанининг сиёсат билан узвий боғлиқ эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Файласуф олимлар КПСС томонидан қабул қилинган мафкуравий қарорларни биринчи бўлиб қўллаб-қувватлашга, уни илмий асослаб ва кенг омма ўртасида тарғиб қилишга уринардилар. Ана шу расмий анъанани кўп йиллар давомида такрорлаб келдилар. Ижтимоий фанлар, жумладан фалсафа фани синфий ва партиявий қурол сифатида қаралиб, КПСС раҳбарлари қўлида бошқача ва эркин фикрлайдиган кишиларга қарши қўлланиладиган мафкуравий тўқмоқ бўлиб қолган эди.

Ана шундай огир вазиятга қарамасдан, биз, ёш олимлар ўз фанимизни жон-дилимиз билан севиб, унга қўлимиздан келганича янгилик киритишга уринардик. Ушбу сатрлар муаллифи ҳам ўз илмий ишларида диа-

лектика қоидаларига амал қилиб, давлатнинг вазифаларини янгича таҳлил қилишга интилди.

Аспирантурада ўқиб юрган кезларимдаёқ диалектика назарияси билан қизиқа бошлаган эдим. Кейинги йилларда илмий фаолиятимни тўлиқ ана шу соҳага бағишладим.

Илк илмий ишим москвалик олимлар томонидан муносиб баҳоланди. Натижада 1953 йилнинг охирида 25 ёшимда фалсафа фанлари номзоди деган илмий даражага сазовор бўлдим. Диссертацияни ҳимоя қилиш билан бир қаторда аспирантурада ўқишни тугатиб, Олмаота шаҳрига жўнаб кетдим. Шу билан ҳаётимда яна бир янги давр бошланди. 1954—1971 йиллар мобайнида Қозоғистон олий билимгоҳларида ишладим. Жумладан, Олмаота олий партия мактабида доцент, Қозоғистон Давлат тиббиёт билимгоҳида фалсафа кафедраси мудири, Қозоғистон Давлат дорилфунунининг фалсафа кафедраси мудири лавозимларида ишладим. 1971 йили Тошкент шаҳрига келиб, Тошкент Давлат дорилфунуни қошидаги Ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг малакасини ошириш институтида профессор бўлиб ишлай бошладим. 1972 йилдан ҳозирги пайтгача Низомий номли Тошкент Давлат педагогика билимгоҳида фалсафа кафедраси мудири бўлиб ишлаб келмоқдаман. Олий ўқув юртларида ишлашнинг ўзига хос қийинчиликлари ва афзалликлари ҳам бор. Кўп йиллик тажрибам шуни кўрсатадики, етук олим бўлиш учун олий билимгоҳларда ишлаш анча самаралидир, чунки бўлғуси мутахассис ёшлар билан ишлаш ҳар бир ўқитувчидан чуқур билимни талаб этади, бу эса олимнинг ўз билимини, малакасини янада ривожлантириб боришини тақозо этади.

Дунёқарашимнинг шаклланишига, фалсафий фикрлаш маданиятини ўзлаштириб олишимга ижтимоий ишларда фаол қатнашганим ҳам катта таъсир кўрсатганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Ижтимоий ишда фаол қатнашиш туфайли жамиятимизнинг турли соҳасида юз бераётган воқеаларни чуқурроқ ва атрофлича фаҳмлаш имкониятига эга бўлдим.

Ўхулоса қилиб айтганда, фалсафий фикрлаш санъатини ўзлаштириб олиш — тинмай, толмай меҳнат қилишни, зерикмай ўқиб билим олишни, ижтимоий-сиёсий ишларда фаол иштирок этишни ўзига қамраб оладиган жиддий ва машаққатли жараёндир.)

3. ФАЛСАФА ФАНИ КУЧ-ҚУДРАТИНИНГ МАНБАИ — УНИНГ ФУНДАМЕНТАЛ НАЗАРИЯСИ БОЙЛИГИДА

Ҳар бир фаннинг куч-қудрати манбаи, илмий билиш, амалиётдаги ўрни ва истиқболи — унинг назарий бойлигидадир. Бу фалсафа фанига ҳам тегишли. Назария — кенг ва тор маънода қўлланиладиган тушунча. Кенг маънода назария муайян бир нарса ва ҳодисани изоҳлаб беришга бағишланган қараш, тасаввур, ғояларнинг мажмуи, йиғиндисини ифодалайди. Тор маънода илмий билишнинг юқори шакли бўлиб, воқеликнинг муҳим бир томонини, ривожланиш қонуниятларини ва моҳиятини очиб беришга қаратилган билимларни ҳосил этади.

Назария яхлит билим бўлиб, унинг ўз ичига қамраб олган қоидалари бир-биридан мантиқий ҳолда келиб чиқади ва бир-бирини тўлдиради. Демак, назария — бу системалаштирилган, чуқур ва бой билим.

Фан ўз моҳиятига кўра доимо назарий хусусиятга эга, ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни инсон онгида атрофлича мушоҳада этиш жараёни билан узвий боғлиқдир. Лекин назарий тафаккур савиясининг чуқурлиги ва шакллари хилма-хилдир. Агар кенг маънода қўлланиладиган назария тушунчаси ҳар бир фанга хос хусусият бўлса, тор маънодаги назария тушунчаси фан тараққиётининг юқори даражасига хос хусусиятдир.

Фаннинг эмпирик ва назарий даражалари бор. Билишнинг эмпирик даражаси асосан тажриба билан боғланган бўлиб, у асбоб орқали кузатиш, эксперимент ва ҳоказолар асосида олинган маълумотлар натижа-сида вужудга келади. Билимнинг назарий даражаси эса эмпирик даражадан фарқ қилиб, асосан абстракт тафаккур орқали ривожланади. Назарий даража эмпирик даража билан бевосита ёки билвосита боғланади. Демак, назарий даражада эмпирик билим умумлаштирилади, системалаштирилади, янги назариялар келиб чиқишига замин тайёрланади ёки эски назариялар тўлдирилади. Агар илмий билишнинг эмпирик даражаси ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни тўплаб, уларни тавсифлаш билан чегараланса, унинг назарий даражаси эса тўпланган маълумотларни хилма-хил фаҳмлаш йўллари билан умумлаштириб, ривожлантириб, борлиқнинг асосий томонлари муносабатларини чуқур ва ат-

рофлича акс эттиришга қаратилган билимлар система-сидир. Назария бир-бири билан алоқадорликда бўлган нарс ва ҳодисаларнинг умумий томонларини ифода этиб қолмасдан, балки муайян билим системасини бар-по этиш усули, воқеликни ўрганишга қаратилган илмий тадқиқот дастури ҳамдир.

Назария системалаштирилган илм сифатида қуйи-даги элементлардан ташкил топади: 1. Фаннинг эмпи-рик пойдевори, асосини ташкил этувчи тажриба, экс-перимент орқали қўлга киритилган ва илмий фикрлашни талаб этадиган илмий далиллар; 2. Фаннинг назарий даражасига хос бўлган идеаллаштирилган объект (ре-ал объект идеал объект билан алмаштирилган) ёрда-мида нарс ва ҳодисаларнинг муҳим томонларини акс эттириш учун қўлланиладиган тахминий фикрлар; 3. Илмий назарияни ишлаб чиқиш жараёнида фойда-ланилган мантиқий хулосалар; 4. Назарий хулоса нати-жасида вужудга келган илмий қондалар ва уларнинг йиғиндиси.

Илмий назария хилма-хил элементлардан тузилган бой ва жуда мураккаб системалаштирилган билим. Илмий назария структураси асосини илмий далиллар ташкил этади. Далил — бу воқеликдаги нарс ва ҳоди-саларни, жараён ва воқеаларни ифодалайдиган билим-дир. Лекин ҳар хил далил ҳам илмий далил сифати даражасига кўтарила олмайди. Воқелик далиллари ил-мий даражасига эга бўлиш учун улар муҳим бир мавжуд назарий ғояларга таяниб изоҳланса, шундагина улар илмий далил сифатига эга бўлиб, илмий билиш систе-масининг таркибий қисмига киради. Масалан, олимлар-нинг Ой, Марс, Венера ва бошқа сайёралар ҳақида ке-йинги йилларда қўлга киритган маълумотлари ҳозирги давр фанининг ривожланиш хусусиятига эга бўлган да-лиллардир. Лекин ана шу далилларнинг қўлга кирити-лиши бизнинг олимларимиз томонидан яратилган ғоя-лар ва уларнинг асосида ишлаб чиқилган техника воситалари билан узвий боғлиқдир. Муайян ғоялар би-лан боғланмаган илмий далиллар йўқ, бўлиши ҳам мум-кин эмас. Демак, далилларга илмий тус бериб, уни би-лим системасининг таркибий қисмига айлантиришда мавжуд илмий ғояларнинг роли жуда каттадир.

Воқеликдан мавжуд илмий ғояларга асосланиб олинган далилларни изоҳлашда илмий қонунлар катта роль ўйнайди. Илмий қонунлар ёрдамида воқеликдан

олинган далиллар системалаштирилади, улар муайян ғоялар асосида изоҳланади. Бунинг оқибатида нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлиги, уларнинг моҳияти ва умумийлиги акс эттирилади. Бу эса далилларни илмий системага киритишга замин яратади. Агар илмий далиллар илмий қонуниятларнинг эмпирик заминини ташкил этса, илмий қонуниятлар ўз навбатида илмий назариянинг заминини, унинг ўзагини ташкил этади. Ҳар бир фан воқеликдан олинган далилларни тўплаш ва уларни изоҳлашдан бошланади. Бунинг натижасида ўрганиладиган нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорлик, уларнинг ривожланиш қонуниятлари аниқланади. Шундай қилиб, тўпланган маълумотлар илмий назариянинг асосини ташкил этади.

Фаннинг ҳаёт талабига жавоб берадиган даражада ривожланиши унинг эмпирик ва назарий даражаларининг бир-бири билан мос келиб туриши билан боғлиқдир. Агар фаннинг эмпирик томонига чуқурроқ эътибор бериб, унинг назариясига етарлича эътибор берилмаса, у воқеликда рўй бераётган нарса ва ҳодисаларни ўрганиб, уни тасвирлаш билан чегараланувчи қуролга айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Аксинча, агар фаннинг назарий томонига кўпроқ эътибор бериб, унинг эмпирик асосларига эътибор қилинмаса, унда фан ҳаётдан ажралиб қолган мавҳум қоидалар йиғиндиси бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам фаннинг эмпирик ва назарий томонлари бир-бирига мос келиб, бир-бирини тўлдириб бориши даркор.

Фан ўз моҳияти ва жамиятда тутган ўрнига қараб фундаментал ва амалий фанларга ажратилади. Амалий фанларнинг илмий натижалари ҳаётга тез вақтнинг ичида татбиқ этилиш имкониятларига эгадир. Фундаментал фанлар эса назарий хусусиятга эга бўлиб, уларнинг илмий кашфиётлари ва натижалари амалий фанларнинг ривожланиш йўналишини, илмий асосини белгилаб беради. Фундаментал фанларнинг натижалари ўз самарасини бугун-эрта эмас, балки келажакда кўрсата олиш имкониятига эгадир. Бундан яққол кўрииб турибдики, агар амалий фанлар кишиларни қизиқтирадиган масалаларни тез орада ҳал қилиб тактик ва зифани бажарса, фундаментал фанлар эса келажак учун аҳамияти катта бўлган илмий муаммоларни ҳал этишга қаратилган бўлиб, стратегик аҳамият касб этади.

Жамият тараққиётининг келажаги, инсон фаровонлигининг истиқболи фундаментал фанларнинг ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Шунинг эътиборига олган ҳолда фундаментал фанларнинг ривожланиши учун керакли ҳамма шарт-шароитларни яратишимиз зарур. Афсуски, кейинги пайтларда жамият томонидан фундаментал фанларга ва шу соҳада ишлаётган олимларга бўлган эътибор пасайиб кетмоқда. Фундаментал фанларнинг хусусиятларини тушунмасдан, уларнинг ривожланиши учун керакли маблағларни қисқартириб ташлашни талаб қилиб келаётган раҳбарлар ҳам оз эмас. Бу жуда хавфли даъватдир, бунга йўл қўйиш мумкин эмас!

Фалсафа фундаментал фанлар қаторига киради ва уларнинг ичида марказий жойни эгаллайди. Бу бежиз эмас. Воқеликнинг энг умумий алоқадорлиги ва ривожланиш қонуниятларини, уларнинг инсон онгида акс этиши йўллариини ўрганишга қаратилган фалсафа яхлит илмий билим системасини ташкил этиб, муайян фундаментал қоидаларнинг йиғиндисига асосланади. Бу қоидалар фалсафа фанининг ўзагини ташкил этувчи диалектика назариясида ўз аксини топади.

Диалектика назарияси инсон томонидан минг йиллар давомида яратилган фалсафий таълимотларнинг йиғиндиси бўлиб, у ўз ичига бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган қуйидаги уч туркум йирик муаммоларни қамраб олади:

1. Борлиқ ва унинг ривожланиш муаммолари. Борлиқ инсон атрофини қуршаб турувчи воқеликни ифодаловчи тушунчадир. У мураккаб ва кўп қирралидир. Моддий борлиқ, идеал борлиқ, инсон борлиғи ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Моддий борлиқ нарса ва предметлар кўринишида бўлиб, материя ҳаракатининг ҳар хил шаклларида намоён бўлади ҳамда улар бир-биридан ўзаро фарқланади. Идеал борлиқ инсоният маънавий қадриятларини, фан ютуқларини ўз ичига қамраб олади. Инсон борлиғи эса ўзига хос манфаатга эга бўлиб, маълум бир ижтимоий ютуқлар ва синфларга тегишлидир.

Борлиқ, унинг келиб чиқиши ва ривожланиш қонуниятларини фалсафий мушоҳада қилиш инсонни доимо қизиқтириб келган ва ҳозир ҳам қизиқтириб келмоқда. Борлиқни илмий изоҳлаш, англашга қаратилган хилма-хил фалсафий йўналишлар ва фикрлар мавжуддир.

Уларни атрофлича ва батафсил ўрганиб чиқиш инсоннинг фалсафий дунёқарашини шакллантиришда катта аҳамиятга эга.

2. Диалектика назарияси борлиқ муаммоси билан бир қаторда воқеликнинг энг умумий алоқадорлиги ва ривожланиши, уни инсон онгида акс эттириш тўғрисидаги таълимот. Нарсалар, ҳодисалар ва жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва доимий ривожланиши диалектиканинг асосий принципи ҳисобланади. Нарса ва ҳодисаларнинг бир-бири билан алоқадорлиги ва уларнинг доимий ривожланиб туриши диалектика фанида унинг асосий қонунлари ва категориялари системасида ўз аксини топади. Демак, диалектика фани борлиқдаги нарсаси ва ҳодисаларнинг энг умумий алоқадорлиги ва ривожланишини акс эттириш учун қонун ва категория системасини яратади ва унинг ёрдами билан инсон атрофини қуршаб турган воқеликни акс эттиради. Инсон тафаккурининг шакли бўлган фалсафий қонун ва категориялар билан моддий оламни ўрганиш ҳам катта фалсафий муаммодир.

3. Веқеликни билиш назарияси. Борлиқни инсон онгида акс эттириш мураккаб диалектик жараёндир. Уни атрофлича ва чуқур билиш учун фалсафа фани инъикоси назариясини ишлаб чиқди. Диалектиканинг қонун ва категорияларига асосланган инъикос назарияси билиш жараёнида субъект билан объектнинг алоқадорлиги, билишнинг асосий босқичлари ва шакллари, ҳақиқатга эришиш диалектикаси ва шунга ўхшаш кўпгина мураккаб масалаларни атрофлича англаб олишга ёрдам беради. Илмий билиш ва инсон амалиёти учун бу катта аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, диалектика бой ва чуқур назария бўлиб, айни пайтда борлиқнинг энг умумий ривожланиш қонуниятларини ўрганишга, уларни инсон онгида атрофлича акс эттиришга ва дунёни билишга қаратилган таълимотдир. Бу унинг бир вақтда ҳам диалектика, ҳам мантиқ, ҳам билиш назарияси эканлигидан далолат беради.

Юқорида кўрсатилган муаммолар фалсафанинг барча тарихий типлари ва йўналишлари марказида турган муаммолардир. Антик, ўрта аср, янги давр ва ҳозирги замон файласуфларининг барчаси ўз асарларида борлиқ, унинг келиб чиқиши ва ривожланиши қонуниятлари тўғрисида, инсоннинг борлиққа муносабати, во-

қеликнинг ривожланиш манбалари, уни билиш қондалари ва шу каби мураккаб фалсафий масалалар тўғрисида турлича фикрлар айтганлар ва айтиб келмоқдалар. Бу эса фалсафанинг фундаментал муаммолари давомийлиги ва уларнинг умуминсоний қадриятлар аҳамиятига эга эканлигидан далолат беради.

Диалектика назариясига хос масалалар инсониятнинг ҳамма вақт қизиқтириб келаётган ва ҳеч қачон эскирмайдиган фундаментал муаммолардир. Лекин бундан фалсафа фанининг барча масалалари ҳам фундаментал аҳамиятга эга деган хулоса чиқариш нотўғри. Диалектика назарияси фалсафанинг фундаментал асосини ташкил этади. Лекин бошқа фанлар каби фалсафа фанининг фундаментал асослари билан бир қаторда амалий томонлари ҳам мавжуд. Табиат ва жамият соҳаларида содир бўлаётган, инсон ҳаётига таъсир этувчи хилма-хил воқеалар ва ҳодисалар шулар жумласидандир.

Маълумки, фалсафанинг вазифаси инсон онгида борлиқнинг энг умумий алоқадорлиги ва ривожланиш қонуниятларини ақс эттириш билан бир қаторда, кишиларда фалсафий фикрлаш маданиятини ҳам шакллантиришга қаратилгандир. Шунинг учун фалсафа фанини кундалик ҳаётимизда, унинг турли-туман соҳаларида содир бўлаётган катта-кичик воқеа ва ҳодисалар қизиқтириши қонуний ва табиий ҳолдир. Бу фалсафанинг ҳаёт билан узвий боғлиқ эканлигидан далолат беради. Лекин ҳамма гап ана шу, инсон эътиборини ўзига жалб этиб келаётган воқеалар нимага асосланиб ва қандай ақс эттирилишида. Агар улар диалектика назарияси нуқтаи назаридан ўрганилса ва таҳлил қилинса, унда биз ўзимизни қизиқтираётган масалаларга чуқур ва атрофлича, уларнинг бир-бири билан алоқадорлигини ва ривожланишини ҳисобга олган ҳолда ёндошиш имкониятига эгамиз. Ақс ҳолда бир ёқламаликка йўл очган бўламиз.

Ўз тарихимиздан яхши биламиз, ўтмишда файласуф олимларимиз жамиятимизнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа соҳаларига оид, ижтимоий синфлар, миллатлар ва миллатлараро муносабатлар, давлат, сиёсий партиялар, ижтимоий ташкилотлар, ижтимоий инқилоб, халқ оммаси, буюк шахслар, уларнинг жамият тараққиётидаги роли ва шу каби кўп масалалар бўйича қатор илмий асарларни чоп эттирдилар. Лекин уларнинг аксарияти ҳозирги давр талабига жавоб бера ол-

майди, чунки бу асарлар диалектика назариясига асосланиб эмас (ёки етарли даражада асосланмаган), балки КПССнинг сиёсати ва мафкурасидан келиб чиқиб ёзилган эди. Шунинг учун ҳам уларнинг барчаси КПСС ва маъмурий-буйруқбозлик системаси, раҳбарликнинг эски сиёсати, мафкураси каби пучга чиқди. Ҳозир ана шу мавзуларга бағишланган илмий тадқиқотларни давр талабига жавоб берадиган даражада, диалектика назариясидан келиб чиқиб, янгидан ривожлантиришимиз зарур эканлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Фалсафа фанининг амалий томонлари ўзининг назарий савиясига қараб ҳаётда юз бераётган ўзгаришлар натижасида муқаррар равишда ўзгариб туради. Бу эса диалектика назариясига дахлдор эмас, чунки у муайян синфлар, сиёсий партиялар, шахсларнинг сиёсати билан боғланмаган, уларнинг манфаатига қаратилмаган, умуминсоний қадриятлар хусусиятларига эга бўлган фандир. Шунинг учун ҳам фалсафанинг фундаментал асосини ташкил этувчи диалектика назарияси ҳозирги вазиятда ҳам ўзининг долзарблиги билан бошқа ижтимоий фанлардан ажралиб турибди. Диалектика назариясига қизиқиш уйғонишининг боиси ҳам ана шунда.

Кишилар ўзларининг билиш ва амалий фаолиятларида диалектик назарияга эркин ва онгли равишда асосланмоқлари учун диалектиканинг бутун ички имкониятлари бойлигини, умуман диалектика руҳини чуқур эгалламоқлари ва улардан унумли фойдаланмоқлари лозим. Шунинг учун ҳам диалектика тарзида тафаккур қилиш санъатини ўрганиш, бир томондан, барча мутахассисларнинг фалсафий билим асосларини чуқур эгаллашларини талаб этса, иккинчи томондан, мазкур билимларни турлича ҳаётий фаолият жараёнларидаги амалиётда қўллаш малакасини, яъни мустақил фикрлаш малакасини шакллантиришни талаб этади. Бу икки жиҳатга эга бўлган бир бутун муҳим вазифани адо этмоқ файласуф олимларимизнинг фахри бўридир.

4. ДИАЛЕКТИКА НАЗАРИЯСИ — ДОИМО РИВОЖЛАНИБ БОРУВЧИ ТАЪЛИМОТ

Диалектика назариясининг нисбий барқарорлигидан у ҳеч қачон ўзгармайдиган, қотиб қолган фан деган хулоса чиқариш тўғри эмас. Ҳаёт ва аниқ фанларнинг

ривожланиши натижасида диалектика назарияси ҳам ўз қондаларини янгилаб, бойитиб туради.

Диалектика соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борувчи йирик файласуф олимлар кейинги йилларда бу соҳада кўпгина ижобий ишларни амалга оширдилар. Диалектика назариясининг турли масалалари бўйича, унинг қонун ва категориялари хусусиятлари, амалиёт ва илмий билишдаги роли, кишиларда диалектик маданиятни шакллантириш муаммолари, воқеликни инсон онгида яхлит ва бир бутун акс эттиришда диалектик тафаккурнинг аҳамияти, диалектика, мантиқ ва билиш назариясининг айнийлиги ва шу каби бошқа муҳим мавзуга бағишланган кўпгина илмий ишлар нашр этилди.

Диалектика назариясини ижодий ривожлантиришда жумҳуриятимиз файласуф олимларининг ҳам ҳиссаси катта. Жумладан, ушбу сатрлар муаллифи ҳам диалектика назарияси бўйича олиб борган илмий тадқиқот ишларида собиқ шўролар мамлакатининг йирик файласуфлари ва илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилган бир неча муҳим муаммоларни илмий ишлаб чиқди. Қуйида ана шулар устида тўхтаб ўтмоқчимиз.

Диалектика назариясида қонун тушунчаси

Материалистик диалектика ўзининг амалиёт ва илмий билишдаги методологик ролини умумий қонун ва категориялар йиғиндиси ёрдамида бажаради. Демак, фалсафий билим асосларини чуқур ўзлаштириб олиш ва уларни амалий ва билиш жараёнида ижобий қўллай билиш учун диалектика қонунларининг моҳияти, хусусиятлари ва уларнинг дунёни фалсафий англашдаги ролини аниқлаб олишимиз лозим. Шу нуқтаи назардан қонун тушунчаси нима эканлигини аниқлаб олиш катта илмий ва амалий аҳамиятни касб этади. Шунга қарамасдан, кўп йиллар давомида фалсафий адабиётларда бу масала бўйича аниқ бир маълумотлар ҳосил бўлмаган эди. Одатда қонун — зарурий, умумий муносабатлар деб таърифланарди. Бундай қарашда ҳақиқат элементлари бор, лекин ҳақиқат элементларигина, холос! Чунки қонунни нарса ва ҳодисалар ўртасидаги муносабатлар билан айнийлаштириш тўғри эмас.

Биз ўзимизнинг илмий тадқиқотларимизда қонун тушунчасини, унинг илмий билиш ва амалиётдаги ролини атрофлича таърифлаб бериб, диалектика назария-

сини ижодий ривожлантиришга ўз ҳиссамизни қўшдик. Энг умумий шаклда қонун — моддий оламдаги турли хил нарсалар ва ҳодисалар, жараён ва воқеалар ўртасидаги муносабатлар, ўзаро алоқалар демакдир. Лекин бундан қонун барча муносабатларни ифодалайди, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалан, муҳим ва номуҳим, тасодифий ва зарурий, барқарор ва беқарор, умумий ва алоҳида муносабатлар бор. Қонун бу муносабатларнинг барчасини қамрай олмайди. Турли-туман алоқалар, боғланишлар йиғиндиси ичидан у, энг аввало, муҳим алоқаларни, яъни шундай муносабатларни ифодалайдики, булар ташқи шароитлардан эмас, балки нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятидан, унинг ички алоқаларидан келиб чиққан бўлади.

Шунингдек, қонун — зарурий муносабатдир. Чунки табиат ва жамиятдаги ҳар қандай қонунга хос характерли белги зарурийлик ҳисобланади. Қонун тушунчасининг ўзи мажбурийлик, зарурийликни билдиради. Зарурийлик қонуннинг муҳим белгиси сифатида ундан келиб чиқадиган натижаларнинг мажбурий йўналишини кўрсатиб беради.

Қонуннинг муҳим белгиларидан бири — нарса ва ҳодисалардаги умумий муносабатларни ифодалашдир. Агар қонун шак-шубҳасиз юз бериши зарурий бўлган муносабатларни ифодалар экан, табиий равишда бу муносабатлар бир хил шароитда доимий ва ҳамма жойда (умумийлик) намоён бўлади. Ана шу маънода қонун — умумий муносабатдир.

Қонун барқарор муносабатлардан иборатки, зеро у муайян ҳодисанинг ички табиатидан, унинг моҳиятидан келиб чиқадиган моддий дунё предметлари ва ҳодисаларининг алоқаларини ифодалайди. Қонун дам вужудга келиб, дам йўқолиб кетадиган алоқаларга асосланиши мумкин эмас. У нисбий барқарор муносабатларни тақозо этади. Қонуннинг барқарор, доимий характердалиги шу билан изоҳланадики, у ўхшаш шароитларда ўзининг барча белгиларини такрорлайди. Такрорийлик қонунининг муҳим хусусияти табиатдаги нарса ва ҳодисалардагина эмас, балки ижтимоий ҳаётдаги воқеаларда ҳам яққол кўзга ташланади.

Шундай қилиб, қонун кўп қиррали алоқалар ва муносабатларнинг йиғиндиси бўлиб, объектив дунёдаги предмет ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий, нисбий барқарорлигини ифодалайди. Бу билан қонун-

нинг таърифини тугаллаш, етарли дейиш мумкинми? Йўқ, мумкин эмас! Чунки:

биринчидан, биз қонун — бу муҳим, зарурий, умумий, барқарор муносабатлар, дер эканмиз, қонунда ифодаланиб, унинг объектив асосини ташкил қиладиган алоқаларнигина кўрсатиб ўтган бўламизу, аммо шу қонуннинг бошқа категориялардан фарқланиб турувчи ўзига хос хусусиятларининг намоён бўлиши устида тўхталиб ўтирмаймиз;

иккинчидан, муҳим, зарурий, умумий ва барқарор алоқалар қонундагина эмас, балки фалсафанинг бошқа категорияларида ҳам, жумладан, сабабият, зарурият, мазмун, моҳият ва бошқаларда ифодаланади. Шубҳасиз, юқорида кўрсатилган белгилар қонуннинг ўзига хос хусусиятларини тўла очиб бера олмайди;

учинчидан, қонунга таъриф берганда, юқоридаги объектив алоқалар шакллари оддий тарзда санаб ўтадиган бўлсак, унда қонун билан мазкур объектив ўзаро алоқалар турларини айнийлаштирган бўламиз.

Шунинг учун қонунни таърифлашда унинг шундай белгисини, хусусиятини ажратиш керакки, у мазкур категориянинг бошқаларидан фарқ қиладиган хусусий томонини белгилашга имкон берсин. Бу хусусият шундан иборатки, у табиат ва жамиятдаги ҳар қандай қонун воқеаларнинг ривожланиш характери ва йўналишда бўлишини тақозо этади. Маълум бир шароитда бўлишига қарамай, бир ўринда бир хил, икинчи ўринда бошқа хил тарзда содир бўладиган жараёнлар ва воқеаларни қонуний деб тан олиб бўлмайди. Биз бу жараён ва воқеалар қонун кучига эга дер эканмиз, ундаги муҳим, зарурий, умумий, барқарор муносабатларнинг ифодаланишинигина эмас, балки муайян воқеалар оқимини, қатъий натижалар тақозо қилинишини назарда тутамиз.

Қонун воқеалар ривожининг характери ва йўналишини билдирар экан, у ўзининг аниқлиги билан фарқ қилади. Шунинг учун қонуннинг пировард оқибати кишиларнинг муваффақиятли фаолиятининг зарурий шарти бўлган ҳар томонлама ҳисоб, унга мувофиқ келадиган талаб тарзида содир бўлади.

Қонуннинг бу белгисини ажратиш жуда катта амалий аҳамиятга эга. Воқеаларнинг ривожланиши қандай боришини била олиш мумкин бўлмаганда қонунлардан

жамият манфаати йўлида фойдаланиш, ижтимоий ривожланиш йўналишини олдиндан кўра билиш мумкин бўлмас эди.

Қонуннинг яна бир муҳим хусусияти шундан иборатки, у муайян бир шароитда намоён бўлади. Моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг мавжудлиги ва ривожланиши учун маълум шароит зарур бўлса, бу шароит қонуннинг кўриниши, ҳаракати учун ҳам мажбурийдир. Шароит деганда, воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг яшаши ва ривожланиши учун зарур бўлган объектив омиллар йиғиндиси тушунилади. Қонун ва шароит бир-бири билан узвий боғланган бўлади, аynи бир вақтда уларни бир-бирига қориштириб, ёхуд аynанлаштириб ҳам юбормаслик керак. Қонун дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг муайян шароитда туғиладиган ўзаро алоқаларининг шакли ҳисобланади. Бу шароит ўзгариши бир қонуннинг бошқаси билан алмашилишига, ёхуд чегаралашга, унинг ҳаракат доирасини торайтириш, ёхуд кенгайтиришга олиб келади.

Илгари мавжуд бўлган шароит тўла йўқолиб кетган тақдирда унинг заминида амал қиладиган қонунлар ўз ўрнини янги шароитга тўғри келадиган янги қонунларга бўшатиб беради: айрим ҳолатда илгари мавжуд бўлган шароитлар қулайроқ бўлса, эски қонунлар ўз ҳаракатини давом эттиради, аммо унинг кўриниши доираси чегараланган бўлади ва, ниҳоят, айрим ҳолатда илгари мавжуд бўлган шароит анчайин қулай бўлса, қонунларнинг кўриниши учун кенг уфқлар очилади.

У ёки бу қонун амал қиладиган объектив шароитларни билиш катта амалий аҳамиятга эга. Маълумки, кишилар объектив қонунлар талабларидан келиб чиқиб, уларга таянсалар, ўз фаолиятларида уларни ҳисобга олсалар, моҳирона ҳаракат қила оладилар. Бироқ қонуннинг ҳаракати кўзга ташланса-да, бу ҳаракатни қандай бўлса, шундайлигича ҳис қилиш мумкин эмас. Лекин кишилар у ёки бу қонун намоён бўладиган шароитни билиб, унга таъсир эта олар эканлар, бу билан ўзлари истаган натижаларга эриша оладилар.

Шундай қилиб, табиат ва жамиятнинг ҳар қандай қонуни учта муҳим томони билан характерланади. Чунончи: а) қонун объектив асосга эга бўлиб у нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий ва барқарор муносиватларни ифодалайди; б) қонун хусусий

характерга эга бўлиб, воқеалар ривожланишининг қатъий натижасини, муайян йўналишини белгилаб беради; в) қонун маълум бир шарт-шароитларда намоён бўлади.

Бу учта бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган томонларни ҳисобга олган ҳолда, қонунга қуйидагича таъриф бериш мумкин: қонун — муайян шарт-шароитда воқеалар ривожининг характери ва йўналишини белгилайдиган, маълум бир қатъий натижани тақозо этадиган объектив дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий, нисбий барқарор муносабатлардир.

Қонун кишиларнинг илмий-назарий ва амалий фаолиятида объектив ўзаро алоқаларнинг барча шакллари синчковлик билан ҳисобга олишни тақозо этади. Бу эса уларнинг ичида муҳим, зарурий, умумий, барқарор алоқаларни белгилашга ёрдам беради, айни замонда объектив қонунларни тушунишимизга имкон беради.

Қонун муайян бир натижаларни туғдириб, воқеалар ривожланишининг характери ва йўналишини белгилаб берар экан, бу нарса илмий ва амалий фаолиятида объектив қонунлар асосида ҳаракат қиладиган муҳим, зарурий, умумий ва барқарор муносабатларни кўрсатибгина қолмай, балки келажакда уларнинг ривожланиш тамойилларини (тенденцияларини) ҳам ҳисобга олишни талаб этади.

Табиат ва жамиятнинг ҳар қандай қонуни маълум бир шарт-шароитларда намоён бўлар экан, у илмий билиш жараёнида ва амалий фаолиятда муҳим, зарурий, умумий ва барқарор алоқалар маълум бир натижаларга олиб келиши мумкинлигини яхши билишга имкон туғдиради.

Моддий воқеликдаги қонунлар кўп қирралилиги билан характерланади. Табиат ва жамият қонунлари объектив жараёнларини акс эттиришга қараб бир-биридан фарқланади. Ҳаракат қилиш доирасига қараб қонунлар: энг умумий, умумий ва хусусий қонунларга бўлинади. Бизнинг илмий ишларимизда уларнинг бир-бирига алоқадорлиги ва хусусиятлари атрофлича очиб берилган.

Қонун тушунчасини янгича таърифлаб бериш билан бир қаторда унинг бошқа категориялардан, жумладан қонуният, сабабият, зарурият тушунчаларидан фарқи

ва улар ўртасидаги ўхшашликлар атрофлича асослаб берилди.

Қонундан амалий ва илмий билишда самарали фойдаланиш, унинг намоён бўлиш шакллари билиш билан узвий боғлиқ эканлигини ҳисобга олган ҳолда, ўз илмий ишларимизда қонуннинг стихияли ва онгли равишда, аниқ ёки ҳукмрон йўналиш сифатида, катта ва салбий куч ҳолатида намоён бўлишини атрофлича кўрсатиб бердик.

Юқорида кўрсатилган масалаларга бағишланган илмий ишларимизнинг натижалари Москва, Олмаота ва Тошкентда, шунингдек, хорижий мамлакатларда инглиз, немис, румин тилларида чоп этилган асарларимизда ўз ифодасини топди.

Диалектика категориялари хусусиятлари

Диалектика назариясида қонун тушунчаси билан бир қаторда категориялар ҳам катта ўрин тутади. Маълумки, нарса ва ҳодисаларнинг умумий боғланиши ва ривожланиши ўзига хос «буюмлар мантиқини», объектив диалектикани ташкил қилади. Бу объектив диалектика инсон тафаккури мантиқини, яъни субъектив диалектикада маълум бир илмий тушунчалар, категориялар кўринишида акс эттиради.

Фалсафий адабиётларда кўпинча категориялар — объектив реалликдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим томонларини, хусусиятлари ёки муносабатларини акс эттирувчи тушунча деб таърифланади.

Биз ўзимизнинг илмий асарларимизда фалсафий категорияларни бундай таърифлаш етарли эмаслигини асослаб, унинг янги томонларини, қирраларини очиқ-ёриқ муяссар бўлдик. Улар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, диалектика категориялари — объектив дунё энг умумий қонунлари тараққиётининг инъикосидир. Диалектик категорияларнинг объектив мазмуни инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган воқелик ҳаракатининг энг умумий қонунларидир. Бундай таъриф фалсафа фанининг предмети моҳиятидан келиб чиқади. Юқорида айтиб ўтилгандек, диалектика объектив реалликдаги нарса ва ҳодисалар ҳаракатининг энг умумий қонунлари ва уларнинг инсон онгида

акс этиши ҳақидаги фандир. Категориялар инсон тафаккурида воқеликнинг акс этиш формаларидир.

Демак, диалектика категорияларининг мазмуни, яъни фикрлаш формаси — объектив дунё тараққиётининг энг умумий қонунларидан бўлак нарса эмас. Фалсафа диалектик категориялар орқали ўз предмети мазмунини тўлароқ, чуқурроқ очиб беради. Барча фалсафий категориялар объектив дунё қонунлари инъикоси бўлгани учун объектив мазмунга эгадир. Маълумки, сабабият, зарурият, қонуният ва ҳоказолар ғояси табиат, воқеий олам қонунларининг киши миясида инъикос этишидир.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, тафаккур категориялари кишининг қўлланмаси эмас, балки табиатнинг ҳам, инсоннинг ҳам қонуниятларининг ифодасидир.

Иккинчидан, диалектик категориялар энг умумий тушунчалар сифатида инсон фикри шакллари бўлиб ва шу тахлитда улар мантиқий мазмунга ҳам эгадирлар. Категорияларнинг мантиқий мазмуни деганда, инсон тафаккури ҳодисаларнинг моҳиятига кириб бориши, унинг чуқурлашуви даражаси кўзда тутилади. Диалектик категориялар объектив дунёнинг энг умумий ва муҳим томонларини ифодалагина қолмай, билишнинг поғоналари ва таянч пункти ҳисобланадилар. Уларни била бориш орқали инсоннинг назарий ва амалий фаолияти учун муҳим бўлган дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий қонуниятлари очиб борилади. Фалсафий категориялар инсоннинг билиш фаолияти натижасида дунёни ўзлаштиришда эришган ютуқларини характерлайди. Диалектика категорияларида инсон тафаккурининг мазмундорлиги ва етуклиги ҳамда ташқи оламни билишдаги катта муваффақиятлари ўз ифодасини топган.

Инсон онгида табиатнинг инъикос этиши қандайдир қотиб қолган, воқеликнинг ўлик копияси эмас, балки нарсалар моҳиятига чуқур кириб боришнинг мураккаб диалектик жараёнидан иборат. Бу жараён ўзининг ички мантиқига эга бўлиб, бу мантиқ нисбий мустақилликка эга. Билишнинг ички мантиқини билиш тафаккурнинг ижодий фаоллигини, ҳаракат қилиш ва ривожланиш жараёнининг объектив дунёга нисбатан мураккаб муносабатини чуқур тушунишга ёрдам беради. Диалектик категориялар мазмун жиҳатдан ташқи оламнинг қону-

ниятларига мос келадилар, лекин ўзларининг мавжудлик шаклларига қараб фарқ қиладилар. Бу ҳақда Ф. Энгельс таъкидлаб ўтганидек, материалистик нуқтаи назарга қайтганимиздан кейин қараб кўрсак, ҳақиқий нарсалар тараққиётнинг муайян босқичида турган абсолют тушунчанинг суратлари эмас, балки киши тушунчалари ҳақиқий нарсаларнинг суратлари экан. Шундай қилиб, диалектика нарсалар мантиқига мос келади. Шу билан бирга бу мантиқ ҳам ташқи дунё, ҳам киши тафаккури ҳаракатининг умумий қонунлари тўғрисидаги фан бўлиб қолди; икки туркумни ташкил этган бу қонунлар моҳият эътибори билан бирдай бўлса ҳам, ифодаланиши жиҳатдан турличадир, шунчалик турличадирки, киши мияси уларни онгли суратда татиқ этиши мумкин, аммо табиатда, ҳанузгача аксари инсоният тарихида ҳам,— улар онгсиз ҳолда, ташқи зарурият шаклида, бениҳоя кўп зоҳирий тасодифлар орасида ўзларига йўл топадилар. Бинобарин, тушунчалар диалектикасининг ўзи ҳақиқий дунё диалектик ҳаракатининг англанган инъикоси бўлиб қолди.

Диалектик категориялар — ўз манбаи, мазмуни жиҳатдан объективдир, лекин шакл жиҳатдан — субъективдир. Агар нарсалар ва уларнинг тараққиёт қонунлари моддий бўлиб, инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда объектив равишда мавжуд экан, тафаккур категориялари маънавий бўлиб, фақат кишилар миясидагина мавжуддир. Моддийлик ва маънавийлик иккаласи бир нарса эмас. Диалектика категорияларининг объектив манбаи реал равишда бўлса ҳам, улар инсон фикрининг шакллари бўлгани учун, уни суратга олиш, қўл билан ушлаб кўриш мумкин эмас.

Логика қонунлари, объектив нарсанинг киши субъектив онгида инъикос этишидир.

Учинчидан, диалектик категориялар илмий билишда муҳим методологик ролни бажарадилар. Объектив дунё ҳодисаларнинг энг умумий қонунлари ҳаракатини ўрганиб, фалсафа категориялари, бир томондан, нарсаларнинг моҳиятини чуқурроқ ва тўлароқ билишга ёрдам берадилар; иккинчи томондан, объектив дунёдаги нарса ва ҳодисалар ҳақидаги янги билимлар олишга ва тўплашга сабабчи бўлади.

Фаннинг ҳамма бошқа соҳаларида бўлгани сингари, билиш назариясида ҳам диалектик тарзда фикр юргизмоқ керак, яъни билишимизни тайёр ва ўзгармас би-

лиш деб фараз қилмасдан, балки билишнинг билмасликдан қай тариқа юзага келишини, мукаммал ва аниқ бўлмаган билишнинг қай тариқа мукаммалроқ ва аниқроқ бўла боришини текшириб кўрмоқ керак. Диалектика категориялари — илмий билиш методологияси, маълум нарсадан номаълум нарсага ўтишнинг янги натижаларини излаб топиш усулидир.

Диалектика категориялари ташқи оламдаги нарсава ҳодисаларни тўғри акс эттирганликлари ҳамда уларни ўзаро боғлиқ ва ривожланишда деб билганликлари учун билиш жараёнининг энг умумий методи ролини бажаради.

Диалектика категориялари мавжуд нарсалар ҳақидагина эмас, балки келажакда мавжуд бўлиши керак бўлган нарсалар ҳақида ҳам ахборот беради. Улар ҳозирги вақтда қандай ҳолдалигини тушунишга ёрдам берибгина қолмай, балки келгусида уларнинг ўзгариш ва ривожланиш йўналишларини ҳам кўрсатади. Шу асосда улар янги билимларни эгаллаш манбаи бўлиб хизмат қилади. Буларнинг ҳаммаси диалектика категориялари ўзларининг гносеологик табиатига кўра (бе-восита) амалиётига айланиш тамойилига эга эканлигини исбот қилади.

Тўртинчидан, диалектика категориялари шаклланиши ва ривожланишининг асосида инсон моддий-ҳиссий фаолиятининг йиғиндиси бўлган амалиёт ётади. Шунинг учун ҳам фалсафа категориялари ижтимоий амалиёт маҳсули ҳисобланади. Бу ерда инсон назарий ва амалий фаолиятининг бирлиги яққол намоён бўлади. Моддий ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида инсон субъект сифатида ташқи оламдаги нарсаларга нисбатан ўз фаолиятининг объектлари сифатида муносабатда бўлади. Субъект билан объект ўртасидаги муносабатнинг ўзаро таъсири жараёнида мантиқий категориялар вужудга келади. Ташқи дунёнинг қонуниятлари тафаккур шаклида акс этиши ҳам амалиёт асосида юз беради. Инсон амалиёти мантиқ категориялар орқали олинган билимлар ҳақиқийлигини текшириб кўради. Шундай қилиб, тафаккуримиз мазмунининг объективлиги, тафаккур қонунлари борлиқ, табиат қонунларига мос келиши амалиёт асосида бўлади ва унинг ёрдамида исботланади.

Диалектика категорияларининг юқорида кўрсатилган хусусиятлари маълум даражада аниқ фанларнинг

тушунчаларига ҳам хосдир. Аниқ фанларнинг асосий тушунчалари ҳам объектив дунёдаги ҳодисалар ҳаракатининг қонуниятларини акс эттирадилар, улар нарсаларнинг идеал образи бўлганлиги учун билиш ва амалиёт тараққиётига ёрдам беради. Шунинг учун ҳам фалсафий категориялар аниқ фанлар тушунчалари билан узвий алоқададирлар. Бундан келиб чиқиб, фалсафий категорияларни аниқ фанларнинг тушунчалари билан айнанлаштириш ёки аниқ фанларнинг тушунчалари мазмунини диалектика категорияларидан келтириб чиқариш тўғри эмас.

Аниқ фанларнинг тушунчаларидан фарқли ўлароқ, фалсафа катеориялари ташқи дунёнинг энг умумий қонунларини ифодалайдилар. Шунинг учун ҳам улардан материя ҳаракатининг муайян шаклини ўрганишда муваффақиятли фойдаланиш мумкин. Бундан диалектика категорияларини билишнинг ўзи бизга объектив дунёдаги барча ҳодисаларни тушунишимиз учун имкон туғдиради, деган маъно келиб чиқмайди. Фалсафа катеориялари айни бир вақтда табиатга ҳам, жамиятга ҳам, тафаккурга ҳам тегишли бўлган объектив дунёдаги нарса ва ҳодисалар ҳаракатининг энг умумий қонуниятлари ва хусусиятларини ифодалайди. Бироқ улар табиат, жамият ҳодисалари ва тафаккурга хос бўлган хусусий боғланишларни қамраб ололмайди. Бу алоқалар аниқ фанларнинг тушунчаларида ўз ифодасини топади. Шунинг учун объектив дунё ҳодисалари ривожланишининг энг умумий қонунлари билиш учун аниқ фанлар тушунчаларидан ҳам фойдаланиш лозим. Бунинг учун аниқ фанлар категориялари орқали диалектика категориялари мазмунини очиш зарур. Ўз навбатида, фалсафа категориялари аниқ фанларнинг барча тушунчаларини ўзида қамраб олиши зарур. Бу — фалсафа фани ҳамда аниқ фанларнинг самарали ривожланишига хизмат қилади.

Диалектика категорияларининг ихчамлиги

Биз илмий ишларимизда диалектика категорияларининг ихчамлигини атрофлича асослаб бердик.

Диалектик тафаккурнинг характерли хусусиятларидан бири шундан иборатки, ихчам, ҳаракатчан, ўзгарувчан тушунчалардан фойдаланиш орқали объектив

борлиқ нарса ва ҳодисалар тараққиётининг қонуниятларини инсон онгида акс эттиради.

Маълумки, мантиқий категориялар табиати ҳақида гап кетганда, ўзаро зид икки хил қараш: метафизик ва диалектик қарашлар мавжудлиги таъкидланади. Метафизиклар категорияларни ўзгармайдиган, қотиб қолган тушунча сифатида талқин қиладилар. Улар категорияларнинг ўзаро бири иккинчисига ўтиши, ўзининг зидига айланиши мумкинлигини тан олмайдилар.

Категорияларни метафизик тарзда талқин этувчилардан бири К. Маркснинг «Философия қашшоқлиги» асарида танқид қилинган майда буржуа иқтисодчиси Прудон эди. Иқтисодий категорияларни ижтимоий муносабатларга нисбатан бирламчи деб хато талқин қилган Прудон, уларни абадий ва ҳаракатсиз (ўзгармас) тушунчалар, деб қарар эди. Ҳақиқатда эса, «иқтисодий категориялар ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларининг фақат назарий ифодасидир, абстракциясидир». Ишлаб чиқариш тараққиётига мос равишда ижтимоий муносабатлар ҳосил қиладиган кишиларнинг ўзлари, ўз ишлаб чиқариш муносабатларига мувофиқ равишда принциплар, ғоялар, категорияларни ҳам яратадилар. Лекин бу муносабатлар ўзгарар, бошқаларига айланар экан, категориялар ҳам худди улар томонидан ифодаланган муносабатлар каби абадий эмасдир. Улар ўз моҳиятларига кўра ўтқинчи ва тарихий маҳсулдир. К. Маркс шуни таъкидлаб кўрсатадики, фақат материядан ажратиб олинган ва абсолютга айлантирилган мавҳум ҳаракат тушунчасигина ўзгармасдир. Ўз ҳолида олинган, яъни кишилардан ва уларнинг моддий фаолиятдан ажратилган абстракция ўзгармас ва ҳаракатсиз бир нарса, албатта. У фақат соф ақл туғдирган нарсадир, бу демак, абстракциянинг ўзи абстракт нарса, холос. Метафизикага қарама-қарши ўлароқ диалектик материализм фалсафасида мантиқий категориялар ҳаракатчан, эгилувчан, ўзгарувчан деб талқин қилинади. Реал борлиқ, нарса ва ҳодисаларнинг абадий ўзгариш ва ривожланишини ифодаловчи тушунчаларнинг ҳар томонлама, универсал ихчамлиги диалектика учун характерлидир.

Диалектика категорияларининг ихчамлиги нимада кўринади? Бизнинг фикримизча, катеорияларнинг ихчамлиги, аввало, шунда намоён бўладики, улар ўз мазмунига кўра тараққиётда ва бир бутунликда бўлган

нарсa ва ҳодисалар орасидаги умумий боғланиш ва ўзарo алоқадорликни қайд қилади ва экc эттиради. Инсон тафаккури мантиқий нарсалар, мантиқнинг инъикоси сифатида нарсa ва ҳодисаларни жонли ва кўп қирралли томонлари билан акc эттирмоғи лозим. Бу ҳақиқатни билишнинг ягона йўлидир.

Ҳар бир категория нарсa ва ҳодисаларнинг алоҳида томонини, улар орасидаги айрим алоқаларни акc эттиради. Бунда қандай қилиб нарсаларнинг алоҳида томонлари ва алоқаларини акc эттирадиган айрим категориялар ёрдамида нарсалар ва улар орасидаги ўзарo алоқадорлик ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилинади? Маълумки, умумий фақат алоҳида, алоҳида орқали яшайди, ҳар қандай алоҳида (у ёки бу тарзда) умумийдир. Ҳар бир категорияда бутуннинг алоҳида томонлари акc этади. Шунинг учун ҳам биз айрим, алоҳида категориялар ёрдамида у ёки бу тарзда нарсаларнинг бир бутунлигини, уларнинг умумий алоқаларини англаймиз. Иккинчи томондан, ҳар қандай алоҳида минглаб воситалар орқали бошқа жинсдаги алоҳида нарсалар, ҳодисалар, жараёнлар билан боғланган ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам ҳар бир категория, ҳар бир тушунча қолган барча тушунчалар билан маълум боғлиқликда бўлади.

Категорияларнинг ана шу ўзарo алоқадорлиги туфайли нарсанинг барча алоқа ва воситаларини тўлалигича билиш имконияти яратилади.

Категориялар орасидаги алоқадорлик уларнинг бири иккинчисига ўтишини инкор этмайди. Тараққиёт диалектикаси шундайки, категориялар маълум муносабатларда бир-бирларига ўтадилар, ўзгаришга учрайдилар. Зарурият тасодифга, тасодиф заруриятга, имконият воқееликка айланади, воқелик эса ўз навбатида янги имкониятларни вужудга келтиради ва ҳоказо. Диалектик категорияларнинг ўзарувчанлиги, ихчамлиги мана шунда ҳам намоён бўлади.

Категорияларнинг биридан иккинчисига ўтиши реал борлиққа асосланади. Худди нарсa ва ҳодисалар ўз тараққиётларида бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтганлари сингари мантиқий категориялар ҳам ўзарo бир-бирларига айланиш хусусиятига эгадирлар. Шунинг учун ҳам илмий таҳлил нарсалар орасидаги ўзарo алоқадорлик ва боғлиқликни аниқлаш ва қайд этишнигина эмас, балки уларнинг ўзарo бири

иккинчисига айланишини ҳам аниқлашни талаб этади.

Категорияларнинг бири иккинчисига ўтиши диалектиканинг асосий элементларидан бири ҳисобланади.

Илмий тафаккур ҳамда амалий фаолият жараёнида категорияларнинг ўзаро бири иккинчисига ўтиши диалектикасини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Бусиз объектив дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг доимо ўзгариб турувчи ўзаро алоқаларини тўғри акс эттириш мумкин эмас.

Диалектика категориялари турлича алоқа, муносабатлар туфайли ўзгаришга учрар экан, улар релятив, нисбий характерга эга бўлади. Лекин категориялар релятивлигини абсолютлаштирмаслик лозим. Объектив диалектика релятивликда абсолютлик бор дейди. Субъективизм ва софистика релятивлик фақат релятивдир, дейди ва абсолютликни истисно қилади.

Диалектик категориялар доимо тараққий этиб, бойиб боради, уларнинг ўзгарувчанлиги шунда намоён бўлади. Моддий дунёдаги нарса ва ҳодисалар ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликдагина бўлиб қолмай, улар доимо узлуксиз ўзгариш ва тараққиётда ҳамдир. Шунинг учун ҳам реал нарсаларнинг реал ҳаракатларини ифодаловчи тушунчалар илмий тафаккур ва ижтимоий амалиёт ютуқлари асосида муайян ўзгаришга учрайдилар, узлуксиз тараққий этиб, бойиб борадилар.

Метафизик фикр юритувчи кишилар тушунчалар диалектикаси, уларнинг ўзгариши ва тараққиётини тушунишдан ожиз. Уларнинг фикрича, категориялар нарсалар ҳаракатини, уларнинг ҳаракатчанлигини, ўзгарувчанлигини ифодалаш мумкин эмас. Тушунчалар орқали фикр юритиш гўёки қотиб қолган, ўлик, образлар воситасида фикрлаш демак. Ваҳоланки, тушунчалар қотиб қолган, ўзгармас, жонсиз бўлганларида эди, улар фан ва амалиёт учун бирон-бир тарзда аҳамиятга эга бўлмаган бўлар эди. Диалектика категорияларининг илмий билиш ва ижтимоий амалиёт учун аҳамияти шундан иборатки, улар нарсаларнинг «жонли» диалектикасини, уларнинг узлуксиз ўзгариши ва ривожланишини тўғри акс эттира оладилар. Буни атоқли немис файласуфи Гегель жуда яхши асослаб берган эди.

Ҳодисалар ва уларнинг мавжудлик шарт-шаронтирагининг ривожланиши, ўзгариши асосида категориялар ҳам тараққий этади ва ўзгариб боради.

Диалектика категорияларининг ўзгарувчанлиги объектив дунё ҳаракатидан, ўзгарувчанлигидан келиб чиқади. Илмий билимларнинг миқёси кенгайиб бориши ҳам диалектика категориялари тараққиётига таъсир кўрсатади. Илмий билимларнинг ўсиб бориши инсонга табиат ва жамият қонуниятларини чуқурроқ билишга, бизни ўраб турган реал воқеликдаги турли ҳодисалар ўртасидаги алоқа ва боғланишлар характери тўғрисидаги илгариги тасаввурларни аниқлашга ёрдам беради. Фан ютуқлари, бир томондан, эски тушунча, категорияларга аниқлик киритса, иккинчи томондан, янги тушунча, категорияларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шу асосда фан тараққиётидаги ютуқлар асосида фанда илгари номаълум бўлган янги категориялар шаклланади. Мисол тариқасида ҳозирги илмий-техника революциясининг ютуқлари билан боғлиқ бўлган бир қатор категорияларни кўрсатиш мумкин.

Шу нарса шубҳасизки, фанлар тараққиёти жараёнида келгусида материя тараққиётининг биз учун номаълум ҳисобланган шароитлар қонуниятини акс эттирувчи категориялар пайдо бўлаверади, натижада биз категорияларнинг ихчамлиги, ўзгарувчанлиги тўғрисида қўшимча материалга эга бўлаверамиз. Янги категорияларнинг пайдо бўлиши билиш жараёнининг бориши билан белгиланади. Билиш жараёнида инсон нарсалар моҳиятига қанчалик чуқурроқ кириб борган сари, уларга хос янги томонлар ва алоқаларни аниқлай борадики, буларнинг ҳаммаси мавжуд категориялар билан сиғишмайди ва янги категориялар ишлаб чиқилишини талаб қилади. Шундай қилиб, нарсаларнинг ўз тараққиётида мантиқига мос равишда категориялар ҳам ривожланиб, бойиб боради. Шу муносабат билан савол туғилади: тушунчалар ҳаракатининг ички манбаи, омили нимадан иборат? Диалектика категориялари объектив борлиқ зиддиятларини ўзида акс эттиради. Шунинг учун ҳам улар зиддиятли хусусиятга эга. Ана шу зиддиятларнинг ривожланиши категориялар диалектик ҳаракатининг манбаи ҳисобланади.

Диалектика категориялари энг умумий тушунчалар сифатида инсон фикрининг шакллариidir. Ана шу маънода улар субъективдир. Лекин уларда дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро реал мавжуд алоқа ва муносабатлари акс этади, шунга кўра улар объектив мазмунга эга. Мавжуд ҳол объективлик ва субъективлик

нинг диалектик бирлигидан иборат бўлган мантиқий категорияларнинг зиддиятли табиатидан далолат беради. Инсон тушунчалари мавҳум ҳолда, ажратиб олинган ҳолда субъективдир, аммо, умуман олганда, жараёнда, пировардида, майлида, манбаида объективдир.

Лекин гап бундагина эмас. Инсон тафаккурининг субъектив мантиқи моддий, объектив дунё тараққиёти қонунларини акс эттиришдан иборат. Диалектика категориялари мазкур акс эттиришнинг шакллари дир. Моддий дунёдаги нарса ва ҳодисалар сингари мантиқ категориялари ҳам бир категориядан бошқа бир категориянинг элементларини аниқлаш орқали ҳаракатланади, улар қарама-қарши томонларга бўлинади. Категориялардаги бундай тартибдаги қарама-қарши томонларга бўлинишни, зиддиятlilik моменти аниққса яққол ифодаланган жуфт категориялар мисолидагина эмас, ҳар бир алоҳида олинган категория мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, ҳаракат ўзида узлуксизлик, узлукlilik, макон ва абсолютlilik, нисбийлик ва шу каби қарама-қарши жиҳатлар бирлигини қамраб олади.

Ҳар бир нарса, ҳодиса қарама-қаршиликлар бирлиги, йиғиндисидан иборат. Шунинг учун ҳам диалектика категорияларида объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг зиддиятли томонлари, уларнинг бирлиги акс этади.

Категорияларнинг зиддиятlilikи уларнинг қутблилигида, ички қарама-қарши томонни ифодалаганлигида, аниққса, аниқ кўринади. Моҳият ва ҳодиса, мазмун ва шакл, имконият ва воқелик ҳамда бошқалар объектив борлиқ, нарса ва ҳодисалардаги туб қарама-қарши томонлар муносабатларини ўзида акс эттиради. Барча мантиқий категориялар қутбий қарама-қаршиликларда ҳаракатланади. Қутбийлик барча категорияларга хос умумий характерли томондир. Табиат ҳам конкрет, ҳам абстрактдир, ҳам ҳодиса, ҳам моҳиятдир, ҳам лаҳза, ҳам муносабатдир. Демак, табиат ва унинг тараққиёти қонунларини ифодаловчи мантиқий категориялар бир вақтнинг ўзида ҳам конкрет, ҳам абстракт бўлади, диалектик категорияларнинг ихчамлиги ана шунда намоён бўлади.

Конкретлик хилма-хил сифат ва хусусиятларга эга бўлган нарса ва ҳодисаларнинг бир бутунлигида, унда-

ги ҳамма қисмлар ва томонларнинг ўзаро муносабатларидадир. Ҳар бир нарса кўпдан-кўп томон ва хусусиятларга эга бўлиб, хилма-хил кўринишларда бир бутунлик сифатида намоён бўлади, ундаги ҳамма томонлар ўзаро бир-бири билан чамбарчас алоқада бўлиб, бири иккинчисини тақозо этади.

Абстрактлик унинг бошқа томонлари ва муносабатларидан ажратиб олинган бутуннинг бўлагидир. Абстракция шундай воситаки, унинг ёрдамида нарса ва ҳодисаларни конкретликда, бошқа нарса ва ҳодисалар билан алоқа ва муносабатда акс эттириш асосий мақсад қилиб қўйилган билиш жараёнида турли-туман конкретликнинг қандайдир алоҳида, энг муҳим томонлари ажратиб олинади. Конкретликдан абстрактликка ўтишдан мақсад конкретликни яхшироқ, чуқурроқ, воқеликка мос келадиган «воқелик билан айнан бир» тарзда ифодалашдан иборат.

Конкретлик ва абстрактликнинг бирлигига яққол мисол — материя категориясидир. Материя шу ҳолича — соф тафаккур, абстракциянинг маҳсули. Биз турли нарсаларни материя тушунчаси билан қамраб олар эканмиз, нарсалар орасидаги сифат фарқларини ҳисобга олмаймиз. Материя шу (биз айтган) ҳолича, муайян мавжуд материялардан фарқли ўлароқ, қандайдир ҳиссий мавжуд эмас. Мазкур маънода материя абстракт тушунча сифатида ифодаланади. Лекин материянинг фалсафий тушунчасида борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг реал хусусиятлари, яъни уларнинг муайян сифат кўринишидаги объектив мавжудлиги акс этади, ана шундай мазкур тушунча бир вақтнинг ўзида конкретлик сифатида намоён бўлади.

Шунга ўхшаш, диалектиканинг ҳар бир категорияси ҳам конкрет, ҳам абстрактдир. Ҳаракат умуман, сабабият умуман, моҳият умуман абстракция демак. Лекин улар ҳаракатнинг конкрет шаклларида, сабабиятнинг конкрет турларида, конкрет моҳиятидан абстрактлаштирилган ҳолда олингани учун ҳам бу категориялар тўлалигича конкретдир.

Диалектикани таҳлил қилишда категориялар зиддиятчилигини ифодалаш билангина чегараланиш мумкин эмас, балки икки қарама-қарши томон кураши натижасида уларнинг янги категория ҳосил қилишини аниқлаш зарур, чунки бу нарса мантиқий тушунчалар диалектик ҳаракатининг моҳиятини ташкил этади. Шу

муносабат билан К. Маркснинг Прудонга қарата айтган фикри диққатга сазовордир. Прудоннинг фикрича, ҳар қандай иқтисодий категориянинг икки: яхши ва ёмон томони бор. Уларнинг биргаликда қўшиб олинishi ҳар бир иқтисодий категорияга хос бўлган зиддиятни ташкил этади. Лекин у метафизик бўлганлиги учун ҳам, бундай зиддиятни ҳосил қилмоқ учун яхши томонни қолдириш ва ёмон томонни чиқариб ташлаш кифоя қилади, деб ҳисобларди. К. Маркс, агар категория қандайдир бир томоннигина ифодаласа, ўзида зиддиятни акс эттирмаса, демак, унинг ички ҳаёти мавжудлиги тугайди, демак, у ҳар қандай ҳаракатланиш қобилиятидан маҳрум қолади, деб таъкидлаган эди. «Бир-бирига зид бўлган икки томоннинг бирга мавжуд бўлиши, уларнинг кураши ва янги категория бўлиб қўшилиши диалектик ҳаракатнинг моҳиятидир. Ёмон томонни йўқотишни ўзига вазифа қилиб қўйган киши шунинг ўзи биланоқ диалектик ҳаракатга дарҳол чек қўйган бўлади. Энди бизнинг олдимизда ўзини фараз қиладиган ва ўзининг зиддиятли табиати туфайли ўзини ўзига қарама-қарши қўядиган категория эмас, балки категориянинг икки томони ўртасида ҳаракат қилаётган, типирлаб ўзини ҳар томонга ураётган жаноб Прудон намоён бўлади»¹.

Тушунчалардан фойдаланиш санъати категорияларнинг зиддиятли табиатида нарсаларнинг ўзида мавжуд реал зиддиятларни кўра билишни талаб этади. Агар тушунча ва категориялар нарсаларнинг идеал тарздаги антиномиялари бўлмаса, ҳақиқатни ифодалай олмайди. Ўз-ўзидан маълумки, назария соҳасида ҳаётда ҳар қадамда учраб турадиган зиддиятлардан холи бўлиш мумкин эмас. У ҳолда бундай назария идеаллаштирилган борлиқ бўлур эди. Ҳақиқий фаннинг вазифаси ҳаётини зиддиятларни сезмаслик эмас, балки тушунча ва категориялар ҳаракати орқали воқелик зиддиятлари тараққиётини ҳамда уларни бартараф этиш чораларини аниқлашдан иборат.

Шундай қилиб, материалистик диалектика категорияларининг ихчамлиги (ўзгарувчанлиги) қуйидаги қоидада намоён бўлади. Биринчидан, диалектика категориялари ўзининг мажмуи билан моддий дунёдаги нарса ва ҳодисалар алоқаларининг энг умумий шакллари-

¹ К. Маркс. Философия қашшоқлиги. Т., «Ўзбекистон», 1984, 98—99- бетлар.

ни ўзида акс эттиради. Иккинчидан, диалектика категориялари ўзаро бири иккинчисига ўтади, ёки бири иккинчисидан ҳосил бўлади. Учинчидан, диалектика категориялари нарса ва ҳодисалар ҳамда билиш даражасининг ривожланиши мантиқига боғлиқ ҳолда ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан бойийди, тараққий этади. Тўртинчидан, диалектика категорияларида нарса ва ҳодисаларнинг зиддиятли томонлари уларнинг диалектик бирлигида акс этади.

Фалсафий адабиётларда, одатда, кўпинча категориялар ихчамлиги масаласига уларнинг ўзгариши ва тараққиёти сифатида ёндошилади. Категорияларнинг ўзгариши ва тараққиёти, шубҳасиз, улар ихчамлигининг ёрқин кўринишларидан биридир. Лекин бу билангина чегараланиш мумкин эмас, балки диалектик категориялар ихчамлигини ифодалаб берадиган ҳамма томонларни ҳисобга олиш зарур.

Диалектик категорияларнинг ихчамлиги илмий билишда катта аҳамиятга эга. Нарса ва ҳодисалар ички зиддиятли бўлиб, доимо ҳаракатда, ўзгаришда, тараққиётда экан, ана шунинг натижасида улар ўзларининг қарама-қарши томонларига ўтганлари учун ҳам фан категорияларида нарсаларнинг шу объектив томонларини тўғри қайд эта билиш ва акс эттира олиш жуда зарур.

Диалектика категорияларининг ихчамлигини ҳисобга олиш илмий тафаккур (билиш)даги бир ёқламаликка, узоқни кўра билмасликка қарши курашиш имконини беради, олимларни нарсалар мантиқига мос келадиган қилиб диалектик тарзда фикрлашга ўргатади.

Диалектика қонун ва категорияларининг ўхшашлиги ва улар ўртасидаги фарқ

Бу масала бўйича ҳам фалсафий адабиётларда ҳамфикрлик йўқ эди. Айрим олимларнинг, жумладан И. Д. Панцхава, Б. Я. Пахомовларнинг фикрича, агар диалектика қонунлари нарса ва ҳодисаларнинг тараққиёт жараёнини акс эттирса, унинг категориялари нарса ва ҳодисаларнинг алоқадорлигини ифодалар эмиш¹.

¹ И. Д. Панцхава, Б. Я. Пахомов. О принципах построения диалектического материализма как теоретической системы. Философские науки. 1973, № 4. 46-бет.

Бундай тушуниш тараққиёт ва алоқадорлик принципларини бир-биридан ажратиб, уларни қарама-қарши қўйиб кўрсатишга олиб келишига йўл очиб беради. Тараққиёт ва алоқадорлик бир-биридан ажралмайдиган нарса ва ҳодисаларга хос хусусият, уларнинг иккаласи бир вақтда диалектик қонун ва категорияларда акс эттирилади. Буни ҳеч қачон эслан чиқариш керак эмас. Шунинг учун диалектика умумий алоқадорлик ва ривожланиш ҳақидаги таълимот бўлиб ҳисобланади.

Бошқа олимларнинг фикрича, диалектиканинг қонунлари категориялар ёрдамида ўз ифодасини топади. Шунинг учун диалектиканинг категориялари унинг қонунларининг ифодаланиш шаклидан бошқа ҳеч нарса эмас. Бундай фикрга ҳам қўшилиб бўлмайди. Чунки баъзи бир вақтда диалектика қонунлари ўз ифодасини категориялар ёрдамида топса, бошқа бир ҳолатда диалектика категориялари ўз ифодасини унинг қонунлари ёрдамида намоён қилиши мумкин.

Биз илмий ишларимизда диалектика қонун ва категорияларининг ўхшашлиги ва уларнинг ўртасидаги фарқни атрофлича асослаб бердик. Бизнинг фикримизча, диалектиканинг асосий қонун ва категориялари орасидаги ўзаро алоқадорликни айнийлик ва тафовут орасидаги муносабат деб таърифласак мақсадга мувофиқ бўлади. Улар орасида айнийлик ҳам, тафовут ҳам мавжуд.

Материалистик диалектиканинг қонун ва категориялари моддий оламни шакл ва объект бўйича инъикос этишига, кишиларнинг билиш ва амалий фаолиятидаги дунёқараш ва методологик функцияларига ҳамда унинг характериға қараб бир қатор умумий томонларга эгадир.

Модомики диалектик материализм табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиётининг энг умумий қонунларини ўрганар экан, у ҳолда унинг асосий қонун ва категориялари моддий оламдаги нарса ва ҳодисалар тараққиётининг энг умумий қонунларининг инсон онгида инъикос этишидан иборат. Бу ўринда диалектиканинг қонун ва категориялари бир-бирларига мос келади. Шунга кўра, категорияларни асосий бўлмаган қонунлар дейишлари ҳам тасодифий эмас.

Диалектик категориялар қонунларга мансуб бўлган ҳамма белгиларга эга. Юқорида қонун тушунчасини

кўриб чиқиб, табиат ва жамиятнинг ҳар қандай қонуни асосий компонентга эга, деб қайд қилиб ўтган эдик. Чунки у: биринчидан, объектив асосга эга, яъни нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорлик шакллари ифода-
далайди; иккинчидан, воқеалар ривожланиши ва йўна-
лиши характери белгилайди; учинчидан, маълум бир шароитларда намоён бўлади.

Бу белгилар диалектика категорияларига ҳам хос-
дир. Диалектиканинг ҳар бир категорияси алоҳида ва биргаликда умумий алоқадорлик ва ривожланишнинг мувофиқ шакллари ифода-
далайди, воқеалар ривож-
ланиши қатъий, муайян равишда боришини таъминлайди ва маълум бир мувофиқ шароитларда намоён бўлади. Масалан, зарурият ва тасодиф категориясини олиб кў-
райлик. Бошқа категориялар каби зарурият ва тасодиф категорияси ҳам моддий оламда мавжуд бўлган объек-
тив боғланишларни акс эттиради. Демак, у объ-
ектив асосга эга, бу асос эса шу воқеликда мав-
жуддир.

Нарса ва ҳодисаларнинг умумий алоқадорлик шакл-
лари бўлган зарурият ва тасодиф шу алоқадорликнинг турли томонларини ифода-
далайди. Шунинг учун унинг ҳар бири қатъий, муайян натижаларни юзага келтира-
ди. Зарурият нарсаларнинг ички боғланишларини ифо-
далайди, у сабаби ва асоси ўзида бўлган, воқеалар ривож-
и жараёнида қонуний ва муқаррар равишда рўй берадиган ҳодисадир. Заруриятдан фарқли ўлароқ, та-
содиф ташқи алоқаларни ифода-
далайди, у айни шароитда рўй бериши ҳам, рўй бермаслиги ҳам мумкин. Бундан кўри-
ниб турибдики, зарурият ва тасодиф қатъий му-
айян натижаларни келтириб чиқаради. Ниҳоят, зарурият ва тасодиф категориялари ҳам бошқа категориялар ка-
би ўз фаолиятлари учун маълум бир шароитни талаб қилади. Улар муайян шароитларда ва ўз талабларига мос равишда, муайян натижаларни келтириб чиқариш-
лари мумкин. Шароит бўлмаслиги категорияларнинг фаолиятини йўққа чиқаради. Бу ҳолда шароит диалек-
тик категориялар фаолиятининг зарурий таркибий қис-
ми бўлиб хизмат қилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, зарурият ва тасодиф категорияси диалектика қонунининг ҳамма асосий белгиларига эгадир. Шунингдек, алоҳидалик, ху-
сусийлик, умумийлик, сабаб ва оқибат, имконият ва воқелик, мазмун ва шакл, моҳият ва ҳодиса ва бошқа

категорияларни ҳам қонунлар деб аташимиз мумкин.

Фалсафий асарларда сабабият, зарурият категориялари ва қонуният кўпгина ҳолларда бир хил маънога эга бўлган тушунчалар сифатида ишлатилади, уларда «сабабият қонуни» деган иборани учратамиз.

«Қонун» ва «категория» тушунчалари мос келиши мазмунини моддий оламнинг энг умумий қонуниятлари ташкил қилибгина қолмай, балки диалектиканинг қонунлари ҳам, ўз навбатида, фалсафий категориялардир. Қонун фалсафий категория бўлиб, унда оламнинг нарса ва ҳодисалари ўртасидаги объектив, муҳим, зарур, такрорланадиган, нисбий турғун, конкрет муайянлик ва моҳият билан умумий боғланиш ва алоқадорлик ўз ифодасини топади. Бу умумий боғланиш ва алоқадорликлар маълум шарт-шароитларда воқеалар ривожининг йўналиши ва характерини белгилаб беради. Бундан кўриниб турибдики, фалсафий категориялар қонуннинг белгиларига эга бўлибгина қолмай, балки диалектиканинг қонунлари ҳам категория белгиларига эгадир. Шунинг учун «қонун» ва «категория» тушунчаларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш нотўғридир.

Диалектиканинг қонун ва категориялари инъикос қилишнинг умумий объектига эга. Нарса ва ҳодисаларнинг умумий алоқадорлик шакллари ана шундай объект ҳисобланади. Бунда диалектик қонун ва категорияларнинг онтологик томонлари бирлиги яққол намоён бўлади. Лекин уларнинг ўхшашлиги шу билан тугамайди. Диалектиканинг қонун ва категориялари умумий гносеологик табиатга ҳам эгадир. Универсал ўзаро боғланишларнинг маълум бир турлари инсон фикри шакли бўлган диалектиканинг қонун ва категорияларида инъикос этади. Улар инсон фикрининг шакли сифатида нарсаларнинг умумий характери акс этадиган фалсафий тушунчаларга мансубдир.

Диалектик категорияларнинг фалсафий тушунчаларга мансублиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Лекин диалектик қонунлар фалсафий тушунчаларга мансубми, йўқми,—бу ҳақда бир фикрга келиш қийин. Диалектика қонунлари одатда онтологик равишда талқин этилади. Юқорида келтирилган мисолдан кўриш мумкинки, материалистик диалектика қонунлари объектив ва умумийлик характерини кўрсатиб ўтиш истаги

қўпинча уларнинг мантиқий табиатини назардан четда қолдиришга олиб келади.

Диалектика — фандир. Шунинг учун ҳам фалсафанинг қонун ва категориялари фан қонунларига мансубдир ва унга хос бўлган барча белгиларга эгадир. Фан қонунлари оламни билиш босқичидир. Инсон объектив оламга ўзаро таъсир жараёнида ҳодисалар орқали нарсаларнинг ички моҳиятига киради, муайян фан қонунлари кўринишида киши идрок қиладиган нарсаларнинг ички хусусиятлари ва муносабатларини билади. Фан қонунлари воқелик қонунларидан нарсаларнинг мантиқий образларини англатиш билан фарқ қилади. Шунингдек, объектив қонунлар билан фан қонунлари бир нарса эмас. Улар ўз манбалари ва мазмун жиҳатдан бир-бирига мос келади, лекин шакл жиҳатдан фарқ қилади. Агар объектив қонунлар инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлса, фан қонунлари инсон томонидан кашф этилади ва таърифланади. Фан қонунлари нарсаларнинг объектив характерини акс эттирувчи мантиқий шакллардир. Диалектика ва фан қонунлари тушунчалардан иборат бўлиб, оламни ўрганиш якунини ва тажрибаларнинг маълумотларини умумлаштириш натижаларини англатади. Улар ўз моҳиятларига кўра — объектив, шаклларига кўра — субъективдир.

Бу тушунчалар орқали инсон онгида объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг алоқалари ва ривожининг энг умумий шакллари акс этади.

Материалистик диалектиканинг қонун ва категориялари ўз ҳаракатининг характери билан ҳам бир-бирига мос келади. Чунки диалектик қонун ва категориялар фаолиятининг ҳаракат доираси жуда кенг, улар ҳамма ёқда намоён бўладилар. Шу нарсани эсда тутиш керакки, оламдаги барча нарса ва ҳодисалар, жараёнлар ва воқеалар «жисмлар алоқасининг мажмуи»ни ташкил қилган ҳолда диалектик ўзаро боғлиқликда бўлганлар. Табиатгами, жамиятгами, ёки тафаккургами тегишли бўлган ҳар қандай ҳодисани олайлик — ҳамма ерда диалектиканинг ҳамма элементлари биргаликда намоён бўлишини кўриш мумкин.

Шундай қилиб, материалистик диалектика қонун ва категорияларининг умумийлиги икки ҳолда ифодаланади: биринчидан, улар ҳар қачон ва ҳамма ерда намоён бўладилар; иккинчидан, ҳар қандай ҳодисада диалек-

тика элементларининг барча куртаклари мавжуд бўлади. Диалектиканинг қонун ва категориялари ўз фаолиятларининг характери бўйича умумий бўлиб, ўзларининг намоён бўлиш усули бўйича конкретдир. Бу ҳол улар таъсир қиладиган муносабатларнинг сифат жиҳатдан ўзига хослиги билан изоҳланади. Бу муносабатлар баъзида табиат ҳодисалари, бошқа ҳолда ижтимоий ҳаёт ва инсон тафаккури кўринишида намоён бўлади. Диалектиканинг қонун ва категориялари гоҳ табиатда, гоҳ жамиятда, гоҳ киши тафаккурида намоён бўлиб, ҳар сафар ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Лекин шунга қарамай, бирорта ҳам ҳодиса диалектика қонун ва категорияларининг ҳаракат доирасидан четда қолмайди. Диалектика элементларнинг универсал характери ана шунда ўз ифодасини топади.

Диалектика қонун ва категориялари ҳаракат қилиш характери бўйича ҳам бир-бирига мосдир. Қонун ва категориялар муайян қатъий натижаларни келтириб чиқаради, воқеалар ривожланишининг йўналишини ва характерини белгилайди.

Материалистик диалектика қонун ва категориялари талабларидан келиб чиқадиган натижалар уларни амалга ошириш учун муайян шароитларда, зарурият сифатида муқаррар равишда юз беради. Материалистик диалектиканинг қонун ва категориялари оддий, илмий тушунчалардан шу билан фарқ қиладики, уларда муҳим, зарурий, умумий, такрорланувчи алоқалар инъикос этади. Шунга кўра, воқеалар ривож доимо муайян тартибда муайян изчилликда юз беради. Диалектиканинг қонун ва категориялари моҳиятидан келиб чиқадиган тугал натижа, фақат зарурий характерга эга бўлиб-қолмай, балки қатъий тартибли характерга ҳам эга.

Фалсафанинг фан сифатида муҳим хусусияти шундан иборатки, у дунёқараш характеридаги фандир. Бошқа фанлар объектив оламнинг айрим қонуниятларини ўргангани учун ҳам олам ҳақида бир бутун дунёқарашни шакллантира олмайди. Фалсафа фани улардан фарқли ўлароқ, табиат, жамият ва инсон тафаккурининг энг умумий қонуниятларини ўрганади. Шу асосда у дунё ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Олам ҳақидаги бир бутун тасаввурга воқеийлик қонуниятларининг мантиқий ўхшашлигини англа-тувчи диалектика асосий қонун ва категориялари ёр-

дамида эришилади. Шу билан бирга диалектиканинг асосий қонун ва категориялари илмий билишда ва кишиларнинг амалий фаолиятларида бир хил методологик вазифани бажаради. Моддий оламнинг энг умумий қонунлари тараққиётини ифодалаб, бошқа фанлар намояндаларини оламни чуқур ва атрофлича билиш учун зарур бўлган методология билан қуроллантиради.

Инсон билан ташқи олам ўртасидаги ўзаро таъсир натижасида ва ижтимоий амалиётнинг эҳтиёжлари асосида вужудга келган диалектиканинг асосий қонун ва категориялари кишиларга амалий ёрдам беради ва уларга хизмат қилади. Бу ерда материалистик диалектиканинг асосий қонун ва категорияларининг билиш ва амалий фаолиятдаги ролининг бирлиги яққол намоён бўлади.

Материалистик диалектиканинг асосий қонун ва категориялари талабларини билиш — кишиларнинг мақсадга мувофиқ фаолиятлари асосидир. Бу ерда ҳам уларнинг бирлиги намоён бўлади. Диалектиканинг асосий қонун ва категориялари талабларини ҳар томонлама ҳисобга олиш содир бўлаётган воқеаларни онгли равишда тушунишга, уларнинг ривожланиш йўналишларини олдиндан кўра билишга имкон беради. Юқорида қайд қилиб ўтилганидек, диалектик қонун ва категориялар моддий оламда нарса ва ҳодисаларнинг объектив муносабатларини инъикос этади ва маълум бир шароитларда воқеалар оқимининг қатъий муайян йўналишда боришини келтириб чиқаради. Шунинг учун объектив жараёнларнинг ўзаро тақозо қилинишини билиб олган тақдирда воқеалар ривожини ҳозир қайси йўналишда боришини аниқлабгина қолмай, балки унинг келгусида қандай йўналишда боришини олдиндан айтиб бериш ҳам мумкин. Олдиндан айтиш эса фақат объектив қонунлар талабларини билиш асосида мумкин бўлади. Моддий воқеликнинг зарурий алоқаларини очмасдан туриб, башорат қилиш, уларнинг йўналишларига, кейинги ривожланиш характериға таъсир этиш мумкин эмас. Қонунларни чуқур англаш натижасида воқеалар ва жараёнларнинг ички мантиқини очиш, уларнинг сабабий боғланишларини топиш, ривожланиши қачон бошланганлиги ва қаёққа олиб бориши мумкинлигини кўрсатиш жоиздир. Шу билан бирга, илмий башорат қилиш учун материалистик диалектиканинг

сабаб ва оқибат, имконият ва воқелик, зарурият ва тасодиф, мазмун ва шакл, моҳият ва ҳодиса ва ҳоказо категориялари талабларини ҳар томонлама ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Илмий башорат учун бирон-бир воқеа келажакда нима учун шундай ривожланади-ю, бошқача ривожланмайди, бу ўзгаришлар нарса ва ҳодисаларнинг ички моҳиятидан келиб чиқади-мийўқми; мўлжалланган воқеалар ривожига тасодифлар қандай таъсир кўрсатади ва ҳоказоларни билиш зарурдир. Бундан кўриниб турибдики, илмий башорат учун диалектиканинг қонун ва категориялари талабларини тўла ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Диалектиканинг асосий қонун ва категориялари ўртасидаги бирликни ҳар қандай фарқни истисно қилувчи мутлақ, тўла айнанлик деб тушунмаслик керак. Диалектиканинг асосий қонун ва категорияларининг ўртасида умумий бирлик бўлиши билан бир қаторда, ривожланиш жараёнининг хусусий муносабатларида ва ўзаро алоқадорликнинг умумий шаклларида намоён бўладиган муайян фарқлар ҳам бор.

Агар диалектиканинг асосий қонун ва категорияларига моддий олам тараққиётининг энг умумий қонуниятларига бўлган муносабат нуқтаи назаридан қаралса (яъни диалектикани фан сифатида ўрганиш предмети ташкил этган нарса), киши тафаккурида умумдиалектик қонуниятлар шаклида акс этадиган диалектиканинг асосий қонунлари нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорликлари ва ривожланишларининг асосий томонларини ифодалашига ишониш қийин эмас. Масалан, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни миқдор ва сифат ўзгаришлари ўртасидаги ўзаро боғланишни ифодалайди ва шу асосда ривожланиш жараёнининг механизмини кўрсатади, ривожланиш қандай юз беради деган саволга жавоб беради. Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураш қонуни қарама-қарши кучлар тўқнашишида ҳаракатга туртки бўладиган ички ўзаро алоқадорликларни ифодалайди, ривожланиш нима учун рўй беради деган саволга жавоб беради. Инкорни инкор қонуни янги билан эски ўртасидаги алоқаларни ва уларнинг ворислик характери, нарса ва ҳодисалар ривожининг илгарилаб, қуйидан юқорига қараб бориш йўлини ифодалайди, ривожланишнинг йўналишини кўрсатади. Бу ривожла-

ниш қай томонга кетаяпти, деган саволга жавоб беради.

Шундай қилиб, диалектиканинг асосий қонунлари ривожланиш жараёнининг ҳамма асосий томонларини, яъни унинг манбаини, механизмини ва йўналишини тасвирлайди. Ривожланиш жараёни бу томонлар билан чегараланмайди. Ривожланиш турли-туман томонлар, хусусиятлар билан характерланувчи кўп қиррали жараёндир. Унга ривожланишнинг объективлиги ва умумийлиги, қонунийлиги ва орқага қайтмаслиги, янгиликни енгиб бўлмаслиги ва ҳоказолар киради. Ривожланишнинг бу томонларини билиш кишиларнинг амалий фаолиятида ва оламни билишда катта илмий ва методологик аҳамиятга эга.

Ривожланиш жараёнининг механизмини, манбаини ва йўналишини характерловчи диалектиканинг уч асосий қонунидан фарқли ўлароқ, диалектика категориялари ривожланишнинг асосий томонларини эмас, лекин аҳамияти жиҳатдан ундан кам бўлмаган бошқа томонларини ифодалайди.

Алоҳидалик, умумийлик, хусусийлик категориялари нарса ва ҳодисалар, жараён ва воқеалар ривожланишнинг изчиллигини ифодалайди. Бу категорияларнинг моҳиятидан ривожланиш жараёнини доимо муайян изчилликда, алоҳидаликдан хусусийликка, ундан умумийликка ўтиши натижасида амалга ошиши келиб чиқади.

Алоҳидаликнинг хусусийликка, сўнгра умумийликка ўтиши — қонуний диалектик жараёндир. Улардан бирининг тушиб қолиши тараққиёт, жараёнининг табиий боришини бузади ёки тараққий этишга бутунлай имкон бермай қўяди.

Шундай қилиб, алоҳидалик, хусусийлик ва умумийлик категориялари ривожланишнинг кетма-кетлигини очиб беради.

Имконият ва воқелик категориялари ривожланишда янгининг енгилмаслигини ифодалайди. Янгилик дастлаб ўзининг пайдо бўлишида, имконият кўринишида мавжуд бўлади. Шунинг учун ҳам янгилик куртакларини эътибор билан парвариш қилмоғимиз лозим. Янгини, биринчидан, енгиб бўлмайди, янгилик ўсиб, мустаҳкамланиб борган сари эскилик кучсизланиб боради; иккинчидан, янгилик доимо даврнинг ижобий йўналишларини ифодалаб, иш билан исботланади. Янгини енгиб бўл-

майди, деган фикрдан: янги ҳеч қандай тўсиқларга учрамай, сип-силлиқ, ўз-ўзидан рўй беради деган маъно келиб чиқмайди, албатта. Янгининг эски устидан ғалабаси кескин кураш остида амалга ошади. Имконият ва воқелик категорияларининг моҳиятидан янгиликни доимо кўра билиш ва ҳис қила олиш керак; эришилган ютуқлар билан чегараланиб қолмаслик керак; доимо олдинга қараб ҳаракат қилмоқ лозим, деган талаблар келиб чиқади.

Сабаб ва оқибат категориялари бошқа категориялардан фарқли ўлароқ, тараққиётнинг келиб чиқишини ифодалайди. Улар бизга нарса ва ҳодисалар, жараён ва воқеалар нима учун бундай рўй беради деган саволни аниқлашга ёрдам беради. Бундай ёндошиш ҳар бир масалага тарихдаги маълум ҳодиса қандай пайдо бўлганлиги, бу ҳодиса ўз ривожланишида қандай асосий босқичларни ўтганлиги нуқтаи назаридан қараб, бу нарсанинг ана шу ривожланиши нуқтаи назаридан ҳозир қандай бўлиб қолганини англаб олишга ёрдам беради.

Сабабий боғланишларни тушунмаслик, телеология вакиллари томонидан тарғиб қилинадиган табиат ва жамиятдаги барча нарсалар қандайдир «олий мақсадга», руҳга боғлангандир, деган ғайриилмий тасаввур ҳосил бўлишига олиб келади. Телеология — дунё худо томонидан яратилган деган ғояни ёқловчи ва ифодаловчи таълимотдир.

Сабабий боғланишларни билиш вазиятни тўғри тушунишга ва жамиятни илмий бошқариш йўлларини белгилашда катта аҳамият касб этади.

Зарурият ва тасодиф категориялари эса тараққиёт жараёнининг қонуний ва мажбурий характерини кўрсатади. Обьектив олам нарсаларнинг тасодифий йиғиндисидан иборат эмас, балки қонуниятлар қатъий ҳукмронлик қиладиган, бир бутунга бирлаштирилган, бири бири билан ўзаро боғлиқ бўлган нарса ва ҳодисалардан иборатдир. Фаннинг вазифаси — тартибсиз бўлиб кўринган нарса ва ҳодисалар ичидан доимо объектив қонуниятни, заруриятни топишдан иборат.

Ниҳоят, моҳият ва ҳодиса, мазмун ва шакл категориялари нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиши уларнинг ички табиати ўзгариши билан бошланишини ифодаловчи объектив жараёни акс эттиради. Аввал

нарсаларнинг моҳияти, мазмуни ўзгаради, сўнгра ҳодисанинг ўзи ўзгаради.

Шундай қилиб, материалистик диалектика категориялари бизга тараққиёт жараёнининг кўп қиррали томонларини янада тўлароқ ва чуқурроқ билишимизга ёрдам беради. Агар қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни ва инкорни инкор қонуни тараққиётнинг асосий йўналишини очиб берса, категориялар эса тараққиёт жараёнининг айрим муҳим томонларини ифодалайди.

Адабиётларда диалектик категорияларга, одатда, объектив воқелик нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлигининг муайян мос шакллари акс эттирувчи фалсафий тушунчалардир, деб қаралади. Лекин, афсуски, унинг биронтасида ҳам категориялар тараққиёт жараёнининг энг муҳим бўлган айрим томонларини ҳам акс эттиришлари ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Шунинг учун ҳам категорияларда тараққиётнинг қандай томонлари акс этишини ўрганиш, бизнинг фикримизча, диалектик материализм масалалари билан шуғулланувчи файласуф олимларнинг муҳим вазифаларидандир.

Материалистик диалектиканинг асосий қонун ва категориялари биргаликда мураккаб, кўп қиррали бўлган тараққиёт жараёнининг бутун механизмини тўлароқ ва чуқурроқ тушунишга ёрдам беради. Шунинг учун кишилар ўзларининг илмий билишида ва амалий фаолиятида диалектиканинг асосий уч қонуни талабларини билиш билан кифояланмай, асосий бўлмаган қонунлар, яъни диалектик категорияларнинг талабларини ҳам билишлари зарур.

Материалистик диалектиканинг асосий қонун ва категориялари ўртасидаги фарқни тараққиёт жараёнига бўлган муносабатлардагина эмас, балки уларни ўзаро алоқадорликнинг умумий шаклларида бўлган муносабатларда ҳам кўриш мумкин. Юқорида қайд қилиб ўтилганидек, диалектиканинг қонунлари нарса ва ҳодисалар ўртасидаги объектив, муҳим, зарурий, такрорланадиган, нисбий турғун, умумий муносабатларни ва алоқадорликларни акс эттиради. Нарсаларнинг бир-бирини иетисно қилувчи томонларга бўлиниши ва кураши, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши, диалектик инкор жараёнида янги билан эски ўртаси-

даги ворислик моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларга хос бўлган муҳим, зарурий, умумий ва барқарор алоқадорликка киради.

Диалектиканинг асосий уч қонунида инъикос этадиган, кўрсатилган алоқадорликларнинг шакллари ажратилиши муҳимни номуҳимдан, заруриятни тасодифдан, умумийликни алоҳидаликдан, турғунликни ўткинчидан фарқ қилишга ёрдам беради. Лекин илмий билишда муҳим бўлмаган, тасодифий, алоҳида, ўткинчи боғланишларни ҳам ҳисобга олиш лозим, чунки ривожланиш жараёнида муҳим бўлмаган боғланишлар муҳим боғланишга, тасодифий боғланишлар зарурий боғланишга, алоҳида боғланишлар умумий боғланишга, ўткинчи боғланишлар турғун боғланишга айланиши мумкин.

Исталган нарса ёки ҳодисани ўрганишда ҳамма томонлар ва боғланишларни, уларнинг ўзаро муносабатларини ҳам ҳисобга олмоқ керак. Бу — мавҳум талаб эмас. Реал воқеликда нарсалар якка ўзи, бошқа нарсалардан ажралган ҳолда яшамайди, балки бир-бирлари билан яқин алоқада бўладилар. Шунинг учун ҳам нарсалар мантиқини акс эттирувчи инсон тафаккури мантиқи объектив оламдаги нарса ва ҳодисалар ташқи олам билан жонли, кўп қиррали алоқада эканлигини ҳисобга олмоғимиз лозим. Назарий билиш объектни уни заруриятда, унинг ҳар тарафлама муносабатларида, унинг зиддиятли ҳаракатида олиб ўрганиши керак. Нарса ва ҳодисаларнинг барча томонларини ва ўзаро муносабатларини ўрганиб чиқишгина кишиларга ҳақиқатни аниқлашга ёрдам беради.

Нарсаларни ҳақиқатан билиш учун унинг ҳамма томонларини, ҳамма алоқаларини ва «воситалиқларини» бирга олиб текширмоқ керак. Биз бунга ҳеч қачон тўла-тўқис эриша олмаймиз, лекин ҳар томонлама ўрганиш талаби бизни хатолардан сақлаб қолади.

Нарса ва ҳодисаларнинг умумий, ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро алоқадорлиги материалистик диалектиканинг асосий қонун ва категорияларида акс этади, лекин, шу билан бирга, турли даражада чуқур ва тўла инъикос этади. Диалектиканинг асосий қонунларида фақат воқеалар ривожининг муайян шароитлардаги йўналишини ва характерини аниқловчи муҳим, зарур, умумий, турғун боғланишлар инъикос этади. Улардан фарқли ўлароқ, материалистик диалектиканинг асосий категориялари

системасида нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро боғлиқлигининг умумий объектив шакллари-нинг барча томонлари: яъни муҳим ва муҳим бўлмаган, зарурий ва тасодифий, умумий ва алоҳида, турғун ва ўткинчи ва ҳоказо томонлари ифодаланади. Бу муносабатда категориялар қонунларга нисбатан бой мазмунга ва кенг маънога эга. Лекин диалектика қонунлари боғланишларнинг муҳим бўлмаган, тасодифий, алоҳида, вақтинча шакллари-ни четлаб ўтиб, моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларни категорияларга нисбатан чуқурроқ ифода-лайди.

Бундан муҳим методологик талаб келиб чиқади. Бу талабнинг моҳияти билиш жараёнида ва кишиларнинг амалий фаолиятларида материалистик диалектика қонун ва категориялари системасининг барча томонларидан бир бутунликда кенгроқ фойдаланиш зарурлигидан иборатдир. Диалектиканинг асосий қонун ва категориялари бир-биридан ажратилганда ёки ҳар бир айрим ҳолда олинганда, объектив оламнинг умумий қонуниятлари ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилишга имкон бермайди. Аксинча, диалектиканинг қонун ва категориялари бир-бирларини тўлдириб, инсон онгида моддий оламни яхлит бир бутун акс эттиришга ёрдам беради.

Фалсафада тафаккур услуби муаммоси

Кейинги вақтларда табиий-илмий ва фалсафий адабиётларда «тафаккур услуби» ибораси тез-тез қўлланиладиган бўлиб қолди. Тафаккур услуби тушунчаси турли муаллифлар томонидан турлича талқин этиладики, бу нарса уни янада ноаниқлаштириб ва мужмаллаштириб юборган.

Одамлар қадимдан «услуб» тушунчасини санъат, адабиёт, архитектура асарлари хусусиятларини изоҳлаш учун ишлатганлар. XX асрда бу тушунча янгича маънода қўлланилмоқда. Кўп ҳолларда «тафаккур услуби» ёки «илмий тафаккур услуби» каби аввал маълум бўлмаган лингвистик бирикмаларга дуч келишмоқда. Бу тушунчалар нимани ифода этади ва уларнинг ҳаётда пайдо бўлишига сабаб нима? Файласуф олим В. И. Купцовнинг фикрича, илмий тафаккур услуби тушунчаси бутун бир илмий йўналишни, йирик тадқиқот соҳасини характерлашда қўлланилади. Бу тушунча ёрдамида муайян бир вақт учун долзарб бўлган вазифалар ху-

сусиятларини ва уларнинг негизида ётган ғояларни ифода этмоқчи бўлади¹.

«Тафаккур услуби,— деб ёзади таниқли файласуф олим Ю. В. Сачков,— билиш тараққиётининг тарихан аҳамиятли бўлган босқичидаги илмий тафаккурнинг асосий белгилловчи характеристикасини ўзида ифода этади»².

Кўп ҳолларда «тафаккур услуби» «ўрганиш услуби», «ёндошиш методи» тушунчаларининг синоними сифатида қўлланилади. Шу сабабли метафизик тафаккур услуби ва унга хос бўлган тафаккурнинг метафизик назариялари тўғрисида, эклектик, софистик, диалектик тафаккур услуби ҳақида гапириш ҳам қабул қилинган.

«Тафаккур услуби» тушунчасини диалектика назарияси нуқтаи назаридан аниқлаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эгадир. Бироқ бу вазифани ҳал қилиш бир қатор қийинчиликлар билан боғлиқдир, чунки «тафаккур услуби» жуда кенг маънодаги тушунчадир. Шунинг учун даставвал, умумий шаклда унинг асосий кўринишларини белгилаш мумкин. Мазкур тушунчанинг барча таркибий элементлари билан мукамал танишиб чиққандан сўнг, унинг мазмунини конкретлаштириш мумкин. Абстрактликдан конкретликка томон йўналган метод моҳиятидан келиб чиққандагина, текширишнинг бу усули ўз вазифасини тўла ўтай олади.

Даставвал шуни таъкидлаш керакки, тафаккур услуби сезги ва ақлий органларнинг кўрсатишларига асосланган воқеликни воситали инъикос этишдир.

Инсон тафаккурида воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни ҳамда уларнинг ривожланиш қонуниятларини акс эттириш буюмларнинг мантиқий образини ўзида ифодалаган тушунчалар ёрдамида амалга оширилади. Тушунчалар умумийлашган хусусиятга эга бўлиши билан фарқ қилади, худди шу нарса туфайли нарса ва ҳодисаларнинг умумий ҳамда муҳим томонларини аниқлаб олиш мумкин бўлади.

Муайян тушунчалар системаси ёрдамида эришилган билимларни мантиқан англаб олиш ҳам тафаккур услубининг ўзига хос белгиларидандир. Бундай англаб олишга қайта-қайта мулоҳаза қилиш йўли билан эри-

¹ «Философские науки», 1976, № 1, 183-бет.

² Материалистическая диалектика как логика и методология научного познания, Олмаота, 1977, 118-бет.

шилади. Натижада инсон онгида турли нарсалар, ҳодисалар ҳамда уларнинг томонлари ва хоссалари ўртасида ўзаро боғланиш акс этади.

Инсон учун уни ўраб турган олам ва унинг ривожланиш қонуниятлари тўғрисидаги янги билимларни акс эттириш, англаб олиш турли ҳаётӣй вазиятларда мувофиқ келадиган хулқ-атвор ва амалий йўналишни таркиб топтириш учун зарурдир. Улар тушунчалар системаси ёрдами билан мулоҳаза қилиш натижасида ҳосил бўлган ақлий якунлар, хулосалар туфайли вужудга келади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, тафаккур услубини умумий шаклда: 1) хулқ-атвор ва амалий ҳаракатнинг мувофиқ йўналишини ишлаб чиқиш учун; 2) воқелик ва унинг ривожланиш қонуниятларини воқитали акс эттириш ва 3) англаб олиш сифатида таърифлаш мумкин бўлади. Бироқ бундай умумий таъриф, турли тафаккур услуби бир-биридан нима билан фарқ қилади?— деган масалани очиқ қолдиради. Зеро юқорида айтиб ўтилган уч жиҳат ҳар қандай билиш жараёнининг зарур элементини ташкил этади. Улар ёрдамида тафаккур услубини бирининг иккинчисига нисбатан бўлган хусусиятини кўрсатиш мумкин эмас.

Тафаккур услубининг турли хиллари хусусиятини аниқлаш учун ҳар бирини конкрет таҳлил қилиш зарур. Шу мақсадда оддий, илмий (профессионал) ва фалсафий тафаккур услубларини бир-биридан фарқлаш мақсадга мувофиқдир.

Оддий тафаккур услуби деганда, инсон ўз онгида нарсалар оламини сўз, жумлалар орқали акс эттириб, уларни англаб олишда мавжуд эмпирик фактларга асосланиб, хатти-ҳаракат йўналишини белгилаши тушунилиши керак. Яъни оддий тафаккур услубига, ҳар қандай билиш жараёнига хос бўлган уч компонент мувофиқ келади. Бироқ бунга асосланган равишда тафаккур услубини мантиқий тафаккур шакллари билан аралаштириб юбормаслик керак. Масаланинг моҳияти шундаки, агар *тушунча, мулоҳаза ва ақлий хулосалар* билиш жараёни субъекти фикрий фаолиятининг *мантиқий шакллари*ни ташкил этса, *тафаккур услуби* эса юқоридаги мантиқий шакллар ёрдамида намоён бўлиб, унинг *ички мазмунини* белгилайди. Демак, тафаккур услуби абстракт тафаккур шаклларига нисбатан кенг маънодаги тушунчадир.

Шунинг учун айтиб ўтилган белгилар — илмий (профессионал) тафаккур услубининг ажралмас элементларини характерлаш учун етарли эмас. Чунки илмий (профессионал) тафаккур даражаси олам ва унинг ривожланиш қонуниятларини акс эттириш, англаш ҳамда мақсадга мувофиқ мўлжал учун хулқ-атвор йўналишини белгилаб олиш муайян илмий принциплар, ғоя, назария ва у билан боғлиқ бўлган тайёр ҳолдаги мавжуд тушунчалар ёрдамида амалга оширилади. Бундай шароитда тафаккур янги эришилган билимлар билан олдиндан мавжуд бўлган билимларни таққослашга қаратилган бўлади. Бундай таққослаш жараёнида, бир томондан, олдиндан мавжуд бўлган билимлар чуқурлашади, кенгаяди ва аниқлашади, иккинчи томондан, янги билимлар тўпланади ва ривожланади.

Янги эришилган билимларни англаб олишда мавжуд назариялар системаси, принциплар билан бир қаторда, турли профессионал фаолият соҳасида олдиндан тўпланган билиш тажрибаси ҳам муҳим роль ўйнайди. Профессионал тажриба, мавжуд назария системаси билан биргаликда янги эришилган билимлар амалий қимматини баҳолашнинг муҳим мезони сифатида намоён бўлади. Масалан, техник тафаккур илгари тўпланган техник тажрибаларни ҳисобга олиб ишлаб чиқилган, олимларнинг назарий қуроллари натижасида моддийлашган техник машиналар, механизмлар системасини акс эттиради ва англаб олади. Ана шу илмий асос ва техник (профессионал) тажриба заминида жиҳозларнинг, механизмларнинг амалий жиҳатдан қўлланишидаги яроқли ва яроқсизлиги баҳоланади.

Мавжуд илмий принциплар, назариялар ҳамда ўтмишда тўпланган профессионал тажриба ёрдамида янги эришилган билимларни акс эттириш ва англаб олиш — барча илмий тафаккур услубига хос характерли белгидир. Чунончи, клиник тафаккурда бемор касаллигининг белгиларини акс эттириш ва англаб олиш, даволашнинг мақбул йўллариини белгилаш мавжуд медицина билимлари системаси ва врачлик тажрибаси ёрдамида замонавий медицина техникасини қўллаш билан амалга оширилади.

Фаннинг ҳар бир соҳасида муқаррар бўлган назариялар, принциплар системаси мавжуддир, улар орқали ўраб турган воқеликдаги нарса ва ҳодисалар ҳамда уларнинг ривожланиш қонуниятлари тўғрисида эри-

шилган янги билимлар акс эттирилади ва англаб оли-
нади. Ўзининг турли-туман бойлиги билан характерла-
надиган профессионал тафаккур ана шу фарққа асос-
ланади.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, илмий (профессио-
нал) тафаккурнинг барча турлари тарихий тараққиёт-
нинг у ёки бу босқичида унинг тафаккур услубини бел-
гилайдиган айрим умумий томонлар, принципларнинг
мавжудлиги билан характерланади. Масалан, илмий-
техника инқилобининг ҳозирги босқичи учун ҳодисалар-
ни ўрганишга системали анализ, моделлаштириш, фор-
мализациялаш усули, математик ва аксиоматик усул
ва бошқалар нуқтаи назаридан умумий принципларни
кенг қўллаш асосида ёндошиш характерлидир.

Илмий (профационал) тафаккур оддий тафаккур
каби амалий ҳаракатга мувофиқ келадиган позицияни
ишлаб чиқишда ўрганиладиган объектлар ҳақидаги би-
лимларни воситали акс эттириш ва англаб олишни
ифода этади.

Лекин оддийдан фарқли равишда илмий (профес-
сионал) тафаккур барқарор бўлган тайёр билимларнинг
муайян йиғиндисини тақозо этади, унинг асосида ин-
сон билиш фаолияти ва амалий ҳаракати учун мувофиқ
келадиган позицияни ишлаб чиқиш жараёни натижа-
ларини баҳолаш содир бўлади. Табиат ва жамият ҳа-
қидаги конкрет фанлар мазмунини у ёки бу тарихий
босқич воқелигида аниқлайдиган фундаментал илмий
принциплар, ғоя, барқарор назариялар, тайёр билимлар
ташкил этади.

Илмий билиш ва илмий тафаккур, фалсафий услуб-
нинг ажралмас элементини ташкил қилувчи дунёқараш-
га ва методологик қарашларга асосланган тақдирдаги-
на унумли бўлади. Шунинг учун ҳам илмий тафаккур
услуби билишнинг унумли бутунлигини тақозо этади.

Фалсафий тафаккур услуби илмий (профационал)
услубдан шу билан фарқ қиладики, моддий олам ва
унинг ривожланиш қонуниятларини акс эттириш ҳам-
да англаб олиш муайян дунёқараш ва методологик
принциплар асосида амалга оширилади.

Фалсафий тафаккур услуби, илмий тафаккур услуби
каби муайян фундаментал қондаларнинг йиғиндисига
асосланади. Бинобарин, илмий тафаккур асосида ётган
хусусий-илмий ғоя, назариялар қатъиян белгиланган
чегарага эга бўлса, фалсафий қондалар бундай чегара-

га эга эмас. Моддий олам тараққиётининг энг умумий қонуниятларини акс эттирадиган фалсафий принциплар, қонун ва категориялар умумийлик характериға эгадир. Шунинг учун ҳам улар оламни билиш ва қайта ўзгартиришнинг умумий усули сифатида намоён бўлади.

Фалсафий тафаккур услуби, илмий тафаккур услуби каби, турли хил шаклларда намоён бўлиши билан характерланади. Бундан фалсафий тафаккур шакллари-нинг кўпқирралилиги нимага боғлиқ деган савол келиб чиқади, албатта. Бу саволга жавоб беришда шу нарсани ҳисобга олиш керакки, у ёки бу тафаккур услубининг мазмуни фалсафанинг асосий масаласини, инсон тафаккурининг борлиққа, руҳнинг табиатга бўлган муносабатини ҳал қилиш билан белгиланадиган дунёқарашлар ва методологик принциплар характери билан белгиланади. Агар дунёқарашлар ва методологик принциплар фалсафий тафаккур услубининг мазмунини белгиласа, уларнинг конкрет намоён бўлиши эса фалсафий тафаккур услубининг шаклини ташкил этади.

Фалсафада материалистик ва идеалистик оқимлар доирасидаги тафаккур услубининг турли-туманлиги устида тўхталиб ўтар эканмиз, у фалсафанинг предмети ва вазифасини, уларга эришиш усули ва воситаларини ўзига хос тарзда тушуниш билан белгиланадиган фалсафий билимлар мантиқий структурасини ташкил қиладиган тушунчалар мажмуи таркибининг фарқи билан изоҳланади. Масалан, фалсафанинг вазифасини, унинг предметини турлича талқин қилишдаги фарқ, антик материализмга, метафизик (мехайик) материализмга ва диалектик материализмга хос бўлган турли тафаккур услублари белгилайди. Идеалистик фалсафа доирасида мавжуд бўлган тафаккур услубининг турли-туманлиги ҳам шу сабаб моҳияти билан белгиланади.

Фалсафий тафаккур услуби билувчи субъектнинг дунёқараш ва методологик принциплари характери билан узвий боғлангандир. Шунинг учун дунёқараш ва усулнинг ўзгариши тафаккур услубининг ўзгаришига олиб келади. Бинобарин тафаккур услуби шаклланиш жараёнида усул ва дунёқарашга акс таъсир этади, илмий билиш соҳасида у ёки бу вазифани ҳал қилиш билан олдимизга янги вазифаларни қўйиб, уларни янгича ҳал қилишга «ундайди», ҳал қилиши билан яна тафаккур

услугига таъсир этади. Шу ўринда тафаккурнинг ижодийлик, фаоллик хусусияти намоён бўлади.

Тафаккур услуги — ишлаб чиқариш характерига ва муайян синф, ижтимоий гуруҳлар манфаатларига хизмат қиладиган барча ижтимоий муносабатлар мажмуига мувофиқ эмпирик билимлар, илмий ғоялар, назариялар, дунёқарашлар ва методологик принциплар асосида мувофиқ хулқ-атвор йўналиши ва амалий ҳаракатини ишлаб чиқиш мақсадида воқеликдаги нарса ва ҳодисалар, уларнинг ривожланиши қонуниятларининг инсон онгида инъикос этилиши ва англаб олинишининг воситали усулидир. Бошқача қилиб айтганда, тафаккур услуги билиш жараёнининг йўналишини белгиловчи кундалик билимлар, илмий ғоялар ва назариялар йиғиндисидир.

Фалсафа тарихида турлича тафаккур услублари ҳақиқатни очиб бера оладиган тафаккурнинг универсал услуги ўрнини босишга ҳаракат қилар эди. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам тарихий тараққиёт жараёнида давр талабига жавоб бера олмаганлиги учун инкор этилди. *Софистик* тафаккур ҳам шулар жумласидандир. Антик дунёда шаклланган софистик тафаккур ўрта асрларда айниқса кенг тараққий этди. Дастлабки даврларда қадимги Грецияда бирон-бир соҳани, жумладан: ҳунармандчилик, музика ва ҳоказо соҳаларни мукамал эгаллаган кишиларни софистлар деб атардилар. Кейинчалик эса бу сўз аста-секин бошқача мазмун касб эта бошлади; нотиқлик ва донишмандликда ном чиқарган муаллифларни, профессионал файласуфларни софистлар деб атай бошладилар, ундан кейинги даврларда эса бу сўз билан кишиларнинг бошини қотириш услулари усталик билан қўллаб, уларни чалғитадиган одамга нисбатан ҳам софист ибораси қўлланган.

Софистлар сўз ва ибораларни бир-бирига тўқнаштириш йўли билан, уларнинг сирли маъноси ва аҳамиятини очиш орқали ҳақиқатни билиш мумкин, деб тушунар эдилар. Аслида эса, улар табиий тилнинг қатор камчиликлари, жумладан, омонимия, амфиболия сўзларини ноўрин боғлаш, икки маъноли талаффуз, фикрни ифодалашнинг грамматик шакллари ва ҳоказолардан фойдаланиб, ёлғондакам ҳақиқат ниқоби остида ҳақиқий билимларни ёлғон билан алмаштиришга уринадилар.

Ал-Форобий логиканинг ҳақиқатга эришиш қуроли сифатидаги ролини асослашга бағишланган рисола-

рида, софистик тафаккурнинг асоссизлигини жуда яхши кўрсатиб берган.

Софистика номи, Форобийнинг таъкидлашича, суфий (донолик) ҳамда истияс (ёлғон) сўзларидан олинган бўлиб, «ёлғондакам донолик» маъносини англатади. Софист,— деб ёзган эди Форобий,— (борлиққа) тескари бўлган (йўқ) нарсаларни тасаввур қилишга мажбур этиш орқали тингловчини адаштиради, шундай қилиб, у (тингловчини) бор нарсани йўқ, мавжуд бўлмаганни мавжуд, деб тасаввур қилади»¹.

Софистик тафаккур, Ал-Форобий фикрича, ўзига хос усуллардан ташкил топган бўлиб, улар ўрганилиши лозим бўлган нарсаларни ўрганишда ақлни тўғри йўлдан чалкаштиради ва ёлғонни рост шаклда тасаввур қилишга мажбур қилади, ўрганмоқчи бўлган кишини тўғри йўлдан адаштиради. Худди шу усуллар билан сўзловчи тингловчини шундай чалкаштирадики, агар у (тингловчи) ниманидир талаб қилса, ёки нимагадир эҳтиёж сезса, у (яъни сўзловчи) уни (яъни тингловчини) талаб қилмасдан ва олмасдан туриб талаб қилгани ва олганига ишонтириши мумкин. Худди шундай усул ёрдамида ёқламагани ҳолда, у (сўзловчи) уни (тингловчини) (ниманидир) қаттиқ туриб ҳимоя қилгани ёки (нимагадир) қаршилиқ кўрсатганига ишонтириши мумкин. Агар у (тингловчи) ё жавобгар, ё адвокат, ёйинки оқловчи бўлса, у ҳолда шундай усуллар ёрдамида у (сўзловчи) уни (яъни тингловчини) аслида ҳақиқатда жавоб бермагани ва (кимнидир) ёқламагани ҳолда унда (тингловчида) жавоб берганлиги ва ёқлагани ҳақида тасаввур ҳосил қилдириши мумкин².

Бундай усуллар бизга маълум бўлгандан кейин (баъзи айтиладиган нарсани) кўриб чиқишимизда, биз исботлайдиган ва бошқалар исботлайдиганига нисбатан улар ҳаракатидан қандай қилиб четлашиш биз учун сир бўлмай қолади.

Форобий мантиқ қонунларига қатъий бўйсуниладиган бўлса, инсон ақли софистик тафаккурдан халос бўлиши мумкин, деб таъкидлаган эди. «Силлогизмларни ўрганадиган бўлсак, нарсаларнинг бир-бирларидан фарқларини ишонч билан топа оламиз ва агар биз эътибор

¹ *Аль-Фараби*. Логические трактаты. Олмаота, 1975, 531- бет.

² Уша жойда, 364—365- бетлар.

қилсак, мунозараларда англашилмовчиликларга ва чалкашликларга йўл қўймаймиз»¹.

Кўриниб турибдики, софистик тафаккур тушунчалар, сўзлар ва улар маъноларининг иккиёқламалигидан келиб чиқар экан, демак, у ўз-ўзидан келиб чиқмаган, унинг ўзига хос гносеологик илдизлари бор.

Маълумки, инсон тушунчалари ҳаракатчан, ўзгарувчан, ихчам, ўзаро алоқадор, зиддиятли, бири иккинчисига ўтиб туради. Агар ана шу тушунчалар ихчамлиги инсон томонидан ўз ҳолича, субъектив фойдаланилса, осонгина софистикага тойиб кетиши мумкин. Софистик усулда тушунчалар шундай алоқадор комбинациясига тушиб қоладик, тушунчаларнинг мантиқий образи бўлган нарсалар ўз ўрнини топа олмай қолади. В. И. Лениннинг фикрича, тушунчаларнинг ҳар тарафлама, универсал ихчамлиги, қарама-қаршиликларнинг айнийлиги даражасига кўтариладиган ихчамлик, масаланинг моҳияти мана шунда. Бу ихчамлик субъектив тарзда татбиқ этилса, эклектика ва софистикадир. Бу ихчамлик объектив тарзда татбиқ этилса, яъни моддий процесснинг ҳар томонлилигини ва унинг бирлигини акс эттирса, диалектикадан иборатдир, дунёнинг абадий тараққиётининг тўғри инъикосидир.

Софистик тафаккурда бир хил тушунчалар, сўзлар, ибораларнинг бошқалари билан формал боғланиш зарурияти биринчи планга ўтади. Бу аслида маъносиз фразеология ўйинидан бошқа нарса эмас. Софистик тафаккур предметли асосга эга бўлган сўзлар, тушунчалар билан қизиқмайди ҳам, ташвишланмайди ҳам. Шунинг учун ҳам у (софистика) сўз конструкциялари доирасига ўралиб қолади. Ф. Бэкон таъбири билан айтганда, софистлар ҳаддан ташқари маҳмадонадирлар, амалда эса улардан ҳеч қандай наф йўқ. Софистик тафаккур формал таърифлар билан чекланганлиги учун ҳам, у нарсалар тараққиётини бошқарадиган чуқур ички жараёнларни тушунишга қодир эмас. Софистлар учун ҳақиқат ҳам, янглишиш ҳам мавжуд эмас, фақат оддий муваффақият бор.

Софистика ижтимоий-синфий илдизларга ҳам эга. Софистик усул ҳақиқатни атайлаб бузиб, ёлғонни ҳақиқат, деб кўрсатиб, эксплуататор синфлар манфаатини ҳимоя қилади.

¹ Аль-Фараби. Логические трактаты, 438- бет.

Софистика гносеологик ва ижтимоий илдизларга эга бўлганлиги учун ҳам софистик тафаккурнинг асоссиз эканлигини ёритмоқ учун, бир томондан, айтилаётган қонданинг ҳақиқийлиги ва асоссизлигини қандай усул билан таъминланишини кўрсатиш, иккинчи томондан, у ёки бу софистик қоида қайси синф манфаати учун фойдалилигини очиб бериш керак бўлади.

Муҳокама юритилаётган нарсанинг объектив асосини ҳисобга олмайдиган, предмети абстракт тушунчалардан иборат софистик тафаккур услубидан фарқли ўлароқ, *метафизик* тафаккур, асосан, нарсалар билан фикр юритади. Мана шу маънода тафаккурнинг метафизик усули софистик тафаккурни инкор этади.

Илмий билишнинг асосий мақсади табиатдаги нарса ва ҳодисалар моҳиятини билишдан иборат. Шунинг учун ҳам нарсаларни ўрганишда метафизик усул дастлаб табиатшунослик заминиди таркиб топа бошлаган. Софистик тафаккурга қарши ўлароқ вужудга келган метафизик усул фан ривожланиши тарихида ўзига яраша ижобий роль ўйнаган. Табиатшунослик йиғма тўпловчи фан сифатида кўринган даврларда буюмларни ўрганиш усули бўлган метафизик усул реал воқеликда алоҳида олинган нарсалар ҳақидаги жуда кўп аналитик материалларни тўплашда олимларга ёрдам берди. Табиатдаги конкрет нарса ёки жараёнларни билмасдан туриб, дунёнинг умумий кўриниши тўғрисида тасаввур қилиш мумкин эмас. Масалан ўсимлик турларининг илмий тавсифини тузиш учун, аввало ҳар бир турни алоҳида ўрганиш талаб қилинади. Бунинг учун бизни ўраб турган шароитда ўсаётган ўсимликлардан танлаб олиниб, олим лабораториясига кўчирилади. У ерда фиксацияланиб (қотирилиб) анализ қилиш йўли билан унинг ички тузилиши, кимёвий таркиби ҳамда бошқа томонлари ўрганилади. Лекин бу текшириш усули бизни — табиатдаги буюмлар ва жараёнларни бир-биридан ажратилган ҳолда, улар ўртасидаги буюк умумий боғланишдан ташқарида текширишга ва шунинг натижасида ҳаракат ҳолатида эмас, балки ҳаракатсиз ҳолатида, муҳим даражада ўзгарадиган нарсалар сифатида эмас, балки абадий ўзгармайдиган нарсалар сифатида, тирик эмас, балки ўлик нарсалар сифатида текширишга одатлантириб қўйган. Ф. Бэкон билан Ж. Локк томонидан табиёт соҳасидан фалсафа соҳасига кўчирилган бу тушуниш усули, XVII—XVIII асрларнинг ўзига хос

маҳдудлиги бўлган метафизик тафаккур усулини вужудга келтиради.

Табиат предметларини мукаммал ўрганиш, уларнинг моҳиятини чуқурроқ очиб боришга интилиш — метафизик тафаккур услубининг ижобий томонини ташкил этади. Унинг улкан тарихий ҳаққонийлиги ҳам шундадир. Бу, шу билан характерланадики, метафизик тафаккур услубидан фақат табиатшуносларгина эмас, балки XVII—XVIII аср буржуа материалистлари ҳам унумли фойдаланганлар.

Метафизик тафаккур услубининг асосий камчилиги шундан иборатки, у табиатдаги нарса ва ҳодисаларни ўзаро бир-бири билан алоқадор боғлиқликда, уларнинг узлуксиз ўзгариш ва ривожланишда эканлигини кўра билмайди ва кўришни истамайди. Метафизик назарияда буюмлар ва уларнинг фикрий суратлари, яъни тушунчалар бир-биридан кейин ва бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда текширилиши лозим бўлган айрим-айрим, ўзгармас, қотиб қолган, ҳамиша бир зайлда турадиган нарсалардир. Метафизик бир-бирига мутлақо алоқаси бўлмаган қарама-қаршиликлар воситаси билан фикр қилади, унинг сўзи: «ҳа-ҳа, йўқ-йўқ; бундан бошқаси — шайтоннинг иши», дейишдан иборат. Унинг назарида буюм ё мавжуддир, ёки мавжуд эмасдир ва худди шунингдек, бир буюм айни замонда шу буюмнинг ўзи ва яна бошқача нарса бўлолмайди. Мусбат нарса билан манфий нарса бир-бирини мутлақо истисно қилади; сабаб билан амал ҳам бир-бирига нисбатан қотиб қолган зиддиятдир.

Бундай йўл билан тушуниш кундалик, одатдаги турмуш миқёсида маълум даражада мувофиқ келса-да ҳақиқий илмий билишда эса номувофиқ, ғайриилмийдир, чунки бизни ўраб турган воқеликдаги ҳар бир нарса воқеликдаги бошқа нарсалар билан ўзаро чамбарчас боғланган. Улар узлуксиз ҳаракатда, ўзгаришда, ривожланишдадир. Шу жараён натижасида эса предметлар ўзининг қарама-қарши томонларига ўтадилар. Масалан, ҳар қандай органик мавжудот ҳам маълум вақтда ўз моҳиятини сақлаб турса, маълум вақтда ташқи муҳитдан олган ҳаётий заруратини қайта ишлаб, ўзидан бошқа модда чиқаради. Ҳар бир дақиқада баъзи бир ҳужайралар ўз фаолиятини тугатсалар, баъзи бирлари эса ўз фаолиятларини янгидан бошлайдилар. Шу тариқа, оз ёки кўп вақт давомида организм таркиби-

даги моддалар янги атомли моддалар билан алмаши-
нади. Шунинг учун органик мавжудот ёки жисм
бир пайтда ҳам шу жойда мавжуд, ҳам шу жойда
бўлмайди ҳам. Аммо шу тахлитда тушуниш метафизик
тафаккур доирасига тўғри келмайди. Шу жиҳатдан ме-
тафизик тафаккур ғайриилмий бир томонлама, чек-
ланган тафаккур услубидир.

Табиий илмий билиш доирасида метафизик усул
шундай ўрганиш усулики, у табиатдаги нарсаларни
бир-биридан алоҳида-алоҳида, ҳаракатланмайдиган,
қотиб қолган ҳолда ўрганади.

Фалсафий усул тафаккурига айланган метафизика
бироз кенг маънода, яъни антидиалектик усул сифати-
да қўлланила бошланди.

Эклектика кенг тарқалган тафаккур услубларидан
бўлиб, дастлаб грек фалсафасининг охири босқичла-
рида юзага келган. Эклектик тафаккур услуби ўрта
аср ва янги замон схоластларининг тортишувларида
кенг қўлланган. Ҳозирги вақтда ҳам эклектиканинг тур-
ли кўринишлари материализм билан идеализм, фан би-
лан динни келиштиришга қаратилган уринишларда ҳам
намоён бўлмоқда.

Эклектика (грекча «танлайман») — турли-туман, кў-
пинча қарама-қарши нуқтаи назарлар, фалсафий қа-
рашлар, назарий қоидалар ва шу кабиларни принцип-
сиз аралаштириб, палапартиш қўшиб юборадиган ме-
тодологик услубдир. Эклектика нарса ва ҳодисалар-
нинг турли томонлари ва хоссаларини механик равишда
бириктиради ва «бир томондан», «иккинчи томондан»
деган принципга амал қилади. Объектив дунё нарса ва
ҳодисаларидаги алоқа ва муносабатлар мажмуидан
конкрет-тарихий алоқадорликда, реал ҳаракатда, ўзга-
риш ва ривожланишда асосий ҳал қилувчи алоқаларни
ажрата билмаслик эклектик тафаккурнинг асосий ме-
тодологик нуқсонидир.

Предметни ҳақиқатан билиш учун унинг ҳамма то-
монларини, ҳамма алоқаларини ва «воситалиklarини»
бирга олиб текширмоқ керак.

Амалий ҳаракатда эклектик ёндошиш нарса ва ҳо-
дисалар, воқеалар занжирида асосий бўғинни топишга,
тараққиётнинг у ёки бу босқичларида энг долзарб ма-
салаларни ҳал этишга қаратилган тадбирларни белги-
лашга тўсқинлик қилади. Айниқса, эклектика диалек-
тика ниқоби остига кириб олгудек бўлса, жуда катта

зарар етказади. Эклектицизмни диалектика қилиб сох-талаштириш оммани ҳаммадан яхшироқ алдайди, қаноатлантиргандай бўлади, гўё жараёнинг ҳамма томонларини, тараққиётнинг ҳамма тенденцияларини, ҳамма зиддиятли таъсирларини ва ҳоказоларни этиборга олгандай бўлади, амалда эса ижтимоий тараққиёт жараёнини тўла-тўқис ва революцион тарзда тушунтириб бермайди.

Формал логика қонун-қоидалари асосида ҳосил қилинадиган тафаккур, яъни *формал-мантиқий* тафаккур, эклектик фикрлашга тубдан қарама-қаршидир. Эклектик тафаккурдан фарқли ўлароқ формал-мантиқий тафаккур моҳият этибори билан субъектив нотўғри талқинни истисно этадиган, мантиқий алоқадорлик асосида бир фикрдан иккинчи фикрга ўтишга, яъни тўғри фикрлашга асосланган тафаккурга ўз диққатини қаратади. Логика (мантиқ) муҳокама (фикрлаш) жараёнида фикрларимиздаги ҳал қилувчи алоқадорлик қонунларини таҳлил қилади, уларга кўра ҳақиқатни ҳосил қилиш учун асосланишимиз лозим бўлган қонун-қоидаларни шакллантиради. Тўғри фикрлаш ҳақиқат ҳосил қилишнинг зарурий шартидир.

Шу билан бир қаторда формал логика тафаккур шакллари (тушунчалар, муҳокамалар, хулосалар)ни таҳлил қилар экан, уларни инсон амалий ва билиш фаолияти тараққиётидан, шу шаклларни келтириб чиқарган тарихий жараёндан мустасно ҳолда олиб қарайди. Формал логика тараққиёт муаммосини, шу билан бир қаторда тафаккур шакллари тараққиёт масаласини ўрганишни мақсад қилиб қўймайди, балки у фикрларни конкрет англатган мазмунидан қатъи назар, қандайдир тайёр, тугалланган ҳолда олиб қараб, шу асосда тўғри фикрлаш қонунларини ва шаклларини ўрганади.

Формал логикадан фарқли ўлароқ *диалектик тафаккурнинг диққат* марказида тараққиёт муаммоси туради. Бу шунга асосланадики, биринчидан, тараққиёт моддий оламдаги ҳамма нарса ва ҳодисаларга, шунингдек инсон тафаккурига ҳам хос; иккинчидан, ҳодисаларга жараёнлар сифатида қарайди, улардаги ҳақиқатан муҳим, асосий томонни кўриш имкониятини беради. Масалан, тушунча ҳақида гап кетганда, формал логиканинг предметни моҳиятли белгилари орқали акс эттириш лозимлигини талаб қилиши жуда ўринлидир.

Лекин қайси белги моҳиятли ҳисобланади, у муҳим бўлмаган белгидан нимаси билан фарқланади? Бу борада формал логика кўрсатмалари фақат умумий ва формал бўлиб қолиши мумкин, холос. Шунинг учун ҳам бундай кўрсатмалар, агар тараққиёт муносабати билан илгари муҳим ва асосий ҳисобланганларнинг номуҳим ва иккинчи даражалиги «ва аксинча» бўлиб қолиши мумкинлиги ҳисобга олинса, асло етарли эмаслиги аён бўлиб қолади. Бу масалани ҳал қилмоқ учун, вужудга келган янгича шароитни чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш талаб этилади, бу эса формал логика доирасидан чиқиб кетади.

Диалектик логика формал логикадан фарқли ўлароқ, ҳар бир тарихий давр мазмунини ёритишни ва шу асосда унинг моҳиятли белгиларини янгидан аниқлашни талаб қилади. Шундай қилиб, диалектик логикада умумий тушунча ўз мазмунининг бойлиги билан намоён бўлади. Диалектик логика инсон тафаккури шаклларини уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва тараққиётида олиб ўрганишни мақсад қилиб қўяди. Диалектик логика табиат ва жамият тараққиётининг объектив жараёни ривожланаётган тушунчалар ва фикрнинг бошқа шаклларида қандай акс этишини кўрсатиб беради. Бундай вазифаларни ҳал қилиши орқали диалектик логика жадал суръатлар билан ривожланаётган табиатшунослик ва жамиятшунослик фанларининг талаб ва эҳтиёжларига мос бўлиб тушади. Эски, соф формал логикага қарама-қарши ўлароқ, диалектик логика ҳаракат шаклларини, яъни муҳокама ва хулосаларнинг турли шаклларини бирма-бир санаб чиқиш ва ҳеч бир боғланишсиз, ёнма-ён қўйиш билан кифояланиб қолмайди. У, аксинча, бу шаклларнинг бирини иккинчисидан чиқаради, орасидаги координация алоқасини эмас, балки субординация алоқасини аниқлайди, қуйи шакллардан ривожлантириб юқори шаклларга чиқаради.

Формал ва диалектик логика орасидаги муносабатни тўғри тушуниш уларни ўзаро зид қўймаслик имконини беради. Формал логика мантиқий муносабатлар, фикрнинг элементар тузилиши, структурасини таҳлил қилгани учун ҳам унинг қонун ва қоидалари тафаккурнинг ҳамма томонлари учун ўз кучини сақлаб қолади. Шунинг учун ҳам айтиш мумкинки, формал логикани ўрганиш диалектик логикани эгаллашда дастлабки босқич сифатида муҳимдир. Диалектик логика формал логика

талаблари мажбурийлигини инкор қилмайдигина эмас, балки аксинча, унинг ўзи муҳокамада ниҳоятда аниқликни, кетма-кетликни талаб қилади ҳамда мантиқий хатоларнинг қандай бўлмасин, ҳеч бири билан келишмайди.

Формал логика, энг аввало, янги натижалар излаш, маълумдан номаълумга ўтиш усулидир, диалектика ҳам худди шундайдир, лекин хийла юксак маънога эгадир, бунинг устига, формал логиканинг тор устун ифодаси ёритиб ўтадиган диалектикада кенгроқ дунёқараш куртаги бордир.

Формал логикани ўрганиш ва унинг қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиш инсон тафаккури фалсафий маданиятини оширишнинг зарурий омили ҳисобланади. Логикани билиш мураккаб муҳокамада аниқлик, асосийликка эришиш имкониятини беради. Тафаккур жараёнида, турлича ҳаётий шароитларда илмий билиш ва амалий фаолият учун бу нарса катта аҳамиятга эга.

Диалектик тафаккур услуби ё моддий асосидан ажратилган қуруқ тушунчаларни бир томонлама бўрттирувчи, ёки нарсалар, тушунчаларнинг ҳаракати диалектикасини ҳисобга олмайдиган софистик ва метафизик тафаккур услубидан фарқ қилиб, нарсалар ва уларнинг фикрий образларини узвий бирликда олиб қарайди. Шунинг учун диалектик тафаккур софистик ҳамда метафизик тафаккурга хос камчиликлардан холидир. Бундай тафаккур услуби, турли муносабатларда бўлган турли нарса ва тушунчаларни принципсиз ва тасодифан бирлаштирувчи эклектик қарашга тубдан қарама-қаршидир. Диалектик тафаккурда нарсалар билан уларнинг логик образлари бўлган тушунчалар айнийлиги, билишнинг табиий ҳаракат шакли бўлиб, бунда субъектив диалектика объектив диалектиканинг инъикоси сифатида намоён бўлади.

Юқорида айтилган илмий хулосалар ушбу сатрлар муаллифининг тафаккур услуби муаммосига бағишланган асарларида ўз аксини топган.

Диалектика назарияси соҳасида олиб борилган илмий ишларимизнинг натижалари бир неча жаҳон конгрессларида, Бунуниттифоқ ва регионал илмий конференцияларида баён этилди ва бир қатор чет эл нашрларида ўзининг ифодасини топди. Бу илмий тадқиқотларимиз «Вопросы философии», «Философские науки»

каби Бутуниттифоқ журналларида, «Правда» рўзнома-сида йирик олимлар, жумладан академиклар М. Б. Минтин, В. Г. Афанасьев, Т. И. Ойзерман, Л. Ф. Ильичев ва бошқа файласуфлар томонидан юксак баҳоланди. Материалистик диалектика назарияси соҳасидаги ишлар туркуми учун шу ишнинг илмий раҳбари сифатида 1981 йили фан ва техника соҳаси бўйича Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотини олишга сазовор бўлдим. Фалсафа фанини ривожлантиришга ва шу соҳада кадрлар тайёрлашга қўшган хизматим учун менга 1978 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби деган юксак унвон берилди. 1984 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси бўлиб сайландим.

III б о б. ФАЛСАФАДА ИНСОН ВА ИНСОНИЯТ МУАММОСИ

1. ИНСОН — ҲАЁТ ФАЛСАФАСИНИНГ МАРКАЗИЙ МУАММОСИ

Фалсафа инсон онгини, унинг дунёқарашини шакллантиришга қаратилган фан. Унинг асосий вазифаси инсоннинг онгида табиат ва жамият тараққиёти қонуниятларини фалсафий жиҳатдан англаш маданиятини шакллантиришдан иборатдир. Бундан ўз-ўзидан яққол кўриниб турибдики, инсон ҳаёт фалсафасининг марказий муаммосини ташкил этади.

Инсон, унинг эркинлиги, ҳуқуқи, кадр-қиммати барча тарихий даврлардаги буюк мутафаккирларнинг диққат марказида турган энг муҳим масалалардан бўлиб ҳисобланади. Бир неча минг йиллар мобайнида яратилган дostonлар, мақол ва маталлар, қўшиқ ва латифалар, мусиқавий асарларда инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабат қоидалари, дўстлик, ҳамжиҳатлик, саҳийлик, меҳнатсеварлик каби инсоний фазилат ва хислатлар улуғланади. Инсон зотига тўғри келмайдиган қора юраклик, ёвузлик, худбинлик, кибрланиш, андишасизлик кабилар эса кескин қораланади. Инсониятнинг асл фарзандлари дунёда қудратли зот бўлган инсон чексиз ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ эканлигини қайта-қайта таъкидладилар. Кишилиқ жамияти тарихининг биронта ҳам босқичида инсоннинг тақдирига бефарқ қараган, унинг дардига дардкашлик, қайғусига ҳамдардлик қилмаган, бахт-истиқболи учун жон куйдирмаган на биронта тарихчи, на биронта файласуф

ёки ҳуқуқшунос олим бўлган эмас. Буни, биринчи навбатда, қадимги давр мутафаккирлари мисолида кўриш мумкин. Қадимги Юнонистоннинг энг машҳур материалисти, атомистик назария асосчиларидан ҳисобланган *Демокрит* ўзининг афоризмларида юксак ахлоқий сифатларига эга бўлишни, тарбияни, меҳнат қилишни, жасоратли, вафодор, ақли ўткир ва зийрак дўст-биродар орттиришни инсон учун бахтиёр ҳаёт кечиришнинг асосидир, деб таъкидлайди. Бунга унинг қуйидаги афоризмлари мисол бўла олади:

«— Инсонни бахтли қиладиган нарса пул ҳам, жисмоний куч ҳам эмас, балки ҳаққонийлик ва ҳар томонлама доноликдир;

— бахтсизликда ўз бурчига содиқ қолиш — буюк иш;

— меъёридан ўтиб кетса, энг ёқимли нарса ҳам энг ёқимсиз бўлиб қолади;

— биронта ҳам ҳақиқий дўсти бўлмаган одам дунёда яшамаса ҳам бўлади;

— доим ҳақиқатни гапирмоқ лозим ва маҳмадоналикдан қочиш керак»¹.

Ер юзидаги барча моддий ва маънавий бойликларнинг ижодкори бўлган инсонни улуғлашда IX—XVIII асрларда яшаган Шарқ олимлари, айниқса, Урта Осиё мутафаккирлари ва шоирларининг қўшган ҳиссалари таҳсинга сазовор. Биз бу ўринда Хоразмий, Форобий, Фирдавсий, Беруний, Ибн Сино, Носир Хусрав, Умар Хайём, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Ҳофиз Шерозий, Бедил, Улуғбек, Алишер Навоий каби олим ва шоирларнинг ижодига бир назар ташласак, юқоридаги фикримиз нечоғлик тўғри эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Бунга истаганча далил келтириш мумкин.

Бу анъананинг бешиги бошида турганлардан бири *Абу Наср Форобий* бўлиб, унинг ижтимоий-фалсафий қарашларининг марказида инсоннинг бахт-саодатга эришиши ҳақидаги ғоя туради. Форобий ўз аҳолисини бахт-саодатга етакловчи, бутун фаолият ва вазифаларини ана шу мақсадга йўналтирувчи шаҳарни энг яхши, фазилатли деб атайди. Ҳақиқий бахтга эришиш учун зарур бўлган ишларда ўзаро ёрдамни мақсад қилиб олган кишилар бирлашмаси мавжуд бўлган шаҳар — фазилатли, идеал шаҳардир; бахтга эришиш

¹ Материалисты древней Греции. Москва, Госполитиздат, 1955, 155-бет.

учун кишилар бир-бирларига ёрдам берувчи жамоа фазилатли, идеал жамоадир.

Бахтга эришиш учун барча шахарларда ўзаро ёрдам берувчи халқ — фазилатли, етук халқдир. Шу тартибда барча халқлар бахтга эришиш учун бир-бирларига ёрдам берсалар, бутун ер юзи фазилатли, етук бўлади, деб кўрсатади Форобий.

Форобий инсонларни ўзаро ҳамкорликка чақиради, дунёда ягона бир бутун инсон жамоасини тузиш ҳақида орзу қилади.

Форобийнинг фикрича, инсон ўз-ўзидан бахтли бўла олмайди, бу нарсa унинг ҳаракатларига, меҳнатига, касб-ҳунарларни эгаллашига, билимига боғлиқ.

Қамолотга бир кишининг ёлғиз ўзи, кўпчиликнинг ёрдамисиз эриша олмайди. Ҳар бир инсоннинг туғма табиатида ўзидан бошқа кишилар билан доимий равишда муносабатда бўлиш, ўзаро алоқа қилиш ҳиссиёти бор. У қамолотга эришувда бошқаларнинг кўмаклашувига ва улар билан бирлашишга муҳтождир. Мана шу ўзаро кўмаклашув жараёнида яхши, гўзал инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган инсон жамоалари вужудга келади. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда одамларнинг бир-бирига яшаш ва етукликка эришиш учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Фаробийнинг бундай қарашларини унинг «Фозиллар шаҳри аҳолисининг фикрлари» асарида учратамиз.

«Шоҳнома» номли нодир асари билан номи жаҳонга машҳур бўлган *Абулқосим Фирдавсий* инсонни бутун мавжудотнинг энг баркамоли, тараққиёт чўққиси, барча нарсаларнинг ижодкори деб билади.

Инсондан яхшилик, нур ва равшанлик,
Инсонсиз дунёда йўқ фаровонлик¹.

Фирдавсийнинг фикрича, аввал чор унсур — олов, сув, ҳаво, ер яратилган, сўнг ўсимликлар, ҳайвонлар ва охири энг олий зот — инсон яралган. Фирдавсий ўзининг «Ақл васфида бир неча сўз» номли асарида инсон ўзининг ақл-идроки ва тафаккури, онги билан, бошқа мавжудотлардан ажралиб туришини алоҳида уқтиради. У ақлни ҳақиқатнинг ўлчови деб билади. Ақлнинг қуд-

¹ А. *Фирдавсий*. Шоҳнома (Биринчи китоб), Тошкент, Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975, 29- бет.

рати, хосияти, аҳамияти ҳақида сўз юритади. Яздон яратган энг олий нарсалар орасида ақлдан аълоси, гўзали йўқдир. Шоҳлар шоҳининг тожидир ул... Учмас ва ягона ҳақиқат, де ани. У қалбдан ғамни ва қўрқувни ҳайдайдигандир. У, икки дунёда сенинг икки қўлингдан ушлаб, қўлтиқлаб юрадигандир. Сенинг бахтинг ҳам, ғаминг ҳам ундадир, сенинг фойданг ҳам, эҳтиёжинг ҳам ундадир. ...Ким ўзига йўл кўрсаткич қилиб уни олмаса, у одам ўзининг ҳаракатлари билан ўз қалбини парчалайди; бундай одамни ақлли одам нодон деб атайди... Икки дунёда сен у билан қимматлисан. Қим ақлни синдирса, у азоб чекишда бўлади. Ақл руҳнинг кўзидир:

Жаҳондор яратган олий зот инсон,
Сенга маълум барча ошқору ниҳон.

Ҳамиша ақлингни раҳнамо этгил,
Нолойиқ ишлардан олисроқ кетгил.

Йўл изла донолар сухани томон,
Доно сўзин такрор этиб, кез жаҳон.

Ҳар нечук илмдан эшитсанг бир сўз,
Уни тинмай ўрган кечаю кундуз.

Илмдан бир шуъла дилга тушган он,
Шунда билурсанким, илм бепоён¹.

Ўрта Осиё ва умуман Шарқнинг ифтихори ва улуғ олимларидан саналган *Абу Райҳон Беруний* дунёда инсоннинг тутган ўрни, истиқболи масаласига катта эътибор билан қарайди. Онгли ҳаётий фаолият одамни ҳайвоннинг онгсиз ҳаётий фаолиятидан фарқлантирадиган муҳим жиҳатлардан бири эканлиги унинг «Минералогия» асарида кенг баён этилган. Одамда тафаккур қудрати бўлмаганда эди, деб таъкидлайди Беруний, унинг аҳволи ҳайвонлар ҳолатидан ҳам тубанроқ бўлган бўларди, чунки одам куч жиҳатидан ҳайвонлардан заиф, кучли табиий ҳимоя воситаларидан маҳрумдир.

Берунийнинг қайд қилишича, инсондаги мақтовга сазовор хислат олижаноблик, мардлик, мурувват, нафсни тия билиш, покизалик, ёқимли кийинишдир. Мутафаккир ростгўйликни ҳамма нарсадан устун қўяди, билиб-билмай нотўғри хабар тарқатувчиларни, атайин ёлғон сўзловчиларни қоралайди. «Шундай кишилар ҳам бўладик, — дейди бу ҳақда у ўзининг «Ҳиндистон» номли аса-

¹ А. Фирдавсий. Шоҳнома, (Биринчи китоб), Т., 1975, 36—37-бетлар.

рида,— уларнинг табиатига ёлгон хабар тарқатиш ўрнашиб қолган, гўё унга шу вазифа юклангандек бўлади ва ёлгон хабар тарқатмасдан тинчиёлмайди. Бу ёмон хоҳишлардан ва табиатга бузуқ фикрларнинг жойлашганидан келиб чиқади... Ёлгончиликдан четланиб, ростгўйликка ёпишган кишини бошқа одам у ёқда турсин, ёлгончининг ўзи ҳам севиб мақтайди... Демак, ёлгончилик кишини адолатдан юз ўгиртиради; зулм, ёлгон гувоҳлик, омонатга хиёнат қилиш, бошқалар мулкларини ҳийла билан босиб олиш, ўғирлик, дунё ва халқнинг бузилишига сабаб бўладиган бошқа ёмон хулқларни кишига яхши қилиб кўрсатади»¹.

Буюк аллома ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида урф-одатларни яхши ва ёмонга ажратади. Тўғрилиқ, одиллик, ўзини сақлаш, инсоф, камтарлик, лутф, собитқадамлик, эҳтиёткорлик, сахийлик, мулойимлик, билимдонлик, тадбиркорлик сингариларни у яхши хислатлар жумласига киритади. Бир-бирининг пайига тушиш, кўролмаслик, хусумат, бировларнинг бахтсизлиги ҳисобидан бўлса-да юксак марраларга эга бўлиш учун ҳаракат қилишни, фақат ўзини ўйлаш, бошқалар билан иши бўлмасликни эса энг ёмон одатлар сифатида кўрсатади.

Инсоннинг соғлом, бахтиёр ҳаёт кечириши, умрни узайтириш, одамнинг табиат билан узвий алоқадорлиги, болалар тарбияси сингари энг муҳим масалалар *Абу Али ибн Сино* таълимотида кенг ўрин тутади. Алломанинг кўрсатишича, инсон олам ривожланишининг тожи бўлиб, у шон-шараф ва ҳурматга тўла лойиқдир. У табиат яратган ноз-неъматлардан ташқари озиқ-овқат, кийим бош, уй-жойга муҳтожлик сезади, буларни эса касб-ҳунар ўрганиш, меҳнат қилиш асосида яратади.

Ибн Сино тиб олими сифатида инсон саломатлигини сақлашда соф ҳавонинг, мижозга қараб овқат тановул қилишнинг, ичиладиган сувнинг, бадан тарбиянинг, ҳар бир гиёҳнинг аҳамияти ҳақида ҳам жуда қимматли фикрларни баён этди.

Энг олий мавжудот бўлган инсонни мадҳ этиш, унинг келажаги ҳақида қайғуриш Шарқнинг забардаст файласуф олими *Умар Хайём* ижодида марказий ўрин эгал-

¹ *Абу Райҳон Беруний*. Танланган асарлар. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1965, 2- том, 26- бет.

лайди. У ўзининг рубойларидан бирида инсонни оламнинг беағи, гултожи деб юксак баҳолайди:

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,
Ақл кўзин қораси — жавҳари ҳам биз.
Тўғарак жаҳонни узук деб билсак,
Шаксиз, унинг кўзи — гавҳари ҳам биз¹.

Инсон ўзининг тафаккур қуввати, даҳоси, меҳнати билан табиат ва жамиятни ўз эҳтиёжлари йўлида ўзгартиради. Буюк мутафаккир *Алишер Навоий* таъбири билан айтганда, дунёда инсондан улугроқ камолот йўқ, чунки унга «бебаҳо марварид» — ақл-заковат кучи ҳадя этилганки, унда «сир-асрорларни ва юксак чўққиларни билиш қобилияти» бўлиб, унинг кўмагида инсон «улуг зафарларни бажо келтиради. *Алишер Навоий* ҳам инсонни чин қалби, вужуд-вужуди билан севади, унинг ҳақ-ҳуқуқларини астойдил ҳимоя қилади, бахт-саодати учун курашади. Навоий севиб ардоқлаган инсон ярамас хислат ва иллатлардан холи бўлган фозил ва комил инсондир. У меҳнаткаш, ижодкор, ўз касб-корини мукамал эгаллаган, меҳнати ва заковати, фаолияти ва билими билан ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам манфаат етказувчи инсондир. Навоий бошқаларнинг ҳам ана шундай инсон бўлишини истайди.

Алишер Навоий жамиятнинг асосий моддий бойликларини яратувчи деҳқонлар, ҳунармандлар ва чорвадорларни мақтайди, уларнинг жамият ҳаётидаги ролига катта баҳо беради. Умрининг охирларида ёзган «Маҳбул-қулуб» («Кўнгилларнинг севгани») асарида деҳқонларга барча инсонга ҳам, жониворларга ҳам озиқ-овқат, ризқ-рўз етиштириб берувчидир деб баҳо беради.

Алишер Навоий инсон ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиши зарурлиги ҳақидаги ғояни ўз салафларига нисбатан анча ривожлантириб ва бойитиб, бу ҳақда барча асарларида ўзининг фикр-мулоҳазаларини билдиради. Унинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Фарҳод образи бунга мисол бўлади. Фарҳодда ҳар томонлама баркамол инсонга хос сифатлар мужассамлашгандир. У — етук мусаввир, моҳир уста, чуқур билимдон, доно мутафаккир, айни вақтда доўрак жангчи инсондир. Илм-фан ва маданиятнинг унга бегона бўлган бирор со-

¹ Умар Хайём. Рубойлар. Тошкент, 1976, 5-бет.

ҳаси топилмайди. Унда донишмандлик ва инсонийлик узвий равишда бирлашиб кетган, инсонга хос ҳеч бир нарсa унга бегона эмас.

Алишер Навоий Фарҳоднинг меҳнат ва ижодда эришган муваффақиятларининг омили унинг илми, ақли ва иродасида, деб ҳисоблайди. Унинг ақл-идрокига баҳо бериб Навоий шундай дейди:

Деди: ҳар ишки қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.
Улум ичра манга то бўлди мадҳал,
Топилмас мушқуле мен қилмаган ҳал¹.

Алишер Навоий инсоннинг қадр-қиммати унинг мол-мулки, зеб-зийнати, мансаби, ижтимоий келиб чиқиши билан эмас, балки унинг маънавий қиёфаси, ахлоқий сифатлари, ундан элга қанчалик наф тегиши билан белгиланади, дейди. Бу ҳақда унинг қуйидаги сўзлари таҳсинга сазовордир: «Қишиларнинг сўз билан наф етказиш қўлидан келмаса, лоақал кўнглидаги андешаси яхши бўлиши керак. Кўнгли одамларнинг хурсандлигидан хурсанд бўлиши лозим; уларнинг кўнгли нохуш бўлса, ташвишига шерик бўлиши керак. Қимнинг халқ ғамидан ғами бўлмаса, ҳақиқий одам бўлсанг, уни одам дема. Биров сенга яхшилик қилмоқчи бўлса, сўз билан сенга жон бағишламоқчи бўлса-ю, лекин гап билан буни ифода-далай олмаса, яхшиликни тилга олганининг ўзи киши таъбига осойиш бағишлайди»².

Шарқнинг буюк даҳоларидан бири *Мирзо Абдулқодир Бедил* инсонни жуда юксакларга кўтаради, ўзининг кўпчилик асарларида уни «ҳазрати инсон» деб атайди. Унинг назмида баён этилган қуйидаги мулоҳазалари инсонни борлиқнинг, оламнинг тожи, ўз бахтини ўзи яратадиган зот, деб билганлигидан дарак беради.

Тўрт даҳраро сен нури офтоб,
Етти баҳр ичра гавҳари ноёб.
Ҳар нарсагаки етибди ақлинг,
Ундан афзалсан бун яхши бил.
Дунё мевасин ширинкорисан,
Ҳаммасидан ҳам ҳосилдорисан.

¹ Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. 13- том, Фафур Фулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1966, 29—30- бетлар.

² Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр, 97—98- бетлар.

Қай тарафгаким учди хаёлинг.
Сен этсанг парвоз, етар мажолинг.
Дилинг ҳимматидан ҳаёт гулистон,
Қўлинг қудратидан ҳаммаёқ бўстон¹.

Бедил инсонни ерга урадиган хислатларини қаттиқ қоралайди, иш қилмасдан мукофот иташ уятсизликдир, деб; одамларни яхшилардан ибрат олишга даъват этади. «Агар яхшилардан бегона бўлмайман, ажралмайман, десанг, ёмон сўзловчилар, ғийбатчилар билан ошнолик қилма, ўзингни тўғри кўрмоқчи бўлсанг, ойнанинг орқасига боқма»², дейди Бедил.

Инсон муаммосини тадқиқ этиш масаласида илк капитализм даврида яшаган Ф. Бэкон, Т. Гоббс, Р. Декарт, Б. Спиноза, Ж. Локк сингари файласуф олимлар ҳам катта натижаларга эришдилар. Голланд файласуф олими *Б. Спинозанинг* уқтиришича, инсон учун энг олий тилак — табиатни билишдир. Бу ҳақда у шундай деб ёзади: «Ҳар қандай тилак, истак, орзу-ҳавас ва ҳаракатчанлик табиатни билишга қаратилган бўлса, у озод, қарамлик ишдир. Оқилона ишлаб эзгулик ишини бажариш — яхшиликка ҳурматдир. Оқилона яшовчи киши орзу-истакларини бошқа кишиларнинг тақдири билан, дўстлик алоқалари билан кўшса — бу ҳалоллик, мардликдир... Дўстликка зиён етказиш, дўстлик ва дўстона муносабатларга раҳна солиш — уят иш, ножўяликдир»³.

Б. Спинозанинг ҳур фикрлилик ва инсонпарварлик ҳақидаги ғоялари XVIII аср француз материалистлари Д. Дидро, К. Гельвеций, П. Гольбах таълимоти учун замин бўлиб хизмат қилади. Улар ҳам Б. Спиноза ва Р. Декарт каби одам онадан яхши бўлиб ҳам, ёмон бўлиб ҳам туғилмайди, унда ҳеч қандай туғма фикр, ғоя бўлмайди, деб таъкидлайдилар. Инсоннинг қандай ахлоқий нормаларга эга бўлиши ижтимоий муҳит ва таълим-тарбияга боғлиқ.

К. Гельвеций ўзининг «Ақл тўғрисида», «Инсон, унинг ақлий қобилиятлари ва тарбияси ҳақида» асарларида шахсий манфаат принципи ахлоқнинг асоси эканлигини кўрсатиб берди. Унинг нуқтаи назарича, инсон

¹ Ўзбекистонда илғор ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихига доир материаллар. Тошкент, Ўзбекистон ССР ФА нашриёти, 1959, 293- бет.

² Уша жойда, 249- бет.

³ *Б. Спиноза*, Этика, М., — Л., 1933, 165- бет.

Ўзини ўраб олган муҳит меваси, тажриба, тарбия натижасидир. Ўзининг бу фикри билан у инсоннинг феъл-атвори, хулқи, фазилатлари туғма, илоҳий эмаслигини илмий тушунтиришга интилди. К. Гельвеций таълимотининг асосий жиҳатлари инсонларнинг яхшиликка бўлган туғма майллиги ва улардаги ақлий қобилиятнинг тенглиги, тажрибанинг, малаканинг, тарбиянинг қудрати, ташқи шароитнинг инсонга таъсири, лаззатланишнинг қонунийлиги ҳақидаги фикрлардан иборат.

Инсон ҳақидаги *П. Гольбах* фикрлари ҳам эътиборга сазовордир. У инсонни ҳеч қандай ғайритабиий куч, моҳият, руҳ яратган эмас, балки инсон табиат маҳсулидир, деб ҳисоблайди. Инсон табиатда яшайди, унинг қонунларига бўйсунди, ундан ташқарида яшай олмайди, деган ғоя Гольбах таълимотининг асосини ташкил этади.

Шундай қилиб, XVIII аср француз материалистлари, агар инсон ўзининг барча билимларини, сезгиларини ҳиссий оламдан ҳамда тажрибадан олар экан, демак уни ўраб турган муҳитни, шароитни ўзгартириш, инсоний қилиш керак, токи инсон унда ўзининг инсон эканлигини англаб етсин, деган фикрни астойдил илгарн сурдилар. Бу уларнинг энг катта ютуқларидан бўлиб ҳисобланади.

Немис классик фалсафасининг йирик намояндалари ҳисобланган *Гегель ва Л. Фейербах* таълимотида ҳам инсон муаммоси, инсоний қадриятлар, шахс эркинлиги ҳақидаги масалаларга катта эътибор берилади. Гегель ҳуқуқий ва ахлоқий муносабатларни юзага келтирувчи жамиятнинг ўзини жаҳон руҳининг маҳсули, деб ҳисоблаб, уни идеалистик асосда талқин этади. У ахлоқнинг тарихий хусусиятини, тарихий тараққиёт жараёнида унинг янада юқорироқ босқичига кўтарилиб туриш йўналишини алоҳида таъкидлади. Гегелнинг одамнинг маънавий дунёси унинг хатти-ҳаракатларини белгилайди, индивиднинг ахлоқий ишончи, тасавури қандай бўлса, фаолияти ҳам шундай бўлмоғи керак, деган фикри эътиборга сазовордир.

Фейербах одам табиатнинг бир қисми, деган тўғри фикрни айтади-ю, аммо уни тарихий тараққиёт жараёнида пайдо бўлган ижтимоий мавжудот эканлигини кўра билмайди. У одамни жамиятдан, ундаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлардан узиб олиб, мавҳум шаклда тушунади. Фейербах назарда тутган одам ижтимоий

муҳитдан ажралган ва ўзаро табиий воситалар билан боғлангандир. Шу сабабли у одам ижтимоий маҳсул эканини пайқамайди.

Рус инқилобчи-демократлари ҳар қандай ахлоқий муносабатлар, ахлоқий категориялар ижтимоий муҳит таъсирида вужудга келади, деб билганликлари сабабли инсон ахлоқини ўзгартириш ва яхшилашнинг биринчи шарт ижтимоий шароитни ўзгартиришдир, деган ижобий фикрни олға сурдилар. *Н. Г. Чернишевский* томонидан айтилганидек, «Хулқ миллий ҳаёт шароитларининг ўзгариши натижасида ўзгариб боради. Бу ўзгариш эса миллатларнинг фуқаролик ташкилотларини, меҳнат шароитларини, синфлар муносабатини ўзгартирувчи тарихий ҳодисалар таъсирида вужудга келади»¹.

Рус инқилобчи-демократлари инсонни камол топтириш, шахсни ахлоқий ва маънавий жиҳатдан ривожлантиришда санъат, биринчи навбатда, бадий адабиёт катта ўрин тутади, деб таъкидлаган эдилар. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки санъатнинг барча турлари ва шакллари сингари бадий адабиёт ҳам ўзида ижтимоий муносабатлар мажмуи бўлган инсоннинг турмушини, мураккаб, ички дунёсини, руҳиятини, маънавий қиёфасини акс эттиради. Бадий адабиётнинг жамият ва шахс ҳаётидаги роли яна шу билан белгиланадики, у жуда катта онг — билим бериш аҳамиятига ҳам эга. Бадий адабиёт санъат сингари ҳаёт тўғрисида билим беради, ҳаёт ҳодисалари ва инсон тўғрисидаги тасаввурларни бойитади, шу орқали оламни билиб олишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Санъат асарлари инсонга фақат ўтмиш ҳақидагина эмас, айни пайтда келажақ ҳақида ҳам, жамиятнинг истиқболи, тараққиёт қонунлари тўғрисида ҳам маълумот беради. Шунинг учун ҳам *Н. Г. Чернишевский* бадий адабиётнинг инсонга таъсир қилишининг ички сабаблари ҳақида фикр юритиб, қуйидагиларни алоҳида таъкидлаган эди: «Шоирлар одамларни ҳаёт ҳақидаги олижаноб тушунча ва ҳисларга бошловчи кишилардир: уларнинг асарларини ўқир эканмиз, биз ҳар қандай қабих ва разил нарсадан нафратланишни, бутун эзгу ва гўзал нарсаларнинг мафтун этувчи кучини тушунишни, барча олижаноб нарсаларни севишни ўрганамиз; уларнинг асарларини ўқир эканмиз,

¹ *Н. Г. Чернишевский*. Тўла асарлар тўплами, Москва, 4-жилд, 875-бет.

Ўзимиз яхшироқ, эзгуроқ, олижаноброқ бўлиб борамиз»¹.

Айтилганлардан кўриниб турганидек, инсониятнинг энг асл фарзандлари, доҳиёна ақл эгалари бир неча минг йиллардан бери инсон билан боғлиқ бўлган муаммоларни тушунтириб бериш ва ҳал этишга ҳаракат қилганлар. Турли-туман даврларда, ҳар хил тарихий шароитларда яшаган буюк донишмандлар ҳар томонлама камолотга эришган, орзу-армонлари рўёбга чиққан, ор-номуси, ҳақ-ҳуқуқлари, қадриятлари чинакамига ҳурмат қилинадиган инсонларни орзу қилдилар, бу йўлда астойдил курашдилар, аммо улар бу борада тўғри йўлни кўрсатиб беролмадилар.

К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин таълимотидан келиб чиқиб, биз кўп йиллар мобайнида инсоннинг эркинлиги, ҳуқуқи, унинг қадр-қиммати инсон тараққиётининг капитализмдан устун босқичи бўлган социализм жамиятидагина рўёбга чиқади, деб ҳисоблаб келдик.

Социализм байроғига «Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун» деган сўзлар ёзиб қўйилган эди. Амалда эса бу шиор оддий инсонлар учун эмас, балки марказ ва жойлардаги раҳбарлар манфаати учун хизмат қилиб келди. Кўп йиллар мобайнида жамиятда партия ва давлат раҳбарлари учун яратилиб келинган имтиёзлар бундан яққол далолат беради. Уларни энг яхши уй-жойлар билан, арзон баҳоли, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, қимматбаҳо ва ноёб мебель, радио-аппаратура, автомашина, ювелир ва бошқа саноат моллари билан таъминлаш, юсак даражадаги маиший хизмат, тиббиёт муассасалари, дача, санатория, меҳмонхоналардан фойдаланиш, бепул даволаниш ва унга қўшимча пул олиш, йўл харажатларини давлат ҳисобидан чиқариш ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Шунинг учун ҳам асосан партия ва мамлакат раҳбарлари, биз ривожланган социализм босқичига қадам қўйиб, коммунизм сари ўтиб кетаяпмиз, деб жар солиб, бошқа кишиларни ҳам чалғитиб, ўз мақомига ўйнатиб келдилар.

Оддий инсонлар учун социализм янги ташвиш, янги муаммоларни туғдириб, уларнинг ҳаётини янада мураккаблаштириб юборди. Инсониятнинг порлоқ келажаги

¹ Н. Г. Чернишевский. Тўла асарлар тўплами, 3- жилд, 313- бет.

коммунизм жамиятини барпо этамиз деб, инсоннинг куч-қувватини, ақл-идрокини, соғлигини ана шунга сафарбар этиб, осмонда учиб кетаётган турнанинг оёғидан ушлатмоқчи бўлиб, уни кундалик тирикчилиги учун зарур бўлган нарсалардан ҳам маҳрум этиб келдик. Оқибатда адолат ўрнини риё, ҳақиқат ўрнини ёлгон, виждон ўрнини лўттибозлик, ишонч ўрнини қўрқув эгаллади. Буларнинг ҳаммаси кишиларнинг онги, феъл-атвори, хусусиятларида ўз ифодасини топмасдан қолмади. Одамлар кўз ўнгида таниш-билишчилик, меҳнат қилмасдан яшаш ва обрў орттириш ҳамда бошқа иллатлар авж олиб кетди.

Гарчи сўзда, социализм жамиятида ишлаб чиқариш воситалари халқ қўлида, қашшоқликка барҳам берилган, деб айтилса-да, амалда эса кишилар ўз қўли билан ишлаб чиқараётган маҳсулотлардан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, турмуш даражалари йилдан-йилга пасайиб кетаверди.

Сўзда, социализм меҳнат қилишда ва ҳақ тўлашда «ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша» деган принципга риоя қилади, деб ҳисобланса-да, амалда — уларга ҳақ тўлашда «тенгчилик» авж олиб келди. Оқибатда олий маълумотли мутахассислар оддий ишчилардан кам маош оладиган бўлиб қолишди. Масалан, инженернинг бир ойлик меҳнат ҳақи оддий ишчининг маошидан кам, олимларнинг маоши партия аппаратининг оддий ходимларидан паст бўлиб келди.

Сўзда, социализм чинакам демократик жамият, унда кишиларнинг ҳамма эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланади, улар фикр, мафкуравий эътиқодларни ифодалаш ҳамда уни тарқатиш ҳуқуқига эгадир, деб келдик, амалда эса кишиларни бундан ҳам маҳрум этдик. Оддий меҳнаткашларнинг, баъзи бир миллатлар ва элатларнинг ҳақ-ҳуқуқлари чеклаб қўйилди.

Сўзда, социализмда ҳар бир киши таълим олиш ҳуқуқига эга деб келинди; амалда эса асосан мансаб эгаларининг, бадавлат кишиларнинг фарзандлари ўқишга кириб келди.

Социализм жамиятида фуқаролар меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўлсаларда, қанчадан-қанча одамлар ишсиз юрарди. Ўзбекистоннинг ўзидагина ишсизларнинг сони қарийб бир миллионни ташкил этарди.

Шунингдек, уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга бўлиб, бир неча йиллардан бери навбатда турса-да, квартира ололмаганлар сони камаймади.

Сўзда социализмда шахснинг дахлсизлиги кафолатланади, дейилишига қарамасдан, ўтмишда гуноҳсиз кишиларни таъқиб остига олиш, қийнаш, сургун қилиш, қамаш, қатл этиш мислсиз авж олиб кетган эди. 1937—1939 йилларнинг ўзидагина Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг «учлик»лари (тройка) томонидан 41 минг нафардан кўпроқ киши қамалди. Шулардан 37 минг нафардан кўпроғи судланди, 6 минг 920 киши отиб ташланди. Бундай бедодлик 50-йилларга қадар давом этди. Умуман 1939—1953 йилларда битта бизнинг жумҳуриятимизнинг ўзидагина 61 минг 799 киши қамалди. Шулардан 56 минг 112 киши турли-муддат билан озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди. 7 минг 100 киши эса отиб ташланди¹.

Асоссиз қамалиб, жиноий жавобгарликка тортилган кишилар орасида оддий ишчилар, колхозчилар, зиёлилар жуда кўп эди.

Инсоннинг эркинлиги ва ҳуқуқларини сақлаш соҳасида йўл қўйилган камчиликлар жамиятнинг ижтимоий зиддиятларини янада кескинлаштириб, иқтисодий, сиёсий ва маънавий инқирозга олиб келди. Шунга қарамасдан, эски буйруқбозлик-маъмурий системасининг собиқ раҳбарлари демократия ва қайта қуриш жараёнларининг ривожланишига тўсқинлик қилиб, ўтмишдаги ҳолатни тиклашга уриндилар. Бунга 1991 йил 19—21 август кунлари Москвада бўй берган ғайриконституцион ҳаракат, яъни давлат тўнтариши қилишга уриниш яққол мисол бўла олади.

2. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ФАЛСАФИЙ АҲАМИЯТИ

Ривожланган капиталистик мамлакатларда бўй бераётган воқеалар шундан далолат берадики, улар оддий инсонга хизмат қилиш, унинг кундалик тирикчилиги учун қулай шароитлар яратиб бериш жиҳатидан собиқ социалистик мамлакатлардан анча ўзиб кетишган. Демак, биз капиталистик деб атаб, уни камситиб юрган мамлакатлар бизлар мақтаб кўкларга кўтариб келган

¹ «Ўзбекистон овози», 1991 йил 15 сентябрь.

социалистик мамлакатларга нисбатан инсон бахт-саодатига, унинг фаровонлигига яқинроқ бўлиб қолдилар. Бундан шундай хулоса қилиш мумкин. Ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш даражасини унинг номига қараб эмас, балки шу мамлакатлардаги меҳнаткаш халқ ҳол-аҳволи, яшаш шароитлари, тирикчилиги даражасига қараб белгилаш керак.

Ҳозирги даврда хорижий демократик мамлакатлардан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида кўпгина ишлар олиб борилмоқда. Булар инсон ҳуқуқлари ҳақидаги халқаро ҳужжатларда ўз аксини топган.

Шуни эътиборга олган ҳолда бизнинг жамиятимизда ҳам кейинги йилларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

1991 йил 30 сентябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII чақириқ VII сессиясида «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари декларацияси» қабул қилиниши ва унинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз аксини топиши бунинг яққол далилидир¹.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кўп қиррали муаммо бўлиб, ўз ичига кишиларнинг фуқаролик, шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ва эркинликларини қамраб олади.

Кишиларнинг *фуқаролик* ҳуқуқ ва эркинликлари устида сўз юритганимизда, энг аввало, шуни эътиборга олишимиз керакки, Конституцияда халқимизнинг тарихида биринчи мартаба Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир деб таъкидланади. Унда Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди деб кўрсатилган. Шунинг билан бир қаторда Конституцияда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланиши қайд этилган.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар масалаларида ҳам Конституцияга жуда кўп янгиликлар киритилган. Конституцияда кўрсатилганидек, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз, ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъйиққа дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир.

Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Конституцияда ҳозирги давр талабидан келиб чиқиб, ҳар бир инсоннинг *сиёсий* ҳуқуқлари тўла-тўқис ва атрофлича очиб берилган. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтан назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, *сиёсий* партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. *Сиёсий* партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас.

Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Жамиятимизнинг иқтисодий ва бошқа соҳаларда рўй бераётган жараёнларни, жумладан бозор муносабатига ўтиш қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда, унда ҳар бир инсоннинг *иқтисодий* ва *ижтимоий* ҳуқуқлари аниқ кўрсатиб берилган.

Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.

Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади.

Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам ва бошқа турларнинг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.

Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

Ҳар кимга илмий техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

Конституциянинг яна бир афзаллик томони шундан иборатки, унда инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари атрофлича очиб берилиши билан бирга у инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг таъминлаш йўллари, *кафолатлари* аниқ кўрсатиб қўйилган.

Конституцияда ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади, деб таъкидланади. Унда вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир, хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар деган муҳим қоидалар ҳам мавжуддир.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, инсоннинг эркинлиги, унинг шон-шарафи ва қадр-қиммати жамиятимизнинг олий мақсадини ташкил этади.

Юқорида кўрсатилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унинг инсон сифатида яшашининг зарур шарти, табиий эҳтиёжларидир. Инсоннинг инсон сифатидаги ана шу ва бошқа табиий эҳтиёжлари, ҳуқуқлари, эркинликлари бўғиб қўйилмаслиги керак. Шу нарсани афсус билан айтиш мумкинки, жаҳоннинг айрим мамлакатларида мазлум оммага мансуб бўлган шахсларнинг инсоний ҳуқуқлари ва эркинликларини чегаралаб

қўйиш, поймол қилиш ҳамон давом этмоқда. Миллий, диний камситишлар, ирқчилик, баъзи бир халқлар ва мамлакатларнинг тили, урф-одатлари, тарихи, маданий мерослари, миллий қадриятларини назар-писанд қилмаслик, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига, суверенитетига шу тариқа жуда катта зарар келтириш ҳануз тугатилган эмас. Бу оддий бир камчилик эмас, балки, бутун инсоният ва тарих олдидаги энг оғир жиноятдир.

Ўтмишда шўролар жамиятида ҳам кишилар Конституцияда белгилаб, қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум бўлди, бутун-бутун халқлар, элат ва миллатлар қатағон қилинди. Улуғ Ватан уруши йилларида Шимолий Кавказ ва Қрим аҳолиси — қалмиқлар, чеченлар, ингушлар, қарачойлар, қрим татарлари ва бошқалар зўравонлик йўли билан ўз юртларидан Шарққа томон кўчирилди. Кўчирилган мусулмонларнинг умумий сони тахминан 3 миллион кишини ташкил қилади. «Жазоланган» халқлар вакилларининг ҳисоб-китобиغا кўра кўчириш чоғида 1 миллионга яқин болалар, аёллар, қариялар, касаллар оламдан кўз юмган¹. Мажбурий равишда ўз ҳудудларидан бадарға қилинган халқларга нисбатан асоссиз равишда чеклашлар жорий этилди, уларнинг барча ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари камситилди.

Ҳозирги пайтда жамиятимиз тараққиётининг муайян босқичида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш соҳасида йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилиб, ижтимоий адолат тикланмоқда.

Жумҳуриятимизда авж олиб келаётган демократия ва ошкоралик жараёни, ўтмишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қулай шарт-шароитлар яратмоқда.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларидан ташқари унинг жамият ва инсоният олдидаги *бурчи* ва *масъулияти* ҳам мавжуддир. Муайян бир жамиятда яшаб туриб, шу жамиятнинг қонун-қоидалари, тартиблар, ахлоқий, ҳуқуқий нормаларига амал қилмаслик, унинг муаммолари, қийинчиликларига бефарқ қараш асло мумкин эмас. Ҳар бир мамлакатнинг конституциясида белгилаб қўйилган қонунларга амал қилиш, унинг тарихий, маъ-

¹ Қаранг: Аргументы и факты, 1989, № 5.

навий ва маданий меросини авайлаб-асраш, қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш ва бошқа шу қабилар шахснинг бурчи ва масъулиятидан иборатдир¹.

Ҳар бир шахснинг умумхалқ, умуминсоният манфаатларига тўла тааллуқли бўлган бурчлари ва масъулиятлари ҳам бўлади. Буларга табиатни муҳофаза қилиш, унинг бойликларини қўриқлаш, маданий-тарихий ёдгорликларни сақлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, бошқа мамлакатларнинг халқлари билан дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш, ялпи тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш сингари бурчлар киради.

3. ЖАМИЯТИМИЗДА ДЕМОКРАТИЯ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНСОННИНГ РОЛИ

Жамиятимизнинг ҳозирги тараққиёт босқичи инсон омили ролининг, шахс ижтимоий-сиёсий фаолиятининг қонуний равишда ўсиб бораётганлиги билан фарқланади. Бу бежиз эмас. Чунки барча ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан иборат бўлган инсон шахснинг ижодий фаолиятини ривожлантириш, ишга солишнинг янги-янги йўллари ва имкониятларини қидириб топмасдан туриб, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб бўлмайди. Тарихий мақсадлар кўламинг, инсон шахси баркамол бўлса, у виждонан меҳнат қилса, ижтимоий-сиёсий ишларда фаол иштирок этса, жамиятимиз шу қадар тез ривожланади ва мустаҳкамланади. Инсоннинг ижодий ташаббуси, жонли ижодиёти жамиятимизнинг кучи ва ҳаётийлигининг энг муҳим манбаидир.

Ҳар бир жамият ўзига муносиб бўлган инсон шахсини юзага келтирганидек, инсон ҳам шу жамиятнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига бефарқ қарамайди. Шахс айни пайтда атроф муҳитга таъсир кўрсатиш, уни ўзгартириш қобилиятига ҳам эга. Унинг жамиятга таъсири мақсадсиз, режасиз, кўр-кўрона фаолият орқали амалга ошмайди. Инсон жамият қонунларини, ўз ҳаёти шароитларини билиб олгач, маълум мақсадга

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993, 18- бет.

қаратилган фаол амалий кўрсатиш йўли билан ижтимоий муҳитни, жамиятни ўзгартира олади.

Инсон фақат шароит ва тарихнинг маҳсулигина бўлмай, балки уларни яратувчи ҳамдир. Қайта қуришни муваффақиятли равишда амалга ошириш ҳар бир инсон шахсидан ўз бурчини кўр-кўрона бажаришни эмас, балки онгли, илмий асосда ёндошишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда ҳар бир киши, ҳар бир шахсни ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқтириш, ҳар томонлама етук ва баркамол бўлишига эришиш, сиёсий, маданиятли қилиш мамлакатимизни равнақ топтириш, демократияни ривожлантиришнинг асосий шартларидан бўлиб қолди.

Агар инсон ўзи томонидан амалга оширилаётган ҳар қандай ишининг, амалий фаолиятининг оқибатларини олдиндан сеза билса, ундан ўзи ва жамият учун қандай наф келишини пайқаса, моддий ва маънавий манфаатдорлигига ишонч ҳосил қилса, ўшанда ўзидаги барча куч ва имкониятларни ишга солиб меҳнат қилади, ҳар қандай мураккаб вазифаларни ҳам вақтида уддалайди.

Ҳозирги қайта қуриш, ошкоралик, демократиялаштириш босқичида инсон омили ролининг кучайиб бораётганлиги муаммосининг бир неча жиҳатлари бор. Бир томондан, у ижтимоий ишлаб чиқариш ходимини камол топтиради, уни рағбатлантирадиган омилларни белгилаб беради. Иккинчи томондан, одамларнинг меҳнат ғайрати, малакасини оширишга қайта таъсир қилади, унинг тараққиётини жадаллаштиради.

Инсон шахсининг бойлиги, фаоллиги, энг аввало, меҳнат фаолияти соҳасида рўёбга чиқади. Меҳнат соҳасидаги фаоллик шахс фаоллигининг бошқа ҳамма шакллариغا қараганда белгиловчидир. Бу тасодифий эмас, албатта. Чунки айни шу соҳада инсоннинг олган билими, орттирган тажриба ва малакаси ва бошқалар амалда қўлланилади, намоён бўлади. Меҳнат жамоасида инсоннинг маънавий, ахлоқий фазилатлари, ақлий ва жисмоний фаолияти шаклланади, юзага чиқади. Моддий ҳаёт, ишлаб чиқариш усули инсоннинг маънавий, ижтимоий, сиёсий жараёнларидаги иштирокига сабаб бўлганидек, шахснинг меҳнат соҳасидаги фаоллиги ҳам ўз навбатида унинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий, ахлоқий ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Ҳозирги давр ижтимоий онг соҳасида сифат ўзгаришларини, иқтисодий тафаккурнинг замонавий типини ҳосил қилишни, шахсда юксак масъулият, ишчанлик, интизом, омилкорлик фазилатларини тарбиялаб вояга етказиш вазифасини ўртага қўйди. Меҳнат жамоаларининг ҳуқуқларини кенгайтириш, ҳўжалик юритишнинг янги усуллари ҳаётга бирин-кетин жорий этилмоқдаки, буларнинг ҳаммаси инсон омили таъсирчанлигини кучайтириш ҳамда шахс фаоллигини янада ошириш имкониятини беради.

Меҳнаткашларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ривожлантириш ҳозирги даврнинг туб муаммоларидан биридир. Ҳаёт ўртага қўяётган улкан вазифаларни юқоридан туриб амалга ошириб бўлмайди. Бунинг учун меҳнаткаш инсоннинг бевосита иштироки, унинг моддий ва маънавий бойликларни яратишга қаратилган ижодий меҳнати, ижтимоий-сиёсий фаоллиги зарур.

Ҳозирги долзарб вазифаларни амалга оширишнинг зарур шартларидан яна бири — инсоннинг руҳиятини ўзгартиришдан иборатдир. Инсоннинг онгини, ижтимоий руҳиятини декрет чиқариш йўли билан ҳам, буйруқ бериш асосида ҳам ўзгартириб, қайта қуриб бўлмайди. Кишилар онгида ўтмишда рўй берган хато ва камчиликлар таъсири остида шаклланган эски қарашлар, тасаввурлар, тушунчаларни бартараф этиш тарбиявий ишларни мунтазам равишда олиб боришни, барча салбий ҳодисаларни таг-томири билан тугатишни, ижтимоий адолатни сўзда эмас, амалда қарор топтиришни тақозо этади. Аввало, кишиларнинг моддий ҳаёт шароитларини яхшиламасдан туриб уларнинг онгини ўзгартириб бўлмайди.

Инсон руҳияти қайта қурилмаса, янгичасига фикрлаш ва ишлаш истаги ҳамда маҳорат ҳосил қилинмаса, иқтисодиётда, бошқарувда, тарбияда, ижтимоий соҳада бирон-бир нарсани ўзгартириш амримаҳолдир. Шахс қарорлар ва кўрсатмаларни, юқоридан бериладиган ҳар қандай топшириқни кўр-кўрона бажарадиган роботлар эмас, балки ҳис-туйғуларга, ор-номус ва виждонга, нафсониятга, инсоний қадриятларга эга бўлган мураккаб ижтимоий мавжудотдир. Агар талабчанлик фавқуллодда дағал, айрим ҳолларда қўпол тус олиб, кишиларнинг нафсониятини ерга урадиган, таҳқирлайдиган бўлса, бу ҳол муқаррар равишда ишончсизликка, умидсизликка олиб келади, шахснинг ижодий фаолият

тини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини сусайтиради. Яхши, илиқ сўз, ширин муомала билан ҳам кишиларни жамиятимизнинг мураккаб ва кўп қиррали вазифаларини ҳал этишга илҳомлантириш мумкин.

Ҳозирги даврнинг инсон шахсига берган ажойиб неъматларидан бири — демократия, ошкоралик ижтимоий адолатнинг аста-секин тикланишидир. Демократия ва ошкоралик яратиб берган имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш учун оддий истакдан ташқари юксак сиёсий маданият, вазминлик, маънавий поклик, соф виждон, узоқни кўзлаб иш қила билиш қобилияти ҳам керак.

Демократия ҳар ким билган ишини қилади, оғзига келганини гапирди, деган гап эмас. Бундай ҳолларда бебошлик, олдини олиб бўлмайдиган тўс-тўполонлар кучайиб кетади. Оқилона интизом, ҳалол меҳнат, ақл-идрок билан иш юритилган тақдирдагина чин демократияни амалга ошириш мумкин. Ҳозирги даврдаги асосий вазифа жумҳуриятимизда мавжуд бўлган оғир шароитдан чиқиш йўлларини биргаликда излашдир. Бу ўринда жумҳуриятимизда шошмашошарликка йўл қўймай, сабр-тоқат билан иш кўриб, ўлкамиз иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини пухта таъминлаш йўлларини излаш, меҳнатқашларнинг турмуш даражасини яхшилаш биринчи даражали вазифа бўлиб қолмоқда.

Шундай қилиб, мустақиллик ҳамда ошкоралик, демократия каби қадриятлар шарофати билан давр ва одамлар тез ўзгарапти. Шахс маънавий жиҳатдан ўсиб, камол топапти, унинг қадр-қиммати ошмоқда.

Қадриятлар дейилганда, инсон ва инсонлар учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадлари йўлида хизмат қиладиган эркинлик, ижтимоий адолат, тенглик, ҳақиқат, маърифат, гўзаллик, яхшилик, ҳалоллик, бурчга содиқлик сингари фазилатлар мажмун тушунилади. Қадриятлар ўзининг моҳияти ва хусусиятига кўра бир неча турларга бўлинади. Унинг муҳим турларидан бири табиий қадриятлар бўлиб, унга инсоннинг яшаши ва ривожланиши учун зарур бўлган табиий шароитлар; ер ва ер ости бойликлари, сув, ҳаво, ўрмонлар, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси ва бошқалар киради. Улар яна иқтисодий (меҳнат предметлари, ишлаб чиқариш қуроллари, моддий неъматлар ва бошқалар) ва ижтимоий-сиёсий (эркинлик, тенглик, адолат, тинчлик, халқ-

аро дўстлик ва бошқалар) қадриятлардан иборатдир. Илмий, фалсафий, бадий, диний ғоялар ва бошқа шу қабилар маънавий қадриятларни ташкил этади. Яхшилик, ҳалоллик, бурчга содиқлик сингарилар эса ахлоқий қадриятлардир. Эстетик қадриятлар устида фикр юритганда, биринчи навбатда, барча табиий ва ижтимоий гўзалликлар кўз олдимизга келади.

Миллий ва умуминсоний қадриятлар мавжуд. Миллий қадриятлар айрим халқ, миллатлар ва элатларнинг тарихий тараққиёти жараёнида яратадиган барча моддий ва маънавий бойликларнинг йиғиндисидан иборат. Табиатни муҳофаза қилиш, экологик тарбия ва маданиятни ривожлантириш, инсониятнинг сиҳат-саломатлигини сақлаб қолиш, хавфли касалликларнинг ўзаро ҳамкорликда олдини олиш, озиқ-овқатга, энергия ва ёқилғига бўлган танқисликни тугатиш, маданий бойликларни, цивилизацияни эсон-омон сақлаб қолиш, урушларнинг бошланишига йўл қўймаслик, тинчликни сақлаб қолиш — буларнинг ҳаммаси умуминсоний, умумбашарий қадриятлардир. Умуминсоний қадриятлар алоҳида халқлар ва миллатларнинггина эмас, балки башариятнинг мулкидир.

Моддий ва маънавий, ижтимоий-сиёсий, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ҳомили бўлган инсоннинг ўзи дунёда энг олий қадрият ҳисобланади. Маълумки, ҳамма нарсани қиладиган инсондир. Тарих инсон фаолиятидан бошқа нарса эмасдир.

Миллий, регионал ва умуминсоний қадриятларни дилида жо қилиб олган, табиатни обод, жамиятни гўзал ва фаровон қилиш, тинчлик, демократия, янги ҳаёт учун курашаётган меҳнаткаш инсон — энг олий даражадаги бойлик — қадриятдир. Инсоннинг қадриятдор эканлиги унинг даставвал ўз-ўзига ва жамиятнинг инсонга бўлган ахлоқий муносабатини акс эттиради. Қадриятлар инсонлар ўртасида ўзаро муносабатда ва шахснинг ўз хулқини тартибга солишида ижобий роль ўйнайди. Ўз қадр-қимматини англаш шахснинг ўз-ўзини назорат қилиши бўлиб, унинг ўз-ўзига нисбатан талабчанлиги ана шунга асосланади.

Ўз-ўзини ҳурмат қилиш кўп жиҳатдан шахснинг тақдирини белгиловчи ғоят муҳим хислатдир, чунки у инсонни камситадиган, ерга урадиган, хўрлайдиган ва шу билан унинг бошқа кишилар кўз ўнгида ўз қадр-қимматини йўқотишга сабаб бўладиган қилиқларига

йўл қўймайдиган тўсиққа айланади. Ҳар бир инсон, энг аввало, ўз-ўзини ҳурмат қилиши, қадр-қиммати, ор-номуси, шаънига доғ туширмаслиги лозим. Ўзининг қадр-қимматига етиш, ор-номусини сақлай билиш — муҳим инсоний фазилатдир. Ўз иззат-ҳурматини билмасдан туриб маънавий бойликка етишиш, элда қадр-қиммат топишни тасаввур қилиш қийин. Ўзини ҳурмат қилмаган киши ўзгаларни қадрлай олмайди. Қадр-қиммат инсонни энг юксакка кўтарадиган, унинг фаолиятига, бутун интилишларига олижаноблик бағишлайдиган нарсадир.

Қадр-қиммат шахсни ҳурматлашни, унинг ҳуқуқларини эътироф этишни ҳам ўз ичига олади. Қадр-қиммат шахснинг ижтимоий ва маънавий эркинлигининг муҳим томони сифатида юзага келади.

Қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Инсон йўқ жойда бирон нарсанинг қадр-қиммати ҳақида сўзлаш беъманиликдир. Қадриятлар кишиларнинг турли соҳадаги, аввало; ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун фойда келтирадиган нарсалар, ҳодисалар мажмуи билан боғлиқ равишда юзага келади. Сўнгра аста-секин субъект фаоллигининг орта бориши оқибатида нисбий мустақил соҳа тарзида амал қила бошлайди. Ана шуларни назарда тутиб, фалсафа фани инсоний қадриятларни ижтимоий шароит тақозоси билан юзага келган ахлоқий бойлик, деб ҳисоблайди. Барча ахлоқий нормалар, юриш-туриш қоидалари сингари, жамики иҷсоний қадриятлар ва жамият тараққиёти талаблари асосида юзага келиб, янги мазмун, янги шакл касб этиб, бойиб ва такомиллашиб боради.

Жамиятимиз ҳар бир инсонни эъзозлаб, унинг турмушини яхшилаш, билими ва маданий савиясини ўстириш, қобилиятини ҳар томонлама ривожлантириш учун ўзида бор бўлган ҳамма имкониятларни ишга солади. Кейинги йилларда инсоннинг шахсий ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадриятларини муҳофаза қилиш масаласида жуда катта ишлар амалга оширилди. Юмалоқ хатлар ёзиш, бўҳтон, тухмат уюштириш йўли билан кишиларни ноҳақ безовта қилиш, қадр-қиммати ва ор-номусига тажовуз қилишлар мамлакатимизда қонун йўли билан тақиқланган. Асосли, адолатли танқид қилган кишилардан ўч олишга ҳаракат қиладиган ким-

салар кимлигидан қатъи назар жиноий жавобгарликка тортилади. Вазифасини суниестемол қилган мансабдор шахслар ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари учун қонун олдида жавоб беради.

Ногиронлар, руҳий қасал кишилар, меҳнат қобилиятини йўқотган, боқувчисидан маҳрум бўлиб қолганлар, ёлғиз аёллар, пенсионерларнинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат йўли билан муҳофаза қилинади, уларга моддий маънавий ёрдам кўрсатилади. Бизда одамларнинг шахсий ҳаётлари, уй-жойнинг дахлсизлиги, телефон сўзлашувлари, ёзишмалари, почта ва телеграф орқали жўнатилган нарсаларнинг сир сақланиши кафолатланган. Ўзбекистон Республикаси қонунлари фуқаролар ор-номуси, қадр-қимматини сақлаш ва муҳофаза этишга муҳим вазифалардан бири сифатида қарайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасига мувофиқ, республика фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас¹.

Мамлакат тараққиётининг муайян босқичида кўпгина объектив ва субъектив сабабларга кўра шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш шароитларини яхшилаш, уларни уй-жой, газ, озиқ-овқат, таъбиот хизмати билан таъминлаш, умуман ижтимоий эҳтиёжларни қондириш соҳасига эътибор сусайиб кетди, чидаб бўлмайдиган вазиятлар вужудга келди.

Мамлакат иқтисодий ҳаётида рўй бера бошлаган салбий ҳодисалар ўз навбатида инсон ҳаётининг меҳнат ва турмуш шароитлари, соғлиғини сақлаш ва бўш вақтини ташкил этиш, дам олиш ва хизмат соҳасидан тортиб то синфий ва миллий муносабатларгача бўлган бутун борлиғини ўз ичига оладиган ижтимоий соҳанинг ҳам ривожланишига ўзининг зарарли таъсирини кўрсата бошлади. Айниқса, озиқ-овқат, уй-жой ва бошқа муаммоларнинг узоқ йиллар давомида ҳал этилмасдан келишига фан ва маориф, соғлиқни сақлаш, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш, оилани мустаҳкамлаш муаммоларини, табиатни муҳофаза қилиш ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш, миллий ва миллатлараро муносабатлар муаммоларини ҳал этишнинг моддий базаси орқада қолишига сабаб бўлди.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 13-бет.

Маълумки, турғунлик йилларида иқтисодиётнинг ижтимоий йўналиши жуда заифлашиб кетди. Жамиятнинг гоят муҳим принципи — меҳнатга яраша тақсимлаш принципи бузила бошлади. Баъзи юқори мартабали шахслар фаолиятида юз берган сálбий ҳодисалар меҳнаткаш инсоннинг дилини қаттиқ ранжитди, ҳафсаласини пир қилди, қадр-қиммати ва нафсонияти камситилишига олиб келди. Ҳозирга қадар капиталистик мамлакатларда инсон ҳақ-ҳуқуқлари, эркинлиги, қадриятлари поймол қилинаётганлиги ҳақида истаганча гапирдик, шов-шув кўтардик, ўзимиздаги унча-мунча ютуқларни эса мутлақлаштирдик, керагидан ортиқ мадҳ этдик. Афсуски, ўша кезларда инсоннинг орномуси ва қадриятлари оёқ ости қилинаётган эди. Ижтимоий адолат бузилган, қонун-қоидалар, ҳуқуқ-тартибот сунистеъмол қилинган эди. Ўша даврларда кўпчилик одамлар ноҳақ қамалди, жазоланди, айбсиз айбдор бўлиб қолишди, инсоний қадриятлари ерга урилди.

Маҳкамачилик, маъмурий-буйруқбозлик ҳукмронлик қилган шароитда умумийликнинг яккаликдан, ижтимоий манфаатларнинг шахсий манфаатлардан устунлиги баҳонаси остида инсон моддий манфаатдорлигининг оқилона чегаралари кескин торайтирилди, социалистик тузумнинг инсонпарварлик моҳияти йўққа чиқарила бошланди. Буларнинг ҳаммасидан халқнинг тоқати-тоқ бўлди. Амалга ошмаган даъватлар ва ваъдалар шу қадар кўп бўлдики, оқибатда уларга ҳеч ким ишонмай қўйди. Инсоннинг манфаатлари, қадр-қиммати ҳақида қанчалик кўп гапирилган бўлмасин, лекин бу гаплар моддий ресурслар, ҳуқуқий кафолатлар билан мустаҳкамланмади.

Ун йиллар давомида ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий ва миллатлараро муносабатлар соҳасида, умуминсоний қадриятларни социалистик жамият имкониятлари ва талаблари даражасида юксалтириш масаласида йиғилиб қолган муаммолар қалқиб юзага чиқди, уларни ҳал қилиш зарурияти биринчи даражали аҳамият касб этарди. Худди ана шу шароитда мамлакатни қайта қуриш, инсонпарварлик қадриятларига асосланган жамиятни барпо этиш ва мустаҳкамлаш масаласи ўртага қўйилди. Бундан бошқа йўл йўқ эди. Инсонни амалда ижтимоий тараққиётининг марказига қўйиш, унга муносиб турмуш ва меҳнат шароитини, ижтимоий адолатни, сиёсий эркинликни, шахснинг ҳар томонлама

камол топиши ва маънавий жиҳатдан юксалиши имкониятини таъминлашни жамиятимиз ўзининг асосий мақсади деб билди.

Меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш, уларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий соҳани тез суръатлар билан ривожлантириш масаласида Ўзбекистонда жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Инсон турмуш фаровонлигини яхшилашнинг, қадр-қимматини оширишнинг энг асосий масалаларидан бири — бу уй-жой масаласидир. Республика раҳбарияти ташаббуси билан бу борада дастлабки жиддий қадамлар қўйилди. Қишлоқ аҳолисига шахсий хўжаликларни кенгайтириши ва уй-жой қуриш учун ер ва маблағлар ажратилди, қурилиш материаллари билан ёрдам берилмоқда.

Жумҳуриятимизда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид нархини ошириш устида қатъий иш олиб борилаётганлиги, бошланғич синф ўқувчиларига бепул овқат, ҳомиладор, бемор аёлларни қўшимча, юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш йўлга қўйилганлиги, ветеранларнинг нафақасини ошириш, ногирон, ёлғиз қолган қариялар ва уй-интернатларнинг шароитларини яхшилаш учун қўшимча маблағ сарф этилаётганлиги, пенсия билан таъминлашнинг яхшиланаётганлиги инсонга ғамхўрликнинг амалий исботидир.

Миллий қадриятлар мураккаб ижтимоий-руҳий ҳодиса бўлиб, миллатларнинг тили, маданияти, тарихи, удумлари, жамики моддий ва маънавий бойликлари, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётини ҳар томонлама қамраб олади. Инсоннинг қайси миллатга мансуб эканлиги ҳақидаги тасаввур фақат гоё эмас, балки туйғу ҳамдир. Миллий туйғу — табиий туйғудир. Унда миллатнинг тарихий, ҳозирги аҳволи, миллий руҳияти ва хусусиятини тушуниш ҳиссий шаклда мужассамлашган бўлади. Инсонда миллий онг ва ғурур бўлмаса, у ўзининг қайси миллатга мансублигини ҳис этмаса, унинг ўз миллий манфаат ва қадриятларини қандай қилиб англашини тасаввур қилиш қийин. Токи миллатлар, миллий манфаатлар мавжуд экан, миллий муносабатлар ҳам, миллий ҳис-туйғулар ҳам, миллий қадриятлар ҳам сақланиб қолаверади. Миллатни миллий қадриятлардан маҳрум қилишга уриниш — тарих ва инсоният учун энг катта жиноятдир.

Ҳар бир кишида ўз қадр-қимматини сақлаш, ўзини ҳурмат қилиш туйғуси бўлади. Ҳар бир миллатда ҳам худди шу ҳолни кўрамиз. Бу туйғу инсоннинг алоҳида қадр-қиммат туйғусига ўхшайди. Миллатларнинг ўз-ўзини англаш жараёни такомиллашган сари миллий манфаатлар ҳам, миллий қадриятлар ҳам кучайиб, мустақамланиб бораверади.

Миллий қадриятларнинг кучайиб бориши миллий маҳдудликка, миллий худбинликка, ўз миллати манфаатларини биринчи ўринга қўйиш, бошқа миллатлар ва халқлар манфаатларини ҳисобга олмасликка, миллий мақтанчоқликка олиб келмаслиги керак. Миллий қадриятларни умумбашарий қадриятлардан ажратиб олиб, унга маҳлиё бўлиб кетиш, бирор миллатни мақташ, унинг тарихи, маданиятини идеаллаштириш бошқа миллатлар вакилларининг миллий туйғулари ва нафсониятларига бирмунча тегиб кетади. Бу миллий туйғулар миллатчилик туйғуларига айланиб кетиши мумкин. Бу энг хавфли нарсас. Шунинг учун ҳам бу масалада хушёрлик, назокат, инсоф, диёнат, камтарлик, қуюшқондан чиқиб кетмаслик, ўзга миллат кишилари тили, маданияти, тарихи, анъана ва удумларини астойдил ҳурмат қилиш талаб қилинади.

Миллий ва умуминсоний қадриятлар бир-бири билан бевосита боғлиқ. Уларнинг ҳар иккаласи бир-бирига таъсир этади, бири иккинчисини тўлдиради, мазмунан бойитади.

Умуминсоний қадриятлар миллий қадриятлардан мазмун жиҳатидан чуқур ва кенг бўлиб, уни ўз ичига олади. Умуминсоний қадриятлар барча миллатлар, элатлар ва халқларнинг мақсад ва интилишларининг яхлитлиги ва умумийлигини ифодалайди. Шунини таъкидлаш керакки, мамлакатимизда биронта ҳам халқ ва миллат ўзидан бошқа халқ ва миллатлардан, умумий жаҳон цивилизациясидан ажралган алоҳида тарихга эга эмас. Миллатлар бошқа халқларнинг ютуқларидан фойдаланмай туриб ривожлана олмайдилар. Барча халқларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ривожланиш тарихи бир-бири билан чирмашиб кетган. Шунинг учун ҳам ҳар бир миллат ўз доирасида чекланиб қолмай, бошқа миллатлар ва халқлар билан биргаликда тараққий этади.

Бутун жаҳон иқтисодий ва маънавий тараққиёти халқлар, миллатлар, элатлар, уруғлар ва қабиалар

тарихий тақдирларининг ўзаро боғланиши, чирмашуви, бир-бирини тўлдириши асосида амалга ошади. Агар бирор миллат бошқа миллатлар билан умумий хусусиятларга эга бўлмаганда, иқтисодий, маданий, сиёсий алоқада бўлмаганда, улардан ўрганмаган ва ўзидаги ютуқларни бошқалар билан баҳам кўрмаганда эди, у бахтсиз миллат бўлган бўлур эди. Бундай миллат жаҳон цивилизациясининг самараларидан фойдалана олмаган бўларди.

Халқнинг улуғворлиги миллий маҳдудликда эмас, балки умуминсоний хусусиятларга эга эканлигида, жаҳон цивилизациясига қўшадиган ҳиссасидадир. Айни чоқда бошқа бир нарсани ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак. Гап шундаки, миллий манфаатларни, миллий қадриятларни умуминсоний манфаатлар ва қадриятларга қарама-қарши қўйиш, муайян ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муаммоларни қайсидир миллат ва элатнинг манфаатларига ҳилоф равишда ҳал этишга интилиш, миллий манфаат баҳонасида миллий худбинликни, текинхўрликни олқишлаш миллатлараро муносабатлар тараққиётига салбий таъсир ўтказди. Бир миллатнинг манфаат ва қадриятлари бошқа миллатникидан ажратилмаган ҳолда ўрганилиши керак.

Мамлакатимизда яшовчи ҳар бир миллат ва элат сингари ўзбек халқининг ҳам ўзига яраша ажойиб моддий, маънавий, тарихий қадриятлари бор. Уларни оқилона ва ҳолисона ўрганиш мустақиллик шароитидаги иқтисодий, маданий ва маънавий тараққиётнинг асосий шартларидан биридир. Инсоний ва миллий қадриятларга ёндошишда илмий ва ҳолисона иш тутиш керак.

Миллий маданият ва анъаналарга, миллий қадриятларга ҳурмат билан қараш — миллатнинг ўзига ҳурмат билан қарашнинг асосий бўғинидир.

Халқларимизнинг яхши анъаналари, удумлари, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, меҳмондўстлик, яхши қўни-қўшничилик, катта ва кичиклар, фарзандлар ва ота-оналар ўртасидаги ҳурмат сингари ажойиб инсоний хислатлари қайта тикланмоқда. Минг йиллар мобайнида шаклланган маънавий ва миллий қадриятлар ҳозирги даврда яратилган маънавий бойликлар билан қўшилиб тараққиётимизни тезлатади, ғоявий ва маънавий покликни таъминлашга кўмаклашади, албатта.

Халқимизнинг буюк фарзандлари хотираларини абадийлаштириш, уларнинг қадр-қимматини тиклаш, юби-

лейларини ўтказишда республикамизда кейинги вақтларда кўп хайрли ишлар қилинмоқда. Шулардан бири — ўзбек халқининг атоқли фарзанди Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги кенг нишонланганлигидир. Шароф Рашидовнинг тўйи умумхалқ тўйига айланиб кетди, чунки у ўз ҳаётини тўла-тўқис халққа хизмат қилишга сафарбар этган олижаноб инсон эди. У ватанимиз бошига мусибат тушган кунларда ҳам, унинг бахтли-саодатли кунларида ҳам доимо халқ билан бирга эди.

Минг афсуслар билан шуни айтиш керакки, Шароф Рашидов вафот этганидан кейин, унинг номига таъна тошлари отила бошлади. Унинг номини бадном қилиш ниятида «шароф рашидовчилик» деган ярамас ибора сунъий равишда ўйлаб топилди. Ғаламислар қанчалик ҳаракат қилишмасин, барибир Шароф Рашидовнинг қутлуғ номига заррача бўлсада доғ тушира олмадилар. Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди, деган халқ мақоли бор. Мана эндиликда Президентимиз И. А. Қаримовнинг жасурана ҳаракати ва халқпарвар сиёсатининг қонуний оқибати сифатида Шароф Рашидовнинг номи яна фахр-ифтихор билан тилга олинадиган бўлди.

Инсон қадрини эъозлаш, унинг обрў-номусини тиклашда минтақамиздаги шаҳарлар, жойлар, вилоятлар, туманлар, хўжаликлар, мактаблар, кўчалар ва ҳоказоларга халқимизнинг улуғ фарзандлари номларини бериш катта сиёсий ва тарбиявий аҳамият касб этади, албатта. Лекин бундай ишлар шошмашошарлик билан эмас, балки оқилона ҳал қилиниши лозим. Чунки кейинги бир-икки йилда жуда кўп совхозлар, колхозлар, мактаблар, шаҳарларга янги ном қўйишда қўпол хатоларга йўл қўйилди. Масалан, айрим хўжаликлар, ҳаттоки баъзи ресторанлар, ошхоналар, дўконларга ҳам А. Навоий, Амир Темур сингари улуғ зотларнинг номлари берилмоқда. Бизнингча, Хоразмий, Улуғбек, Навоий, Бобур, Темур каби буюк инсонларнинг муборак номларини йирик илмий марказлар, машҳур дорилфунунлар, ҳарбий ўқув билимгоҳларига берилса, тарихий ҳақиқатга мос тушган бўлур эди.

Инсонни эъозлаш, унинг кадр-қимматини жойига қўйиш — бу миллий қадриятларимизни тиклаш, халқимизнинг қадимий ва бой тарихига, унинг анъаналари ва урф-одатларига ҳурмат билан қараш демакдир.

4. ИНСОН ВА ИНСОНИЯТ, УЛАР ТАҚДИРИНИНГ МУШТАРАКЛИГИ

Ҳар бир инсоннинг бахт-саодати, унинг келажақ ҳаёти бутун инсониятнинг тақдири билан узвий боғлиқдир. Инсон биологик ва ижтимоий омилларнинг жамулжамидир. Жамият биологик омилларнинг инсонни камол топтиришдаги аҳамиятини янада оширишга қодир эмас. Лекин инсонни мукаммаллаштиришда асосий ўрин тутадиган ижтимоий омиллар ролини ошириш мумкин. Ана шу нуқтаи назардан ҳозирги даврда бутун инсоният олдида турган умумбашарий муаммоларни ҳал қилиш, мамлакатлар ўртасидаги савдо, иқтисодий, маданий алоқаларни мустаҳкамлаш катта аҳамият касб этади.

Ҳозирги тарихий жараёнларнинг ривожланиши, бир томондан, ҳар хил давлатлар ўртасидаги муайян зиддиятларнинг сақланиб қолиши билан, иккинчи томондан, жаҳон ҳамжамияти давлатларининг ўзаро боғлиқлиги тобора кучайиб бориши, турли халқларнинг ижтимоий ҳаёти ва турмуш тарзининг байналмилал тус олиб бориши билан характерланади. Ана шундай қарама-қаршиликлар кураши орқали зиддиятли, аммо ўзаро боғлиқ, кўп жиҳатдан яхлит дунё қийинчилик билан таркиб топиб бормоқда.

Айни пайтда барча халқлар учун муносиб, чинакам инсоний турмушнинг моддий ва маънавий шарт-шароитларини яратиш, планетамиздаги ҳаётни таъминлаш, унинг бойликларига, аввало, энг катта бойлик — инсоннинг ўзига, унинг имкониятларига авайлаб муносабатда бўлиш давримизнинг долзарб муаммоларига айланиб қолганлиги бежиз эмас.

Ҳозирги замонда инсоният цивилизациясининг тараққиёти билан боғлиқ бўлган энг муҳим ва асосий муаммо — бу Ер юзидаги тинчликни сақлаш, ядровий урушнинг олдини олиш, халқаро хавфсизликни таъминлашдир. Биз шуни аниқ англаб олишимиз зарурки, инсоният атом энергиясига ҳарбий аҳамият бахш этилган ядровий қуруллар асрига қадам қўйиб, абадийликдан маҳрум бўлиб қолди. Агар ядровий уруш бошланиб кетса, ер юзидаги ҳамма жонли нарсалар йўқ қилиб ташланади. Мавжуд ядровий аслаҳахоналар шундайки, уларда ер юзида яшайдиган ҳар бир киши ҳисобига унинг атрофидаги жуда катта минтақани вайрон қи-

лишга қодир бўлган зарядлар жамлаб қўйилган. Ҳозир битта стратегик сув ости кемаси йўқ қилиб ташлаш кучи бир неча иккинчи жаҳон урушига тенг бўлган потенциални ўзи билан олиб юради. Ҳолбуки, неча ўнлаб ана шундай сув ости кемалари бор.

Атом энергиясидан ҳарбий мақсадлар йўлида фойдаланиш инсониятнинг бундан кейинги тақдирини хавф остида қолдиради. Чунки ядро қуроли қўлланилса, ер юзидаги барча тирик мавжудот қирилиб кетади. Бизнинг цивилизация йўқ бўлиб кетади, бунга ҳеч қандай шакл-шубҳа йўқ.

Ҳозир дунёда илгариги даврлардагига нисбатан ядро қуроли ва уларни ташиш мосламалари анча кўпдир. АҚШ билан собиқ СССР ҳудудидаги ядро қуролларининг талафот кучи 60 минг мегатоннани ташкил қилади. Олимларнинг тахминича, агар уруш бошланиб, ядро қуроллари қўлланиладиган бўлса, бу ҳолда фақат 12 минг мегатоннагача қувватидан фойдаланилади. Солиштириш учун кўрсатиш мумкинки, иккинчи жаҳон урушида қўлланилган барча портлатиш қуролларининг умумий қуввати атиги 6 мегатоннани ташкил қилади. Бошқача айтганда, ядровий уруш бўладиган бўлса, бунда портлаш кучи беш йил давом этган иккинчи жаҳон урушидагига нисбатан икки минг баробар кўп бўлиб, у фақат бир ёки икки кунда юз беради.

Термоядро қуролининг учта техник хусусияти инсониятни, цивилизацияни катта хавф-хатар остига қўяди.

Биринчидан, термоядро қуроли катта талафот кучига эга. Агар оддий уч мегатонна қувватига эга бўлган ядровий қурол қўлланилса, Хиросимадагига нисбатан ёнғин майдони 150 маротабагача кўп талафот майдони эса 30 маротабагача кўп бўлади.

Академик А. Д. Сахаров таъкидлаганидек, оддий зарядли қурол бирор-бир шаҳарга ташланса, шаҳарнинг 100 кв. км. қисми тўла талафот кўради ва ёнғин бўлади, ўнлаб миллион квадрат метр уй-жой хонавайрон бўлиб, 1 миллиондан кўпроқ киши иморатларнинг харобалари остида, ёнғиндан, радиацияланган чанг-тўзондан бўғилиб ҳамда ер ости мосламаларининг беркилиб қолиши натижасида ҳалок бўлади. Ер устидаги портлатиш ўн минглаб квадрат километр майдонда

радиоактив чанглар таъсири остида инсонлар учун ҳалокатли нурланиш хавфини туғдиради¹.

Иккинчидан, термоядро қуроли ишлаб чиқариш қиймати олдинги урушда минглаб фойдаланилган ҳарбий самолётларни ишлаб чиқаришга сарфланган маблағга нисбатан анча арзон.

Учинчидан, ядро-ракета ҳужумидан ҳимояланишга интилишнинг амалий самара бермаслиги. Шунга қарамадан, бу қуроллардан ҳимояланиш учун бир қанча хилдаги кучли ракеталар ишлаб чиқарилди, лазер нурларидан ана шу мақсадда фойдаланиш қурилмалари ихтиро этилди, лекин бу қурол билан ҳужум қилиш техникаси ҳимояланиш техникасидан анча ўзиб кетган.

Юқоридаги сабабларга кўра термоядро қуролидан фойдаланиш мумкинлиги инсоннинг генотип сифатидаги ҳамда инсоният цивилизациясининг мавжудлигини катта хавф-хатар остига қўймоқда.

Демак, бутун инсоният олдида турган умумбашарий муаммолар — термоядро қуролининг қўлланилиши ва инсониятнинг атом ёнғини натижасида ҳалокатга дучор бўлиши хавфини бартараф этишдан иборат. Ҳозирги пайтда тинчликни астойдил сақлаш ва мустаҳкамлашдан кўра зарур ва муҳимроқ вазифа йўқ. Тинчлик бўлмаса тараққиёт ҳам, тарихнинг ўзи ҳам бўлмайди, зеро тинчлик инсоният турмушининг туб шартидир.

Ядро урушида енгиб бўлмагани каби қуролланиш пойгасида ҳам ютиб чиқиш мумкин эмас. Ер юзидаги бундай пойгани давом эттириш, айниқса, уни космосга ҳам ёйиш ядро қуролини такомиллаштириш суръатини яна ҳам тезлаштиради. Ер юзидаги вазият бундан кейин сиёсатчиларга боғлиқ бўлмай қолиши мумкин. У тасодифнинг қули бўлиб қолади. Ҳаммамиз бу дунёда тенг яшавий ўрганиш, янгича сиёсий фикрлашни ишлаб чиқиш зарурлигига юзма-юз келдик, чунки бугунги куннинг шароити ҳатто бундан ўттиз-қирқ йил аввалги шароитдан ҳам мутлақо бошқадир.

Модомики, ядровий урушнинг олдини олиш, тинчликни сақлаш умуминсониятнинг олдида турган долзарб вазифа экан, унга эришиш учун жаҳондаги ҳамма куч-

¹ А. Д. Сахаров. Тараққиёт, тинч-тотув яшаш ва ижодий эркинлик ҳақида ўйлар. Вопросы философии, 1990 йил, 2-сон, 5-бет.

лар, ҳаракатлар бирлаштирилиши лозим. Инсониятнинг ўз-ўзини сақлаб қолиши, унинг бугун, эртага, ҳамиша бахт-саодатли бўлиши учун унинг куч-ғайратларини бирлаштиришга эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда. Бундан биз бир-биримизга боғлиқ эканлигимизни, дунёнинг яхлитлигини яққолроқ кўряпмиз. Чернобиль ва бошқа шаҳарлардаги атом электростанцияларида юз берган авариялар атом қуроолларини синовдан ўтказувчи ҳарбий томонларнинг атроф муҳитга, аҳолига кўрсатаётган салбий таъсири, радиоактив чиқиндиларни сақлаш ва шу каби муаммолар турли мамлакатларда яшовчи кишиларнинг тақдирига дахлдор эканлигидан яққол далолат беради. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда турли мамлакатларда ядровий қурол хавфининг олдини олиш, ядровий синовларни тўхтатишга қаратилган турли оммавий ҳаракатлар авж олиб кетмоқда. Бунга таниқли қозоқ ёзувчиси Олжас Сулаймоновнинг ташаббуси билан шаклланган «Семипалатинск — Невада» ҳаракати, ядровий қурол синовларини тўхтатишга қаратилган бошқа ҳаракатлар мисол бўла олади. Уларнинг кўп қиррали фаолияти натижасида кенг халқ оммасининг онгида ядро қуролининг хавфлилиги билан бир қаторда унга сарфланаётган маблағларни кенг халқ оммасининг кундалик эҳтиёжларини қондириш учун сарфлашнинг афзал эканлиги тўғрисида фикр ҳосил бўлмоқда. Ер юзида қуроолланиш пойгаси учун минутига 1,5 миллиард долларга яқин пул сарфланмоқда. Айни пайтда ҳар бир киши бошига 3,5 тоннага яқин портловчи модда тўғри келади. Ҳар йили дунёда ҳарбий мақсадлар учун қарийб 1 триллион доллар сарф этилмоқда. Иқтисодиётни ҳарбийлаштириш содир бўлмоқда. Бу эса энг ўткир ижтимоий масалаларни, умумбашарий муаммоларни ҳал қилишга тўғанок бўлмоқда. Мабодо ҳарбий мақсадлар учун ишлатилаётган бу маблағлар меҳнаткашларнинг ижтимоий эҳтиёжларини, сиҳат-саломатлигини таъминлашга қаратилса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Сайёрамиз миқёсида ҳарбий қурооллар ишлаб чиқариш атиги бир ҳафта тўхтатилса, инсоният учун бу тадбир ҳафтасига 15 миллиард доллардан зиёд фойда келтирган бўлур эди. Келтириб ўтилган далиллар уруш ва тинчлик муаммоси ҳозирги замоннинг ҳар қандай умумбашарий муаммосини ижобий ва оқилона ечишнинг зарур шarti ва асоси эканлигини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди.

Ҳозирги даврда бутун инсониятнинг олдида турган яна бир муҳим муаммо — бу, қашшоқликни тугатишдир. XX асрнинг ҳозирги босқичида — фан ва техника гуркираб ривожланыётган, кoinот ўзлаштириляётган даврда узоқ йиллар давомида мустамлакачилик ҳукмронлиги остида келган мамлакатлардаги бир миллиарддан кўпроқ аҳоли овқат етишмаслиги, нормал уй-шаронтининг йўқлиги, табобат хизматининг ёмонлиги туфайли қашшоқликда ҳаёт кечирмоқдалар. Натижада кишиларнинг ўртача умри бу мамлакатларда АҚШ, Япония, Италия, Франция, Германия ва бошқа ривожланган мамлакатлардагига қараганда камида 20 йил кам бўлмоқда. Кейинги ўн йилликлар мобайнида учинчи дунё деб аталган мамлакатларда қашшоқлик шу қадар кенг ёйилган ва шу қадар кучайганки, бу инсоният учун шармандаликдан бошқа нарса эмас. Қашшоқликнинг олдини олиш учун ривожланган мамлакатлар қашшоқ мамлакатларга ёрдам беришни кучайтириши лозим. Шунинг билан бир қаторда ер юзидаги мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш зарур. Самарали, тенг ҳуқуқлилика асосланган, планетанинг ресурсларидан умуминсоний бойлик сифатида оқилона фойдаланишни таъминлаб берадиган халқаро усуллар ва механизмларга бўлган эҳтиёж борган сари аниқ кўринмоқда.

Бу шундан далолат берадики, ҳозирги дунёда ҳаммамиз борган сари бир-биримизга боғлиқ бўлиб қолаётимиз, бир-биримизга керакли бўлиб қолаяпмиз. Бинобарин, бу дунёда ҳозир бизнинг тақдиримиз бир эканлигини, битта планетада яшаб турганлигимизни унинг ресурсларидан фойдалаётганимизни, бу ресурсларни бир-биримиз билан айирбошлаётганимизни ва улар чексиз эмаслигини, уларни сақлаш керак эканлигини кўриб турган эканмиз, бу ҳаммамиз учун реал воқеликдир. Тараққиёт жиҳатдан орқада қолиб келатган мамлакатлар аҳолисининг қашшоқлигини тугатишда, уларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириб, керакли ноз-неъматлар билан таъминлаш учун экин экиладиган ерларга минерал ўғитлар билан ишлов бериш, суғориш тизимини такомиллаштириш, агротехникани кучайтириш, денгиз ресурсларидан самарали фойдаланиш, сунъий маҳсулотларни яратиш каби тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу масалаларни ҳал этишда ривожланган мамлакат-

ларнинг ёрдами катта ўрин тутати. Академик А. Д. Сахаров ер юзидаги халқларнинг қашшоқлигини, тугатиш учун қарийб 15 йил давомида ривожланган мамлакатлар миллий даромадидан 20 фоизини қолоқ мамлакатларга ёрдам сифатида ажратиб турса қашшоқликка барҳам беришимиз мумкин, деган фикрни айтган эди. Ҳозир ана шу таклифни атрофлича ўрганиб амалга оширсак мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Инсон ҳаётини сақлашда ҳозирги пайтда барча мамлакатларда кенг тарқалиб кетаётган касалликлар билан курашиш, унинг олдини олиш ҳам катта аҳамият касб этади. Фан-техника ривожланиши билан бир қаторда ҳозир кўп жойларда юрак ва қон томир касалликлари, рақ, СПИД, наркомания ва шу каби касалликлар авж олиб кетаяпти. Бу ўз навбатида инсониятнинг куч-қувватларини тўплаб, фан ютуқларидан фойдаланиб, юқорида кўрсатилган касалликларни йўқ қилиш йўллари аниқлаб олишни талаб қилмоқда. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, жумладан, Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ВОЗ) нинг фаолиятини янада жонлантириш катта аҳамиятга эгадир.

Дунёдаги барча мамлакатларга тааллуқли бўлган умумбашарий муаммолардан яна бири — инсониятнинг энергияга нисбатан тўхтовсиз ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш йўллари излаб топишдан иборатдир. Энергия хом ашёси масаласи шунинг учун ҳам жаҳон аҳамиятига эга бўлган муаммоларки, инсон усиз ҳаёт кечири олмайди. Энергия инсоният учун ўта зарур ҳисобланган материалларни, табиат яратмаган моддий буюмларни ишлаб чиқариш ва яратиш имконини беради. Демак, энергиясиз инсон тараққиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Табиат энергияга бой. Фан ютуқларига суянган ҳолда шуни айтиш мумкинки, табиий энергия манбалари — ўтин, кўмир, нефть, торф, ёнувчи сланец, газ ва бошқа шу каби майдонлар ер бағрида ҳар қанча кўп бўлгани учун битмас-туганмас эмас. Шунинг учун улардан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш лозим. Бу Ўзбекистон Республикасига ҳам дахлдордир. Диёримизда кўмир, газ, нефть бойликлари оз эмас. Лекин биз ҳозирча улардан самарали фойдаланишга қодир эмасмиз. Ангрен ер-ҳазинларида бир қанча миллиард тонна кўмир борлигига қарамасдан, биз ҳозиргача кўмининг кўп қисмини Сибирь ва бошқа жойлардан олиб

келишга мажбурмиз. Республикамизнинг газга бўлган эҳтиёжи йилдан-йилга ўсиб бораётганига қарамасдан, унинг кўп миқдорини бошқа давлатларга юборишга мажбурмиз. Табиий энергия манбалари ҳар қанча сарф қилинса ҳам ҳеч қачон адо бўлмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Ҳисоб-китобларга қараганда, 2000 йилга бориб дунё бўйича энергия ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ҳозиргидан тахминан 6 марта ортади. Табиат ва ундаги барча бойликлар инсониятнинг бебаҳо хазинасидир. Табиат — муқаддас бир даргоҳ, инсон кўз очиб кўрган дунёдир. Биз яшаб, нафас олиб, кун кечириб турган табиат ҳамма-ҳамманинг — бутун инсониятнинг умумий қароргоҳи, умумий уйи, умумий масканидир. Табиат ва унинг бойликларини кўз қорачиғидай сақлаш умуминсониятнинг энг муқаддас бурчидир.

XX аср ўрталаригача, ҳатто яқин-яқинларгача ҳам инсон табиатга ҳоким, уни истаганча ўзгартириши, продасига бўйсундириши мумкин, деган нотўғри фикр устунлик қилиб келди. Уша шароитларда бу фикр дунёнинг кўпчилик мамлакатларида, жумладан ўзимизда ҳам қўллаб-қувватланди. Табиатни иқтисодиёт талабига мослаштириб ўзгартириш авж олиб кетди. Қанча-қанча лойиҳалар вужудга келди. Дарё ва кўллардаги балиқлар, паррандалар, ҳайвонлар эҳтиёждан ортиқча овланди ва кўпчилиги ҳозир йўқ бўлиб кетди. Бир пайтлар Амударёнинг ўзидагина 140 дан ортиқ балиқ тури бўлганига энди бировни ишонтириш қийин. Ўрмонларга нисбатан ҳам кўр-кўрона муносабатда бўлиш туфайли Ер шарида 100 йил аввалги 7200 миллион гектар ўрмондан ҳозир 4100 миллион гектар ўрмон қолди. Шу сабабли ҳам табиатни муҳофаза қилиш бугунги кунда инсоният олдида турган долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Инсон табиатдан ўзига керакли нарсаларни олиш билан бир қаторда унга ҳар хил ишлаб чиқариш чиқиндиларини ташлаб, табиатни заҳарлантirmoқда. Расмий маълумотларга кўра, ҳозирча ишлаб чиқариш табиатдан 100 донa модда олса, унинг атиги 3—4 фоизидан фойдаланиб, қолган 96 фоизини заҳарланган ва бошқа чиқиндилар сифатида табиатнинг ўзига қайтармоқда. Индустириал жиҳатдан ривожланган мамлакатларда бир киши ҳисобига ҳар йили табиатдан 30 тонна модда олиниб, унинг атиги 1—1,5 фоизидан истеъмол маҳ-

сулотлари сифатида фойдаланилмоқда, қолганлари эса чиқиндиларни ташкил этади.

Оқибатда биосфера ўз-ўзини тозалашга ожиз бўлиб қолмоқда, ҳозир атмосферадаги заҳарланган углекислота газининг миқдори қарийб 20 фоизни ташкил этади. Бунинг ҳаммаси инсон соғлиғига таъсир этиб, улар ўртасида рак ва бошқа касалликлар сони йилдан-йилга кўпайиб кетмоқда. Ҳозирги пайтда дунё бўйича ҳар йили 500 минг киши рак билан касалланган бўлса, унинг 60 фоизи атроф-муҳитдаги ҳар хил концерген моддаларнинг кўпайиши натижасида ҳосил бўлган.

Байкал, Орол, Каспий денгизларининг оғир аҳволи, уларнинг саноат ва қишлоқ хўжалиги чиқиндилари билан заҳарланиши, атроф-муҳитни турли-туман техника воситаларидан чиқадиган заҳарли газлар билан ифлослантириш, ҳавони, ерни, сувни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини химиявий моддалар билан заҳарлаш ва ҳоказолар инсоннинг сиҳат-саломатлигига зарар етказиб, унинг келажак ҳаётини хавф остига қўймоқда: Бунинг биз ўз республикамиз мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Маълум бир даврда пахта яккаҳокимлиги туфайли ер, сув, ҳаво заҳарланди. Оқибатда неча минглаб кишилар ошқозон-ичак, сариқ касалликларига мубтало бўлишди.

Пахта яккаҳокимлиги етказган иқтисодий, ахлоқий, жисмоний ва маънавий зарарнинг адоғи йўқ эди. Унинг зарарли таъсирини ҳамма соҳада — экологияда, ижтимоий турмушда, маориф ва маданиятда, таълим-тарбияда, соғлиқни сақлашда, саноат ва бошқа соҳаларда кўриш мумкин эди.

Орол денгизининг қисмати ҳам пахта яккаҳокимлиги билан узвий боғлиқдир. Орол бўйида содир бўлаётган экологик фожиани ўз кўлами ва узоқ давом этадиган оқибатларига кўра жаҳондаги сўнгги энг катта экологик ҳалокатлар билан қиёслаш мумкин. Қурбонлар, бир умр ногирон бўлиб қоладиган кишилар бор. Заҳарланган, яроқсиз ҳолга келтирилган замин, ҳувиллаб қолган ва вайрон бўлаётган қишлоқлар бор. Энг хавфлиси шуки, беморлар орасида болалар кўпчиликини ташкил этади. Ногиронлар мунтазам кўпайиб бормоқда. Қорақалпоғистоннинг бир қанча туманларида врачлар оналарга гўдакларни эмизмасликни тавсия этадилар, чунки она сути заҳарланган. Она сути заҳарланганлиги инсон ақлини лол қолдиради.

Ҳозирги пайтда Орол денгизининг сатҳи ниҳоятда пасайиб кетди. Бир вақтлар йирик порт ва балиқчилик саноати маркази бўлган Мўйноқ денгиздан 70 километр ташқарида, бепоён саҳрода жойлашган шаҳарга айланди. Денгиз сатҳининг пасайиши, сув захирасининг минераллашуви ер ости сувлари таркибини ҳам ўзгартириб юборди. Ҳозир бутун Мўйноқ шаҳри ташқаридан ташиб келтирилган сув билан таъминланмоқда. Яқин келажакда Қорақалпоғистоннинг бошқа шаҳарлари ва қишлоқлари ҳам шу аҳволга тушиб қолиши эҳтимолдан холи эмас.

Денгиз сатҳининг пасайиши оқибатида Қорақум ва Қизилқум саҳролари оралиғида ўзининг шўрхоклиги ва набобат олами ниҳоятда ночорлиги билан фарқланувчи янги саҳро ҳосил бўлмоқда. 20 йил муқаддам Орол бўйларида 175 минг гектарни ишғол қилган гўзал тўқайзорлар яшнаб турарди. Ҳозир унинг майдони зўрға 22 минг гектарга етади. Денгизнинг қуриши ва дарё дельтасининг таназзулга юз тутиши туфайли деярли 800 минг гектар қамишзорлар йўқолди. Ҳозир ҳар йили Орол бўйида узунлиги 500 ва эни бир неча ўн километрга чўзилган саккиз-тўққиз қум ва чанг барханлари вужудга келмоқда. Шамол учириб келаётган қум ва чанг зарралари йилига 50 миллион тоннани ташкил этмоқда. Бу ҳол турли оғир касалликлар тобора кўпайишига олиб келмоқда. Катта-катта экин майдонларини Орол атрофидан шамол учириб келган қум ва туз қоплаб олимоқда. Орол денгизи Ўрта Осиёнинг бутун иқлимига таъсир этиб турган катта омилдир. Демак, Орол шимолдан келадиган совуқ шамолларни қалқон сифатида тўсиб, Қорақалпоғистон, Хоразм ва Тошҳовуз вилоятларидаги иқлимни ҳосил қилади. Орол денгизининг қуриб қолиши Ўрта Осиё иқлимининг ўзгариб кетишига олиб келиши эҳтимолдан холи эмас.

Оролни сақлаш ҳозирги пайтда нафақат Ўрта Осиё халқлари, балки умуминсониятга дахли муаммоларга айланиб қолди. Кейинги йилларда жумҳуриятимизда давлат ва ижтимоий ҳаракатлар томонидан Оролни асраб қолиш, табиатни муҳофаза қилиш ниятида кўпгина тadbирлар амалга оширилмоқда, буларни изчиллик билан давом эттириш ва чуқурлаштириш — ҳозирги давр талабидир.

Умуминсоният олдида турган яна бир муҳим муаммо — бу ирқчилик, миллатчилик, фашистик тоталитар

системалар хавфи авж олиб кетишига йўл қўймасликдир, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, демократия, ошкораликни ривожлантириш йўли билан халқлар ўртасида янги муносабатни тиклашдир.

Ирқчилик, миллатчилик авж олган давлатларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари муқаррар равишда чекланади, тоталитар система барпо этилади, натижада руҳий, виждон эркинлиги оёқ ости қилинади, инсон ҳаётининг ўзи хавф остида қолади. Гитлеризм, сталинизм системаларининг оқибатида неча миллионлаб кишилар ҳалок бўлди. Натижада жамиятимизнинг ривожланиши бир неча йил орқага сурилиб кетгани ҳаммамизга маълум. Даҳшатли қатағон йилларида қанча одам отиб ташланганлиги, сургун қилинганлиги, очлик ва касаллик сабабли ҳалок бўлганлар ҳозир ҳеч кимга сир эмас. 1927 йилдан 1929 йилгача шўролар мамлакатиде тахминан 1 миллион, 1930—1932 йилларда 1,2 миллион, 1933 йилда ҳам камида 1 миллион, 1937—1938 йилларда яъни, «ежовчилик» ёки «буюк террор» йилларида эса 5 миллиондан 7 миллионгача одам оммавий қатағонлар қурбони бўлган. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда сталинизм қурбонларининг жами сони 40 миллион кишига етади»¹.

Ҳозир мамлакатлар ўртасида янгича муносабатлар ривожланмоқда, улар демократия, ошкоралик, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган. Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маънавий алоқаларнинг ривожланиши ҳам ана шу умуминсоний манфаатларни қўллаб-қувватлашга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги замондаги мавжуд мамлакатларнинг бир-биридан фарқи, уларнинг тараққий даражаси хусусиятлари, энг аввало, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қандай даражада ҳимоя қилинаётганлиги, демократик жараённинг ривожланиши билан белгиланмоқда. Улар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маънавий алоқаларнинг ривожланиш истиқболлари ҳам ана шулар билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқини ва эркинлигини таъминлаш, демократия принципларини янада ривожлантириш барча инсон ва инсониятнинг олдида турган долзарб муаммолар бўлиб қолиши ҳам бежиз эмас.

¹ Қаранг: «Аргументы и факты». 1989, № 5.

IV 606. МИЛЛИЙ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ФАЛСАФИЙ АҲАМИЯТИ

1. ЖУМҲУРИЯТИМИЗНИНГ МИЛЛИЙ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ — ТАБИЙ-ТАРИХИЙ ЖАРАЁН

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши, бахтиёр ҳаёт кечириши, ҳар томонлама камол топиши унинг демократик мустақил давлатда яшаши билан белгиланади. Тарих шунини кўрсатадики, инсоннинг барча орзу-умидлари, истаклари фақат ривожланган мустақил демократик давлатдагина тўла рўёбга чиқиши мумкин.

1991 йил 31 август кунини Ўзбекистон халқлари тақдирида ва тарихида муҳим воқеа юз берди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги ҳамда озод суверен давлат — Ўзбекистон Республикасининг ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу қарорга асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов шу кунини Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонунни имзолади¹. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарорига биноан 1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги кунини сифатида 1991 йилдан бошлаб байрам ва дам олиш кунини деб эълон қилинди.

Юқорида қайд этилган тарихий ҳужжатлар ўтмишдан сабоқ чиқариб, жамиятимизнинг сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларни эътиборга олиб, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига асосланиб, Ўзбекистон халқларининг тақдири учун бутун масъулиятни англаб, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мустақил давлатлар ўртасидаги чегараларнинг бузилмаслиги тўғрисидаги Хельсинки шартномаларига қатъий садоқатини баён этиб, миллати, дини, эътиқоди ва ижтимоий мансублигидан қатъи назар, республика ҳудудида яшовчи ҳар бир кишининг муносиб ҳаёт кечиришини, шаъни ва қадр-қимматини таъминлайдиган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатлар барпо этишга интилиб, мус-

¹ Қаранг: «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», 1991 йил, 9-сон, 3—10-бетлар.

тақиллик декларациясини амалга ошира бориб қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги биз учун қандай аҳамиятга эга? Энг аввало шунинг эътиборга олиш керакки, Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга мустақил, демократик давлатдир. Бундан буён ўз тақдири қандай бўлишини Ўзбекистоннинг ўзи белгилайди. Мавжуд иқтисодий бойликлардан аҳолининг бахт-саодати ва манфаатлари йўлида фойдаланиладиган бўлади. Ички ва ташқи сиёсатини мустақил равишда белгилаб амалга оширади, халқаро ташкилотларга ўз вакилларини юборади.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги эълон қилинганлиги ва ҳақиқатда мана шундай мустақилликка эришганлиги шунинг билдирадики, Ўзбекистон Республикасининг халқи суверендир ва у республикада давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳибидир. У ўз ҳокимиятини ҳам бевосита, ҳам вакиллик ифодалари тузumi орқали амалга оширади.

Жумҳурият тўла давлат ҳокимиятига эга бўлиб, ўзининг миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тартибини мустақил белгилайди. Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмас бўлиб, унинг халқи ўз хоҳиш-иродасини эркин билдирмасдан туриб ўзгартирилиши мумкин эмас.

Жумҳурият мустақиллигининг яна бир муҳим ифодаси шундан иборатки, Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг қонунлари устундир. Ўзбекистон Республикаси Давлат идораларининг тузumi ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилади.

Мустақил жумҳуриятимиз муҳофаа ишлари вазирлигини тузиш, миллий гвардия ва ноҳарбий (муқобил) хизмат ташкил этиш ҳуқуқига эга. Президентнинг тегишли фармони билан ҳозирнинг ўзидаёқ шундай вазирлик тузилган.

Маълумки, мустақил давлатнинг моддий асосини унинг мулки ташкил этади. Шунинг ҳисобга олган ҳолда қонунда Республика ҳудудидаги ер, ер ости бойликлари, сув ва ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ва бошқа ресурслар, республиканинг маънавий

бойликлари Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги, мулки деб қайд этилган.

Давлат мулки объектлари, шунингдек, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг, шу жумладан собиқ Иттифоқ қарамоғида бўлиб келган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мол-мулки, уларнинг асосий ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш ва оборот ёки бошқа фондлари ҳамда ўзига мол-мулки, ички коммуникация, транспорт, алоқа ва энергетика тизимлари, республика картографияси ва геодезияси Ўзбекистон Республикасининг мулкидир.

Жамхуриятнинг мулкани давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш республика қонунларига мувофиқ амалга оширилади. Республика ҳудудида жойлашган, собиқ Иттифоқ қарамоғида бўлиб келган давлат корхоналарини акцияли жамиятларга айлантириш, уларни мулкнинг бошқа шакллариغا ўтказиш фақат Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган шартлар асосида ва тартибда амалга оширилади.

Жумхурият ўзининг олтин захирасини вужудга келтиради ва унга эгалик қилади. Собиқ СССРнинг олмос ва валюта жамғармаларида ўз улушига эга бўлади. У ўз пул бирлиги — миллий валютасини жорий этишга, жами пул обороти, пул ва бошқа давлат қимматли қоғозлари эмиссияси ҳажмларини мустақил белгилашга ҳақли.

Жумхуриятимиз мустақил молия ва кредит сиёсатини амалга оширади. Республика ҳудудида олинадиган солиқлар ва йиғимлар Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига ва маҳаллий бюджетларига тушади.

Мустақил Республикамиз чет давлатлар билан дипломатик, консуллик, савдо алоқалари ва бошқа алоқалар ўрнатади, улар билан мухтор вакиллар айирбошлайди, халқаро шартномалар тузади, халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлиш имкониятига эгадир.

Республикамиз халқаро иқтисодий муносабатларнинг мустақил субъекти бўлиб, чет эл инвестицияларини амалга ошириш шартларини, инвесторларнинг ҳуқуқларини белгилайди, ўзининг конверсия қилинадиган валюта жамғармасини яратади, олтин ва бошқа захираларни айирбошлайдиган валютани сотади ва сотиб олади.

Жумҳуриятимиз мустақиллиги тўғрисидаги Қонуннинг яна бир хусусияти шундан иборатки, унга асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига мувофиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги жорий этилди. Унда яшовчи барча кишилар миллатидан, элатидан, ижтимоий чиқишидан, қайси динга мансублигидан ва эътиқодидан қатъи назар бир хил фуқаролик ҳуқуқларига эга эканлиги, жумҳурият конституцияси ҳамда унинг қонунлари ҳимоясида бўлишлари кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиёт йўлини, ўз номини аниқлайди, ўз давлат рамзларини: герби, байроғи, мадҳиясини таъсис этади, ўз давлат тилини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудудий бутунлигини ва мустақиллигини эътироф этади. Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатлар тенг ҳуқуқлилиқ асосида, улар ўртасидаги икки томонлама шартномалар ва битимлар воситасида қурилади. Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан тегишли қонунлар асосида эркин чиқиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Шуларнинг ҳаммасидан кўриниб турибдики, жумҳуриятнинг давлат ҳуқуқий мақомида, унинг сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий турмушида жўшқин ва туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўзбекистон Республикасининг ўз давлат мустақиллигига эришиши — бу халқимиз тарихидаги катта бурилиш, катта ғалаба.

Лекин шуни алоҳида қайд этиб кўрсатишимиз лозимки, бундай тарихий ютуқларга биз тасодифий ва осонгина эришганимиз йўқ. Бунга халқимиз кўп йиллар давомида босиб ўтган машаққатли йўл орқали эришдик. Биз бу масалага фалсафий нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак, шуни очиқ-ойдин эътироф этишимиз керакки, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги — бу жамиятимизнинг олдинги тараққиёти томонидан тайёрланган объектив ва қонуний жараён-дир.

Ўзбеклар Ўрта Осиё ҳудудида яшаб келган бошқа халқлар каби ўзининг бой сиёсий, иқтисодий, маданий тарихига эга бўлиб, ягона мустақил давлатни барпо этишни доимо умид қилиб, бир қанча ҳаракатларни амалга ошириб келганлар. Жумладан, эрамиздан аввал

ги II—I асрларда Фарғона — Довон, Кангха — Кангюй, Бахтрия — Даҳия — давлатлари, эрамизнинг I—IV асрларида Кушон, V асрда Эфталитлар, VI асрдан бошлаб Турк ҳоқонлиги, IX асрда Тоҳирийлар ва Исмоил Сомонийлар давлати, XI асрда Қорахонийлар ва, ниҳоят, муғуллар истибдодидан кейин XIV—XV асрларда Амир Темур ва темурийлар давлатининг ташкил топганлигини жаҳон афкор оммаси тан олган эди. Кейинчалик, XVI—XVII асрларда ўлкамизда дастлаб Бухоро амирлиги, сўнг Хива хонлиги ҳамда Қўқон хонликлари пайдо бўлади. Юқорида зикр этилган давлатларнинг барчаси қулдорлик ва феодал жамияти давридаги кичик ва майда давлатлардан иборат эди, холос.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари яшаб келган ҳудудлар, тарихий маълумотларга кўра, Россия томонидан босиб олинади ва Туркистон генерал губернаторлигига бўйсундирилади. Унинг таркибига Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигининг бир қисми киритилади. Бухоро амирлигининг бошқа ҳудудлари ва Хива хонлиги ҳам Россияга қарам бўлиб қолади. Шундай қилиб, Ўрта Осиё халқлари Россиянинг мустамлакасига айланиб қолади. Бу жараён Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг фан ва маданияти ўсишига кейинчалик маълум ижобий таъсир кўрсатган бўлса-да, уларнинг сиёсий ва маънавий ҳаётида бир қанча муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам ўлкамизда чоризмнинг мустамлакачилик ва шовинистик сиёсатига қарши бўлган турли оммавий ҳаракатлар авж олиб кетади. Натижада XIX асрнинг 70—90 йилларида Қўқон, Андижон ва бошқа жойларда турлича миллий-озодлик ҳаракатлари юзага келади. XX асрнинг бошида жаидлар ҳаракати вужудга келиб, унинг тарафдорлари, жумладан, А. Фитрат, А. Авлониёлар Туркистон ҳудудида ягона мустақил давлат бунёд этиб, унда миллий фан, маърифатни ривожлантиришга даъват этади.

1917 йили Россияда рўй берган февраль инқилоби халқимиз қалбидаги мустақил давлат барпо этиш ғоясини янада жонлантириб юборди, буржуа-демократик инқилоби туфайли ўлкамизда сиёсий ўзгаришларни амалга ошириш мумкин деган умид куртак ёзди. Бунга 1917 йилнинг октябрь ойида Россияда ғалаба қилган социалистик инқилоб ҳам катта туртки беради. Натижада Қўқон халқи 1918 йили мустақил Қўқон Мухтор

Республикасини барпо этганлигини эълон қилади. Лекин ярим йилга етмасдан, у Россия ҳарбий кучлари томонидан босиб олиниб, тарқатиб юборилади. Лекин миллий-озодлик ҳаракатлари шунинг билан тўхтаб қолмайди. 1918 йили бошланиб, то 30-йилларгача давом этган ва яқин-яқинларгача босмачилар ҳаракати деб аталган ҳаракат ҳам мустақил давлат тузишни ўзининг асосий вазифаси деб ҳисоблаган эди. Афсуски, ҳозиргача босмачилар ҳаракати тарихчилар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилгани йўқ.

1918 йилнинг 30 апрелида Туркистон Советининг ўлка V съезди РСФСР таркибида Туркистон Мухтор Совет Республикаси тузилганлигини эълон қилади.

1919 йили Т. Рисқулов, Ю. Алиев, Ю. Ибрагимов ва бошқалар коммунистларнинг мусулмон бюроси номидан Туркистон ҳудудида яшовчи халқларни бирлаштириш ниятида Туркистон Мухтор Совет Республикасини Турк республикасига айлантириш ҳақида таклифлар киритади¹. Аммо бу таклиф Марказ томонидан рад қилинади. Чунки мустамлакачилик сиёсатини амалга ошириш учун унга мусулмон халқларининг бошини бириктириб, ягона Республика барпо этишдан кўра уни парчалаб ташлаб ҳукмронлик қилиш афзалроқ эди. Шунинг билан бир қаторда рус ҳарбий кучлари Бухоро амирлиги ва Хива хонликларини зўравонлик билан босиб олиб, уларнинг ўрнида Бухоро ва Хива Совет республикаларини барпо этишади. Эндиликда бу ҳудудлар ҳам Чоризм мустамлакасидан Совет давлатининг мустамлакасига айланиб қолишади.

1922 йили ягона Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилади. Совет Республикаларининг Иттифоқи ўзаро тенглик, халқларнинг бирикиши асосида қурилиши лозим эди. Шунинг ҳисобга олган ҳолда РСФСР ва бошқа мустақил республикалар ўртасидаги муносабат масалалари лойиҳасини тайёрлаш мақсадида И. В. Сталин раҳбарлигида лойиҳа комиссияси тузилади. Бу комиссия тайёрлаган ҳужжат лойиҳасида (кейинчалик «автономлаштириш режаси» деб аталган) иттифоқдош республикалар РСФСР таркибига автономия асосида бирлашиши назарда тутилган эди.

¹ Қаранг: Ҳ. Турсунов. Национальная политика Коммунистической партии в Туркестане. Ташкент, «Ўзбекистон», 1971, 189-бет.

В. И. Ленин юқорида қайд қилинган лойиҳа билан танишиб чиқиб, таклиф этилган лойиҳани бутунлай инкор этади ва ихтиёрий, тенг ҳуқуқли асосда янги мустақил республикалар иттифоқини тузиш, унга РСФСРнинг ҳам ўзи бошқа жумҳуриятлар каби кириши лозимлигини кўрсатиб беради.

Бу масала кенг ва атрофлича муҳокама қилиниши натижасида Иттифоқ давлатини тузиш тўғрисида В. И. Ленин таклифи қабул қилинади. 1922 йилнинг 30 декабрида очилган Советларнинг I съезди СССР тузилиши тўғрисидаги Декларация ва Шартномани тасдиқлайди. Бунга дастлаб РСФСР, Украина, Белоруссия ва Кавказ орти жумҳуриятлари кирадилар.

1924 йилнинг 16 сентябрь куні Туркистон МИКнинг фавқулдда сессияси Бухоро ва Хоразм Советларининг ҳукуматлари миллий-давлат чегараланиши ҳақида қарор қабул қилади. 1924 йилнинг 27 октябрида ССР Иттифоқи МИКнинг иккинчи сессияси бу қарорни қўллаб-қувватлайди. 1924 йилнинг ноябрида Туркистон, Бухоро, Хоразм Марказий ижроия комитетлари сессияларида ўз фаолиятларини тугатиш ҳақида қарорлар қабул қилишади. Бутун ҳокимият Муваққат инқилобий комитет қўлига ўтади. Бу комитет 1924 йилнинг 5 декабрида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тузилганлиги тўғрисида баёнот эълон қилади.

Ўзбекистон барча Советларининг 1925 йилнинг 13—17 феввалидаги биринчи съезди Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тузилганлиги ҳақидаги Декларацияни қабул қилади ва унинг ўз хоҳиши билан СССР таркибига киришини маълум қилади. Съезд ҳокимиятнинг олий органларини тузади. Шунинг билан ўзбек халқи ўз тарихида биринчи маротаба миллий давлатни барпо этишга муяссар бўлади.

Ўзбекистон Совет мустамлакаси бўлишига қарамасдан, бошқа жумҳуриятлар каби ўтмишда саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда, фан ва техникани ривожлантиришда, меҳнат аҳлининг маданий эҳтиёжларини қондиришда кўпгина ютуқларни қўлга киритди. Шунинг билан бир қаторда сталинизм ва маъмурий-буйруқбозлик системаси томонидан халқларнинг ўз тақдирини ўзлари ҳал қилиши принциплари қўпол равишда бузилиши ва оёқ ости қилиниши натижасида жумҳуриятимизнинг аста-секин иқтисодий ривожланиш суръатлари сезиларли даражада пасайиб кета

бошлайди. Натижада халқ оммасининг даромади, унинг турмуш тарзи ночорлашиб кетди. Фан ва маориф, соғлиқни сақлаш ва аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг моддий базаси орқада қолишига йўл қўйилди. Шундай қилиб, жуда катта ресурсларга эга бўлган халқ хўжалигида шу ресурсларнинг етишмовчилигига дуч келинди. Ижтимоий эҳтиёжлар билан эришилган ишлаб чиқариш даражаси ўртасида, тўловга қодир талаб билан унинг моддий жиҳатдан таъминланиши ўртасида узилиш вужудга келди. Мана шуларнинг ҳаммаси жамиятимизда социал зиддиятларни кескинлаштиришга олиб келди.

Маъмурий-буйруқбозлик системаси ҳукм сурган, ҳамма нарса марказнинг ва юқорида ўтирган мансаб эгаларининг буйруғи билан бажариладиган йилларда меҳнаткашлар аҳли ўзи етиштирган маҳсулотига хўжайинлик қилолмайдиган бўлиб қолди. Уларнинг ҳафсаласи пир бўлди, кўнгли совуди, меҳнатга муносабати ўзгара бошлади. Натижада халқ хўжалигининг ривожланишига катта зарар етказилди.

Чорва туёғи, маҳсулотлар етиштириш кескин қисқарди, шаҳарлар таъминоти ёмонлашди, қишлоқларнинг истеъмол даражаси пасайди, тақчиллик юзага келди. Бозорда нарх-наво кўтарилиб кетди, халқнинг аҳволи оғирлашди, ижтимоий зиддиятлар, норозиликлар рўй бериб, жамиятимизда аҳвол мушкуллаша бошлади. Иқтисодий танглик бошқа қатор тангликларни келтириб чиқара бошлади. Савдо ва маиший хизматдаги нуқсонлар, уй-жойларнинг етишмаслиги каби ижтимоий, экологик муаммолар кескинлашиб кетди.

Узоқ йиллар давомида жумҳуриятлар ҳуқуқларининг марказ томонидан чегаралаб қўйилганлиги ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалар ўртасида номувофиқликни келтириб чиқарди. Пировард натижада энг долзарб масалаларни ҳал этишда жумҳуриятларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари чекланиб қолди.

Ижтимоий ҳаётнинг ҳозирги босқичи миллий жумҳуриятларнинг давлатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши масаласида ўтмишда йўл қўйилган хатолар ва бузилишларни қатъий бартараф этишни кун тартибига қўйди. Зеро жумҳуриятлар ўз ҳудудидаги ер ва унинг қаъридаги бойликларга, сув ва ўрмонга, шу жойда вужудга келадиган ва ҳозирда жойлашган бошқа нарсаларга, барча ишлаб чиқариш воситаларига мустақил

эғалик қила олмаса, уни суверен давлат деб тан олиш мумкин эмас.

Шуни эътиборга олган ҳолда, 1985 йилдан бошлаб авж олган демократия ва ошкоралик жараёни натижасида собиқ иттифоқдош республикалар бирин-кетин сиёсий системани қайта кўриб чиқиб, жумҳуриятларнинг мустақил бўлиши, суверен ҳуқуқларини таъминлаш ва қонун билан мустаҳкамланишини талаб эта бошладилар. Марказ томонидан бундай талаблар ўз вақтида қондирилмаганидан сўнг улар бирин-кетин СССР таркибидан чиқиб, ўзларини мустақил давлат деб эълон қила бошладилар. Энг аввало бу йўлга Болтиқ бўйидаги жумҳуриятлар, кейин РСФСР, Кавказ орти, Молдаво, Ўрта Осиё жумҳуриятлари, Беларусъ, Украина ва Қозоғистон Республикалари ўтдилар.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги — бу ёлғиз ўзбеклар учун эмас, балки шу диёрда истиқомат қилувчи юздан ортиқ миллат ва элатлар учун аҳамияти катта бўлган тарихий воқеадир. Уларга Ўзбекистон Конституциясида кўзда тутилган ҳамма ҳуқуқлар ва эркинликлар кафолатланади ва таъминлаб берилади. Ўзбек халқи азалдан дўстликни қадрлаб, ардоқлаб келган, тинчлик ва тотувликда яшашни хоҳлаган ҳамма халқларга ҳурмат билан қараб келган. «Ҳокимият ва бошқарув идоралари,— дейди Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов,— қонунга мувофиқ ирқчилик ва шовинизмнинг, миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши, миллатига ва динига қараб одамларни камситиш йўлидаги ҳар қандай кўринишларга қарши кескин чора кўрадилар»¹,

Жумҳуриятимизнинг мустақил бўлиши унинг бошқа суверен давлатлар билан алоқаси узилиб қолишини билдирмайди. Биз барча собиқ иттифоқдош жумҳуриятлар билан кўзга кўринмайдиган минг-минглаб алоқалар орқали сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий манфаатлар орқали боғланганмиз.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги кенг жамоатчилик ва жаҳон мамлакатлари томонидан тан олинмоқда. Бу эса бизнинг қадам қўйган янги йўлимизнинг тўғри эканлигидан, Ўзбекистон халқи эндилик-

¹ «Ўзбекистон овози», 1991 йил 15 сентябрь.

да умуминсоний қоидаларга асосланиб, ўз тақдирини ўзи ҳал қилишга киришганлигидан далолат беради.

Лекин шуни эсдан чиқармаслик керакки, демократик кучлар қўлга киритган ғалабадан мағрурланишга ҳали эрта. Биз ҳақиқий мустақиллик ва маърифатли муносабатлар сари ўтиш даврига қадам қўйдик, холос. Сиёсатда ва иқтисодиётда тоталитар тузум меросини йўқ қилишга эндигина киришилди.

Ҳозир жамиятнинг соғлом кучларини — давлат арбоблари ва сиёсатчилари, демократлар ва либералларни, ишбилармонлар ва бизнесменларни, олимлар ва амалиётчиларни, ишчилар ва колхозчиларни, фермерлар ва ижрочиларни бирлаштириш ҳар қачонгидан зарурдир. Тинчлик ва тараққиёт ғоялари кимгаки азиз ва муқаррам бўлса уларнинг ҳаммаси келишиб ҳаракат қилиши лозим. Ана шундагина иқтисодий тангликни бартараф этиш, туб иқтисодий қайта ўзгартиришларни таъминлаш, бозор муносабатларига қатъиян ўтиш, жаҳон ҳамжамиятига раволик билан қўшилиш мумкин.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асосий йўлларида бири ҳамжиҳатлик, ҳар бир инсоннинг тинч, беҳавотир яшашини таъминлашдир. Фарғона, Уш, Паркент, Тошкент шаҳридаги талабалар шаҳарчасида рўй берган воқеалар шуни кўрсатадики, биз учун ҳар бир тинч-тотув ўтган кун катта ғанимат экан. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Қаримов айтганидек, «Ўзбекистонда яшаётган кимки бўлмасин, ҳар қайси оиланинг, ҳар бир фуқаронинг, меҳрибон опаларимиз ва мунис аёлларимизнинг, гулдек болаларимизнинг тинчлиги, осойишталиги ва тотувлиги учун бутун борлиғимизни бахш этсак ҳам арзийди».

Халқимизнинг ажойиб гапи бор: бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кетади. «Барака» деган сўзнинг маъносини, моҳиятини чуқурроқ тушунишга ҳаракат қилсак савоб бўлади.

Халқ хотиржамлиги, эл-юрт осойишталиги — сизу бизнинг қўлимизда.

Агар аҳил бўлсак, хотиржам ва ҳамжиҳат бўлсак, улуғ мақсадларимиз йўлида, халқ тили билан айтганда, бир ёқадан бош чиқарилса, турлича қарашларда бўлишимиз мумкинлигидан қатъи назар, улуғ мақса-

димиз — ҳақиқий мустақилликка эришмоғимиз муқаррар»¹.

Чет эллардаги сиёсатчилар ҳам, иқтисодчилар ҳам Ўзбекистоннинг қай даражада иқтисодий ва маънавий салмоғи борлигини англай бошладилар. Бизнинг мустақил давлатимизни расман тан олиш ва у билан тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатиш жараёни бошланди. Ҳозирнинг ўзида дунёдаги 150 га яқин мамлакат Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини тан олди. Қирқдан зиёд хорижий мамлакатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Тошкентда Туркия Жумҳуриясининг, Ҳиндистон, Франция, Германия Республикаларининг ва бошқа давлатларнинг элчихоналари очилди. Тарихда илк бор Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди.

Республика Оврупода хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Кенгашнинг якунловчи актини имзолаб, Хельсинки жараёнига қўшилди. Эндиликда Ўзбекистон бир қатор етакчи халқаро иқтисодий ва молиявий бирлашмаларнинг таркибига кириш устида иш олиб бормоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси республика тараққиётида мазмунан янги босқични бошлаб берди ва тенг ҳуқуқли асосларда халқаро иқтисодий, илмий ва маданий соҳаларда фаол ҳамкорлик қилиш имкониятини очди.

Ҳозир бизнинг жамиятимиз тарихий чорраҳада турибди. Республикани миллий-давлат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий камол топтирувчи ўз тараққиёт йўлини ишлаб чиқишимиз зарур.

«Биз ҳозир узоқ йўлнинг бошида турибмиз. Барқарор бозор иқтисодиёти очиқ ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш пировард мақсад бўлиб қолиши керак. Шундай жамиятгина Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинлигини кафолатлаши, миллий анъаналар ва маданият қайта тикланиши, шахс сифатида инсоннинг маънавий-ахлоқий камол топиши таъминланиши мумкин»²,— деб ёзади Президентимиз И. А. Каримов. Бу Ўзбекистон диёрида яшовчи ҳар бир кишининг мақсадига мувофиқдир.

¹ «Ўзбекистон овози», 1991 йил 3 декабрь.

² И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992, 8—9-бетлар.

2. ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК ВА УНГА ЭРИШИШ ЙУЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг моддий асосини иқтисодий мустақиллик ташкил этади. Кўп йиллар мобайнида бизнинг диёримиз хом ашё манбаи, асосий пахта етиштирувчи ва уни ҳаддан ташқари арзон нархларда сотувчи ўлка бўлиб келди.

Подшо Россияси Туркистонни босиб олгач, халқнинг қонини тўкиб, ўлкани Россия империясининг мустамлакасига айлантирди, энди Россия сармоясини суқилиб кира бошлади, ўлка метрополиянинг хом ашё қўноғига айлантирилди. Бу эса Туркистон жамиятининг бутун турмушини ағдар-тўнтар қилиб юборди, ундаги халқларнинг бутун турмуши, урф-одатлари, маданий негизлари зўравонлик билан барбод этилди, жамиятнинг табақалашуви кучайди.

Октябрь инқилобидан аввалги даврда Туркистонда ўтказилган мана шу сиёсат, афсуски, Ўзбекистонда Октябрдан кейинги даврда ҳам унчалик ўзгармади.

Ўзбекистон табиий ресурсларга ниҳоят даражада бой, нисбатан юқори иқтисодий ва ишлаб чиқариш-техника қудратига эга. Жумҳурият корхоналарида, илмий ҳамда илмий-ишлаб чиқариш, лойиҳа-конструкторлик ва бошқа ташкилотларида асосан юқори малакали, билимдон кишилар меҳнат қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон халқ хўжалигининг асосий тармоқларини ёқилғи, энергетика, химия, металлургия, машинасозлик саноати, қишлоқ хўжалиги саноати комплекси, қурилиш, транспорт, алоқа, моддий-техника комплекси, ташқи иқтисодий алоқалар ва ҳоказолар ташкил этади.

Мана шундай кўп тармоқли ва катта иқтисодий қудратга эга бўлган Ўзбекистон диёрининг меҳнаткаш халқи ўтмишда анча ночор кун кечириб келди. Бунинг асосий сабаби шундаки, КПССнинг Марказий органлари оғизда миллий жумҳуриятларни ҳар томонлама ривожлантириш ҳақида гапириб, амалда эса уларнинг ҳақиқий эҳтиёжларини ва манфаатларини оёқ ости қилдилар. Зўравонликка асосланган маъмурий-буйруқбозлик тизими, тоталитар марказ ўз қўлидаги чексиз ҳокимиятни ишга солиб, республикаларнинг мустақиллигини, фуқароларнинг энг оддий ҳақ-ҳуқуқларини ҳам йўққа чиқариб қўйди.

Республика иқтисодиёти фақат хом ашё етказиб берадиган бўлиб қолди. Чоризм даврида бўлганидек, республика хом ашё манбаи ҳолатида қолаверди. Яхши-яхши режалар-тузилгани билан уларни амалга ошириш учун на моддий база ва на технология базаси бор эди. Белгиланган режаларни бажариш меҳнаткашлар зиммасига оғир юк бўлиб тушарди. Улар жисмоний жиҳатдан зўриқиб ишладилар. Экин майдони ва пахтанинг ялпи ҳосили белгиланаётганда меҳнатга лаёқатли аҳолини пахтага сафарбар этиш назарда тутилди. Болалар ва хотин-халаж ёппасига пахта даласига чиқарди.

Республика халқи мамлакат ва собиқ социалистик лагерь мамлакатлари тўқимачилари олдидаги ўз байналмилал бурчини виждонан бажаришга бажарди-ю, аммо ўрнини қоплаб бўлмайдиган талафотларга учради. Волонтаризм, қатъиятсизлик оқибатида халқ бошига кўплаб кулфат тушди.

Республикамиз кейинги вақтга қадар асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича собиқ Иттифоқдаги ўртача даражадан анча ортида қолиб келди. Масалан, ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон мамлакатда 12-ўринни эгаллаб келганди, аҳоли жон бошига миллий даромад икки баравар кам эди. Республика саноат корхоналари меҳнат унумдорлиги бўйича собиқ Иттифоқдаги ўртача даражадан 40 фоиз, қишлоқ хўжалиги эса икки баравар ортида қолганди. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан қарийб ярим баравар, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, тухум, сут ва сут маҳсулотлари истеъмоли қилиш эса қарийб икки баравар кам эди. Бунга соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва ижтимоий инфраструктуранинг бошқа соҳаларидаги қониқарсиз аҳволни ҳам қўшадиган бўлсак, собиқ Иттифоқдан қолган «мерос» манзарасини яққол намоён бўлади.

Ўзбекистон аввалига мустамлака, сўнгра эса иттифоқдош республика деб аталашидан қатъи назар, унинг зиммасига хом ашё етиштириш ва етказиб бериш вазифаси қўйилган эди. Бу вазифани нима қилиб бўлса-да ҳар қандай шароитда, тузумда бажариш зарур эди.

Шундай қилиб, шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида ноёб бойликларга ва имкониятларга, истеъдод-

ли ва меҳнатсевар халққа, ажойиб анъаналар ва маданиятга эга бўлган, буюк мутафаккирлар ва улуғ зотларни вояга етказган бизнинг диёримиз доимо камситилиб келинган, хом ашё манбаига айлантириб қўйилган эди.

«Хом ашё чиқарган ва хом ашё сотган элнинг косаси оқармайди. Бу — оддий ҳақиқат. Мана шунинг учун ҳам бизнинг бугунги асосий вазифамиз — қаддимизни ростлаб, бутун имкониятларимиз ва резервларимизни тўғри ҳисоблаб чиқиб, келажак йўлларимизни тўғри тушуниб, ўзимизнинг мустақил иқтисодий системамизни яратишдир»,¹ — деб кўрсатади Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов.

Ўзбекистон раҳбарияти юзага келган шундай бир оғир аҳволни ўнглаш, кўп йиллар мобайнида йиғилиб қолган муаммоларни ҳал қилишда кейинги вақтда бир қанча тадбирларни амалга оширмоқда. Аҳолига ер ажратиб берилганлиги, пенсионерларга, оналарга, ҳомиладор аёлларга, болаларга, олий ўқув юртлари, ўрта махсус билим юртларининг талабаларига, муаллимларга ва ўқувчиларга кўрсатилаётган ёрдам шулар жумласидандир. Иқтисодиётни хўжалик юриртишнинг бозор шароитларига ўтказиш юзасидан дастлабки қадамлар қўйилди. Кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришга ҳамда кишиларнинг амалий ташаббускорлигини авж олдиришга, уларнинг тадбиркорлик, ишбилармонлик фаолиятини рағбатлантиришга хизмат қилувчи бир қатор муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Одамларни ижтимоий ҳимоялашнинг ишончли далиллари нафақа таъминоти, солиқлар тўғрисида, аҳолининг муайян тоифаларига имтиёзлар бериш тўғрисидаги жумҳурият қонунларида ва Президентнинг фармонларида ўз аксини топди.

Шунинг билан бир қаторда республикамизнинг тенглик ва манфаатдорлик асосида бошқа суверен ва мустақил давлатлар билан — Россия, Украина, Беларусь каби собиқ иттифоқдош давлатлар билан ҳам алоқалари мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси халқаро майдонда ҳам иқтисодий алоқаларни шакллантириш ва ривожлантириш имкониятига эга бўлмоқда. Бунга 40 дан ортиқ чет эл

¹ «Ўзбекистон овози», 1991 йил 3 декабрь.

мамлакатларининг вакиллари иштирокида Тошкентда ўтказилган амалий учрашув, шунингдек, Президентимизнинг Ҳиндистонга, Туркияга, Хитой, Покистон, Миср ва бошқа хорижий мамлакатларга қилган сафарлари мисол бўла олади.

Лекин шунини очиқ эътироф этишимиз керакки, Республикаимизнинг мустақиллигини иқтисодий мустаҳкамлаш учун ҳали кўп жиддий ишларни амалга оширишимиз зарур. Энг аввало, тараққиётнинг энг керакли манбаи бўлмиш мўл-кўл хом ашёимизни ва минтақамизда мавжуд ишчи кучларни ўз юртимизда тайёр маҳсулот чиқаришга жалб этиб, халқимизнинг ҳаётини яхшилашга интилишимиз лозим. Бу борада, биринчи навбатда, ер, ер ости бойликларидан аҳолининг бахт-саодати ва фаровонлиги йўлида фойдаланишни таъминлашимиз керак. Ўзбекистон азалдан ер ости ва ер усти бойликлари низоҳатда кўп мамлакат ҳисобланади. Республика тупроғида Менделеев жадвалига киритилган маъданларнинг ҳаммасидан бор. У азалдан дунёдаги олтин ва бошқа жавоҳирлар қазиб олинадиган давлатлар қаторидан ўрин олиб келган. Собиқ Иттифоқда ер қазирдан олинадиган жами олтин миқдорининг анча қисми Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келарди. Агар марказ хазинасига 1991 йили мамлакатнинг ҳар томонидан 230 тонна олтин оқиб борган бўлса, демак, Ўзбекистоннинг кўп миқдордаги олтини шу йили Иттифоқ хазинасини тўлдирган. Ҳар йили ана шундай бўлган. Аммо бундан на республика, на унинг халқи манфаат кўрган.

Ўзбекистон олтин конларидан қазиб олинган маъдан қуймалари ҳеч кимдан сўралмай ва маълум қилинмай, 1991 йилнинг сентябрь ойигача пешма-пеш марказга жўнатилаверган эди. Бундай аҳвол 1991 йилнинг 31 августигача, Ўзбекистон ўзини мустақил давлат деб эълон қилингунга қадар давом этди. Эндиликда эса Ўзбекистон ери, бойликлари нафақат ўзимизни, замондошларни, балки келажак авлодларни, неварачевараларимизни, бугунги Ўзбекистон халқларининг ягона байналмилал оиласини ташкил этувчи барча инсонларни боқиш ва уларнинг бахтиёр ҳаётини таъминлаш учун ишлатилади, деган умиддамиз.

Ўзбекистон Республикаси бағрида фойдали қазилмалар мўл. Буларнинг ҳозирги аҳволи ва келажакда ишлатиш истиқболлари Ўз ФА академиги И. Ҳамробоев-

нинг асарларида атрофлича ёритиб берилган¹. «Урта Осиё ва, хусусан, Ўзбекистон ер бағри хилма-хил қазилмаларга бой,— деб ёзади И. Ҳамробоев. — Ер юзасига яқин ётган қазилмаларнинг аксарияти очилган ва улар халқ хўжалиги, фан ва техника тараққиёти учун хизмат қилмоқда. Шу билан бирга ҳали очилмаган, рўёбга чиқмаган конлар ҳам кўп. Бу конларнинг жуда оз қисми бевосита ер юзига чиққан бўлса, аксарияти ер ичкарасида яшириниб ётибди»². Ўзбекистон ер хазиналарини очишда ва ундан унумли фойдаланишда академик И. Ҳамробоев ва унинг шогирдларининг ҳиссаси катта.

Ўзбекистон диёрида қаттиқ хазиналар (олтин, кумуш, мис, молибден, қалай, қўрғошин, рух, оҳактош ва мармартошлар, фосфоритлар ва ҳоказолар) билан бир қаторда суюқ (нефть, ер ости сувлари) ва газ маъданлари мўл. ЎзФА академиги О. М. Акромхўжаевнинг нефть ва газ геологияси фанининг фундаментал масалаларига оид, нефть ҳамда газнинг пайдо бўлиши назарияси тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилган ишлари беқиёс аҳамият касб этади. У ўзининг «оригинал лаборатория тажрибалари натижасида дунёда биринчи бўлиб қолдиқ органик моддалардан нефть, газ углеводородларини кашф этди, улар ўзларини юзага келтирган органик модда билан чинданам боғлиқ эканини исботлайди. Бу нарса илмдаги мавҳум мулоҳаза ва баҳсларга чек қўйиб, реал мавжуд хом ашёнинг бевосита таҳлилига ўтиш, углеводородларнинг органик она-қатлам бағрида то чиқиндилар таркибига йиғилишигача ҳаракат йўлини кузатиш имконини берди»³.

Ер ости бойликларини Ўзбекистон халқининг манфаатига қаратиб самарали фойдаланиш устида гап юргизар эканмиз, бу борада яна бир муҳим масала устида тўхталиб ўтмасак бўлмайди. Ўтмишда биз ер ости хазиналарини хом ашё сифатида бошқа жумҳуриятларга арзон баҳо билан юбориб турган бўлсак, эндиликда улардан халқ истеъмоли маҳсулотларини ишлаб чиқиб, даромад олсак мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бунинг учун турли олтин, кумуш, мис ва шу каби қимматба-

¹ И. Ҳамробоев. Кўз илғамас хазиналар, Тошкент, «Фан», 1990, 34-бет.

² Уша жойда, 34-бет.

³ Х. Шайхов. «Замин шайдоси», Тошкент, «Фан», 1990, 32-бет.

ҳоли маъданлардан заргар маҳсулотлари тайёрлайдиган кичик корхоналарни бунёд этиб, уларни тез вақтда ишга туширишимиз зарур.

Ўзбекистон шаҳарларида, қишлоқларида қадимги замондан бери бу соҳада орттириб келаётган, ота-бобларимиздан мерос бўлиб қолган жуда катта тажриба бор. Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Андижон, Қўқон, Наманган, Тошкент ва бошқа шаҳарларда ҳозир ҳам заргарлик билан шуғулланиб келаётган мутахассислар оз эмас. Ана шуларнинг бошини бириктириб Республика миқёсида кўп ишларни амалга оширса бўлади. Шунинг билан бир қаторда чет мамлакатлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналарни тузиб, янги технология асосида ҳозирги давр талабига жавоб берадиган қимматбаҳо маҳсулотлар чиқаришни ҳам ўйлаб қўйишимиз керак. Бундай ишларни бир-икки кунда амалга ошириб бўлмайди, албатта. Чунки, республика халқ хўжалиги тузилмасининг яхлитлиги бир неча ўн йиллар мобайнида бутун мамлакат халқ хўжалиги тузилмасининг бир қисми сифатида шаклланиб келди, унинг ҳамма тармоқлари барча даражаларда ўзаро бир-бирига қўшилиб, уйғунлашиб ва боғланиб қолган. Ҳозир ҳам бизнинг Республикамиз собиқ Иттифоқдаги бошқа мустақил давлатлар билан тузган шартномаларига биноан уларга ўз хом ашёларининг салмоқли қисмини сотиб, улардан халқимизга зарур бўлган маҳсулотларни олиб келишга мажбур. Шунинг учун илгари вужудга келган иқтисодий муҳит доирасидаги ўзаро фойдали алоқаларни дарҳол бузишга киришиш ҳозирча мақсадга мувофиқ эмас. Лекин Республикамизнинг ривожланиш истиқболини кўзлаб, келажакда хом ашё етказиб берувчи давлатдан уни ўз еримизда қайта ишлаб, халқ истеъмоли молларини етказиб берадиган мамлакат даражасига кўтарилишимиз муқаррар.

Худди шу мақсадни кўзлаб ер усти бойликларидан ҳам хом ашё сифатида эмас, балки тайёр маҳсулот сифатида самарали фойдаланиш режаларини илмий ишлаб чиқишимиз керак. Ҳозирча бу борада ҳам катта нуқсонлар ва муаммолар мавжуд. Бу борада биринчи навбатда пахта яккаҳокимлигини тугатиш масаласига тўхтаб ўтишимиз лозим.

Шуни айтиш керакки, пахта дунёда энг қимматбаҳо хом ашё саналади. Ер юзида қиммати жиҳатдан оқ пахта ва ипак пахтага тенг келадиган бошқа бир қиш-

лоқ хўжалик хом ашёси бўлмаса керак. Пахта — нақ олтин. «Оқ олтин» деган ибора ҳам бежиз айтилган эмас. Урта Осиёда қарийб тўрт минг йилдан бери чигит экиб келинади. Ўзбекистон учун пахта анъанавий деҳқончилик соҳаси ҳисобланади. Табиий шарт-шароитларга кўра пахта на Сибирда, на Болтиқбўйида ўсади. Бу эса муайян даражада пахта яккаҳокимлигига олиб келди.

Пахта яккаҳокимлиги ҳақида шуни айтиш керакки, у кейинги бир неча йил ичида пайдо бўлган ҳодиса эмас, унинг илдизи узоқ-узоқларга бориб тақалади. Мамлакатнинг пахтага бўлган эҳтиёжини қондириш ва капиталистик мамлакатларга бўлган қарамликдан қутулиш зарурияти пахта майдонларини кенгайтириш, ҳосилдорликни оширишни тақозо қилди. Пахта майдонлари йилдан-йилга кенгайиб, бошқа ўсимликларни бирин-кетин суриб чиқара бошлади.

Ўзбекистонда 1920—1930 йилларда «пахта мустақиллиги учун кураш — социализм учун кураш» шиори остида ғалла экиладиган майдонларни, полиз, боғ ва узумзорларни қисқартириш ҳисобига пахта майдонлари жадал суръатлар билан кенгайтирилди. Пахта экиладиган майдонларнинг кескин ўсуви ҳисобига ўлкада дон тақчиллиги вужудга келди. Бир вақтлар Ўзбекистонда донга бўлган эҳтиёж ички имкониятлар эвазига қондирилган бўлса, энди дон четдан келтириладиган бўлди.

Пахта яккаҳокимлиги туфайли Ўзбекистон Бутунитифоқ пахта плантациясига айланди. Бугунги кунда жумҳуриятда ҳайдаладиган 4 млн. 300 минг гектар ернинг қарийб 2 миллион гектарини пахта майдонлари ташкил этади. Ҳолбуки, XIX асрнинг етмишинчи йилларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 40 минг гектар ерда пахта етиштирилган.

Жаҳон пахтачилиги интенсив йўлдан, гектар ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига ривожланмоқда. Кейинги 40 йил ичида жаҳонда пахта ишлаб чиқариш икки марта ошган бўлса, пахта майдони 10 фоиз қисқарган. Ўзбекистонда эса кейинги 8 йил ичида пахта майдони 230 минг гектарга, яъни 12 фоиздан зиёдроқ ортди. Ҳосилдорлик ва сифат эса пасайди.

Қачонлардир шаҳарлар атрофида мавжуд бўлган минг-минглаб гўзал қишлоқлар, яйловлар, боғлар, ўтлоқлар, ўрмонлар, тўқайлар пахта дастидан йўқолиб

кетди. Одамлар жабрландилар. Уларнинг дастурхони ҳар хил ноз-неъматлар ва сабзавотлардан, турли хил мевалардан жудо бўлди. Мана, пахта яккаҳоқимлиги нима дегани!

Эндиликда пахта майдонлари муайян чегарада қисқартирилиб, унга бўлган эҳтиёжни ҳосилдорликни ошириш, ернинг унумдорлигини кўтариш, далага ишлов бериш усулларини такомиллаштириш орқали қондириш йўлларини ишлаб чиқишни давр тақозо этмоқда.

Ўзбекистон ўз табиий иқлим шароитларига кўра, жуда кўп ўсимликларни экиш, уларни етиштириш учун энг қулай минтақалардан биридир. Унда мамлакатдаги барча суғориладиган ерларнинг тахминан бешдан бир қисми жойлашган. Олимларнинг фикрича, республика аграр сектори, агар хўжалик оқилона юритиладиган бўлса, оз эмас, кўп эмас — 60—70 миллион кишини боқишга қурби етади. Шунинг учун ҳар бир гектар ердан самарали ва оқилона фойдаланиш масаласи катта аҳамият касб этади. Ҳозир олимлар томонидан Ўзбекистоннинг айрим жойларидаги бўш жойларни аҳолига сотиб, ундан унумли фойдаланса бўлади деган таклифлар қилинмоқда. Буни атрофлича ўрганиб, ерга эгалик қилишнинг ҳам шахсий, ҳам давлат манфаатлари энг кўп уйғунлаштириладиган шакллари қатъий ривожлантирмоқ даркор. Давлат якка жамоа хўжалигини, шахсий фермер ёки ижарачиликни — агар улар ердан самарали ва унумли фойдаланиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб берадиган бўлса, уларни қўллаб-қувватлаши лозим.

Ўзбекистон диёрида, айниқса Фарғона водийсида аҳоли зич бўлгани учун кўп кишилар ишсиз юришибди. Ҳозир республикамызда ишсиз юрганларнинг сони қарийб 600 минг кишини ташкил этади. Келажакда бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан ишсизлар сони бундан ҳам кўпайиб кетиши мумкин. Шунини эътиборга олган ҳолда илғор замонавий технологияларни чет элдан олиб келиб, қишлоқ жойларда ва ишчи кучи ортиқча бўлган туманларда турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ихчам корхоналар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бундай корхоналар ёрдамида қурилиш учун зарур бўлган ғишт ва шу каби материаллар, идиш-товоқ маҳсулотлари, тикувчилик корхоналари ёрдамида қайта ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан халқимизни таъминласак бўлади.

Матбуотда халқимизнинг эҳтиёжларини қондириш учун республикамизда қанд заводларини қуришимиз керак деган таклифлар айтилмоқда. Бунинг ҳам амалга ошириш мумкин. Ваҳоланки, уруш даврида ва ундан кейинроқ ҳам яхшигина ишлаб турган Янгийўлдаги ва бошқа жойлардаги қанд заводлари бора-бора тугатиб юборилди. Қанд бизга Куба ва Украинадан олиб келинадиган бўлди. Шу бугунги эҳтиёждан келиб чиқиб, илгари ишлаб турган қанд заводларининг фаолиятини қайта тикласак мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бунинг учун эса илгари қанд лавлагини экиб келиниб, кейинчалик пахта майдонларига қўшиб юборилган ерларда яна қанд лавлагини етиштиришни ҳам йўлга қўйиш керак бўлади. Шунингдек, қишлоқларда консерва заводлари қуриб, улардан самарали фойдаланиш имкониятларини ҳам ҳисобга олиб қўйишимиз керак.

Ҳозирги пайтда республикамизга чет эл инвестицияларини манфаатли тарзда жалб этиш, қўшма корхоналар сонини кўпайтириш, етишиб чиққан тадбиркор — ишбилармонликка кенг имконият яратиб бериш, ташқи бозорга чиқиш ва ички бозорни товарлар билан бойитиш зарур. Бу борада ҳам биз ҳозир катта имкониятларга эгамиз.

Ҳозирнинг ўзида Молия вазирлиги томонидан 800 қўшма корхона рўйхатга олинди. 1991 йили 42 қўшма корхоналар томонидан республикамиз аҳолисига 230 миллион сўмдан зиёдроқ ҳажмда истеъмол маҳсулотлари сотилди. Шу билан бир қаторда республикамиз корхоналари чет элларга қарийб 2 миллиард сўмлик маҳсулотларни етказиб берди. Чет эл савдоси фирмалари ва уюшмалари 1991 йили чет элларга пахта толаси, линт, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериб, улардан ўз навбатида тиббий ва телевидение асбоб-ускуналарини, компьютер техникаларини, халқ истеъмоли молларини олиб келдилар.

Бундай ишлар йилдан-йилга ривожланиб боради деган умиддамиз, чунки ҳозирнинг ўзида чет эл мамлакатларининг юзлаб турли фирма ва уюшмалари билан республикамизнинг тегишли ҳужжатлари, фирмалари ҳамкорлик нияти тўғрисида ҳужжат имзолаганлар.

Ишбилармонларга ёрдам бериш соҳасида ҳам республикамиз раҳбарияти томонидан кўпгина ижобий ишлар қилинмоқда. Бир неча юз ёш тадбиркор ишби-

лармонлар бозор иқтисодиёти, бизнес ишларини, батафсил ўрганиб келиши учун АҚШ, Германия, Туркия, Корея, Хитой ва бошқа мамлакатларга юборилди, келажакда ҳам бу ишлар ўз ривожини топишига ишончимиз комил.

Мулкчиликнинг барча турларига йўл очиш, айниқса, хусусий мулкчиликнинг — кооператив мулкчилик шаклини замон талабларига мос тарзда кучайтириш керак. Ҳозир республикамизда мингдан зиёд турли кооперативлар ўз фаолиятларини давом эттирмоқда. Биз уларни доимо қўллаб-қувватлаб туришимиз керак, чунки улар ҳозирги танглик пайтида меҳнат аҳлини керакли саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашда хайрли иш олиб бормоқдалар. Шу билан бир қаторда фақат олиб-сотувчилик қиладиган кооперативларнинг сони кундан-кунга ошиб бораётганлигини ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак. Бундай кооперативлар меҳнат аҳлининг норозилигини кучайтирмоқда. Ўйлаймизки, кооперативларнинг фаолияти уларни халқ манфаатига мос равишда ривожлантириш масалалари доимо давлат раҳбарларининг назорати остида бўлиши лозим.

Кооперативларни равнақ топтиришда, авваламбор, қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ соҳаларнинг ривожини, энг муҳими, қишлоқ жойларда яшайдиган халқимизнинг манфаатлари устун бўлиши лозим. Нега деганда, юртни боқадиган ва халқ хўжалигининг барча тармоқларини хом ашё билан таъминлайдиган — деҳқон аҳлидир. Бошқа халқ хўжалиги тармоқлари қаторида қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қиладиган кишиларга кўпроқ эркинлик ва имтиёзлар берилиши шарт. Ҳозирги пайтда қишлоқ жойларида яшайдиган кишиларга бошқалар каби ер участкалари бериш, ёрдамчи хўжаликларни уруғлик ва ниҳоллар, якка тартибда гузаржой қурувчиларни қурилиш материаллари билан таъминлаш, ёш оилаларга мол, ем-хашак бериш каби ишлар изчил йўлга қўйилмоқда. Кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришга ҳамда кишиларнинг амалий ташаббускорлигини авж олдиришга, уларнинг тадбиркорлик, ишбилармонлик фаолиятини рағбатлантиришга хизмат қилувчи бир қатор муҳим қонунлар қабул қилинди.

Республикамизнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашда бошқа республикалар билан иқтисодий ало-

қалар, давлатлараро муносабатларни тенг ҳамкорликка асосланиб тиклаш ва уни янада ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари ҳамкорлигида амалга оширилаётган ишлар, иқтисодий ислохотларни ўтказишда жуда муҳим восита эканлигини сира эсдан чиқариш керак эмас.

Собиқ иттифокдош республикаларнинг барчаси бири-бири билан иқтисодий жиҳатдан чамбарчас боғланиб кетган. Агар битта республика ўз зиммасига олган мажбурийатига мувофиқ бошқа республика учун зарур бўлган маҳсулотни ўз вақтида етказиб бермаса, унда бу ҳолат барча мустақил жумҳуриятларнинг иқтисодий ривожланишига салбий таъсир этиши ҳаммамизга аён. Шунинг учун ҳам республикалараро муносабатларни сақлаб қолиш ва унга амал қилиш Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини шакллантириш ва уни янада ривожлантиришда катта аҳамият касб этади.

Бундан Ўзбекистон ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларини камол топтириш керак деган хулоса чиқариш керак эмас. Ҳозирги вақтда барча халқларнинг иқтисодиёти бири-бири билан яқинлашиб, интеграциялашиб кетаётгани табиий ҳолдир. Шунинг учун барча мустақил давлатлар аҳолига керакли истеъмол молларини алмашув орқали таъминлашга эътиборни кучайтиришлари лозим. Шу билан бир қаторда ўз имкониятларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли учун зарур бўлган енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ривожлантиришни режалаб қўйишлари керак. Масалан, Ўзбекистон мустақил давлатларда пойафзал ва кийим-кечак ишлаб чиқариш саноатини, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган йирик ва ўртача корхоналарни барпо этиб, уларни тез орада ишга туширсак, меҳнат аҳлининг эҳтиёжларини қондирган бўлур эдик.

Ҳозирги вақтда мавжуд саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарини замонавий техник-ускуналар билан жиҳозлаб, уларга янги технологияни татбиқ қилиш ҳам долзарб муаммолардан биридир. Кейинги йилларда шўролар жамияти, шу жумладан жумҳуриятимизда сиёсий баҳс-мунозаралар, мулоқотлар авж олиб кетиб, халқ хўжалигини бошқариш ва унинг меҳнат унумдорлигини кўтариш масалаларига эътибор сусайди. Натижада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳаж-

ми йилдан-йилга пасайиб борди. Бундай аҳволни тез олдини олмасак, халқнинг турмуш даражаси янада пасайиб кетиши, иқтисодий инқирознинг чуқурлашиши турган гап.

Меҳнат унумдорлигини оширишда фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Давримизнинг муҳим бир хусусияти шундан иборатки, фан-техника инқилоби ҳозирги ишлаб чиқаришнинг ҳамма томонларига, ижтимоий муносабатларнинг бутун тизими, инсоннинг ўзига ва унинг яшаш муҳитига жуда кучли таъсир ўтказмоқда, меҳнат унумдорлигини анча ошириш ва бутун жамиятни тараққий эттиришнинг янги-янги истиқболларини очиб бермоқда. Бу, ўз навбатида, халқ хўжалигини техникавий жиҳатдан янгидан реконструкция қилишни амалга ошириш ҳамда ана шу негизда жамиятнинг моддий-техника базасини тубдан ўзгартиришни талаб этади. Қайта қуриш бошланган йиллари давлат томонидан фан-техника тараққиётини тубдан жадаллаштириш — жамиятимиз иқтисодий стратегиясининг асосий масаласи деб эълон қилинган бўлса-да, кейинги вақтда бунга эътибор пасайиб кетди. Натижада биз хорижий мамлакатларга нисбатан, бу соҳада ҳам анча орқада қолиб кетдик. Республикамиз катта илмий потенциалга эга. Ундан тўғри, ўз вақтида ва самарали фойдаланишга эътиборни кучайтириш керак.

Техника ва технологияда туб ўзгаришлар ясаб, меҳнат унумдорлигини ошириб, ҳозирги давр талабига тўлиқ жавоб бера оладиган иқтисодиётни ривожлантириш жумҳуриятимизнинг олдида турган муҳим вазифадир.

Ўзбекистон қолоқлигининг муҳим белгиси шуки, ҳозир миллий даромадни яратишда саноатнинг ҳиссаси пасайиб кетган. Бунинг устига саноатда яратилган даромаднинг талайгина қисмини тайёр маҳсулот берувчи эмас, балки хом ашёни бирламчи ишловчи тармоқлар яратади. Бу тармоқлар қишлоқ хўжалиги ва ундирма саноатдан олинган хом ашёни дастлабки ишловдан ўтказиб, улардан бошқа республикаларда тайёр маҳсулот олиш учун етказиб бериш билан шуғулланмоқда. Улар Россия Федерацияси, Украина ва Беларусь саноат марказларини хом ашё билан таъминлашга хизмат қиладилар. Бир ёқлама ишлаб чиқариш тузуми Ўзбекистоннинг қарамлигини кучайтиради. Масалан,

Россияда ташқаридан ишлаб чиқариш учун воситалар келтириш ҳисобидан маҳсулотнинг фақатгина ўн фоизи яратилади. Унинг қолган 90 фоизини яратиш мамлакатнинг ўзи ҳисобидан бўлиб, бошқаларга қарамлик йўқ. Ўзбекистонда эса, яратиладиган жами маҳсулотнинг деярли 40 фоизи бошқа ерлардан керакли хом ашё, материал, ёнилғи, асбоб-ускуналар ва машиналарни келтиришга боғлиқ. Ўзбекистонда ишлатиладиган металлнинг деярли 90 фоизи, халқ истеъмоли молларининг ярмидан кўпроғи четдан келтирилади. Ўзбекистон Республикаси ўз маҳсулотини, асосан хом ашёнинг катта қисмини ўзи қайта ишлай олмайди ва айни вақтда ташқаридан истеъмол моллари келтирилмаса, халқни таъминлай олмайди. Масалан, Ўзбекистон ўз пахтасининг салмоқли қисмини ташқарига сотишга мажбур, чунки уни ҳозирча ўзимизнинг кучимиз билан қайта ишлаб чиқаришга имкониятимиз йўқ. Айни вақтда Россия, Украина, Беларусь давлатлари Ўзбекистон пахтаси ҳисобидан ип газламаларнинг аксарият қисмини ишлаб чиқаради¹. Бундан яққол кўриниб турибдики, Ўзбекистон хом ашёсидан кўпроқ тайёр маҳсулот олиш учун қайта ишлаш саноатини ривожлантириш керак. Уйлаймизки, жумҳурият раҳбарияти ўзининг иш дастурида мана шу масалага алоҳида эътибор беради.

Қайта ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш билан бир қаторда корхоналарга, хўжаликлар, жамоаларга сўзда эмас, балки амалда эркинлик бериш ишлаб чиқаришни, меҳнат унумдорлигини кўтариш йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш, бюрократизмга, эскича ёндошувларга узил-кесил барҳам беришни ҳам таъминлаш керак бўлади. Бусиз иқтисодий мустақилликка эришиб бўлмайди.

Мустақилликнинг муҳим шарти нафақат ривожланган, замонавий технологияга таяниш, балки иқтисодиётни малакали ишчи кучи билан ҳам таъминлашдан иборатдир. Шу сабабли Ўзбекистондаги индустриал соҳаларга (саноат, алоқа, транспорт ва қурилиш) ерли аҳолидан етишиб чиққан малакали ишчилар ва мутахассислар етказиб бериш зарур бўлади. Шунинг эътиборга олган ҳолда мустақиллик стратегияси саноатни

¹ «Ўзбекистон овози», 1992 йил 23 январь.

миллий ишчилар ва мутахассислар билан таъминлашга қаратилиши керак.

Иқтисодий мустақилликнинг яна бир муҳим томони шундан иборатки, у жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий, илмий, техникавий, маданий, савдо-сотиқ алоқаларини янада ривожлантиришни талаб этади. Мустақиллик стратегияси Ўзбекистонни давлат сифатида халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айлантиришни талаб этади. Бозор муносабати эркин танлаш қондасини эътироф этар экан, Ўзбекистон ўз манфаатини кўзлаб наф келтирувчи алоқалар ўрнатишга интилиши керак. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий сиёсати хориждан инвестициялар оқиб келиши учун энг қулай шароит **ҳозирлашдан** иборатдир. Бунинг учун бошқа давлатларникига нисбатан анча камайтирилган экспорт солиқлари, бож тўловлари жорий этилиши зарур бўлади.

Иқтисодчи олимларимиз мустақил давлат ўзининг пулини жорий этиши керак деган муҳим масалани кўтармоқда¹. Ўзбекистон ўзининг миллий валютасига эга бўлиши табиийдир. Аммо уни дарҳол муомалага киритиш амримаҳолдир. Миллий пул белгисини киритиш Ўзбекистон миллий бозорини қадрсизланган пуллардан халос қилишга қаратилмоғи лозим. Миллий пулнинг киритилиши инфляцияни бирдан тўхтатиб қўя олмайди, лекин у Ўзбекистондан товарларнинг чиқиб кетишини кескин қисқартириш орқали пулни товар билан таъминлаш даражасини сақлаб туриш, пул қадрини янада туширмаслик имконини беради.

Иқтисодий мустақиллик учун кураш жумҳуриятимизда оғир вазиятда юз бераяпти. Бошқа мустақил жумҳуриятлар билан келишилган ҳолда Республикамиз Вазирлар Маҳкамаси 1992 йилнинг 16 январидан бошлаб ижтимоий иқтисодий аҳволни барқарорлаштириш ва бозор муносабатларини шакллантириш учун эркин нарх белгилаш тўғрисида қарор қабул қилгани ҳаммамизга маълум. Бу эса ўз навбатида нарх-навонинг кескин ошиб кетишига сабаб бўлиб, жумҳуриятимиздаги иқтисодий вазият бирмунча оғирлашувига олиб келди. Шунинг эътиборига олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти аҳолини ижтимоий ҳимоя

¹ «Ўзбекистон овози», 1992 йил 23 январь.

қилиш, биринчи навбатда кам даромадли кишиларни, олий ўқув юртлари ва ўрта махсус билим юртлари талабаларини, ўқувчиларни, кўп болали оналарни, пенсионерларни, камбағаллар, бева-бечораларни қўллаб-қувватлаш соҳасида муҳим тадбирларни ишлаб чиқиб, уларни изчиллик билан амалга оширмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳақида Президентимиз қабул қилган фармонларни бажариш бу ишнинг асосини ташкил этади. Афсуски, бу соҳада ҳам камчиликлар оз эмас.

Бозор муносабатларига ўтиш қийинчиликларини бугун ҳаммамиз кўриб турибмиз. Лекин ишончимиз комил, бу вақтинчалик қийинчиликлардан биз, албатта, ғалаба билан чиқамиз. Чунки кам даромадли кишиларни соғ-омон олиб ўтиш, ўларга ёрдам бериш, имтиёзлар яратиш, турли нафақа ва бошқа иқтисодий енгилликлар миқдорини ошириш, пул-кредит тизимини мустаҳкамлаш, одамларнинг иш ҳақини ошириш, норма бўйича бериладиган маҳсулотларнинг нархини жиловлаб туриш — Республика Президентининг диққат марказида турибди.

Иқтисодий мустақилликнинг яна бир муҳим шарт — тинчлик, тотувликни таъминлашдир. Ҳозир энг муҳими — одамлар ўртасидаги тотувлик ва ишончи, жамиятдаги барқарорликни кўз қорачиғидек асрашдан иборатдир. Ҳаммамиз ҳамжиҳат бўлсакки, қийинчиликларни енга олишимиз, республикаимизни ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги марраларига олиб чиқишимиз, унинг барча фуқароларига муносиб турмушни таъминлаб беришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, бу — кўп йилларга мўлжалланган, барча халқнинг фаол ҳаракати натижасида эришилаётган стратегик вазифадир. Буни бир-икки йилда амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу масалага енгил-елпи эмас, балки жиддий ва илмий жиҳатдан ёндашишимиз зарур.

Бизнинг фикримизча, давлатимизнинг иқтисодий мустақиллигини чинакам таъминлаб бериш учун жумҳурият раҳбарияти томонидан мутахассислар, олимлар иштирокида беш-ўн йилларга мўлжалланган мустақиллик иш дастури ишлаб чиқилиб, Олий Кенгашда маъқуллангач, уни барча халқимиз биргаликда амалга оширса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

3. СИЁСИЙ МУСТАҚИЛЛИК — ДАВЛАТ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши сиёсий ҳаётимизда ҳам жуда катта бурилишдир. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги энг аввало диёримиздаги янги мустақил демократик давлатнинг вужудга келганлигидан далолат беради. Энди Ўзбекистон дунё харитасига катта ҳарфлар билан ёзиб қўйиладиган бўлди.

Бундан буён биз ўз давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини ўзимиз белгилайдиган, ўз тақдиримиз, фарзандларимиз келажагини ўзимиз ҳал этиш имконига эга бўлдик. Ўз еримиз, бойликларимизга эғалик қила бошладик. Қисқа вақт ичида мустақилликнинг неъматларини татиб кўрдик.

Мустақиллик туфайли дунёга, жаҳонга чиқдик. Қарийб юз йилдан бери ёпиб қўйилган чегаралар очилди. Ватандошларимиз билан юз кўришдик.

Ҳозиргача дунёнинг кўпчилик мамлакатлари Ўзбекистон Республикасини тан олди. Туркия, Миср Араб жумҳурияти, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Хитой, Саудия Арабистони, Афғонистон, Ливия, Япония, Америка Қўшма Штатлари, Канада, Италия, Швеция сингари йирик давлатлар ана шулар жумласидандир. Бу ишонч руҳимизни кўтарди, келажаққа йўлимизни очиб берди. Туркия Республикасининг бош вазири Сулаймон Демирел Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Қаримовга юборган мактубида қуйидагиларни ёзган эди: «Қардош Ўзбекистон ҳозир оғир дарддан тузалиш даврини бошидан кечирмоқда. Бундай оғир дарддан тузалишнинг хатари ҳам улкан бўлади. Дунёнинг турли мамлакатларида бундай дарддан тузалиш оғриғи баъзан қандай можароларга олиб келишини кўриб турибмиз. Мамлакатингизда тинчлик, ҳамжиҳатлик ва барқарорликни сақлаш фоят самаралидир. Раҳбарларни ва халқни муроасага келтириш, улкан ислохотлар ғалабаси Ўзбекистон раҳбариятининг сиёсий моҳирлигини бутун дунёга намойиш қилади. Сизнинг ғалабага интилган, бирликка таянган раҳбарлигингизда Ўзбекистон бунга эришувига чин қалбдан ишонамиз.

Туркия барқарорлик ва тараққиёт соҳасида қанчалик намуна бўлса, Ўзбекистон ҳам Ўрта Осиёда халқининг ва раҳбариятининг бирлиги билан келишган ва бир-бирига таянган тарзда айни шундай ўрнатилган бўли-

шига, буни сиз рўёбга чиқаришингизга ишончимиз комил. Бу соҳада Туркия қардош мамлакат сифатида имкони бўлган ҳар қандай ёрдамга тайёрдир»¹.

Бугун шуни комил ишонч билан айтиш мумкинки, мустақил давлатлар даврасида Ўзбекистон ўзининг ўрнига эга бўлди. Ўзбекистон тенглар ичида тенг бўлди.

Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратишга асосланган демократик ҳуқуқий давлатдир. Унинг сиёсий системаси ҳуқуқий пойдеворини 1992 йилнинг 8 декабрь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси ташкил этади.

Мустақил давлатимизнинг Конституцияси қабул қилиниши халқимиз ҳаётида рўй берган буюк тарихий воқеадир.

Умумхалқ муҳокамасидан кейин қабул қилинган бу ҳужжатда мустақил давлатимизнинг иқтисодий, социал-сиёсий, маданий жиҳатдан ривожланишининг ҳуқуқий асослари атрофлича белгилаб берилган. Шунинг билан бир қаторда мазкур ҳужжатда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари атрофлича ўз ифодасини топган.

Конституция халқро талабларга тўлиқ жавоб берадиган ҳужжат бўлиши билан бир қаторда, унда жумҳуриятимизнинг ўзига хос миллий ва маданий хусусиятлари, урф-одатлари ўз аксини топган. Унда Ўзбекистон Республикасининг давлат тили — ўзбек тилидир, деб қатъий белгилаб қўйилган. Ўзбекистон кўп миллатли давлат бўлганлиги сабабли Конституцияда жумҳуриятимизда истиқомат қилаётган барча миллатлар ва элларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари, шу билан бирга уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳам ҳурмат қилиниши кафолатланган.

Конституцияда халқларимизнинг бой миллий, маданий мероси хазиналаридан кенг ва ижодий фойдаланиш аҳолининг маънавий руҳини мустаҳкамлашда катта ўрин тутиши алоҳида таъкидланган.

Конституциянинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундан иборатки, унда давлат ҳокимиятининг тузилиши, Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлис таъсис этилиши, Президентлик лавозими жорий қили-

¹ «Ўзбекистон овози», 1992 йил 24 январь.

ниши, маҳаллий давлат ҳокимияти асослари, яъни маҳаллалар кенгаши, унинг оқсоқоли ва маслаҳатчиларини сайлаш тартиблари каби муҳим масалалар баён этилган.

Конституцияда Ўзбекистон тарихида биринчи мартаба давлат тизими қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини тақсимлаш принципларига асосланиши таъкидланган.

Айни кунларда мустақил Ўзбекистон ва унинг демократик ғоялар билан суғорилган Конституциясини дунёдаги кўпчилик мамлакатлар юксак баҳолаб, уни қизғин қўллаб-қувватламоқда.

Конституция — бизнинг порлоқ келажагимиз, истиқболимиздир. Чунки унда халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши учун зарур бўлган барча шарт-шароитларнинг ҳуқуқий асослари кўрсатиб берилган.

Конституцияда баён этилган ғоялар инсон учун қанчалик муҳим ва долзарб бўлмасин, лекин улар ўз-ўзидан рўёбга чиқмайди. Уларни юзага чиқариш халқимизнинг астойдил меҳнатига, ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлигига, Президентимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатни астойдил қўллаб-қувватлашимизга бевосита боғлиқдир.

Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мутлақ ваколатлари жумласига қуйидагилар киради: Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; Ўзбекистон мустақил давлати ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш; Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари тизимини ва ваколатларини белгилаш; маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш; Ўзбекистон Республикасининг бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш; бож, валюта ва кредит ишларини тартибга солиш; Конституцияда кўрсатилган ҳокимиятлар бўйича сайлов ўтказиш ва уларни тайинлаш масалалари билан шуғулланиш; Конституцияда кўрсатилган лавозимларга раҳбарлар тасдиқлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа

давлат бошқарув органларини тузиш ва тугатиш ҳақидаги фармонларни тасдиқлаш; фавқулодда ҳолат жорий этиш; халқаро шартномаларни ва битимларни тасдиқлаш; давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш ва бошқа Конституцияда назарда тутилган ваколатларни амалга ошириш киради¹. Шунинг билан бирга Конституцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг вазифалари, депутатларнинг ҳуқуқлари кўрсатиб берилган.

Давлатнинг сиёсий мустақиллигини таъминлашнинг яна бир муҳим шarti — бу *ижро этувчи ҳокимиятни* мустаҳкамлашдир. Конституциянинг 89-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. У айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳисобланади².

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Ана шу қоидага амал қилиб, халқимиз ўз тарихида биринчи марта 1991 йил 29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлашга муяссар бўлди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти этиб халқимизнинг олижаноб фарзанди Ислом Абдуғаниевич Қаримов сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан: фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир;

Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиш масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради;

мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;

музокаралар олиб боради ва Ўзбекистон Республикасининг шартнома ва битимларини имзолайди, республика томонидан тузилган шартномаларга ва би-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 23—28-бетлар.

² Уша жойда, 29—33-бетлар.

тимларга ва унинг мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди;

Ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ва бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилади;

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлайди ҳамда лавозимларидан озод қилади;

Республика Олий Мажлисига ҳар йили ички ва халқаро аҳвол хусусида маълумотнома тақдим этади;

ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади; республика олий ҳокимияти ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; Ўзбекистон Республикаси вазирликларини, давлат қўмиталарини ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни Олий Мажлис тасдиғига киритади;

Бош Вазир, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Олий Мажлиснинг тасдиғига киритади;

Олий Мажлисга Конституциявий суд раиси ва аъзолари, Олий суд раиси ва аъзолари, Олий ҳўжалик суди раиси ва аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади;

вилоят, туман, шаҳар ва ҳўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимлардан озод этади;

вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади, бу масалаларни тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига қўяди; Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли;

Республика бошқарув органларининг, шунингдек ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатади ва бекор қилади;

Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди; қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли. Агар Олий Мажлис илгари ўзи қабул қилган қарорини учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овоз билан тасдиқласа, Президент қонунни имзолайди;

фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади, қабул қилган қарорини уч кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғига киритади. Фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади;

республика Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади, Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади; олий ҳарбий унвонларни беради;

Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилади, қабул қилган қарорини уч кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғига киритади;

Ўзбекистон Республикаси орденлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлайди, Ўзбекистон Республикасининг малакавий ва фахрий унвонларини беради;

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этади;

амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган фуқароларни афв этади;

миллий хавфсизлик ва давлат назорати хизматларини тузади, уларнинг раҳбарларини тайинлайди ва лавозимидан озод этади ҳамда ўз ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Конституцияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқлари, унинг ваколатлари аниқ кўрсатилиб берилган. Унда Президент, муайян шароитларда, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси таркибида унинг нормал фаолиятини таҳдидга соладиган, ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд у бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган тақдирда, Президентнинг конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Олий Мажлис тарқатиб юборилиши мумкин, деган муҳим қоида бор. Мажлис тарқатилгандан сўнг унга янги сайлов уч ой мобайнида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Маҳкамаси таркибини тузади ва у Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги Қонунларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Президентлик ҳокимияти ўзининг кўп қирралилиги билан ажралиб туради. Шунинг учун у барча давлатларнинг ҳаётида муҳим ўрин тутати. Бизнинг жамиятимизда Президентлик ҳокимияти 1990 йилнинг март ойидан бошлаб таъсис этила бошланди. Собиқ иттифоқдош жумҳуриятлар ичида Президентлик ҳокимияти, энг аввало, Ўзбекистон Республикасида жорий этилди. Ҳаёт шуни яққол кўрсатиб турибдики, ҳозирги вақтда Президентлик ҳокимияти жуда самарали ҳокимиятдир, чунки у жумҳуриятимизда йиғилиб қолган муаммоларни тез ҳал қилиш имкониятини беради. Бунинг биз Республикамиз ҳаётидан яққол кўришимиз мумкин.

Президент лавозимининг таъсис этилиши Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини янги мазмун билан бойитди, бошқариш ва ҳўжалик юритишда кўпгина ўзгаришлар киритди, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳар қанча мураккаб бўлишига қарамай, аҳоли турли қат-

ламларини ижтимоий ҳимоя қилиш имкониятини беради. Халқимизни маънавий ва руҳий жиҳатдан эркинликка чиқариш, эзгу анъаналар ва урф-одатларнинг, ноҳақ унутиб юборилган ҳамда ўз халқининг мустақиллиги ва озодлиги учун жон фидо қилган аждодларимиз номининг қайта тикланиши йўлида қатъий қадамлар қўйилди. Сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар учун ҳар томонлама замин яратилди. Республика ҳукумати ишбилармонларнинг иқтисодий эркинлигини, шунингдек ўлкамизда қўшма корхоналар ташкил этмоқчи бўлган, сармоя сарфлаш ва воситачилик фаолияти билан шуғулланишга жазм этган кишилар учун кенг қўламдаги имтиёзларни кўзда тутувчи ҳуқуқий ҳужжатлар туркумини тасдиқлади. Иқтисодиётимизнинг ҳамма соҳасида мулкчиликнинг барча шакллари тан олинди ва ривожлантирилди. Қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти халқаро ҳуқуқ қоидаларига мувофиқ инсон ҳуқуқларини ҳақиқатдан ҳам рўёбга чиқариш учун асос яратувчи тадбирлар туркумини амалга оширди. Ижтимоий ташкилотлар ва бирлашмалар тўғрисида, виждон ва диний эркинлик тўғрисида, оммавий ахборот воситалари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари қабул қилинди ва кучга кирди. Одамларни ижтимоий ҳимоялашнинг ишончли далиллари нафақа таъминоти, солиқлар тўғрисидаги, аҳолининг муайян тоифаларига имтиёзлар бериш тўғрисида жумҳурият қонунларида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларида ўз аксини топди. Бундай хайрли ишлар ҳозир изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлатининг сиёсий мустақиллигини таъминлашда бошқарув ҳокимиятлари, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимиятини ҳам мазмун, ҳам иш услуби жиҳатдан қайта кўриб чиқиш катта аҳамият касб этиши ҳаммамизга маълум. Шуни эътиборга олган ҳолда жумҳуриятимизда бу соҳада ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар.

Маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидагилар киради:

Қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;

маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;

маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;

норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Президент фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар, халқ депутатлари қуйи Кенгашлари фаолиятига раҳбарлик қиладилар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар. Юқори органларнинг ўзларига берилган ваколат доирасида қабул қилган қарорлари қуйи органлар ижро этиши учун мажбурийдир. Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларининг ваколат муддати беш йил.

Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради. Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳри ҳокими Президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туманларга бўйсунган шаҳарларнинг ҳокимларини туман ҳокими тайинлайди ва вазифасидан озод қилади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини таъминлашнинг яна бир йўли — бу, жамиятимизда де-

мократик жараёни ривожлантириш ва уни ҳамма соҳага жорий этиш. Бу борада ўз-ўзини бошқарув усулини кенг жорий қилиш катта аҳамиятга эгадир. Халқнинг меҳнати ва жасорати билан тузилган давлат халқнинг ўзи томонидан бошқарилиши керак. Шундай қилинмаса биз сиёсий мустақилликни таъминлай олмаймиз. Инсоннинг неча йиллар мобайнида халқимиздан тобора бегонасираб борганлигини бартараф этиш ҳозирги даврнинг ажойиб фазилатларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов айтганидек, маҳалла, қишлоқлар ўзини ўзи бошқариши, мустақил бўлиши зарур. Бу — бебошлик, бўйсунмаслик дегани эмас. Бунда ҳар қандай раҳбар, ҳар қандай кенгаш ва ҳар қандай мустақил киши халқ олдида, юрт олдида масъул ва жавобгардир деган қоидадан келиб чиқиш шарт¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўрсатилганидек, шаҳарда, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди².

Ўз-ўзини бошқарувнинг маъноси — меҳнаткашларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча муҳим масалалари бўйича қарорлар ишлаб чиқиш, уларни муҳокама этиш, қабул қилиш ва амалга оширишда реал иштирок этишларидан иборатдир. Бундан ташқари, у яна кишилар ўз фаолиятининг барча асосий масалаларини ўзлари ҳал этадилар, ўзлари учун мажбурий бўлган хулқ-атвор қоидаларини ўзлари ишлаб чиқадилар ва қабул қиладилар ҳамда уларга қатъий риоя этадилар, деган маънони ҳам билдиради. Давлат омманинг онглилиги билан кучлидир. Омма ҳамма нарсани билиб, ҳамма масалани муҳокама қилиб, ҳамма ишни онгли суратда бажаргандагина давлат кучли бўлади. Омманинг билими қанча ортса, маданий, илмий савияси юксала борса, ижтимоий-сиёсий ва меҳнат фаоллиги кучайса, давлат шунча тез ривожланади ва мустақам бўлади.

Ўз-ўзини бошқариш халқнинг яратувчилик қудра-

¹ «Ўзбекистон овози», 1992 йил 5 январь.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 36-бет.

тини оширади, давлат ва жамият олдидаги масъулиятини кучайтиради. Ўз-ўзини бошқариш жамият тараққиётидан, фан ва техника, адабиёт ва санъат, миллий тил ва маданиятнинг, маънавий мерос, миллий урф-одат, миллий психология ва бошқа шу кабиларнинг юксалиб боришidan халқнинг манфаатдорлигини оширади.

Халқ ўзини ўзи бошқарадиган, ўз тақдирини ўзи хал этадиган, бировларнинг тазйиқи остида эмас, балки ўзининг ишини билиб, кўриб қилган, ўз корхонаси, завод ва фабрикаси, хўжалигида ўзини эркин тутган, ижодий ҳаракат қилган пайтда бутун куч ва имкониятларни ишга солиб меҳнат қилади, тарихни яратадиган мўъжизакор куч эканлигини амалда исботлайди.

Кенг меҳнаткашлар оммасининг фаол ижтимоий-сиёсий фаолияти, ўз-ўзини бошқаришнинг тўхтовсиз авж олиб бориши жумҳуриятимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларида ўз ифодасини топомқда. Буни биринчи навбатда, жамият ҳаётининг асоси бўлган моддий бойликлар яратишда, меҳнат унумдорлигини ошириш, озиқ-овқат муаммоларини ҳал этишда, турли корхоналар, уюшмалар, биржалар, фондлар ташкил этилишида ва бошқа соҳалардаги фаол амалий фаолиятда кўриш мумкин.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи меҳнаткашлар оммасининг хўжасизликка, бюрократизмга, ҳуқуқ-тартиботларни бузувчиларга, кўзбўямачиликка ва уюшган жиноятчиликка, порахўрликка, таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик асосида иш битказишга ҳаракат қилувчиларга, ҳуллас, ижтимоий адолат принципларига тубдан зид бўлган ҳаракат ва интилишларнинг ҳар қандай турлари ва кўринишларига қарши курашни авж олдириб юборганлиги билан характерланади.

Жамиятнинг ўз-ўзини бошқариш даражаси кишилар онгининг ўсиши, унинг тафаккур маданияти етуклиги билан узвий боғлиқдир. Маълумки, одамлар демократия ва ошкораликдан оқилона фойдаланишга ҳам ғоявий, ҳам маънавий жиҳатдан тайёр бўлсаларгина жамиятимиз олдида турган вазифаларни ҳал қилишга ёрдам берадилар. Бунинг учун юксак маданият, узоқни кўра билиш ва донолик, ғоявий-маданий етуклик ва поклик, янгича фикрлаш имкониятларидан ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш йўлида фойдалана билиш зарур.

Жамиятимиз кишилари ўтмишда демократия ва ошкораликдан тўла баҳраманд бўлмадилар, бу соҳада тажрибага эга эмаслар. Шунинг учун ҳам биз қайта қуриш, демократия ва ошкоралик соҳасида яратиб берилган имкониятлар билан омма томонидан улардан оқилона фойдаланиш ўртасида муайян зиддиятлар келиб чиқаётганлигини ҳис этиб турибмиз. Бундай қарама-қаршиликлар айрим раҳбарлардан тортиб меҳнат-қашларнинг муайян қатламларига қадар жамиятимизнинг ҳамма бўғинларида кўзга яққол ташланмоқда. Баъзи раҳбарлар фикрлаш, ҳаракат қилишнинг эскириб кетган қолипларидан қутула олишмаяпти. Ҳозир барча хўжалик, ташкилот, фуқароларга эркинлик берилган бўлса-да, айрим раҳбарлар ўз қарамоғидаги кишиларнинг кундалик фаолиятини назорат остига олиб, уларнинг ишларига қўпол равишда аралашиб, турли-туман кўрсатма ва топшириқлар бериб, буйруқ-бозлик ва мажлисбозликка амал қилиб келмоқда. Ана шундай раҳбарларга Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримовнинг қуйидаги сўзларини эслатиб қўйиш фойдадан холи бўлмаса керак: «Хўжалик, ташкилот, фуқароларга эркинлик берилди. Демак, уларни тепадан туриб бошқариш ортиқча. Хўш, бошқарув ҳокимияти энди нима қилади? У хўжалик ишларига аралашмасдан ўз ишини бажариши керак. Бошқача қилиб айтганда, у ишлаб чиқаришда қулай шароит яратиб беришни, халқимизни ҳимоя қилиш, адолат, ҳақиқат ўрнатиш йўлини, етим-есирлар, ногиронларнинг бошини силаш, келажак ҳаётимиз ҳақида бош қотиришни ўзининг асосий вазифаси деб билиши керак»¹.

Айрим кишилар жамиятимиздаги вақтинчалик қийинчиликлар ва нуқсонлардан ўзларининг мақсадлари йўлида фойдаланмоқдалар, одамларни зўравонликка, иқтисодий масъулиятсизликка, фуқаролик қонун-қондаларига бўйсунмасликка, давлат ва жамоат муассасаларига тазйиқ ўтказишга ундамоқдалар, ҳокимият раҳбарларига туҳмат ва бўҳтон қилмоқдалар. Агар митинглар, намоишлар, йиғилишлар, кўча юришлари орқали халқимизнинг ҳамма жумбоқлари ва муаммолари ечиладиган бўлса кошкийди! Афсуски, митинглар билан халқнинг қорнини тўйғазиб, ҳаётини осойишта қилиб, муаммоларини ечиб бўлмайди. Ҳиссиётларга

¹ «Ўзбекистон овози», 1992 йил 5 январь.

берилиш, ҳар қандай вазифани, айниқса, кўп миллатли мамлакатимизнинг бундан буёнги тақдири билан боғлиқ тарихий қийин, катта масалаларни ҳал этишга асло ёрдам бермайди. Ҳозирги ижроия ҳокимиятининг роли кундан-кунга ортиб бораётган бир пайтда жойларда ўз-ўзини бошқариш усулини кенг жорий этиш билан бир қаторда барча бошқарув органларидан қатъий тартиб-интизомни сақлашни талаб этиш ҳам катта аҳамият касб этади. Чунки жойларда интизом сушлашиб кетишининг оқибатида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, Республикамиз Президенти, ҳукуратимиз томонидан қабул қилинган қонунлар, қарорлар, фармойишлар ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмай қолаяпти. Бу эса ишнинг белига тепаяпти. Ижроия ҳокимиятининг кучи қатъий интизомдир. Интизом йўқ жойда ҳокимият ҳам бўлмайди. Буни ҳеч қачон эсдан чиқариш керак эмас.

Давлат ҳокимиятининг яна бир томонини *суд ҳокимияти* ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Конституциямизга биноан Ўзбекистон Республикасида суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, вилоят, туман, шаҳар ва ҳўжалик судларидан иборат¹.

Суд ҳокимияти тўғрисида сўз юритилганда, энг аввало, Конституциявий суд тўғрисида тўхтаб ўтишимиз керак. Маълумки, янги Конституция қабул қилингунга қадар қонунчиликни назорат этиш 1990 йилнинг март ойида таъсис этилган Конституцион назорат қўмитасига юкланган эди. Унинг фаол иштирокида қисқа муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши бир қанча муҳим қонунларни қабул қилди. Улар ичида бозор иқтисодиётига ўтишни таъминловчи бир қатор янги қонунлар ҳам бор. Ер, мулк, тадбиркорлик, банк фаолияти, кооперативлар фаолиятига оид қонунлар шулар жумласидандир².

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 36—40-бетлар.

² Қаранг: Ш. З. Ўраев. Модель закона: какой ей быть? Т., 1990; Власть и закон. Т., 1991.

Эндиликда таъсис этилган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди:

1) қонунларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, Хукумат қарорларининг, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномаларининг ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди;

2) Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса беради;

3) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

Янги Конституцияда барча судларнинг сайланиш тартиби ва муддатлари, вазифалари, дахлсизлиги ва бошқа томонлари аниқлаб берилган. Унда «Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунларга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади»¹, деб алоҳида қайд этилган.

Конституцияда кўрсатилгандек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

Маълумки, ҳуқуқий давлатни шакллантириб, уни янада ривожлантиришда жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, аҳолини ҳуқуқий тарбиялаш катта аҳамият касб этади. Сир эмаски, кейинги вақтда жиноятчилик авж олиб кетмоқда, одам ўлдириш, мулкни талон-торож қилиш, ўғрилик, порахўрлик, чайқовчилик каби жиноятлар сони кўпаймоқда. Жиноятчиликнинг олдини олишда ҳуқуқ-тартибот органлари кенг жамоатчилик ёрдамига суяниб иш олиб боришлари лозим.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 39- бет.

Президентимиз И. Каримов айтганидек, ҳуқуқ-тартибот органларини мустаҳкамлаш билан бирга уларга кўмак ҳам бериш керак. Уларнинг меҳнатини қадрлаш йўли билан обрўларини ошириш лозим. Халқ депутатлари, жамоатчилик, маҳалла кўмиталари, отахонлар жиноятчилик йўлини тўсишда уларга ёрдам беришлари зарур.

Ҳокимиятнинг қонунчилик, ижроия ва судчилик соҳаларига бўлиниши бу жамиятни демократик йўналишда ривожлантиришнинг асосий гаровидир. Чунки юқорида кўрсатилган ҳокимиятлар бир-бирининг соҳасига аралашмасдан, давлатнинг барқарорлигини таъминлайди ва кенг омма ўртасида қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятларига ишонч ҳосил қилиб, уларнинг талабларини муқаррар равишда бажариш лозим эканлигини англатади.

Ҳозирги демократия йўли билан ривожланаётган хорижий мамлакатларнинг аксариятида ҳокимият қонунчилик, ижроия ва суд соҳаларига бўлинган бўлиб, давлатни самарали бошқаришга катта замин бўлиб келмоқда. Афсуски, шўролар жамиятида кўп йиллар мобайнида ижроия ҳокимияти КПСС қўлида бўлиб, қонунчилик ва суд ҳокимиятларига нисбатан асосий ролни ўйнаб келди. КПСС ва маъмурий-бўйруқбозлик системасининг мансаб эгалари ўзларининг манфаатлари ва қизиқишларидан келиб чиқиб, қонунчилик ва суд соҳасига қўпол равишда аралашиб, ўз таъсирларини кўрсатиб, уларни оёқ ости қилиб келдилар. Натижада демократик жараёнга катта путур етказилди, қонунчилик, суд соҳасидаги ишларда катта-катта хатолар ва нуқсонлар юз берди.

Юқори лавозимларда ўтирган раҳбарларнинг кўрсатмалари билан айби йўқ кишиларни судлаш, жиноят қилган кимсаларни оқлаб юбориш одатга айланиб қолган эди. Эндиликда бундай воқеаларга чек қўйилмоқда. Суд ишларига аралашган мансаб эгалари қонунга мувофиқ жазоланади.

Суд ҳокимиятини мустақил равишда янада ривожлантиришда халқ оммаси ўртасидаги ҳуқуқий тарбияни шакллантириш ва уларни Давлатимиз томонидан қабул қилинган қонунларни изчиллик билан бажаришга даъват этиш катта аҳамиятга эга. Бу соҳада ҳам ҳали кўп вазифалар турибди.

Президентимиз И. Каримов айтганидек, «ҳуқуқий

давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кучи ҳам, сўзи ҳам қонундир!

Минг афсуски, бизда қонунларни менсимасликка, уларни бузишга ўрганиб қолинган. Қонунни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки қонун халқнинг хоҳиш-иродаси! Уни бузган, менсимаган одам халқнинг юзига оёқ қўйган кишидир! Биз қонунни ҳурмат қилиш, унга бўйсуниш, риоя қилиш йўлидан борсак, истиқболимиз порлоқ бўлади»¹.

Давлат ҳокимиятини мустақил қилишда оммавий ахборот воситаларининг роли каттадир. Оммавий ахборотнинг халқимиз томонидан тўртинчи ҳокимият деб айтилиши бежиз эмас. Чунки оммавий ахборот кишилар онгига фаол таъсир этиш имкониятига эгадир. Оммавий ахборот жамиятимизнинг турли соҳасида рўй бериб келаётган камчиликларни очиқ-ойдин кўрсатиб бериб, уларни ўз вақтида тузатишга ёрдам беради. Кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларининг ёрдамида собиқ марказ ва жойларда шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида рўй берган қонунбузарликлар ҳолатлари очиб ташланди ва уларни келажакда такрорламаслик учун нима қилишимиз аниқлаб берилди. Оммавий ахборотнинг ролини янада оширишда оммавий ахборот тўғрисида қабул қилинган қонунни бажариш катта аҳамият касб этади.

Давлат мустақиллигининг тақдири жамиятимизни бошқариб келаётган раҳбарларнинг фаолияти билан узвий боғлиқ эканлиги ҳаммамизга аён. Ҳаёт шуни кўрсатадики, миллий давлат мустақиллигининг тақдири миллий кадрларнинг қўлидадир. Чунки ҳар бир мустақил жумҳуриятга хос бўлган хусусиятлар, фазилатлар, анъаналар, урф-одатлар, миллий туйғуларни маҳаллий кадрларгина тўла-тўқис англай олади ва уларни ҳисобга олган ҳолдагина халқнинг манфаатини қондириши мумкин. Афсуски, бундай оддий ҳақиқат билан собиқ марказдаги раҳбарлар кўп йиллар мобайнида ҳисоблашмай келишди. Миллий жумҳуриятлар билан тажриба алмашиш ва уларга байналмилал ёрдам кўрсатиш ниқоби остида, Ўзбекистонга мамлакатнинг турли минтақаларидан КПСС амалдорлари катта раҳбарлик ишларига юборилиб турилди.

Халқимиз «четдан келган десант» деб ном берган

¹ «Ўзбекистон овози», 1992 йил 5 январь.

амалпарастлар партия ва ҳокимият тизимларда асосий ўринларни эгаллаб олиб, ҳақиқий қирғин бошладилар. Неча юзлаб кишилар тазйиқ, қувғин ва қатағонга дучор қилиндилар. Бу қатағонлар даҳшати ва риёкорлиги жиҳатдан 30—50-йиллардаги тазйиқлардан ҳам ошиб кетди. Бунга «пахта иши» билан қамоққа олиниб, айбсиз судланган юзлаб — минглаб кишиларнинг тақдири яққол мисол бўла олади.

Марказнинг Ўзбекистонга нисбатан тамомила халққа қарши сиёсатини амалга оширишда, ҳатто рус тилида сўзлашувчи маҳаллий кадрларни тазйиқ остига олишда Анишчев, Огарок, Романовский, Сатин ва шуларга ўхшаш кимсалар асосий қурол бўлишди. Лекин халқни асло алдаб бўлмайди. Улар бундай сиёсатнинг тагида қандай мақсад борлигини англашди ва унга зарба беришди. Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилиниши бунинг далилидир. Президентимизнинг фаол ҳаракати натижасида ўтмишда содир бўлган қонунбузарликларнинг оқибати ўлароқ йўл қўйилган хатолар тузатилмоқда.

Маҳаллий кадрлар — бизнинг катта миллий бойлигимиз. Уларни авайлаб асраб, тарбиялаб, халқимизнинг фаровонлигини ошириш йўлида фойдаланиш — миллий сиёсатнинг негизини ташкил этади. Шунинг эътиборга олган ҳолда замонавий ва етук кадрларни тайёрлаш соҳасида жумҳурият раҳбарияти катта-катта ишларни амалга оширмоқда. Савдо, тижоратда, иқтисодиёт ва гуманитар соҳаларда ортирилган билим ва тажрибаларни ўрганиш учун истеъдодли ёш олимлар ва мутахассисларни чет элларга юбориш кенг кўламда жорий қилинмоқда. Бизга ҳозир маърифатли, энг мураккаб ускуналарни бошқара оладиган малакали, замонавий ишчилар ҳам сув билан ҳаводек зарур.

Давлат мустақиллигини такомиллаштиришнинг муҳим омили — кўп партиявийликни ривожлантиришдан иборатдир. Жамиятимизда бир неча сиёсий партиялар бўлиши табиийдир. Етмиш йил ичида собиқ Совет Иттифоқи халқларининг бошига тушган кўп кулфатларнинг сабаби ва илдизи шундаки, мамлакатда ҳамма вақт битта — Коммунистик партия ҳукмронлик қилиб келди. Уни танқид қиладиган, хатоларини фош этадиган, камчиликларини юзига соладиган бошқа партиялар бўлган эмас. Шу сабабли Коммунистик партия йўл қўйган хатолар ҳам тўғри деб тасдиқланиб келинган. Пи-

ровард натижада бу хатолар янада жиддийлашган, чуқурлашиб бориб, батамом инқирозларга олиб келди. Илғор мамлакатларнинг ҳаммасида сиёсий партиялар кураши жамият ҳаётининг жуда муҳим қисмини ташкил этади. Шунинг ҳисобига олган ҳолда мамлакатимизда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам бирин-кетин ҳар хил партиялар ва оммавий ҳаракатлар шаклланимоқда.

Кўп партиявийликнинг ривожланиши бу табиий ва қонуний жараён бўлиб, жамиятимиз тараққиётида катта ўрин тутди. Диалектика қонунларига биноан нарсалар ва ҳодисаларни, шу жумладан жамиятни ҳам ҳаракатлантирувчи асосий кучни қарама-қаршиликларнинг бирлиги ва уларнинг доимий кураши ташкил этади. Қарама-қаршиликлар кураши бўлмаган жойда турғунлик даври бошланади, жамият аста-секин ич-ичидан чирий бошлайди, фикрлар ва нуқтаи назарлар кураши ўрнига бир-бирларини кўкка кўтариб мақташ, камчиликларни ҳаспўшлаш, қўшиб ёзиш, хушомадгўйлик, лаганбардорлик, порахўрлик, оддий кишиларни менсимаслик ва бошқа шу каби салбий ўзгаришлар кенг илдиз олади.

Афсуски, кўп йиллар мобайнида бизнинг жамиятимизда диалектиканинг ана шу муҳим қоида билан ҳисоблашмадилар. Натижада Коммунистик партиянинг айтгани айтган, дегани деган бўлиб қолверди. Бунинг нималарга олиб келгани энди бизга сир эмас. Ўтмишдан сабоқ чиқариб, эндиликда кўп партиявийликнинг ривожланиши учун биз керакли ҳамма имкониятларни яратиб бермоғимиз лозим. Кўп партиявийлик асосида биз жамиятдаги ҳар бир фуқарони ўз фикри, ўз қарашини, ўз нуқтаи назарига эга бўлган, ҳар бир масалани мустақил чуқур таҳлил қила оладиган инсон қилиб тарбиялаш имкониятига эга бўламиз. Бу эса халқ оmmasининг савиясини кўтариб, уларнинг куч-қудратини жумҳуриятимизнинг давлат мустақиллигини мустаҳкамлашга сафарбар қилишда катта аҳамият касб этади. Биз шунинг яхши англаб олишимиз зарурки, мустақилликдан мақсад — жумҳуриятимиз Марказга тобеликдан озод бўлганига маҳлиё бўлиб ўтириш эмас, сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатларни таъқиб қилиш ёки шулар сабабли жаҳондаги тараққиёт йўли уватида қолиб кетиш эмас, аксинча ҳозир бутун дунёда амалга ошаётган демократик ўзгаришларнинг ва

жараёнларнинг таркибий қисмига кириб боришдан иборатдир. Ахир бу олижаноб иш-ку!

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ХХІ чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши-нинг навбатдан ташқари тўққизинчи сессиясида бу масалага алоҳида тўхтаб, қуйидагиларни айтган эди: «биз кўп партиявийлик замонига ўрганишимиз керак. Бу юз, икки юз партия дегани эмас, албатта. Қолаверса, мақсад партия-партия бўлиб халқни парчалаб юбориш эмас, аксинча, тўртта бўлар, бешта бўлар партиялар, лекин улар кўча ва майдонларда жанжал қилмасдан, мана шу ерда, парламентда баҳслашиб, тортишиб, халққа фойдали фикрни қўллашга ўрганишлари керак. Биз онгимизни ана шунга мослаштиришимиз даркор. Бу йўлда қандай тўсиқлар бўлса олиб ташлайлик»¹.

Жумҳуриятимиз раҳбарияти сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни, мулоқотни ривожлантиришга, улар билан жипслашишга интилмоқда. Демократик партиялар учун фақат меҳнаткаш халқ манфаатлари, танлаб олинган демократик йўл эҳтиёжларини кўзлаб ҳаракат қилишдан бошқа мақсад бўлиши мумкин эмас. Халқ хўжалигини барқарорлаштириш, сиёсий ва иқтисодий тангликларни бартараф этиш, бозор муносабатларига ўтишни амалга ошириш, миллий ва миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, жамиятнинг барча соғлом кучларини жипслаштиришга қаратилган қатъий сиёсат келажагимиз учун жуда катта аҳамиятга эга. Инсон манфаати, унинг бахт-саодати, маънавийлик ва инсонпарварлик қоидаларини қарор топтириш йўлида жамиятни демократик негизларда янгилашни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Жумҳуриятнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, ижтимоий адолатни, маънавий янгилашни, барча миллат ва элатлар учун муносиб турмуш шароитини амалга ошириш ана шуларга қаратилган тадбирлардир.

Давлат мустақиллигининг сиёсий барқарорлигини мустаҳкамлашда сиёсий партиялар каби жамоат ташкилотлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Бунини жамиятимиз жамоат ташкилотлари мисолида очиқ-ойдин кўриш

¹ «Ўзбекистон овози», 1992 йил 5 январь.

мумкин. Буларга касаба уюшмалари, ёшлар уюшмалари, ижодий ташкилотлар, маҳалла қўмиталари, хотин-қизлар, уруш ва меҳнат ветеранлари ташкилотлари, маданият фонди, табиатни, тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш билан шуғулланадиган турли жамиятлар ва бошқа ташкилотлар киради. Ҳар бир жамоат ташкилоти ўз вазифасини муайян Низомларга мувофиқ ўзига хос шакллар ва усуллар асосида бажаради. Меҳнаткашларнинг бу оммавий ташкилотлари давлат ташкилотлари билан ўзаро ёрдам муносабатида бўладилар ва бир-бирларига раҳбарлик қилмай мустақил ишлайдилар. Жамоат ташкилотлари ихтиёрийлик асосида барпо этилган бўлиб, ўз Низомлари ва Ҳаракат дастурларини қабул қиладилар, ўз ваколатларига кирган масалаларни ўзлари мустақил ҳал этадилар. Уларнинг бутун фаолияти ўз-ўзини бошқариш, демократик норма ва принциплар асосида олиб борилади.

Жамоат ташкилотлари давлат ишларини бошқаришда, сиёсий, хўжалик, таълим-тарбия, маориф, ижтимоий-маданий масалаларни ҳал этишда, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда, уй-жой ва моддий неъматларни тақсимлашда фуқароларнинг, ёш авлоднинг сиёсий маданиятини ошириш, ижтимоий фаолиятини кучайтиришда, миллий ва миллатлараро муаммоларни ҳал этишда қатнашадилар. Шу тариқа уларнинг ҳаммаси жамиятимизнинг сиёсий мустақиллигига ўз ҳиссасини қўшади.

Утмишда рўй берган салбий ҳодисалар туфайли Ўзбекистон ўзининг давлат мустақиллигини йўқотиб қўйган эди. Бошқарув шакллари ва усулларининг ҳаддан ташқари марказлаштирилганлиги, оқибат натижада Иттифоқнинг ҳоким, жумҳуриятларнинг эса тобе, бошқача айтганда, вассал бўлиб қолганлиги жамиятимиз тараққиётига ғов бўлди. Шахсга сиғиниш авжига чиққан, қатағон кучайиб кетган пайтларда жумҳурият ҳуқуқлари пасайиб, оёқ ости қилиб келинди. Гарчи асосий қонун бўлган Конституцияда жумҳуриятлар мустақил деб белгилаб қўйилган бўлса-да, лекин уларнинг барча инон-ихтиёрлари ваколатларини марказ ҳукумати ўз қўлида мустаҳкам ушлаб турди. Марказнинг гапи-гап, айтгани айтган эди, у тўғрими, нотўғрими, бари бир, бажарилиши шарт эди! Қабул қилинган қарорлар ва қонунларнинг баъзилари жумҳуриятлар учун

унчалик тўғри келмаса ҳам бажарилиши сўзсиз талаб қилинади. Ер ва ер ости бойликларига эгалик қилиш, ички ва ташқи масалаларни ҳал этиш, кадрлар тайёрлаш, миллий тиллар ва маданиятлар, урф-одат ва анъаналарни қай даражада ривожлантириш сингари энг муҳим ҳаётий муаммоларни ҳал этиш ҳуқуқи жумҳуриятлар томонидан олиниб, юқоридан белгиланадиган бўлиб қолган эди. Шунинг учун собиқ Иттифоқнинг турли жумҳуриятларида содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тангликлар, миллий можаролар эслатиб ўтилган нотўғри сиёсатнинг қонуний оқибатидир десак янглишмаган бўламиз.

Тарихий ривожланишнинг ҳозирги туб бурилиш босқичи жумҳуриятимиз сиёсий системасини мустақкамлаш ва янада такомиллаштириш вазифасини кун тартибига қўйди. Бу мураккаб вазифани жумҳуриятларнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини амалда тасдиқламасдан, маънавий янгиланиш, ижтимоий адолат ва аҳолининг муносиб турмуш шароити учун курашмасдан, жумҳуриятларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини аниқ белгилаб олмасдан туриб ҳал этиб бўлмасди.

Сиёсий мустақиллик — миллий эркинлик демакдир. Бу жумҳуриятнинг, унинг халқининг ўз хоҳиш-иродасини эркин изҳор этиши, ўзининг миллий давлат тузилиши ва маъмурий-ҳудудий бўлиниши масалаларини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқи ва имкониятларига эга бўлишидир. Бу яна ер, ер ости қазилмалари, табиий бойликлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, вужудга келтирилган иқтисодий ва илмий имкониятлар, меҳнат натижалари ҳамда бошқа мол-мулк объектлари фақат жумҳуриятнинг мулки бўлиши лозим деган маънони ҳам билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ҳозирги пайтда тенг ҳуқуқли мустақил ва суверен давлат сифатида ташқи сиёсатни ўз манфаатларини кўзлаб белгилаш, хорижий мамлакатлар билан муносабат ўрнатиш, улар билан шартномалар тузиш, ўзаро дипломатик ва консуллик ваколатхоналарини айирбошлаш масалаларини кўзлаб иш қилмоқда. Сиёсий мустақиллик жумҳуриятда ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмларини белгилаш, лицензия (рухсатнома) бериш, шартномалар ва эркин иқтисодий минтақаларни вужудга келтириш, БМТга ва бошқа халқаро ташкилотларга вакиллар юбориш, чет

эллардаги ватандошлар билан инсонпарварлик алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашни мустақил ҳал қилиш имкониятини очиб берди.

Жумҳуриятимизнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги ҳақида гап кетганда, уни миллий маҳдудликка, айирмачиликка, яккаланишга интилиш маъносига тушуниш нотўғридир. Сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан эркин ва мустақил бўлиш бошқа жумҳуриятлар билан ўзаро манфаатли, мутлақо тенг алоқаларни янада такомиллаштириш ва кенгайтиришни йўлга қўйишни назарда тутати.

Янги тузилган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳар бир халқнинг тенг ҳуқуқли эркин ривожланишини таъминлаш, жумҳуриятларнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллик йўлидаги интилишларида кенг имконият ва шарт-шароитлар яратиб бериши мақсадга мувофиқдир.

Жумҳуриятнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллик учун кураш йўли ниҳоятда оғир ва машаққатли йўл бўлиб, кўп меҳнат, матонат, жасурлик талаб этади. Бу оғир машаққатли ишни ҳал этиш, қойилмақом қилиб бажариш, биринчи навбатда, халқ оммасига, унинг ғоявий ва сиёсий етуклигига боғлиқ. Оммавий онгининг даражаси қанчалик юқори бўлса, жумҳуриятимизнинг мустақиллиги ҳам шунчалик юксак бўлади.

Халқ оммасининг сиёсий онгини шакллантириш ва уни янада ривожлантиришда фалсафа фанининг аҳамияти ниҳоятда кучлидир. Шунинг эътиборига олган ҳолда файласуф олимларимиз, олий билимгоҳларнинг фалсафа фанидан дарс берувчи ўқитувчилари меҳнаткашлар орасида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ҳақида тарғибот ва ташвиқот ишларини янада жонлантиришлари лозим. Халқимиз давлат мустақиллиги моҳиятини, унинг истиқболини қанчалик чуқур ва атрофлича англаса, биз унга шунча тез вақтда эришишимиз мумкин. Оммавий онгни шакллантириш ва уни мустақиллик талабларига қаратиб ривожлантириш — фалсафа фанининг олдида турган долзарб вазифадир. Фалсафа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириб бера олмайди, у сигирларнинг сутини кўпайтиришга ҳам ожиздир, лекин кишиларнинг онгини шакллантириш ва уни давр талабига қаратиб ривожлантириш — фалсафанинг бевосита вазифасидир.

4. ҒОЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИК ВА МАДАНИЙ ЮКСАЛИШ

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги маънавий ҳаётимизда ҳам катта бурилишдир. Зеро бу мустақиллик инсоният тарихий тараққиётининг илк босқичларидан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ривожланишнинг ҳозирги босқичларига қадар етиб келган халқимиз тақдирида янги истиқболлар очиши шубҳасиз. Бироқ инсоният маданий ва маънавий тараққиётининг шундай бир юксак давлари ҳам борки, улар ўзининг тарихий аҳамияти жиҳатдан бир неча асрлар ва минг йилларга тенг келади. Ана шу улкан тарихий босқичларнинг бирини биз Ўрта Осиё халқларининг, жумладан Ўзбекистоннинг тарихидан яққол кўришимиз мумкин.

Ўзбек халқининг маданияти жуда қадимий бўлиб, унинг тарихи бир неча минг йилларни ўз ичига олади. Ўрта Осиё азалдан илм-фан ва маданиятнинг қадимий марказларидан бири бўлиб келган. Бу ўлка олимлари, етук мутафаккирлари жаҳон илм-фани ва маданиятини ўз кашфиётлари ва ўлмас илмий асарлари билан бойитдилар, унинг бир неча асрлик тараққиётига жуда катта ҳисса қўшдилар. Ўрта Осиё олимлари ва мутафаккирларининг номлари ва уларнинг асарлари дунё миқёсида тан олинган. Бунга қуйидаги далиллар мисол бўла олади.

Бир қанча нодир асарлар муаллифи Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (780—847 йиллар) Шарқ ва Ғарбда ўрта аср математика илмининг асосчиси. Унинг астрономия, жуғрофия, табобат, тарихшунослик илми ривожига қўшган буюк ҳиссаси асло унутилмасдир. «Алгебра» ва «алгоритм» тушунчалари бевосита унинг номи билан боғлиқ.

Абу Наср Муҳаммад Форобий (870—950) — Ўрта Осиё халқлари ва бутун Шарқнинг машҳур файласуфи, энциклопедист олими, жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган йирик мутафаккирдир. Форобий материя оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг асосидир, дейди. Бутун мавжудот тўрт унсур — тупроқ, сув, ҳаво, оловдан ташкил топади, осмон жисмлари ҳам, ердаги жисмлар ҳам ана шу унсурларнинг бирикувидан вужудга келади. Форобий фикрича, оламдаги ҳар бир предмет материя ва шаклдан иборат бўлиб, материя ҳам, шакл ҳам тенг аҳамиятга эга бўлган сабаблардир. Унинг

таъкидлашича, ҳаракат — материянинг объектив хусусияти, моддий олам эса ҳаракатнинг манбаидир; оламдаги нарса ва ҳодисалар тўхтовсиз ҳаракат ва ўзгаришда, ҳаракат ўзгаришининг сабаби эса бошланғич моддий элементларнинг турлича қўшилишидадир.

Форобий борлиқни қотиб қолган воқелик сифатида тушунмайди. Унингча, нарсалар ва ҳодисалар оламида чексиз ўзгариш, ривожланиш жараёни бўлиб турадики, бунинг натижасида табиат шу ҳолга етиб келган. Форобийнинг жамиятнинг келиб чиқиши, мақсад ва вазифалари хусусида баён этган фикрлари ҳам катта аҳамиятга эга. У ўзининг «Фозил шаҳар аҳолисининг фикрлари» номли рисоласида ҳар бир инсон ўз табияти билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди, деб айтиб ўтади.

Форобий инсонларни ўзаро ҳамкорликка чақиради, дунёда ягона бир бутун инсон жамоасини тузиш ҳақида орзу қилади. «Бахт-саодатга эришув ҳақида» рисоласида камолотга бир кишининг ёлғиз ўзи (бировнинг ёки кўпчиликнинг ёрдамисиз) эришуви мумкин эмас. Ҳар бир инсоннинг туғма табиятида ва унга лозим бўлган ҳар қандай иш ва ҳаракат жараёнида бошқа бир инсон ёки кўпчилик билан муносабатда бўлиш, ўзаро алоқа қилиш ҳиссиёти бор, одам жинсидан бўлган ҳар қандай инсоннинг аҳволи шу; у ҳар қандай камолотга эришувда бошқаларнинг кўмаклашувларига ва улар билан бирлашишга муҳтож ёки мажбурдир, дейди.

Форобий давлатни бошқаришнинг турли шакллариини ҳар томонлама етук, ўзида энг яхши ўн икки инсоний фазилатни жо қилган кишилар ёрдамида бошқариш зарурлигини қайд этади. Шунингдек, у ҳар томонлама етук барча аҳолини илм-маърифатга олиб боровчи идеал жамоа ҳақидаги орзусини олға суради. «Фозил шаҳар аҳолисининг фикрлари» китобида Форобий

давлатни бошқарувчи киши соғлом, жасур, ботир, ақли ва маърифатпарвар, тинчликсевар, адолатпарвар бўлиши, кишилар билан муомала қилиш санъатини чуқур билиши ва бу билиш амалда усталик билан кишида мужассамланар экан, у давлат бошлиғи бўлишига энг лойиқ одамдир, дейди.

Форобийнинг билиш ҳақидаги фикрлари ҳам эътиборга лойиқ. Билиш масаласига у инсон моҳиятини тушунтириб беришнинг таркибий қисми сифатида қарайди. У инсон табиат тараққиётининг маҳсули бўлиб, ўз сифатлари билан ҳайвонот олаmidан фарқ қилади, инсон — билиш субъекти, табиат эса унинг объекти, деб билади. Табиатнинг одамдан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлигига Форобий шубҳа қилмайди. Объект субъектга қадар мавжуд бўлади. Сезилувчи нарса сезгиларга қадар мавжуд бўлгани каби билинувчи нарса ҳам билишга қадар мавжуддир, дейди у. «Илм ва санъатнинг фазилатлари» рисоласида табиатни билишнинг чексизлигини, билишнинг билмасликдан билишга, сабабиятни билишдан оқибатни билишга қараб боришини таъкидлайди.

Форобий билишда икки босқични — ҳиссий ва ақлий билишни фарқлайди: ҳиссий билишни борлиқнинг ташқи хоссалари ҳақида билим бериш манбаи деб қарайди. Шу билан бирга у ақлий билиш ҳиссий билишсиз вужудга кела олмаслигини уқтиради. Булар орқали биз Форобийнинг билиш назариясида материалистик фикрлар борлигини кўрамыз.

Форобий энг илғор олим, илм ва маърифат курашчиси бўлишига қарамай, барибир, ўз даврининг, ижтимоий муҳитнинг фарзанди эди. Ўша даврдаги ижтимоий муҳит, жамият ҳаётидаги зиддиятлар унинг ижтимоий-фалсафий таълимоти ва дунёқарашида ўз таъсирини кўрсатмаслиги мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам Форобийнинг дунёқараши ўша даврнинг фазилатларини ифодалади ва ҳукмрон ижтимоий-сиёсий тузум иллатларидан холи бўла олмади.

Ўрта Осиё ва умуман Шарқнинггина эмас, балки бутун инсониятнинг ифтихори ва улуғ олимларидан ҳисобланган *Абу Райҳон Беруний* (973—1048 йиллар) ўрта аср илмининг турли соҳаларида самарали ижод қилди. Беруний ўзининг табиий-илмий ва фалсафий мулоҳазаларида материя нарсаларни яратади, уларнинг шаклларини ўзгартиради ва табиатдаги жараён-

ларни ифода этади, дейди. «Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар» асарида айтилишича, «Олам азалий... фалак чексиз бўшлиқда жойлашган».

Беруний материя доим ўзгариб, ҳаракат қилиб, янгиланиб, турли шаклга кириб туриши, моддий нарсалар ва уларнинг ҳаракати абадий эканлигини алоҳида қайд қилади. Унинг фикрича, оламда нарсалар ривожланиб туради, нарсаларнинг ниҳоясиз равишда яширинликдан юзага чиқиши ривожланишга далилдир. Одамларнинг ранг, суврат, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши,— дейди у,— фақатгина нарсаларнинг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва жойлар, табиатнинг турличалигидан ҳамдир.

Беруний коинотда Ердан, бизнинг ҳаётимиздан ташқари яна бошқа дунёлар мавжудлиги ҳақидаги, ҳаракат зиддиятга асосланиши ҳақидаги илмий фикрларни ҳам илгари суради. Унингча, табиатда маълум қонуният бор, табиатдаги ҳодисаларни ўша қонуниятларга, табиатнинг ўзига асосланиб изоҳ этиш, тушуниш керак. Табиатда ўз-ўзидан майдонга келиб чиқадиган ғайриқонуний, табиатсиз нарса йўқ. Юзаки қараганда, тартибсизликка ўхшаган қонуният натижаси бўлиб кўринган ҳодисалар ҳам аслида маълум қонуният асосида майдонга келади.

Беруний табиатдаги нарсалар ва ҳодисаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақидаги диний тушунчаларга ўзининг материалистик фикрларини қарши қўяди. Ер Қуёш атрофида айланади, деган хулосага келиб, оламнинг гелиоцентрик назариясини ёқлашга интилди. Берунийнинг дунё олдидаги энг катта хизматларидан бири шундан иборатки, у Галилейдан бир неча аср олдин Ернинг дўмалоқ шаклида эканлиги ва Қуёш атрофида айланиши ҳақидаги фаразни ўртага ташлаган. У астрономия, геология, гидростатика ва жуғрофия соҳасидаги рационалистик фикрлари билан Коперник, Леонардо да Винчи ва бошқа олимларнинг кашфиётларини кўп жиҳатдан олдиндан пайқаган эди. Фалсафа, тарих ва бошқа гуманитар фанлар соҳасида ҳам замонасининг илғор кишиларидан бири эди.

Беруний таълимотига кўра, табиатни билиш жараёни сезгилардан бошланиб тафаккурга кўтарилади, маълум нарсалардан номаълум нарсаларга ва ҳодисаларни билишга томон ривожланиб боради. Билиш жараёнида ҳиссий билиш — сезги, идрок, хотира каби-

ларга Беруний катта эътибор беради ва уларсиз табиат ҳодисалари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин эмаслигини таъкидлайди.

Беруний жамият тараққиётида илм-фан ва маданиятнинг ролини кескин ошириш, мамлакатлараро маданий-илмий, савдо-сотиқ алоқаларини кучайтириш тарафдори эди. У ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли нодир асарида араб босқинчиси Қутайба ибн Муслимни Хоразм маданиятини оёқ ости қилгани учун қаттиқ қоралайди. «Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейин ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди»,— дейди у.

Илм аҳли *Абу Али ибн Сино* (980—1017 йиллар) ни жаҳон фани ва маданиятнинг чўққиси, машҳур энциклопедист олим сифатида билади ва юксак даражада эъзозлайди. Унинг илмий меросида фалсафий масалалар муҳим ўрин эгаллайди. Ибн Сино қайси бир аниқ илмий масала устида фикр юритмасин, деб ёзган эди М. Хайруллаев, уни умумий фалсафий нуқтаи назардан баҳолайди, унга умумий билимлар системасининг бири сифатида ёндошади.

Ибн Сино фикрича, оламда, инсоният дунёсида ҳеч бир нарса ва ҳодиса ўз-ўзидан, сабабсиз бўлмайди. Ҳар қандай касаллик муайян бир сабабнинг, гоҳо ташқи, гоҳо очиқ, гоҳо махфий сабабларнинг натижаси, оқибатидир. «Ҳар бир нарсани билиш,— дейди аллома,— у нарсаларнинг сабаблари бўлса, шу сабабларни билиш орқали ҳосил бўлади ва тугалланади. Шунинг учун тибда соғлиқ ва касалликнинг сабабларини билиш керак бўлади. Соғлиқ, касаллик ва уларнинг сабаблари гоҳо очиқ, гоҳо махфий бўлиб, унга ҳис билан эмас, балки белгиларига асосланиб фикр юритиш билан етишилади»¹.

Ибн Сино касалликни ўрганишда объектив шароитларни ҳар томонлама билишга катта аҳамият беради. Касалликларни келтириб чиқарувчи ва ривожлантирувчи сабабларни у тўртга бўлади. Булар: моддий, фаол,

¹ *Абу Али ибн Сино*. Тиб қонунлари. I китоб. Тошкент, ЎзССР Фанлар академияси нашриёти, 1954, 5—6-бетлар.

шаклий ва тугалловчи сабаблардир. Фаол сабаблар,— дейди Ибн Сино,— одам гавдасининг ҳолатларини ўзгартирувчи ёки сақловчи сабаблардир. Улар эса ҳаволар ва уларга алоқадор нарсалар, овқатлар, сувлар, ичимликлар ва уларга алоқадор нарсалар, бўшалиш (ва унинг акси), тўхталиш, шаҳарлар, турар жойлар ва буларга алоқадор нарсалар, жисмоний ва нафсоний ҳаракат ва осойишталикдир. Уйқу ва уйғоқлик ҳам фаол сабаблардандир. Бир ёшдан бошқа бир ёшга ўтиш, ёш ва жинс эътибори билан фарқланиш, ҳунарлар, одатлар, одам гавдасига тегиб, унинг табиатига ё тескари бўлмай, ё тескари бўлиб тушадиган (дорилар каби) нарсалар фаол сабаблардир»¹.

Ибн Сино дунёнинг ҳеч нарсадан пайдо бўлмаганлигининг, унинг йўқ бўлмаслигини, доимийлигини эътироф этди, реал дунё — мангудир, деган фалсафий қарашни ривожлантирди. У ҳамма нарсаларнинг моҳиятини материя ташкил этади, материя турли-туман шаклларда намоён бўлади, жисмлар ва уларнинг шаклларини ажратиб бўлмайди, материясиз жисм шакли, жисм шаклларисиз материя йўқ, деган фикрни илгари суради.

Ибн Сино жисмлар тўрт унсурдан ташкил топган, дейди. Бу тўрт унсур — ҳаво, сув, олов, тупроқ,— ўзаро боғлиқ, улар бир-бирига таъсир этади. Шулардан у ёки бу нарса пайдо бўлади. Материянинг энг содда бўлакларга бўлинмайдиган шакли — тўрт элемент, яъни ҳаво, сув, ўт, тупроқдан иборатдир. Уларнинг ўзаро турлича бирикуви натижасида мураккаб моддий нарсалар ташкил топади. Мураккаб нарсалар ўзгариб, турли шаклларга эга бўлиши мумкин, лекин уларнинг асоси — тўрт элемент ўзгармайди, йўқолмайди. Материя эса ҳаракат, вақт, фазо билан боғлиқдир.

Материя ва у билан бирга мавжуд бўлган хусусиятларнинг абадийлиги, табиатнинг ички қонуният асосида мавжудлиги, моддий детерменизм — ибн Сино фалсафасининг энг кучли, энг илғор, материалистик томонларидандир.

Энг мураккаб, ўта зиддиятли тарихий-ижтимоий муҳитда шаклланган мутафаккирлардан ҳисобланган

¹ Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. I китоб. Тошкент, ЎзССР Фанлар академияси нашриёти, 1954, 7- бет.

Муҳаммад Тарағай Улуғбек (1394—1449 йиллар)нинг ўз даври илм-фани тараққиётига қўшган буюк ҳиссасини инсоният ҳеч қачон унутмайди. Улуғбекнинг астрономик жадвали ва унинг раҳбарлигида бино қилинган расадхона ўша давр астрономия фани ютуқларининг чўққиси бўлиб, фаннинг тараққиётида чуқур из қолдирди. Унинг «Зижи Кўрагоний» номли нодир асарида илгари сурилган илғор фикрлар материалистик қарашларнинг ривожланиши ҳамда илм-фан ва жаҳон маданиятининг бойишига замин яратди, хурофот ва бидъатга зарба берди.

Жаҳон фани ва маданияти тарихида ўчмас из қолдирган даҳолар орасида фахрли ўрин эгаллайдиганлардан яна бири Алишер Навоийдир (1441—1505 йиллар). Унинг фалсафий, ахлоқий, ижтимоий-сиёсий қарашларида умуминсоний аҳамиятга эга бўлган фикрлар беҳисобдир.

Алишер Навоий асарларида фалсафий муаммолар катта ўрин тутadi. Унинг фикрича, воқеликдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг асосини руҳоний субстанция — Худо ташкил этади. Худо табиатдан ташқари абадий мавжуд бўлган шахс эмас, балки у турли-туман нарса ва ҳодисалар туфайли ўзини акс эттирувчи яккаю ягона субстанциядир. Инсон табиатнинг ажралмас қисми сифатида шу руҳоний субстанциянинг олий шаклидир. Шундай қилиб, Навоий ўзининг пантеистик дунёқарашлари билан ўрта асрда кенг тарқалган икки оқимга: Худо табиатдан ташқари абадий мавжуд бўлган шахсдир, деган диний тасаввурга ва дунё йўқ нарсадан эркин яратилган, деган ғояга қарши чиқади. Навоий олам яккаю ягона, олам чексиз деган ғояни олға суриб, атрофимизни қуршаб турган нарса ва ҳодисалар бир хил руҳоний субстанциядан ташкил топади, у доимо ҳаракатда бўлиб, тараққий этиб туради, деб таъкидлайди.

Инсон ўз тасаввури ва тушунчалари ёрдамида воқеий оламни билиш имкониятга эга. Нарса ва ҳодисалар тўғрисидаги билимлар инсоннинг 5 сезги органлари ва унинг тафаккури орқали тўпланган маълумотларга асосланади. Ана шу билимлар асосида инсон ҳақиқатни ёлғондан, яхшини ёмондан ажратади ва олам тўғрисида муайян билим ҳосил қилади.

Навоий асарларида жамият ҳақида, унинг ижтимоий-сиёсий тузилиши, аҳолининг ижтимоий табақа-

ланиши, кишиларнинг меҳнатга муносабатлари, инсоннинг қадр-қиммати, жамиятда тутган ўрни каби масалалар ҳам ўз аксини топган.

Юқорида кўриб ўтилганидек, ўрта асрлар даврида Европа мамлакатларида илм-фан ва маданият инқирозга учраб турган бир пайтда Ўрта Осиё мутафаккирлари буюк кашфиётлар қилиб ва унга асосланиб, фалсафанинг янги бир шаклини вужудга келтириб, жаҳон илми ва маданиятини ривожлантириш ишига бебаҳо ҳисса қўшдилар. Уларнинг бой илмий мероси халқимизнинг буюк ифтихоридир.

Бой қадимий тарихга эга бўлган Ўрта Осиё халқлари ва уларнинг сафидан етишиб чиққан зукко олимлар, тарихчи ва файласуфлар, шоир ва ёзувчилар томонидан илм-фан ва маданиятни, илғор ижтимоий-фалсафий фикрларни ривожлантириш соҳасида бошлаб берилган буюк анъаналар кейинги асрларда ҳам давом эттирилди ва муносиб равишда ривожлантирилди. XVII—XVIII асрларда ва ундан кейинги даврларда бу жараён гарчи ўта қийинчиликлар ва зиддиятлар асосида бўлса-да, ривожланишда давом этди. Бу даврларда ўлкамизда шоир ва ёзувчиларнинг, тарихчи ва файласуфларнинг буюк намояндалари етишиб чиқди, янги илғор ғоялар илгари сурилди. Ҳозирга қадар ҳам ўзининг қиммати ни йўқотмаган, материалининг бойлиги, ахлоқий, таълим-тарбиявий аҳамиятининг кучлилиги, нафислиги билан кишини чуқур ўйга солувчи ва унда катта завқ уйғотувчи ғазаллар, рубойлар, ҳикоялар, тарихий асарлар шу даврнинг маҳсулидир. Бу даврдаги илғор ижтимоий-фалсафий фикр Машраб, Махмур, Гулханий, Аҳмад Дониш, Муқимий, Фурқат сингари ажойиб инсонлар номлари билан боғлиқдир.

Ўзбек шоири ва мутафаккири *Бобораҳим Машраб* (1657—1711 йиллар) ана шу тарихий шароитда яшади ва ижод қилди. У шайх ва муллаларнинг фирибгарликларини фош қилган, истибдод ва золимларни қоралаган исёнкор шоир эди. Шунинг учун ҳам руҳонийлар Машрабдан ўч олдилар. Балх ҳокими Махмуд Қатоғон амри ва руҳонийлар фатвоси билан Машраб дорга осилади. Машраб ўз дунёқарашининг асосларини «Мабдаи нур» номли шеърый асарида ифода қилади. Дилда дардинг бўлмаса дард дафтаримни ковлама, деган эди Машраб. Шоирнинг қатл этилиши ўша даврнинг катта фожиаси бўлди.

Ўзбек масалнавис шоири ҳисобланган *Муҳаммад Шариф Гулханий* (XVIII аср охири — XIX аср боши) ўзининг машҳур «Зарбулмасал» («Япалоққуш ҳикояси») насрий асарида Мовароуннаҳр Қўқон хонлигининг бебошликлари туфайли вайронага айланганини, ҳукмрон синфлар зулми ҳаддан ошганини, халқ оммаси турмушининг чидаб бўлмас даражада оғир эканини қушларнинг тилидан мажозий усул билан моҳирона акс эттиради. Гулханий қушларнинг бир-бирига қуда бўлиш, тўй ҳозирлигини кўриш можароларини акс эттириш орқали ўша давр ижтимоий ҳаёти ҳодисаларини тасвирлай олади. Шунингдек, зодагонларнинг хасис, нодон ва халққа нисбатан шафқатсизлигини дадиллик билан кўрсатади.

Аҳмад Дониш (1827—1897 йиллар) «Наводир-ул вақое» («Нодир воқеалар») номли машҳур тарихий, илмий-фалсафий асарида оламнинг абадийлиги, Ернинг юмалоқ шарлиги, сайёраларнинг ҳаракат қилиб туриши, Қуёш ва Ой тутилишини олдиндан айтиб бериш мумкинлиги тўғрисида гапирган. «Ер қимирлаши сабабсиз бўлмайди,— дейди у,— бунинг сабаби эса ҳароратлик, унинг Ер марказидан юқорига кўтарилиши ёки тоғнинг баъзи жойлари бўшашиб кетганлигидир... Ер остида тиқилиб-сиқилиб ётган буғларнинг кучли ҳаракатларидан ўша ерда зилзила пайдо бўлади. Бундай тоғ атрофидаги баъзи жойларда ёрилиб, сув булоқлари оқади, ёки у ҳароратнинг зарбасидан ёрилганда ундан қаттиқ садоли товуш чиқади. Тоғ тепаликларининг оралари ажралиб, улардан унгур, тешиклар пайдо бўлади»¹.

Мутафаккир ер ости маъданларининг ҳосил бўлиши ҳақида фикр юритиб, тоғлардаги ҳамма маъданлар Ер марказида нам олган иссиқ буғдан пайдо бўлади, деб таъкидлайди. Шунингдек Ой ва Қуёш тутилиши сабабларини табиатнинг ўзидан қидириш зарурлигини айтиб ўтади. Агар биз билишга интилсак,— дейди бу ҳақда А. Дониш,— Ой ва Қуёшнинг тутилиши биз учун билиб бўладиган, тушуниладиган нарсага айланади.

Аҳмад Донишнинг илғор фикрлари унинг замондоши *Муҳаммад Амин Мирзахўжа ўғли Муҳимий* (1851—1903 йиллар)нинг фикрларига ҳамоҳангдир.

¹ *Аҳмад Дониш*. Наводир-ул вақое. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1964, 101-бет.

Муқимийнинг энг катта хизмати ва жасорати шундаки, у халқни эзиб келаётган бойларни, судхўрларни, мустамлакачи амалдорларни, заводчи ва фабрикантларни дадиллик билан фош этган, ҳақиқатни айтишдан тап тортмаган, халқни деб халқ билан бирга яшаган. Бунга унинг, гар қилич бошимга келса ҳам дегайман ростин, деган сўзи мисол бўла олади.

Муқимий «Танобчилар» «Саёҳатнома», «Вексиль», «Баччагар», «Чойфуруш», «Тўй», «Додҳохим», «Бормикин» каби ўнлаб асарларининг ҳар бирида халқ манфаатини астойдил туриб ҳимоя қилади, феодал тузум иллатларини, ҳукмрон синфлар кирдикорларини очиб ташлайди, келажакка умид билан қарайди. Унинг, келар охир сени ҳам йўқлагудек бир замон яхши, деган яхши умид ва ишонч билан тўлган фикри ҳануз халқ ўртасида машҳурдир.

Ўзбек халқи ва бошқа қардош халқлар ижтимоий-фалсафий фикрларининг ривожланишида *Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат* (1858—1909 йилар)нинг роли ва аҳамияти бошқа мутафаккирларникидан асло кам эмас. Унинг асарларида илгари сурилган илғор ғоялар, фикрлар шу қадар кўп ва хилма-хилки, уларнинг ҳаммасини бирма-бир кўрсатишнинг ҳеч бир иложи йўқ. Ватани севиш, унинг ўтмиш тарихи ва маданиятини, тили, адабиёти ва санъатини ҳурматлаш, уларни катта ҳурмат билан ўрганиш ҳақида Фурқат шу қадар бебаҳо фикрлар айтганки, унинг бу фикрлари ҳамон эъзозланмоқда. Фурқат оддий меҳнаткаш халқни, моддий ва маънавий бойликлар ижодкорларини дил-дилидан севган, улар учун ачинган ажойиб инсонпарвар шоирдир. Фурқат чор амалдорлари, маҳаллий бойлар ва рухонийларнинг манфаатпарастликлари, халққа ўтказаятган зулм-ситамларини ўзининг ўтли сатирик асарларида чуқур очиб ташлайди. Бунга унинг «Туф» шеърини мисол қилиб келтириш мумкин. Шеърда у етим-есирлар ҳақини еб, камбағалларни қон-қақшатиб даврон сурган Қўқон боёнларини, Захаров ва Морозов сингари фабрикантларни лаънатлайди:

Фурқато, бойларга туф деб қанча ёзсанг, шунча оз,
Рост эрур бу сўзларим, биллоҳки, ёлгонларга туф!

Фурқатнинг «Сайдинг қўябер сайёд» деб бошланган шеъри ўша даврдаги ҳақсизликларни, тенгсизлик ва ижтимоий адолатсизликларни, синфий-сиёсий зулм-

ларни бадий тасвирлаш ва рўй-рост фош этишнинг ажойиб намунасидир. «Илм хосияти», «Суворов», «Рус аскарлари таърифиди» деган шеърларида эса у илғор рус фани ва маданияти, халқлар дўстлигининг тарғиботчиси сифатида гавдаланади.

Убайдулла Завқий (1853—1921 йиллар) ҳам ўзининг «Абдурахмон шайтон», «Воқеаи Виктор», «Гудаслик бой ҳақида», «Обид мингбоши ҳақида ҳажв», «Шоҳ Иноят қўрбоши ҳақида ҳажв» ва бошқа асарларида меҳнаткашлар оммасининг манфаатини биринчи ўринга қўйиб, уларнинг жабр-зулм, ҳақсизликда яшашини акс эттиради. Жумладан, «Мунча кўп» шеърида меҳнаткаш омманинг оғир аҳволини қўйидаги мисраларда моҳирлик билан тасвирлайди.

Қишлоқ эли шафтоли қоқи — нон тополмагай,
Қийган либосини тортса, (белини) ёполмагай,
Ўлди совуқда кўпи оч, ўтун ёқолмагай,
Қўрдик бу машаққати ҳаргиз йўқолмагай,
Қиш чилласида ёзга умидвор мунча кўп.

Аваз Ўтар (1884—1919 йиллар) донишманд одам сифатида халқ ўртасида маълум ва машҳурдир. У ўзи яшаган даврнинг иллат ва маразликларини халқчил шоир сифатида фош қилади. Чунончи, шоир хонавайрон бўлган халқ номидан бундай дейди:

Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора халқ,
Зулм тиғи бирла бўлган бағри юз минг пора халқ.

Аваз Ўтар маърифатпарвар, инсонпарвар, демократ шоир сифатида халқ оммасининг бахтиёр кунларга етишини орзу қилади:

Бор умидим тезда бўлғуси ҳуррият куни,
Эй Аваз, қолмас булут остида донм офтоб.

XVIII аср охири—XIX аср бошларидаги илғор ижтимоӣ-фалсафӣй фикр олами билиш мумкинлигини тарғиб қилиб, табиӣй илмларни ривожлантиришга уринди, шунингдек меҳнаткаш халқ турмушининг норчилигини очик-ойдин баён этди. Ўлкамизда яшаб ижод этган мутафаккирларнинг асарларида, халқ оғзаки ижодиётида, мақолларда, дostonларда чуқур баён этилган сиёсий, ахлоқий, бадий фикрлар халқларимизнинг асрлар оша яратилган маданий меросининг аж

ралмас қисми сифатида бебаҳодир. Шунингдек улар катта илмий, тарбиявий аҳамиятга эга.

Юқорида айтилганлардан яққол кўриниб турибдики, ўзбек халқининг маданияти жуда қадимий бўлиб, унинг тарихи бир неча минг йилларни ўз ичига олади. Ўзбек халқининг маданияти ҳам жаҳон маданиятидан четда юзага келган ва ривожланган эмас. Зотан ҳар бир халқ маданияти ўз мамлакати доирасида, тор миллий биқиқликда эмас, балки бошқа халқлар маданияти билан ўзаро алоқада, ўзаро боғлиқликда, ўзаро таъсир ва акс таъсир этиш асосида ривожланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданияти ривожланиши бир текисда амалга ошган эмас. Унда бир неча бор юксак чўққиларга кўтарилиш, уйғониш давлари ҳам, аксинча, тушкунлик давлари ҳам бўлган. Маданий тараққиётдаги нотекисликнинг, баъзан жуда катта тезлик билан беҳад илгарилаб кетишнинг, гоҳида эса сустлашиб, секинлашиб, турғунликка учраб қолишнинг асосий сабаби ва туб моҳиятини унинг ўзидан эмас, балки ҳукмрон ижтимоий-иқтисодий муносабатлар моҳияти ва хусусиятидан, ички ва ташқи сабаблар таъсиридан қидиришга тўғри келди. Инсоният тараққиёти ҳар доим узлуксиз ва бир текис боравермайди. Тарихда баъзан турғунлик, эришилган ютуқлар билан чекланиш, маданиятнинг баъзи соҳаларида депсиниш ҳоллари ҳам бўлиб туради. Буни биз ўз халқимизнинг Октябрь инқилобидан кейинги, шахсга сиғиниш, турғунлик йилларидаги тарихидан яққол кўришимиз мумкин.

Халқимизнинг маданий-маънавий ҳаётида Октябрь инқилобидан кейинги йилларда рўй берган ўзгаришлар кўп қиррали, жиддий, мураккаб ва зиддиятли жараён бўлиб, шу даврнинг ўзига хос бўлган ижобий ва салбий томонлари билан ажралиб туради.

Энг аввало шуни қайд этишимиз керакки, заҳматкаш халқимизнинг меҳнати туфайли биз 75 йил ичида маориф, маданият, фан тараққиётида муайян ютуқларни қўлга киритдик. Халқимиз саводсизликдан холи бўлди, миллий зиёлилар шаклланди. Кўп асрлик тарихга эга бўлган ўзбек адабиёти, санъати ва маданияти равнақ топди. Жумҳуриятимизда ўзбек тилида халқимизнинг тарихи, тили ва маданиятини ўрганадиган миллий марказлар ташкил топди. Минглаб мактаблар, юзлаб олий ва ўрта махсус билимгоҳлари, ҳунар-тех-

ника билим юртлари, маданий муассасалар, театрлар халқимизнинг маданий юксалишига хизмат қилмоқда. Буларнинг биронтасини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Минг афсуслар билан шуни айтиш керакки, кейинги вақтда ўтмишга танқидий кўз билан қараш туфайли кейинги 75 йиллик тарихимизда рўй берган ютуқларни ҳам инкор қилиш, тарихга менсимай қараш ҳоллари кўзга ташланиб турибди. Бу ёшларнинг тарихий онгини шакллантиришда катта нуқсонларга йўл очиб бермоқда. Тарихга одилона, чуқур ва атрофлича ёндошиш — ёш авлодда тўғри тарихий онгни шакллантиришнинг биргина йўли эканлигини ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керак.

Шу билан бир қаторда бутун шўролар мамлакатидида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам шахсга сиғиниш ва турғунлик даврларида рўй берган ижтимоий адолатсизлик ва бузилишлар, маъмурий буйруқбозлик асосидаги бошқариш усуллари жамият тараққиётига ҳар тарафлама салбий таъсир қилганлигини эътироф этмасдан ўтиб бўлмайди. Сўнгги ярим аср давомида биз тилимиз, маданиятимиз, тарихимизга беписанд қарадик, ўтмишимизни қоралаш ва камситишдан нарига ўтмадик. Бир неча минг йиллик маданий меросимизни, миллий тилимизни, миллий тарихимиз, миллий анъаналар, урф-одатларимизни унута бошладик. Жумҳуриятимизда қисқа муддат ичида икки марта имло ўзгариб, халқ икки марта саводсиз бўлиб қолди. Араб имлосидан воз кечиш халқни 13 асрлик она тарихидан бутунлай узоқлаштирди. Қатағонлик даврларида араб имлосида ўқиш ва ёзишни биладиган зиёлилар таъқиб остига олинди, бу имло ёзилган жамики китоблар, нодир қўлёзмалар, мазмунидан қатъи назар, деярли йўқ қилиб ташланди, ёқиб юборилди. Натижада бутун бир маънавий бойликдан маҳрум бўлинди.

30-йилларда ва ҳатто яқин-яқинларда ҳам Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Хива, Қўқон, Шаҳрисабз ва бошқа жуда кўплаб шаҳарлар ҳамда қишлоқлардаги масжид ва мадрасалар, динга қарши кураш ниқоби остида бузиб ташланди, халқимизнинг меҳнати ва ақлидроки билан дунёга келган гўзал тарихий обидалар ўйланмай-нетмай яксон қилинди. Масалан, мавжуд маълумотларга кўра, инқилобгача Бухорода 200 мингдан ортиқроқ халқ истиқомат қилган, 400 дан зиёд масжид, 30 мадраса бўлган, улар азал-азалдан фақат

ўзбек халқининг эмас, балки бутун инсониятнинг ҳам фахр-ифтихори ва маънавий мулки ҳисобланган. Эндиликда эса Бухорода 15 масжид қолган. Бундан юз йиллар аввал Тошкентда 512 маҳалла, 349 масжид, 26 мадраса, 30 карвонсарой мавжуд бўлган. Яқин-яқинда эса масжид ва мадрасаларнинг сони бармоқ билан санарли эди.

Ўтмишда халқимиз маданиятининг ажралмас қисми бўлган ислом динини зўр бериб қораладик, диний адабиётларни йўқ қилдик. Диндорлар маънавий таҳқирланди, ҳуқуқлари чеклаб қўйилди. Халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари, «Наврўз» ва шу каби миллий байрамлар оёқ ости қилинди. Тарихимиз юзаки ва бир томонлама ўрганилди.

Эндиликда шуларнинг ҳаммасига чек қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов қайд этгандек, маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди. Тарихни тикладик, Она тилимизни англадик. Улуғ боларимиз руҳини шод этдик. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир сингари халқ жигарбандларининг номи, иззат-икроми, ҳурмати ўз жойига қўйилди.

Удумларимиз, қадриятларимизга қайтдик. Юртимизга Наврўз кириб келди. Рамазон, Қурбон ҳайитларига етдик.

Динга муносабатимиз ўзгарди. Ўртадаги тушунмовчилик, қарама-қаршилик йўқолди. Бунинг ўрнига ҳамкорлик, ҳамжиҳатликка ўтдик.

Ошкоралик, демократия йўлида биринчи, лекин далил қадамлар қўйдик.

Бир сўз билан айтганда, ўзимизни англадик, ўзимизга қайтдик. Халқимизда миллий «ғурур учун белни боғлаб, дўппи кийиб юришга замин яратдик»¹. Бунинг ҳаммаси давлат мустақиллигининг самарасидир.

Республикамизнинг маданий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун халқимизнинг маданий меросини чуқурроқ ўрганиб, уни ўзлаштириб олиш билан бир қаторда маориф, фан, санъат, маънавий тарбиялаш ва бошқа соҳаларда турган кўпгина ишларни амалга оширишимиз керак.

Ўрта Осиё халқларининг, хусусан ўзбек халқининг неча-неча асрлар ва минг йиллар давомида сақланиб

¹ «Ўзбекистон овози», 1992 йил 5 январь.

келаётган маданий мероси шу қадар бой ва сермазмунки, ҳали ҳанузгача унинг сони қанчалигини на биронта олим, на биронта мутахассис аниқ қилиб айтиб бера олган эмас.

Маданий мерос масаласида олдимизда турган асосий мақсад жумҳуриятимизда яшаётган барча миллатлар маданияти тарихини чуқур ўрганиш, тарғиб қилиш, кишиларни халқпарварлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида улардан самарали фойдаланиш, маданий ёдгорликларни, тарихий обидаларни излаш, прогрессив миллий урф-одатларни, халқ оғзаки ижодини ўрганиш ва уларнинг намуналарини тўплаш, ҳозирги кунда яратилаётган моддий ва маънавий маданият ёдгорликларини келажак авлодларга тўла етказиш учун барча зарур чораларни кўриш, ёш истеъдодларнинг камол топишига ҳар томонлама кўмаклашишдан иборатдир.

Қатта эътибор берилиши керак бўлган вазифалардан яна бири қадимий ва ўрта асрлар қўлёзмаларини тўплаш ва ўрганишдир. Қадимий қўлёзмалар маданий ёдгорликларгина бўлиб қолмасдан, халқимиз тарихининг турли соҳаларини ўзида ёритган бебаҳо хазина ҳамдир. Қўлёзмаларга асосланиб, тарихий тараққиётнинг, маданият, санъат ва адабиётнинг изи ўчиб кетган саҳифаларини қайтадан тиклаш мумкин. Ўлкамизда ўтмишда юз берган урушлар, турли ғалаёнлар, адолатсизликлар кўпгина қимматли қўлёзмаларнинг хорижий мамлакатларга олиб кетилишига сабаб бўлди. Мўғулистон пойтахти Улан Баторнинг ўзида Чингизхон ва унинг авлодлари даврида Ўрта Осиёдан олиб кетилган тўрт миллиондан ортиқ қўлёзма сақланаётган экан. Бошқа мамлакатлардагиси, эҳтимол бундан кам эмасдир. Жумҳуриятимизнинг ўзида 80 минг атрофида ноёб қўлёзмалар бор. Эски қўлёзмалар устида малакали иш олиб бора оладиган мутахассислар йўқлиги ва етишмаслиги туфайли кўплаб нодир асарлар ҳануз ўрганилмай ётибди. Қадимий қўлёзмаларни ўқиб ўрганадиган кадрларнинг етишмаслигини назарда тутиб эски ўзбек ёзувини, араб, форс тилини ўргатувчи махсус мактаблар, билимгоҳлар ташкил қилсак мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Қадимий қўлёзмаларни ўрганиш билан бир қаторда уларни чоп этишимиз, ўтмишда қатағон қилинган, ўлдирилган Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий ва бошқа шоир,

ёзувчилар ва олимларнинг асарларини халқимизга тўла етказиб беришимиз лозим. Биз шуни эсдан чиқармаслигимиз керакки, ўтмиш ҳақидаги нодир китобларни ўрганишга эътибор кучайтирилмас экан, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш вазифаларини муваффақиятли равишда амалга ошириб бўлмайди. Халқнинг улуғлиги унинг кўҳна тарихи, қадимий бой мероси, улуғ кишиларнинг буюк ишлари, юксак маданияти, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси билан белгиланади. Ўтмишни билиш авлод-аждодларга ҳурмат билан қарашдир. Ўтмиш тарихини билмаган одамнинг келажаги бўлмайди.

Миллий давлатимизнинг маънавий мустақиллигини таъминлашда маориф соҳасига тааллуқли бир қатор масалаларга эътиборни кучайтиришимиз лозим. Энг аввало, мактабларимизнинг аҳволини яхшилаш, уларнинг ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиб, миллий тус бериш, ёш авлоднинг келажаги устида бош қотиришимиз керак. Мустақилликни ўйлаётган юртнинг аввало мактаби мустақил бўлмоғи шарт. Унинг учун ўқув режаларини қайта кўриб чиқиш, жумҳуриятимизнинг ҳаётига мослашган ўқув дастурини яратишимиз керак. Шунинг билан биргаликда янги ўқув қўлланмалари ва дарсликларини яратишни ҳам тезлаштиришимиз лозим. Ўзбекларнинг мактаби, уларнинг ўқув режалари, дарсликлари ва ўқув қўлланмалари бошқа жумҳуриятларникидан ажралиб туриши керак. Унда ўтмиш меросимиз, урф-одатимиз ва миллий анъаналаримиз тўлиқ ўз аксини топиши керак.

Олий билимгоҳлар ва ўрта махсус билим юр்தларининг ҳам ўқув режаларини, ўқув дастурларини жумҳуриятимизнинг эҳтиёжларига мувофиқ қайта кўриб чиқиш керак. Уларнинг моддий-техникавий базасини яхшилашимиз лозим. Бу соҳада ҳал этишни кутиб турган бошқа кўп муаммолар мавжуд эканлиги бизга сир эмас.

Мустақил давлатнинг истиқболи, унинг куч-қуввати фан, санъат тараққиёти билан узвий боғлиқдир. Фан ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда ва ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришда, техника ва технологиянинг принципиал янги хилларини яратишда, меҳнат унумдорлигини оширишда, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва кўркамлаштиришда тобора кўпроқ роль ўйнайди. Шунинг эътиборга олган ҳолда фан

билан ишлаб чиқариш интеграциясининг, фан-техника тараққиётини бошқаришнинг ташкилий-хўжалик шакллари мунтазам такомиллаштириб бориш, актуал амалий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ечимларини кенгайтириш, уларнинг самарадорлигини оширишни таъминлаш лозим. Академия, олий ўқув юртли ва тармоқ фанларнинг ўзаро ҳамкорлигини изчиллик билан мустаҳкамлаш керак. Фикримизча, жумҳуриятимизни ҳозирги тангликдан олиб чиқиш йўллари ва унинг мустақиллигини янада мустақил қилишни кўзлаб, Ўзбекистон давлатида фан тараққиётининг миллий дастурини ишлаб чиқиб, уни изчиллик билан амалга ошириш чораларини ўйлаб кўришимиз керак. Илмий асосланмаган мустақиллик — бу қумнинг устига солинган иморатдир. Буни эсдан чиқариш керак эмас.

Мустақил давлатнинг асосий вазифаларидан бири бу меҳнаткашлар оммасини маънавий ва моддий маданият бойликлари билан тўлароқ ва чуқуроқ таъминлашдир. Адабиёт ва санъат халқ манфаатларига, давлат мустақиллигини таъминлашга қаратилиши лозим. Адабиёт ва санъат кишилар учун қувонч ва илҳом манбаи бўлиши, уларнинг иродаси, туйғуси ва ўй-фикрини ифодалаши, уларнинг ғоявий баркамол бўлиши ва маънавий тарбияланишига фаол ёрдам бериши зарур. Халқнинг маданий савияси ўса борган сари санъатнинг жамият ҳаётига, унинг маънавий-психологик муҳитига таъсири кучая боради. Бу ижоднинг ғоявий йўналиши, асарларнинг бадиий таъсир кучини ошириш учун маданият арбобларининг масъулиятини кучайтиради.

Ўзбекистон Республикасини мустақил давлат деб эълон қилиниши ва унинг хорижий мамлакатлар, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тан олиниши демократия, ошкоралик жараёнларини авж олдириш билан бир қаторда, жумҳуриятимиз халқларини янада маданий юксалтириш учун керакли имкониятларни яратиб берди. Энди шуларни ҳисобга олган ҳолда маънавий юксалиш тақдирини ҳам ўз қўлимизга олиб, сўздагина эмас, балки амалда маънавий мустақилликни мустаҳкамлашимиз зарур. Шахсга сифиниш ва турғунлик йилларида маданий ривожланишга зарур бўлган барча масалалар собиқ Иттифоқнинг марказий органлари хоҳиши ва розилиги билан ҳал этиларди. Маданият соҳасида хизмат қилувчи кадрларни тасдиқлашдан тортиб, то маданиятни ривожлантириш

учун керакли бўлган маблағ, моддий-техникагача марказ ажратиб берарди. Иттифоқ тарқалиб кетиши муносабати билан ҳозир барча соҳалар каби маданиятни ривожлантириш масалалари ҳам республикамиз давлатининг қўлига ўтди. Энди халқимизни маънавий юксалтириш тақдири ўз қўлимиздадир. Бу бир жиҳатдан катта ютуқ бўлса, иккинчи жиҳатдан, бизга катта масъулиятни ҳам юклайди. Халқимизнинг ишончини, унинг умидини оқлаш учун, фикримизча, тез кунлар ичида миллий маданиятни ривожлантиришнинг янги дастурини ишлаб чиқишимиз зарур. Илмий асосда тайёрланган бу дастурда жумҳуриятимизда халқимиз маданиятини ривожлантиришга оид барча масалалар ўз аксини топиши керак. Агар биз шундай қилиб иш тутмасак, маънавий мустақиллик қуруқ сўзга айланиб қолиши ҳеч нарсаси эмас. Давлат мустақиллиги учун кўп йиллар тани-жонимиз билан курашиб, унга эндигина эришганда, бундай бефарқликка асло йўл қўйиб бўлмайди.

V б о б. МИЛЛИЙ ВА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1. МИЛЛИЙ ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШНИНГ, МИЛЛИЙ ҒУРУРНИНГ ЎСИШИ — ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ҚОНУНИЙ ОҚИБАТИ

Инсоннинг бахт-саодати, келажак ҳаётининг яхши ёки ёмон бўлиши давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш билан бир қаторда турли миллатлар, элатлар, синфлар, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик муносабатларининг такомиллашиши билан ҳам узвий боғлиқдир. Бу, айниқса, кўпмиллатли давлатлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси учун жуда катта аҳамият касб этади. Ҳозир мамлакатимизда юздан зиёд миллатлар ва элатлар яшайди. 30-йилларда бизнинг диёримизда олтимишга яқин миллат ва элат вакиллари яшаган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич қарийб икки баравар кўтарилган. Бу эса ўз навбатида миллий ва миллатлараро муносабатларга оид бўлган барча масалаларни фалсафий жиҳатдан чуқур ва атрофлича илмий таҳлил этишни талаб қилмоқда.

Маълумки, миллат ижтимоий-этник бирликнинг мураккаб шакллари жумласига киради. Миллат, асосан кишиларнинг тарихан таркиб топган бирлиги бўлиб,

иқтисодий ҳаёт, тил, ҳудуд ва маданиятнинг, миллий ўзлигини англаш ва миллий психологик хусусиятларнинг бирлиги билан ажралиб туради. Иқтисодий турмуш бирлиги асосида тил ва ҳудуд бирлигининг пайдо бўлиши миллатнинг асосий белгиларидир. Миллатнинг тил, ҳудуд, иқтисодий турмуш ва маданият бирлиги улардан олдинги формацияларда вужудга келган уруф қабила ва элатнинг бирлигидан тубдан фарқ қилади. Миллатнинг иқтисодий ва сиёсий бирлашиши элатларнинг ёзма адабий тили ва оғзаки ижодининг ривожланиши асосида ягона миллий тилнинг пайдо бўлишига олиб келади. Миллатнинг тарихий тараққиёт хусусиятлари, унинг иқтисодий тузуми, одат ва анъаналари, яшаш муҳити унинг маънавий қиёфасига таъсир этади. У ёки бу миллатга мансуб бўлган кишиларнинг ўзига хос миллий хусусияти ва психологияси, миллий тили ва маданияти бўлади. Тил миллатнинг энг муҳим белгиларидан биридир.

Кишиларнинг миллий бирлигини давлат ёки ирқий бирликлар билан тенглаштириб бўлмайди. Миллатлар бир ирқдан ёки турли ирқлардан ташкил топиши ва аксинча, миллатлар бир ирққа мансуб бўлиши, баъзи миллатлар турли динга, ёки бир неча миллатлар бир динга эътиқод қилишлари мумкин. Ирқларга бўлиниш — кишиларнинг гавда тузилиши, қиёфаси, ранг-рўйи ва бошқа аломатларига қараб бўлинишдир. Миллатлар эса юқорида эслатиб ўтилган ижтимоий-этник белгилар билан характерланади. Шунинг учун бир томондан, ирқий, қабилавий, диний, давлат бирлиги миллатни таърифлашда зарур белги бўлмайди. Иккинчи томондан, миллий белги билан синфий белги ўртасида умумийлик ва фарқлар борлигини эътиборга олишга тўғри келади. Уларнинг ҳар иккаласига хос бўлган умумийлик шундаки, миллатлар ҳам, синфлар ҳам тарихий тараққиётнинг маълум бир босқичида юзага келган ҳамда ижтимоий-иқтисодий муносабатларга бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий ҳодисалардир. Миллат билан синф ўртасида баъзи фарқлар ҳам мавжуд. «Миллат» тушунчаси ўз мазмунига кўра «синф» тушунчасидан анча кенг. Муайян синфдан ташкил топмаган миллат йўқ. Ҳар қандай миллат синфлардан иборат бўлади. Миллат ижтимоий тараққиётнинг синфдан кейинги маҳсулидир. Демак, синфларнинг мавжудлиги ҳақида гапирилганда, миллатларнинг мавжудлигини,

миллатларнинг мавжудлиги ҳақида гапирганда синфларнинг мавжудлигини тушуниш ярамайди.

Дунёнинг турли мамлактларида ҳозир ўзининг турмуш тарзи, тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари, ривожланиш даражасига кўра бир-биридан фарқ қиладиган қарийб икки минг ҳар хил халқлар ва миллатлар яшамоқда. Уларнинг қарийб 1600 таси Осиё ва Африка мамлакатларида, қарийб 100 таси ривожланган капиталистик мамлакатларда, қарийб 250 таси собиқ социалистик мамлакатларда яшайди. Мустақил давлатлар сони ҳозир қарийб 190 тани ташкил этади. Ер юзида 100 миллиондан ортиқ кишидан ташкил топган миллатлар ҳам, шунингдек, минг ва ҳатто юз кишидан иборат бўлган қабилалар ва этник гуруҳлар борлигини ҳам айтмасдан ўтиб бўлмайди. Академик Д. С. Лихачевнинг маълумотларига қараганда, собиқ СССР ҳудудида катта-кичик 150 миллат ва элат яшайди.

Ҳар бир миллатнинг қиёфаси, унинг катта ва кичиклигидан қатъи назар, энг аввало, ўзининг миллий онги ва психологиясида ифодаланади.

Ижтимоий онгнинг барча шакллари, сиёсий мафкура, фалсафий, ҳуқуқий қарашлар, санъат, фан, ахлоқий нормалар, шу жумладан миллий қадр-қиммат нормалари ҳам ижтимоий борлиқ негизда вужудга келиб, унинг айрим шакллари ижтимоий воқеликнинг муайян босқичларида нисбий мустақилликка эга бўлган ҳолда олдинги қаторга чиқиб ривож топади ва кишилар руҳий, маънавий ҳаётида чуқур ўрин эгаллайди. Муайян жамиятда истиқомат қилувчи ҳар бир миллатнинг маънавий қиёфаси ўша жамиятнинг моддий, ижтимоий-тарихий шароитларига қараб ўзгариб боради. Миллатнинг руҳий, маънавий қиёфаси мавжуд ижтимоий онг шаклларида ўз ифодасини топади. Ижтимоий онгнинг прогрессив шакллари ҳар бир миллат кишиларининг руҳий, маънавий қиёфаси аста-секинлик билан ўзгариб боришига олиб келади. Мана шу ўзгариш жараёнлари тарихий босқичда ҳам прогрессив, ҳам регрессив бўлиши мумкин. Бундай тарзда ижтимоий онг шакллариининг ўзгаришлари ўз навбатида кўп миллатли давлатлар негизда турган халқларнинг миллий ўзлигини англаш жараёнига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши муқаррардир.

Миллий онг ижтимоий онг шакллари сингари маълум даврларда ўзининг нисбий мустақиллиги туфайли

жамият асосини ташкил этувчи базис ва устқурманинг моҳиятини тубдан ўзгартириб юборишга фаол таъсир кўрсатиши мумкин. Бунга мисол тариқасида ҳозирги кунлар собиқ иттифоқдош республикалар ҳудудида рўй бераётган кескин ўзгаришлар жараёнини кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Уларнинг ҳаётида шиддат билан рўй бераётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий ўзгаришлар қанчалик инқирозли тус олмасин, халқ оммаси онгининг, айниқса миллий онгининг янгича шаклланиши анчагина ижобий характер тус олмоқда. 1985 йилда қайта қуриш ва ошкоралик жараёнларининг бошланиши туфайлигина миллий онгимизни соғлом тафаккур асосида шакллантиришга йўл очилди. Янгича миллий онгининг, миллий ғурурнинг ривожланиши айниқса Болтиқбўйи республикалари, яъни Литва, Латвия, Эстония, шунингдек, Украина ва Молдова, Кавказ-орти жумҳуриятлари халқлари ҳаётида бирмунча тезроқ юзага келди. Бу эса аста-секин бошқа миллат ва элатлар онгига таъсир этиб, эндиликда улар ҳам ўз миллий кадр-қимматларини, миллий ғурурини маънавий юксалтиришга қаратилган ислохотларни амалга оширмоқдалар.

Шу кунларда барча соғлом миллат вакиллари жамиятимизда ҳукм сураётган инқирозли аҳволдан қандай қилиб чиқиб кетиш йўллариини ўйламоқдалар. Уларнинг ташаббуси билан янги-янги мулоҳазалар, таклифлар, талаблар ўртага қўйилмоқдаки, булар секинлик билан бўлса ҳам ўз ижобий натижаларини бермоқда.

Миллий онг ва унинг шаклланиши, энг аввало, миллий уйғониш замирида бошланиши табиийдир. Ҳозирда миллий уйғониш, давр тақозосига кўра, тараққиётнинг объектив ижтимоий воқелигига айланмоқда. Чунки кишиларнинг дунёқараши ҳаётий хулосалар, бир-бирларига муносабатлар, ирода ва хоҳишлар, миллий турмуш тарзлари, миллий расм-русумлар, одат ва анъаналар туфайли шаклланади ва ривожланади. Шундай экан, миллий турмуш тарзи ва маданияти ижтимоий воқеликнинг табиий ифодаланиш шаклидир. Миллий онг ва уни англаш ҳар бир кишидан ўзининг қайси миллатга мансублиги, миллий тарихи, маданияти ва мероси, урф-одатлари, миллий тили моҳиятини тўғри, ҳар тарафлама чуқур билишни талаб этади. Миллийликни тан олиш — миллатга мансуб кишиларнинг ижтимоий-этник

барқарорлигини тан олиш демакдир. Миллийликда инсоний ва умуминсоний қадриятлар муайян қиёфа ва шакл касб этган бўлади. Миллийликда миллий мансублик руҳи мавжуд. Миллий руҳ бадий қиёс тушунчаси эмас, балки табиий-тарихий воқелигимиздаги ҳиссий инъикос, идрок, тушунча, ҳукм, ҳулосаларимиз ифодаси бўлиб, у кишиларда социологик жараёндр. Миллий руҳимиздаги миллий туйғуларимиз мавжмуи миллий тасаввурларимиз, кайфиятларимизда оддий онг сифатида ифодаланади. Агар миллий мансублик ва унинг барча томонлари кишилар тасаввурида илмий асосланган бўлса, уни биз миллий ўз-ўзини англаш деб тушунамиз. Миллий ўзлигини англаш илмий-сиёсий тус олса ва ижтимоий ҳаракат учун қўлланма даражасига кўтарилса, биз уни миллий мафкура деб атаймиз. Миллий мафкура миллий сиёсатнинг етакчи омилидир. Шу билан биргаликда миллий мафкура миллий қадриятлар манфаатларини ҳимоя қилувчи асосий қурол сифатида намоён бўлади. Миллий уйғониш мафкураси бўлмоғи лозим. Гап миллатларнинг яшаш ҳуқуқи, миллий мансубликка эга бўлиш, фуқаролик ҳуқуқи, мустақиллик ва бетарафликка эгалик, ўз тақдирини ўзи белгилаш ва бошқариш ҳуқуқи, аجدодларимизнинг миллий урф-одатлари, анъаналарини эъзозлаш ҳуқуқи, аجدодлар тарихи баён этилган ёзувни тиклаш, ўз тилини давлат тили мақомига кўтариш ва ривожлантириш, ўз миллати ва жаҳон маданияти ютуқларини эгаллаш ҳуқуқи, миллий иқтисодий мустақилликка эришиш ҳуқуқи каби масалалар ҳақида бормоқда.

Миллий онглиликнинг моҳиятини тўғри тушунмаслик оқибатида, баъзи ҳолларда бундай муносабатлар миллатчилик иллатларига мубтало этилмоқда. Миллатчилик ғайриинсоний иллат бўлиб, аввало ўзга миллатларга, қолаверса, ўз миллатига ҳам худбинларча қараш фожиасидир. Бу ўз миллатини ва унинг манфаатларини худбинлик заминида мутлақлаштириш йўлида бошқа миллатларнинг манфаатлари билан ҳисоблашмайдиган, уларнинг қадриятларини поймол қиладиган, шу асосда уларни камситиб, тазйиқ этиб, ижтимоий адолатлар туғдирадиган иллатдир.

Демак, миллий ғурурни миллатчилик билан айнийлаштириб бўлмайди. Миллий ғурур ҳар бир миллатга хос бўлган хусусиятларни ҳимоя қилиб, уларнинг келажак ҳаётини юксалтиришга қаратилган табиий инти-

лишдир. Миллатчилик эса — бу биттагина миллатнинг муддаосини ҳимоя этиб, бошқа миллатларнинг эҳтиёжларини писанд қилмасдан, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чегаралаб қўйишга қаратилган ҳаракатдир. «Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланади»¹.

Миллий психология — ҳар бир миллат вакилининг миллий ҳис-туйғулари, хатти-ҳаракатлари, руҳий кечинмалари, психик темперамент ва феъл-атворлари каби муносабатларни намоён этади. Маълумки, миллий туйғу — бу табиий туйғудир. Айни пайтда миллий маънавий ҳаётнинг жуда ҳам нозик элементиدير. Миллий туйғулар эса миллий ифтихор, миллий характер, яъни миллий психологиянинг белгиларидан бири, унинг ажралмас қисмидир.

Миллий ҳис-туйғу миллий ифтихор ва халқпарварлик билан боғлиқдир. У ўз миллатининг тарихини, ҳозирги аҳволи, миллий психологияси ва характерини руҳий тушуниш, эмоционал шаклда мужассамлашишидир. Бироқ ҳис-туйғулар, эмоцияларгина миллатларнинг туб манфаатларини бевосита ифода қилмайди. Шунинг учун ҳам миллий туйғу миллий онгдан фарқланади.

Миллий туйғуларнинг қанчалик қарам бўлиб қолишига қараб миллатларнинг қадр-қимматига бўлган эътиборсизлик шунчалик хавfli тус олиб боради. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, миллий ҳис-туйғуларни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ахлоқий омилларга суяниб, миллий мафкура асосида ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, миллий қадр-қиммат миллатлараро муносабатларнинг энг муҳим томонларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мутафаккирлар миллатнинг қадр-қимматини оддий сўз билан камситиш ҳеч мумкин эмаслигини қайта-қайта таъкидлаган эдилар. Ўзини кўрсатиб турадиган миллий манманлик, миллий маҳдудлик, миллий мақтанчоқлик бошқа бир миллат ҳис-туйғуларининг камситилишига олиб келиши мумкин. Бир миллатни бошқа миллатга мақташ, унинг тарихи, маданиятини

¹ И. А. Қаримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли, 77-бет.

идеаллаштириш, тил ва урф-одатларини тарғиб этиш, албатта, иккинчи миллатнинг туйғуларига муайян оғир ботади. Бу эса миллий туйғуларнинг миллатчилик туйғуларига айланиб кетишига олиб келиши мумкин. Шовинистик қарашларнинг асоси ҳам мана шу миллий туйғуларнинг камситилишидан юзага келади. Шовинистик кайфиятнинг шаклланиши асосан миллий тубанлик, ўз миллати манфаатларини биринчи ўринга қўйишда, бошқа миллатлар ва жумҳуриятларнинг манфаатларини ҳисобга олмаслик, ўз миллатини кўкларга кўтариш ва бошқаларда намоён бўлади. Миллий психологиядаги шовинистик хислатлар оддий инсонлар онгини миллий маҳдудлик, миллий худбинлик каби салбий тушунчалар билан заҳарлашга, уларнинг беҳуда безовта бўлишига ҳам сабаб бўлади.

Миллий ифтихор ҳам миллий ўз-ўзини англашнинг кўринишидир. Миллий ўз-ўзини англашнинг ривожланиши билан миллий ифтихор, миллий ҳис-туйғулар намоён бўлади.

Миллий ҳис-туйғуларга ноҳўя ёндошиш, уни назар писанд қилмаслик оқибатида улар миллатчилик туйғуларига айланиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам ғанимларимиз ҳозир миллий туйғу масалаларига кўпроқ эътибор бераётганликлари тасодифий эмас. Миллий ҳис-туйғу миллий ифтихор ва ватанпарварлик билан боғлиқдир. Унда ўз миллатининг тарихини, ҳозирги аҳволни, миллий психология ва характерини тушуниш эмоционал шаклда мужассамлашгандир. Миллий туйғулар эмоциялар сифатида меҳнаткашларнинг туб манфаатларини бевосита ифода қилмайди. Миллий туйғуларнинг миллий онгдан фарқи ҳам шундадир. Шунинг учун миллий туйғуларга асир бўлиб қолиш қанчалик хавфли бўлса, айтилган замонда уларни эътибордан четда қолдириш ҳам жуда катта хатодир. Миллий туйғуларни ижтимоий-иқтисодий сиёсат ва ахлоқий омилларга суяниб, умуминсоний манфаатлар асосида ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Гоявий-тарбиявий ишлар кенг кўламда амалга оширилади ҳозирги шароитда миллий ҳис-туйғулар ўзаро ҳамфикрликка, халқлар ва халқларнинг айрим намояндалари ўртасида дўстликнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Истиқлол йўли, демократия ва ошкоралик илгари кенг халқ оммаси ижтимоий-сиёсий фаолиятининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб келган барча

ғояларни бирин-кетин бартараф этиб, унинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида фаол иштирок этиши, ўзини кўрсатиши учун кенг имкониятлар очиб бермоқда. Ҳозирги пайтда омmanın ижтимоий-сиёсий фаоллиги ўсиб бораёпти. Ёзувчилар, олимлар, ишчи ва деҳқонлар, ёшлар, хотин-қизлар, диндорлар, фахрийлар, хуллас, жамиятни соғломлаштириш учун курашаётган кучларнинг ҳаракатга келганлиги мустақиллик даврига, демократия ва ошкоралик даврига хос бўлган энг ноёб ҳодисадир. Миллий ўзлигини англашнинг кенг тус олаётганлиги, республиканинг иқтисодий ва маънавий мустақиллигини амалда таъминлаш учун астойдил кураш олиб борилаётганлиги ва бу соҳада эришилган илк муваффақиятлар миллий уйғонишдан далолатдир. Ҳозир бизда қарор топаётган ижтимоий шароитлар ҳар бир миллат ва элат учун она-табиат ва тарих муассар этган миқёсларда ўз куч-қудратини намойиш этиш имкониятини яратмоқда.

Ҳозирги даврда собиқ Иттифоқ ҳудудида ижтимоий, миллий ва миллатлараро муносабатлар масаласида илгари асло кутилмаган салбий ҳодисалар, жуда ҳам ўткир ва қалтис муаммолар, кучли тўқнашув ва можаролар тез-тез рўй бериб турганлиги ҳеч кимга сир эмас. Болтиқбўйи, Кавказ ортида, Олмаота, Душанбе, Фарғона, Ўш ва бошқа минтақаларда миллий заминларда содир бўлган вазият бунини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди.

Миллий ва миллатлараро муносабатлар масаласида бўлиб турган кескинликлар ва зиддиятлар оддий бир англашилмовчилик натижаси эмас. Унинг муайян сабаблари бор, албатта. Миллий ва миллатлараро муносабатлар масаласи соҳасида мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилиш омили — уларни келтириб чиқарган, чуқурлаштириб юборган сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш йўлларини белгилашдан, уларни янгича сиёсий ва фалсафий тафаккур асосида назарий жиҳатдан идрок этишдан иборатдир.

Миллий ва миллатлараро муносабатларга оид шундай муаммолар ва вазифалар борки, уларни илгари қўлланилган эски воситалар, усуллар билан ҳал этиб бўлмайди. Ҳаёт миллий масалага янгича ёндошишни, сийқа усуллардан қатъиян воз кечишни кун тартибига қўймоқда.

Миллий масаланинг ҳозирги давр талабларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилган, ижодий бойитилган энг муҳим назарий қоида ва хулосалари ҳаётга қандай татбиқ этилаётганлигини ўрганиш, уларни илмий таҳлил этиш катта амалий-сиёсий ва маърифий-тарбиявий аҳамиятга моликдир.

2. МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТИКЛАНИШИ

Миллий қадриятлар, уларнинг аҳволи, келажак тақдири кишиларни доимо қизиқтириб келган муаммолардандир. Афсуски, ўтмишда бу масалага жамиятимиз томонидан етарли даражада эътибор берилмади. Эндликда демократия, ошкоралик жараёни ҳозирда кўп миллатли мамлакатимиз миллий қадриятларини қайта идрок этиш ва англашни талаб этиб, бу соҳаларда йиғилиб қолган муаммоларни янгича тафаккур асосида чуқур назарий мушоҳада этишни тақозо этмоқда.

Миллий қадриятлар *тор* ва *кенг* маънода ишлатиладиган тушунчадир. *Тор* маънода миллий қадриятлар муайян бир миллатнинг, элатнинг қизиқишлари ва манфаатларини ифодаловчи муносабатлар йиғиндисини, мазмунини ташкил этади. *Кенг* маънода эса миллий қадриятлар муайян бир давлатда яшовчи барча миллатлар ва элатларнинг манфаати ва қизиқишларини ифодаловчи муносабатлар йиғиндисини акс эттиради.

Миллий қадриятлар ранг-баранг бўлиб, уларнинг ичида марказий ўринни миллий маданият эгаллайди.

Ижтимоий ишлаб чиқариш кишилар маънавий ҳаётининг негизидир. Инсон миясида ҳеч қандай фикр, ҳеч қандай қараш ва тушунча ўз-ўзидан туғилмайди ва ривожланмайди, балки уларнинг ҳаммаси моддий шароитлар, табиий омиллар, ташқи таъсирлар билан узвий боғланган ва жамиятдаги моддий жараённинг маҳсули сифатида вужудга келгандир.

Маданиятнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши кишилик жамиятининг энг қадимий, илк босқичларига бориб тақалади. Бошқача айтганда, маданият инсоннинг келиб чиқиши билан узвий алоқадордир. Маданият тарихи — жамият тарихининг ажралмас бир қисмидир. Шунинг учун ҳам унинг вужудга келиши ва ривожланишини жамият тарихидан, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлардан, моддий бойликлар

ишлаб чиқариш усулидан ажратиб олиш мумкин эмас. Жамият бор экан, маданият ҳам мавжуд бўлади. Инсоннинг инсонга хос хислат ва фазилатларга эга бўлиши, табиатга таъсир этиши, ижтимоий фаолиятга киришуви, маданий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқиши ва истеъмол қилиши маданиятга, унинг ютуқларидан қанчалик фойдалана олганлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Маданиятнинг ривожланиши инсоннинг ўзи қанчалик ўсганлигини, унинг билимлари нечоғлик кенгайганлигини, қобилияти нақадар такомиллашганини кўрсатади.

Айрим олимларнинг фикрларига кўра, маданиятни вужудга келтирувчи, сақловчи ва наслдан-наслга қолдирувчи асос фақат моддий бойликларнигина эмас, шу билан бирга маданиятни ҳам яратади. Халқ оммаси битмас-туганмас қобилият эгаси ҳисобланади. Фан ва техника соҳасидаги энг муҳим ихтиро ва янгиликлар, ишлаб чиқарувчи кучлар ва маданиятни ривожлантириш якка-якка кишиларнинг иши эмас, балки тарихнинг ҳақиқий ижодкори бўлган халқ оммасининг ишлаб чиқариш фаолиятидан келиб чиқадиган зарурий натижалардан иборат.

Халқ оммаси ҳам моддий, ҳам маънавий маданиятнинг асосчисидир. Энг муҳим алоқа воситаси бўлган тилнинг ҳам яратувчиси халқ оммасидирки, тилсиз на жамият, на илм-фан, на маданият бўдиши мумкин эмас.

✓ Маънавий маданиятнинг барча турлари, жумладан қўшиқ ва мусиқа ҳам кенг халқ оммаси амалий фаолиятининг маҳсулидир. Бундай дейилишининг асосий боиси шундан иборатки, кун бўйи қилинган меҳнатдан ҳосил бўлган чарчаш, толиқиш, ҳорғинликни енгишда, кайфиятни яхшилашда, руҳни тетик ва бардам қилишда қўшиқ ва мусиқа кишиларга ёрдам берган. Қўшиқ ва мусиқа меҳнатнинг йўлдошидир, у халқ ҳаётидан, тарихдан ажралмасдир.

Халқ нима учун мусиқани севади? Чунки мусиқа меҳнат унумини оширишда қудратли омиллардан биридир. Қўшиқлар ҳам, ўйинлар ҳам халқ томонидан ўнлаб йиллар давомида яратилган, қиёмига етказилган, халқ уларда қимматли нарсаларнигина қолдирган. Биронта ҳам одам ўзининг қисқа ҳаёти давомида бундай ишни қила олмайди — бу иш фақат халқнинг қўлидан келади. Халқ барча маънавий бойликларнинг ҳам ижодкори, ҳам асровчисидир.

Дунёда қўшиқ айтмайдиган, дилрабо қўшиқ, мусиқа ва байтлардан завқланмайдиган халқ, миллат ва элат бўлмаса керак.

Ўтмиш аждодлардан қолган қўшиқлар, эртаклар, термалар, дostonлар, байт ва лапарлар, барча фольклор асарлари — инсоният кўнглидаги ғам-андухнинг бадий ифодаси, инсон ақл-идроки ва тафаккурининг битмас-туганмас хазинасидир. Қўшиқ ва мусиқа, бадий асарлар, умуман маънавий маданият бойликларининг мазмун ва моҳиятига қараб уларни яратган, авайлаб-асраб келган халқ оммасининг орзу-истакларини, ўтмиш замонларда бошдан кечирган азоб-уқубатларини, тарихий тараққиёт йўлини билиш мумкин.

Барча моддий ва маънавий маданият дурдоналари — инсон ақл-идроки, истеъдоди ва меҳнати маҳсулидир. Халқ оммаси маданият ижодкоригина эмас, балки уни тўхтовсиз равишда бойитувчи, ривожлантирувчи, авлоддан-авлодга етказиб турувчи ҳамдир.

Маданий тараққиётнинг умумий қонунларидан бири — унинг тўхтовсиз равишда бойиб бориши ва ривожланишидан иборатдир. Маданиятнинг ривожини заминда моддий ишлаб чиқаришнинг ривожини асос бўлиб ётади. Ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг, ишлаб чиқариш усуллариининг алмашинувишига қараб маданият ҳам сифат жиҳатдан ўзгаради. Жамиятнинг тараққий этиши маданиятнинг ўзгаришини талаб қилади, маданиятнинг янгиланиши эса ўз навбатида жамиятнинг тараққий қилишига сабаб бўлади. Бу ҳол, айниқса, инқилобий даврларда яққол намоён бўлади. Социал инқилоблар натижасида сиёсий ҳокимият бир синф қўлидан иккинчисига ўтади, ишлаб чиқариш воситаларига ҳукмронлик шакллари ҳам ўзгаради. Шу билан бирга ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби маънавий ҳаётда ҳам туб ўзгаришлар содир бўлади.

Инсониятнинг маданий-маънавий ҳаётида рўй берадиган туб бурилишларни белгилаб бера оладиган асосий куч мавжуд. Бу асосий куч — халқ оммасидир. Маданият халқ оммасининг амалий фаолиятидан ташқарида ўзгармайди. Бир ижтимоий-иқтисодий формациянинг иккинчиси билан қонуний алмашинувида тарихий тараққиётнинг асосий ҳаракатга келтирувчи кучи халқ оммасининг инқилобий фаолияти ҳисобланади. Халқ оммасининг амалий фаолияти жараёнида маъна-

вий маданиятнинг мазмунида ҳам ўзгаришлар содир бўлади.

Ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг алмашинуви жараёнида маданият тарихий типларининг қонуний равишда ўзгариши маданий тараққиёт узилиб қолганини, эски маданият йўқ бўлиб кетганини, ўтмиш маданий меросидан воз кечилганини билдирмайди. Ҳар бир янги формация ўзидан олдинги жамиятнинг маданий ютуқларини зарурий равишда мерос қилиб олади, уни қайтадан ишлайди, ўз талабига мослаштиради, ундан ижодий ва танқидий равишда фойдаланади. Инсоният томонидан яратилган энг яхши ва қимматли нарсалар, моддий ва маънавий бойликлар янги тарихий шароитда ўзлаштирилади, қайта ишланади ва ривожлантирилади. Бир формация билан иккинчи формация, эски авлод билан янги авлод ўртасида ўзаро алоқадорлик, тарихий боғланиш, маданий ҳамкорлик шу тариқа амалга ошади.

Тарих майдонига кириб келаётган ҳар бир янги авлод ўзидан олдинги авлод томонидан яратилган материаллар, *илмий* билимлар, тарихий тажрибалар ва маданий бойликлардан фойдаланмасдан туриб, олға томон ривожлана олмайди. Шунингдек, бир миллат бошқа бир миллатдан ҳам бирон-бир янгиликни албатта ўрганиши керак.

Маданият жуда мураккаб ва кўп қиррали ижтимоий ҳодиса бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг моддий-техник, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа соҳаларини, инсон меҳнат фаолиятининг барча самараларини ўзида қамраб олади. Халқ оммаси томонидан яратилган ҳамма моддий ва маънавий бойликлар маданиятга киради. Маданият дейилганда, меҳнат қуролларини яратиш ва улардан фойдаланиш, фан-техника ютуқлари ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, кишиларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий кўникмалари, меҳнатни ижтимоий ташкил этиш, саломатликни сақлаш ишини йўлга қўйиш, аҳоли ўртасида билимларнинг ёйилиш даражаси ва маълумот, умумий, ўрта махсус ва олий таълимни амалга ошириш, адабиёт ва санъат асарлари, ижтимоий-фалсафий ғоялар ва бошқа шу кабилар назарда тутилади. Маданият, аввало, жамиятнинг ижтимоий тараққиёт йўлида эришган босқичини: кишилар ҳаёти ва фаолиятининг турли кўринишларини, улар яратадиган моддий ва маънавий бойликларни ифодалайди.

Маданият тушунчаси муайян тарихий даврлар, ижтимоий-иқтисодий формациялар, миллатлар тараққиёти, моддий ва маънавий даражаси, инсон фаолияти ва турмушининг ўзига хос соҳаларини изоҳлаш учун қўлланади. Маданият тушунчаси ниҳоятда кенг ва кўп қирралидир. У одамзод ақл-идрокининг энг юксак чўққиларигача бўлган нарсаларнинг ҳаммасини қамраб олади.

Маданият муайян тарихий даврда жамият тараққиётининг маънавий савиясини ифода этувчи, кишиларнинг моддий ва маънавий бойликлар ишлаб чиқаришдаги бутун ижодий фаолиятини акс эттирувчи кўп қиррали-ижтимоий ҳодисадир.

Қайд қилиб ўтилганидек, маданият халқ оммаси томонидан асрлар мобайнида яратилган ва яратилаётган тарихан таркиб топган моддий ва маънавий бойликлар йиғиндисини ифода қилади. Маданият жамият тараққиётига таъсир кўрсатади.

Маданият тушунчаси билан ижтимоий ҳаёт тушунчаси айнан бир хил эмас. Ижтимоий ҳаёт маданият тушунчасидан анча кенг. Ижтимоий ҳаёт тушунчасига маданиятдан ташқари ишлаб чиқарувчи кучлар, ишлаб чиқариш муносабатлари, синфий ва миллий муносабатлар, жамиятнинг сиёсий ташкилотлари, тил ва тафаккур сингарилар ҳам киради. Маданият инсон фаолиятининг фақат моддий натижаларинигина эмас, шу билан бирга кишиларнинг меҳнат жараёнида воқе бўладиган билим бойликлари, тажрибалари, қобилиятлари, ишлаб чиқариш ва касб малакалари, ўзаро муносабатларини ҳам ўз ичига олади.

Моддий ишлаб чиқаришнинг икки асосий тури — моддий ва маънавий ишлаб чиқаришга қараб маданият ҳам йирик икки турга — моддий ва маънавий маданиятга бўлинади. Маданиятнинг бу турлари ўзининг мазмун ва моҳиятига кўра бир-биридан ўзаро фарқ қилади. Моддий маданият деганда меҳнат қуролларини, меҳнат кўникмаларини, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнида яратилган ва моддий ҳаёт учун хизмат қиладиган барча бойликларни англаймиз. Моддий маданиятга моддий бойликларнинг бутун мажмун, уларни ишлаб чиқариш воситалари (ишлаб чиқариш жараёнида яратилган техника ва технология, машиналар, техник иншоотлар, ижтимоий меҳнатни уюштириш шакли, қурилиш ва деҳқончиликни йўлга қўйиш ва бошқалар)

киради. Моддий маданиятга кишиларнинг ишлаб чиқариш тажрибаси, қобилияти, малакаси ҳам кирадики, буларсиз ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш мумкин эмас. Моддий маданиятнинг асосий қисмини кишиларнинг меҳнат фаолияти жараёнида фойдаланадиган меҳнат предметлари ва ишлаб чиқариш воситалари ташкил этади.

Моддий маданиятдан ташқари маънавий маданият ҳам мавжудки, у инсонлар томонидан яратилган маънавий бойликларни, ижтимоий онгнинг илмий, бадий, ҳуқуқий, диний, ахлоқий, фалсафий ва бошқа шакллари, тафаккурнинг барча шакллари ва дунёқарашнинг бутун соҳасини, жамиятдаги ғоялар ва таълимотларни, бадий асарлар, эстетик қарашларни, иборали қилиб айтганда, «маънавий ишлаб чиқаришни» ўз ичига олади. Маънавий ишлаб чиқариш жараёнида сиёсий ва ҳуқуқий мафкура, фалсафа, ахлоқ, санъат соҳасидаги бойликлар, яъни маънавий маданият бойликлари яратилади. Маънавий бойликлар олимлар, мусаввирлар, бастакорлар, шоир ва ёзувчилар, назариётчилар, хуллас, халқ оммаси томонидан яратилади ва улардан ҳамма баҳраманд бўлади. Маънавий бойликлар авлоддан авлодга, бир тузумдан иккинчи тузумга мерос сифатида ўтади ва жамият тараққиётига катта таъсир кўрсатади.

Маънавий маданиятни яратиш, ўзлаштириш ва ривожлантириш жараёнида жамият тараққий этади, меҳнат унумдорлиги ортади, ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланади, кишиларнинг маънавий қиёфаси шаклланади, одоб-ахлоқи, дид ва фаросати, эстетик завқи, ижодий куч ва қобилиятлари тараққий этади. Бунинг натижасида киши ақлий, ахлоқий, бадий эстетик жиҳатдан бойийди.

Маориф, фан, ахлоқ, театр ва кино томошалар, тасвирий санъат асарлари, мақоллар, маталлар, ривоятлар, қўшиқ, мусиқа, шеърӣ ва насрий асарлар, лапар ва рақслар, умуман халқ ижодиёти маънавий фаолиятнинг муҳим элементларидир. Мактаб ва олий ўқув юрлари, кутубхона ва музейлар, матбуот, радио ва телевидение ва бошқалар ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

Маданиятнинг барча турлари диалектик бирликда, ўзаро алоқадорликдадир. Моддий маданиятни маънавий маданиятдан батамом ажратиб қараш тамомилан

нотўғри. Инсоннинг амалий фаолиятида, моддий бойликлар ишлаб чиқариш жараёнида моддий ва маънавий маданият уйғун равишда бирлашади. Биронта ҳам меҳнат қуролини, моддий бойликнинг биронта ҳам турини инсон ақл-идроки ва тафаккурисиз, ақлий меҳнатсиз яратиб, такомиллаштириб бўлмайди. Инсон амалий фаолиятининг ҳар қандай турида айни бир вақтнинг ўзида унинг ҳам ақлий, ҳам жисмоний меҳнати объектив равишда иштирок этади.

Амалий фаолиятда инсоннинг тафаккур натижалари моддийлашади; нарсаларга, буюмларга, техника воситаларига, санъат асарларига айланади. Бошқача айтганда, ҳар қандай моддий ва маънавий маданият дурдоналари инсон ақлий ва жисмоний меҳнатининг ўзаро синтезидан бошқа нарса эмас.

Жамиятнинг моддий ҳаёти белгиловчи асосдир, маънавий ҳаёт эса моддий ҳаётнинг инъикосидир. Жамиятнинг моддий ҳаёти кишиларнинг иродасига боғлиқ бўлмаган объектив реалликдир, бинобарин, у маънавий ҳаётга нисбатан белгиловчидир. Демак, ижтимоий ғоялар, ижтимоий назариялар, сиёсий қарашлар, сиёсий муассасаларнинг келиб чиқиш сабабини уларнинг ўзидан эмас, балки жамиятнинг моддий ҳаёт шароитларидан, ижтимоий турмушдан қидирмоқ керак.

Маънавий ва моддий маданият бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бир-бирига ўз таъсирини кўрсатади. Маънавий маданият моддий маданиятни бойитади.

Маънавий маданият воқеликни бадий акс эттириш ва ўзлаштиришнинг фаол воситасидир. Маънавий маданият моддий ишлаб чиқариш тараққиётига, кишилар ижтимоий ҳаётининг бошқа соҳаларига хизмат қилувчи реал куч сифатида майдонга чиқади.

Ўзбек халқининг маданияти жаҳон халқларининг маданияти билан чамбарчас боғланиб кетган. Маданият доимо ривожланиб, тараққий этиб турадиган ижтимоий ҳодиса. Турли халқлар ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий алоқаларнинг ривожланиши туфайли уларнинг маданияти ҳам қонуний равишда яқинлашади ва бир-бирига ижобий таъсир кўрсатади. Бутун маданий оламга таниқли олимлар ва мутафаккирлар, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива сингари давлатлар ва шаҳарлар яратувчилари бўлмиш улуғ аجدодларимиз ижодиёти ўзининг улуғворлиги ва гўзаллиги билан ҳозиргача ҳаммани лол қолдирмоқда.

«Бугунги кунда,— деб ёзади И. Қаримов,— ҳур ва озод халқимиз барча халқлар ва давлатлар томонидан яратилган маърифатда, фан ва техникада, маданият ва санъатда нимаики янги ва илғор жиҳатлар бўлса, шунга дадиллик билан интилмоқда Ўзбек диёрида, тарихда кўп марта бўлганидек, яна янгидан ўзимизнинг бетакрор ва илғор, иқтидорли ва энг муҳими — инсонларга керакли қадриятларимиз барпо этилади»¹.

Маданият дейилганда уни моддий ва маънавий маданиятга бўлиш билан чегараланиб қолмаслик керак. Инсон томонидан амалга ошириладиган ишнинг ҳар бири хилма-хил меҳнат қуролларида фойдаланишни, ҳунарларни ишга солишни, билим бойликлари, малака, маҳорат, тажрибага асосланишни зарурий равишда тақозо этади. Бу касбий маданиятни ташкил этади.

Инсоннинг юксак даражада маданиятли, билимдон, фан-техника ютуқларидан хабардор бўлиши, жамики ижобий фазилатлари, хулқ-атвори ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланишида катта ўрин тутати. Буларнинг ҳаммаси шахс маданиятига хос нарсалардир.

Маданиятга кишиларнинг бир-бирига муносабатлари, оиладаги, мактаблар, олий илмгоҳлар, жамоалар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалардаги ўзаро муносабатлари ҳам киради. Ижтимоий муносабатлар мажмуи бўлган инсон ўзидан бошқа кишилар билан алоқа ва муносабатда бўлмасдан, одамларнинг ақл-идроки, фикр-мулоҳазалари, маслаҳатларидан фойдаланмасдан туриб яшай олмайди. Ўзаро алоқадорлик, мулоқотнинг аҳамияти ҳозирги кўп партиявийлик, фикрлар хилма-хиллиги шароитида тўхтовсиз ортиб бормоқда. Бу фазилатлар ўзаро муомала маданиятида ифодаланади.

Кўпинча «зиёилик» тушунчаси билан «маданият-лилик» тушунчаси тенглаштирилади. Булар айнан тенг эмас. Зиёиллар — ақлий меҳнатнинг хилма-хил мураккаб турлари билан шуғулланувчи (фан ва маданият ходимлари, муаллимлар, муҳандислар, техниклар, тиббиёт ходимлари, хизматчиларнинг катта қисми) қатламдир. Маданиятлилики деганда эса камтарлик, ҳалоллик, ростгўйлик, саховатпешалик, инсонпарварлик, самимийлик, бировларга қўлидан келадиган яхшилик-

1. И. А. Қаримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Нутқлар, мақолалар, суҳбатлар. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993 йил, 76-бет.

ларни раво кўриш, меҳмондўстлик, сахийлик сингари олижаноб инсоний фазилат ва хислатларга эга бўлган, ахлоқий қондаларга тўла амал қиладиган, ўзи мансуб халқ ва миллатнинг ҳамда бошқаларнинг ҳам тили, тарихи, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қиладиган ва эъзозлайдиган кишилар кўз олдимизга келади.

Шунингдек, «маданият» тушунчаси билан «цивилизация» тушунчаси ўртасидаги фарқни эътиборга олмасдан уларни бир хилда қараш ҳам мақсадга мувофиқ эмас, албатта. Маданият билан цивилизация узвий алоқада бўлади. Лекин «цивилизация» ҳам маданиятни ифодалайдиган тушунча бўлса-да, улар ўртасида фарқ бор. Цивилизация — инсон ва жамиятнинг маданий ўзгартирувчилик фаолиятини моддий ифодасига тегишли барча шакллار ва турлар мажмуи. Шунинг учун ҳам инсон ва жамиятнинг моддий, маънавий, бадий соҳаларда ўзгартирувчилик фаолияти цивилизациянинг ҳал қилувчи белгисидир.

Цивилизация тушунчаси қатъий маънода инсон ўзгартирувчилик фаолиятининг натижаларини ифодалайди. Бу натижалар фақат моддий неъматларни, инсоният жамиятининг яшаш асосларини барпо этишдан иборат эмас. Илмий билимлар, фалсафий таълимотлар, ғоялар партиялар, ижтимоий ҳаракатлар орқали моддийлашиб, реал кучга, маданий омилга, ўзгартириш воситасига айланади.

Цивилизациянинг хилма-хил турлари мавжуд. Буларга қадимги цивилизация, Ғарб ва Шарқ мамлакатлари цивилизациялари, ҳозирги жаҳон цивилизацияси ёрқин мисол бўлади. Ҳозирги шароитда жаҳонда инсоннинг цивилизация ноз-неъматларини яратувчи, улардан фойдаланувчи собиқ шўролар сифатидаги роли ва аҳамияти ошиб бормоқда. Бу собиқ шўролар жамиятига ҳам бевосита тааллуқли эди.

Ҳозирги пайтда баъзан цивилизация ва ижтимоий-иқтисодий формациялар тушунчаларини ўзаро қарама-қарши қўйиш ҳоллари содир бўлмоқда. Аслида уларнинг ҳар иккаласини ҳам ўз ўрнида қўллаш маъқул. Кишилиқ жамияти ривожланишининг муайян босқичини, ишлаб чиқариш усулини англатадиган, жамиятнинг ўтмишдан келажакка томон тўхтовсиз илгарилаб боришини билдирадиган ижтимоий-иқтисодий формацияни цивилизация билан ўзаро тенглаштириш ҳам, қара-

ма-қарши қўйиш ҳам материалистик фалсафий қарашга зиддир.

Ўрта Осиё қадимдан ўз заминиди бебаҳо моддий ва маънавий ёдгорликларни яратиб келди. Хусусан, дунёга машҳур Сомонийлар, Ғазнавийлар, Аштархонийлар, Темур ва темурийлар, шунингдек, Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Хива хони Муҳаммад Раҳим, Қўқон хонларидан Умархон даврида бебаҳо кутубхоналар яратилди. Бу кутубхоналарнинг довуғи Оврупа, Осиё, қолаверса бутун жаҳонга таралди.

1917 йил октябридан сўнг бошланган маданий инқилоб, миллий маданиятларимизга синфийлик принциплари асосида қараш бу бойликларимизни ҳам четлаб ўтмади. «Биз қайси маданиятдан воз кечамиз» ёки «қандай маданий меросларни сақлаб қоламиз» қабилидаги сиёсат кўплаб бой маданий меросимизни ўрганиш борасидаги ишларимизни чеклаб қўйди. Бу эса баъзи ҳолларда рус маданий ҳокимлиги туфайли бир гуруҳ ғаразғўй кишиларнинг шахсий бойликлари ортиб боришига хизмат қилди ёки маданий бойликлар талон-торож этилди. 1923 йилнинг ўзидагина мамлакатимиз халқларининг 254200 дан ортиқ тарихий коллекциялари Москва ва Санкт-Петербург музейларига олиб кетилган. 1941 йил 2 октябрида Ўзбекистон халқлари тарихи музейи фондидан Ўрта Осиё хонликлари оид 100 га яқин олтин-кумуш тангалар, заргарлик буюмлари Эрмитаж ходимларининг иштирокида олиб кетилган. Маданий меросимизга оид кўплаб дурдоналар ҳаттоки чет эл музейлари ва кутубхоналаридан жой олган.

Миллатимизнинг маданий меросини тиклашда йирик шарқшунос, тарихчи, археолог, адабиётчи олимлар, музей ва архив ходимлари, маданият арбоблари, ёдгорликларни сақлаш жамияти вакиллари ҳамжиҳатлик билан ишлашлари керак бўлади.

Адабиёт ва санъат соҳасидаги маданий меросимиз ҳам Октябрь инқилобидан кейинги йилларда сиёсатпарастлик туфайли минг маломатларга гирифтор этилган. Ўзбек зиёлилари ҳақидаги ҳаққоний тадқиқотлар ҳозиргача бармоқ билан санарлидир. Ўзбек миллий маданияти учун кўп азиятлар чеккан Абдулла Қодирӣ, Бехбўдий, Чўлпон, Фитрат, Ғози Юнус ҳақида ёзилган миллий мақолалар, китоблар негадир ҳозирга қадар кенг халқ оммасига тўла етказиб берилмаяпти.

Совет ҳокимияти йилларида адабиёт илми ҳам сиёсатга қоришиб кетди. Адабиётшунослик асар мазмунини бадий либосидан яланғочлаб, қайта шарҳлаш ва баҳолаш илмига, социалистик реализм принципи асосида мослаштириш ва мувофиқлаштиришга, танқидчилик қаҳрамонларнинг ижобию салбийлигини, типларию турларини аниқлайдиган тергов маҳкамасига айланган эди. Бадий сўзнинг жозибасига эътибор берилмай қўйди. Натижада миллийлигимиздан бегоналаша бошладик. Ўзимиздан чиққанларни ўстирмадик, истеъдодларга кишан солдик, муваффақиятларни кўра олмадик. Истеъдодларга ғаламислик қилдик, кўнглини ранжитдик, умрига завол бўлдик. Аввал Чўлпон, Фитрат, А. Қодирий, У. Носир сингари истеъдод соҳибларини, сўнгра М. Шайхзода, Шукрулло, С. Аҳмад, Шухрат ва бошқаларни миллатчиликда, сиёсий қўпоровчиликда айбладик. Ҳабиб Абдуллаев, Обид Содиқовдек аллома-ларни тириклигида қадрладик. Бундай, тириклигида етарли қадрланмаган кишилар ижтимоий ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида ва бўғинларида кўплаб топилади.

Маълумки, туркий халқлар, хусусан унинг катта бир қисми — ўзбек халқининг улкан адабий мероси бўлган халқ оғзаки ижодининг шаклланиши жуда қадим замонларга бориб тақалади. Қадимий аждодларимиз узоқ ўтмишларданоқ ўз дардларини қўшиқларда, афсона-ю ривоятларда, эртаклару дostonларда акс эттирганлар. Ижодкор халқимиз оғзаки ижод намуналарини ранг-баранг мавзуларда, хилма-хил жанрларда жуда кўп ва хўб яратганлар. Бу улкан хазинани отабоболаримиз авайлаб-асраб бизгача етказганлар. Ўзбек фольклорининг қамрови нақадар кенглигини, бадий юксаклигини тасаввур этиш учун ўнлаб, ҳатто юзлаб китобларни ташкил этувчи афсоналар, ривоятлар, эртаклар, мақоллар, топишмоқлар, латифалар, қўшиқлар, болалар фольклори намуналари мавжудлигини айтиш билан бирга умри асрлар билан ўлчанувчи «Алпомиш», «Гўрўғли», «Рустам», «Келинойи» дostonлари туркумларини кўрсатиш kifоядир.

Булар ва шунга ўхшаш бошқа оғзаки ижод намуналари халқимиз бадий тафаккурининг, яратувчилик қобилиятининг; дунёқараши ғоят кенглигининг, ахлоқий баркамоллигининг, руҳий камолотининг ёрқин далилидир. Бу қадар маънавий хазинанинг мавжудлиги аждодларимизнинг азалдан ўз турмушларида ҳар бир

воқеа-ҳодисага, табиий ижтимоий ўзгаришларга онгли равишда муносабатда бўлганлиги; ҳиссий, ақлий, бадний туйғулари кучли эканлигини, ҳамиша эзгулик ва диёнат, осойишталик ва фаровонликни улуғлаб, хиёнат, адоват, жабру зулм дунёсига қарши курашиб келганини кўрсатади. Хўш, 70 йил давомида шу тубсиз уммон бўлган халқ ижодиётини ўрганиш, уни эл орасида тарқатиш, нашрга тайёрлаш, тадқиқ этиш қандай олиб борилди. Уларга халқнинг минг-минг йиллик ҳаёти, инсон, табият, борлиқ ва жамият ҳақидаги дунёқараши, хулосалари, ҳукмларининг бадний солномалари, фалсафий донишмандлиги инъикоси сифатида қарадикми ёки замонасозлик, партиявийлик нуқтаи назаридан туриб белгиланган ғоялар, мақсад-ниятларга мослаб, уларга хизмат қиладими-йўқми каби «фалсафа»нинг қули бўлиб ёндошдикми?

Минг афсуслар бўлсинки, халқ ижодига ҳам партиявийлик кўзи билан қараш, мавжуд тузумни ва раҳбарларни илоҳийлаштириш, замонасозлик, аниқ ҳаётий далиллардан, фактлардан кўра сафсатабозликка, офаринчиликка, коммунистик ғояларга берилиш фольклор материалларини тўплашда ҳам машъум из қолдирди. Даврнинг, замоннинг зайли билан деярли барча фольклоршунослар маълум хатоларга йўл қўйдилар. Биринчидан, қадимги анъанавий дostonлар, эртаклар қандай бўлса шундайлигича эмас, баъзи бирларини ҳисобга олмаганда балки жиддий қисқартиришлар билан чоп этиларди, динга алоқадор ўринлари тушириб қолдириларди, ҳатто шу ёзиб олишдаёқ коммунистик ғояларга мослари танланарди, иккинчидан, Октябрь инқилоби, коммунизмни олқишлашга, босмачилик деб нотўғри талқин этилиб келган ҳаракатни, бойлар, дин ҳомийларини қоралашга диққат-эътибор қаратилди.

Халқ ижодкорлари ўз дostonларида, эртакларида анъанавий диний ўринларни сақлаб қолса, уларни эскилик қолдиргани ташувчилар,— деб қораладик, иззат нафсига тегдик, уларни янгилик ҳақида «кашфиёт»лар қилишга ундай бошладик. Бироқ улар янги тузумни қўшиқ ва дostonларда олқишлаганда ҳам эъзоз топмади, раҳбарлар томонидан қадрланмади. Аксинча, бундайлар янги тузумни тушуниб етмаганлар деб, қатағон қилинди. Бошларига не-не кунлар солинди.

Бироқ биз кейинчалик ҳам бундай иллатлардан тамоман қутулдик, дея олмаймиз. Ҳар доим яқин-яқин-

гача халқ ижодкори «худо» деб қўйса, шошиб-пишиб «ҳаёт» ёки «табиат» деб ўзгартириб қўйдик.

Гарчи ҳозирда мақолалар, монография ва илмий тадқиқотлар яратилаётган, қанчадан-қанча халқ оғзаки ижоди намуналари чоп этилаётган бўлса-да, фольклоршунослик фанимиз оқсаб турибди. Бу, аввало, ўзбек фольклоршунослик фани тарихи ҳамда фольклоршунослик назарияси етарлича яратилмаганида кўринади. Ваҳоланки, Маҳмуд Қошғарийдан бошлаб то ҳозиргача бўлган фольклоршуносликнинг юзага келиши, ривожланиши ва бугунги аҳволи ҳақида яхлит «Ўзбек фольклоршунослик тарихи»ни яратиш фурсати аллақачон етган. Бу соҳада жаҳон халқлари, қолаверса рус, грузин, украин, қozoқ, тожик халқларидан ўрганмоғимиз керак. Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон жумҳуриятлари, қолаверса, Афғонистон, Туркия, Хитой ва бошқа кўплаб мамлакатларда яшаётган ватандошларимиз орасида фольклор, этнографик, диалектологик экспедициялар уюштириш ва у ерлардаги халқ оғзаки ижоди материалларини тўплаш лозимдир. Чунки ўша ердаги ўзбеклар ҳам бизнинг жигарларимиз, оғзаки ижоди ҳам ўзбек фольклорининг ажралмас бир бўлагидир. Маълумки, инсон қадрияти, жумладан, халқ ижодкорлари қадриятлари, обрў-этибори жамият томонидан ҳимоя этилмоғи лозим. Айни вақтда лоқайдликдан тезроқ қутулиб, тарихий бойликларимизга теран кўз билан қарашимиз, уни халқ эhtiборига тўла-тўқис ҳавола этишимиз зарур. Токи миллий қаҳрамонларимиз, айниқса, «Тўмарис» ҳақидаги ҳикоялар миллий маданиятимиз раvнақига умид бағишласин ва қадриятларимизни оширишга хизмат қилсин.

Миллий ўзлигини англашнинг шарофати билан 1991 йили жумҳуриятимиз маънавий ҳаётида катта ўзгариш юз берди. Ўзбекистонда 1991 йил Навоий йили деб эълон қилинди. Адабиёт ва санъат соҳасида озод ва мустақил Ўзбекистон жумҳурияти ҳам эркин ижодий ҳаётини бошлади. Навоий меросининг янги ўзбек адабиёти ва бошқа қардош туркий халқлар шоир, ёзувчилари ижодий камолотида ўйнайдиган муҳим роли ҳақида эркин фикр юритилмоқда. Жумҳуриятимиз ва қардош ўлкаларда ўзбек халқининг мутафаккири, шеърият мулкининг султони Мир Алишер Навоийнинг 550 йиллик юбилейи тантанали нишонланди.

Ҳар миллатнинг ўз қадимий обидалари ва ёдгорлик-лари борлигини юқорида таъкидлаган эдик. Турли халқларнинг ўтмишидан қолган, шундай бир матонат билан, усталик ва билимдонлик билан яратилган, бетакрор, ранг-баранг ва жозибадор услубда ишланган қошоналар, мақбаралар, мадраса, масжидлар, илмий даргоҳлар, халқларнинг турли-туман ҳаётини ифодаловчи бадий асар намуналари, наққошлик ва заргарлик буюмлари, миллий услубдаги чолғу асбоблари ва либослари мавжуддир. Уларда ҳар миллатнинг ўз ҳаёт нафаси, диди, руҳият олами тараннум этиб турилади. Бундай обидалар билан ҳар бир халқ чексиз ва бениҳоя ғурурланиб, ундан маънавий баҳраманд бўлади.

Афсуски, маданиятимизнинг бу меросига ҳам собиқ шўролар мамлакати ҳукумати чин қалбдан қарамади. Бир неча юз йиллардан буён яшаб келаётган қадимий обидаларимиз ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Маълумотларга қараганда, собиқ Совет Иттифоқи ҳудудларида 1750 дан ортиқ миллий обида ва муқаддас қадамжолар бўлиб, шулардан салкам 360 га яқини бизнинг Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон ҳудудларидадир. Булардан Султон Вайс бобо мақбараси, Исмоил Бухорий, Исмоил Сомоний, Аҳмад Яссавий каби буюк зотларнинг мақбаралари ва мадрасалари маданиятимизнинг кўҳна ёдгорликларидандир. Чет эллардаги мусулмон мамлакатларида бундай обидалар ғоят қадрланиб, миллий ғурурга айланган, давлат томонидан катта ҳажмда маблағ ажратилиб, алоҳида эътибор кўрсатилади. Ҳар қалай эндиликда бизда ҳам қадимий обидаларга эътибор ошиб бораёпти. Зеро ўзини ҳурмат қилган ҳар қандай халқ бобомерос қадамжоларни улуғлаб, кўзига тўтиё этади.

Миллий қадриятларимизнинг кўзгуси бўлган тил маданияти ҳам бошқа миллий қадриятларимизнинг аҳволидан яхши эмас. Тилларни ўзаро яқинлаштириш ва умумий социалистик миллий тилни яратишга уринишлар миллий тилларнинг имтиёзини чеклаб, имкониятни сусайтириб, мавқеини пастга тушириб юборди, уларнинг табиий тараққиётига халал берди.

Тил — бу фақат одамлар ўртасидаги мулоқот воситаси бўлибгина қолмай, балки маданиятнинг улкан ютуғи, халқларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёти, кўп асрлик ривожининг кўзгуси ҳамдир. Тилни қонуний муҳофаза қилишнинг асосий мақ-

сади ҳар бир миллат ва элатнинг, қолаверса барча халқларнинг тилига нисбатан ҳурматни сақлаган ҳолда ўз она-тилидан эркин фойдаланиш ва уни ривожлантириш ҳуқуқини таъминлашдан иборатдир.

Миллий тилларни камситиш — миллий сиёсатнинг асосий қоидаларидан бирини бузишдир. Хатоликлар, энг аввало, миллий тилларнинг ижтимоий вазифасини аста-секин торайтириш борасида намоён бўлди. Маълумки, шахсга сифиниш ва турғунлик даврида кишилар вазирлик, идора ва корхоналарга ўз она тилларида хат, ариза ва шикоятлар билан мурожаат этишга журъат қилишмасди. Она тилидан узоқлашиб бориш ҳоллари фан ва маданиятни ривожлантириш соҳасига ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатди. Мактаблар, техникумлар ва олий ўқув юртларида она тилини ўқитиш аҳволига етарлича эътибор берилмаслиги миллий мутахассислар тайёрлашга катта халақит берди. Ўз она тилини билмаган киши ўзининг насл-насабини ҳам, ўзининг тарихини ҳам билмайди, деб тўғри айтишади.

Тил мақоми миллий ўзликни фаҳмлаш ва ардоқлашнинг азалдан маълум мезонидир. Инсон маънавияти ва маданияти уйғунлигининг замирида ҳам мана шу мезон бор. Чунки тил мавқеининг авжи асосида миллий маданият мавжи ётади. Она тили деб аталмиш бу буюк хилқат ота-боболаримизнинг мерос қилиб қолдирган бебаҳо хазинасидир. Замонлар оша улуғлашган, ардоқлашга муносиб, эъзозу эҳтиромга, меҳру муҳаббатга муштоқ мерос бу. Халқимизнинг узоқ ўтмиши, бугунги ҳаётию эртанги истиқболи мужассамлашган тилда миллатнинг миллий-маънавий руҳи, маданий-маърифий қиёфаси бутун мураккаблиги билан намоёндир.

Тилсиз — адабиёт, адабиётсиз — тил равнақини тасаввур қилиш қийин. Ҳар қандай халқ учун бу икки-сидан кўра миллийроқ, бунданда азизроқ бойлик йўқ. Бироқ тилнинг ҳам, адабиётнинг ҳам чинакамига камол топиши учун бу соҳалар тараққиётини ҳаммадан бурун ҳукмрон доиралар исташи керак. Бу даҳо шоиримиз Мир Алишер Навоийнинг фикрларидир.

Тилнинг авлоддан-авлодларга бир меъёрда етиб келишида миллий ёзувнинг аҳамияти каттадир. Дунёда катта ва кичик халқлар кўп. Уларнинг ҳар бири ўз миллий тилларини ифодаловчи алифболарига эга. Тил маданиятининг ривожига ёзувнинг қанчалик аҳамиятли эканлигини туркий халқлар тарихидан билиб олса

бўлади. Туркий халқларни бирлаштириш ҳақида кўпгина зиёлилар, хусусан, усмонли турк зиёлилари бош қотирганлар. Туркияда кишиларнинг миллатига қараб фарқлаш қораланган, бу ўзбек, бу қозоқ, бу қирғиз деб миллат ажратган киши жазога маҳкум этилган. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг илғор зиёлилари ҳам халқларимизни маданий, маънавий, иқтисодий жиҳатдан қайта бирлаштириш ҳақида ўйлаганлар.

Ўзбек халқи қадимдан ўз ёзувига эга. Ота-боболаримиз турли хил қадимий ёзувлардан фойдаланишган. Жумладан, ҳозирги Ўзбекистоннинг шарқий ва ўрта қисмларида қадимий уйғур ёзуvidан, қисман руник алифбодан, ғарбий қисмида хоразм ёзуvidан, руник ва суғд алифболаридан фойдаланилган, араблар истило-сидан сўнг араб алифбоси қабул қилинган. Бу ёзувга асосланган ўзбек алифбоси минг йилдан ортиқроқ муддат амалда бўлди. Асримизнинг бошларида эса лотин, хиёл ўтмай рус алифбосига ўтилди.

Ёзувнинг мукамаллиги айна шу халқ маданияти-нинг энг муҳим белгиларидан биридир. Кириллицага асосланган ҳозирги ўзбек ёзуви тилимиздаги миллий сўзларнинг нозик фарқларини тўла ифода этолмайди. Ҳозирги сўзимизда русча ёки рус тили орқали кирган сўзларни ёзишда ва талаффуз этишда миллий хусусиятлар деярли ҳисобга олинмаган. 50 йиллик тажриба шунни кўрсатадики, бундай ён бериш кўзланган самарани бермас экан. Ёзувлари бутунлай бошқача бўлган грузинлар билан арманлар, лотин алифбосини қабул қилган Болтиқбўйи жумҳуриятлари халқлари рус тилини ўзбеклардан ёмон билишмайди. Демак, тилни ўрганишда графика катта аҳамиятга эга эмас экан. Аксинча, ёзув графикасини тез-тез ўзгартириб туриш — маълум ҳолларда баъзи бир халқларнинг ёзувини турли чалкашликларга, уни ўзлаштириб олгунча маънавий оқсашларга олиб келар экан. Ҳатто рус ва туркий алифболардаги бундай фарқлаш шунга олиб келдики, мамлакатимиздаги туркий халқларнинг вакиллари бир-бирларининг оғзаки нутқларини бемалол тушунсаларда, бошқа туркий тилда ёзилган ёзувларни ўқий ва тушуна олмайдиган бўлиб қолдилар.

Миллат ва элатлар орасида бир-бирларини англаш, ҳамкорлик қилиш, янги муносабатларга ўтиш даврида бундай сунъий тўсиққа энди ҳеч қандай зарурият йўқ. Тилларни ва ёзувларни табиий ҳолда яқинлаштириш,

Ўз аслини тиклаш айни вақтда миллатларнинг маданий қадриятларини ҳурматлаш ва уларнинг умуммиллий муштараклигини қарор топтириш демакдир. Бу келажакда қилиниши керак бўлган вазифалардан биридир.

Халқларимизнинг маънавий маданият меросида ҳар бир миллат ва элатнинг ўзига хос *урф-одатлари, удумлари* бор. Урф-одатлар инсонларнинг ўзаро алоқаси, меҳнат муносабатларидан келиб чиққан, минг-минг йиллар давомида шаклланган одат ва кўникмалардир.

Миллий удум ва урф-одатлар машаққатли турмуш синовларидан ўтиб қарор топган. Халқнинг қадр-қиммати, миллийлиги, донишмандлиги унинг урф-одатларида акс этади. Демак, анъаналар ва удумлар халқнинг бамисоли жонли дарслигидир. Уни ўрганмаган, ундаги ибратли йўл-йўриққа амал қилмаган халқ ўз-лигини йўқотган халқдир.

Анъана шаклига айланиб кетган урф-одатлар асрлар давомида яшаб, кишиларнинг ахлоқий нормаларига айланган ҳолда, уларнинг қон-қонига, хатти-ҳаракатларига сингиб кетади. Уларнинг турлари жуда кўп. Урф-одатларнинг прогрессив ва реакцион турларини билиб олиш аслида қийин эмас. Маънавий меросга тўғри муносабатда бўлиш каби миллий урф-одатларга ҳам тўғри, принципиал баҳо беришнинг ўзига хос аҳамияти бор.

Сир эмаски, совет ҳокимияти йиллари турли миллатлар маданиятини байналмилаллик даражасига кўтариб, миллатларнинг ўз-ўзларига, миллий ҳис-туйғулари, хусусиятларига хос бўлган урф-одатларига кам эътибор бердик. Ҳар бир катта-кичик миллатнинг умуммаданий бойлик хазинасига қўшиши лозим бўлган ҳиссасини назар-писанд қилмай қўйдик. Бу салбий ҳолат қатор ижобий удумлар ва урф-одатларимизнинг талайгина қисмини жар ёқасига келтириб, йўқ бўлиб кетиш хавфини туғдирди. Баъзи таълимотлардан келиб чиққан ҳолда, айниқса, уларни ҳаётга татбиқ этишнинг нотабиийлиги оқибатида миллий урф-одатлар сийқалашди, халқ эътиборидан четда қола бошлади.

Мустақиллик даври яхши миллий анъаналар, урф-одатларнинг мезони доирасида туриб иш тутишни талаб қилмоқда. Бинобарин, жамоатчиликнинг жойлардаги вазифаси — яхши урф-одатларни жорий этишлари, уларнинг мазмунига путур етказишга йўл қўймасликлари керак.

Халқимизнинг бебаҳо маржон доналари каби товланиб турувчи қатор ноёб урф-одатлари, ички интизоми, қалб маданияти — иффати, уяти, нозик табиати, одам-охун фазилатлари бор. Бу ўта ижобий хислатлар халқимизнинг амалий қондаси — ҳаёт қонуни бўлиб, улар бирор-бир ҳукмдор томонидан фармон қилинмаган, ёки уни бирор кимса битиб қолдирмаган. Балки ҳаёт тўлқинлари, тўсиқларидан ўтиб келган ота-боболаримизнинг турмуш тарзи бўлиб, бу қонун-қоидалар бора-бора халқимизнинг қонига, тану жонига сингиб, мутлақ удум, урф-одатлари, анъаналари даражасига кўтарилган.

Ҳар жойнинг ер-суви, қонун-қоидалари, анъаналари бор. Улар муқаддасдир, лекин калтафаҳм собиқ «раҳбарлар» ўлкамизда ҳеч нарсани муқаддас ҳисобламай қўйган эдилар. Улар олижаноб миллий анъаналаримизни поймол қилишга уриниб, пировард оқибатда маънавий қаҳатчиликни юзага келтирдилар.

Эндиликда оқ-қорани ажратиш вақти келди. Халқимизнинг урф-одатларини, уларнинг маънавий ҳаётимиздаги фазилатларини, нима уят, нима иффатли эканлигини ўзимиз ҳам, ўзга ҳам, чала муллалар ҳам, масъулиятли кимсалар ҳам билиб олиши шартдир. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг ҳозирги «Ўзбекистон овози» ва «Правда Востока» рўзномалари саволларига берган жавобидан (1989 йил 27 сентябрь) ушбу сўзларни келтириш ўринлидир: «Ҳар бир миллат ва элат, сони ва мавқеидан қатъи назар, ўз анъаналарига, тилига, маданиятига иложи борича кўпроқ ҳурмат ва эътибор билан қарашни талаб этишини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Агар биз ўзимизни ақл-идрокли кишилар деб ҳисоблайдиган бўлсак, у ҳолда мана шу оддий ҳақиқатни олдинроқ пайқашимиз лозим эди».

Ижобий, фойдали урф-одатларни, анъаналарни кўз қорачиғидек асраб, кейинги авлодга етказиш ҳар бир онгли кишининг муқаддас иши бўлиши керак. Бинобарин, халқнинг турмуш тарзига айланиб кетган удум ва урф-одатларнинг сўниб кетмаслигига йўл қўймаслик зарур. Халқчил анъаналарга эътиборсизлик — хиёнатчилик, халққа, миллатга нисбатан ҳурматсизлик, уни менсимасликдир.

Дарҳақиқат, ўзбек халқининг ажойиб миллий анъаналари, урф-одатлари кўп. Чунончи ўзидан каттани,

қарияларни, ота-онани ҳурмат қилиш, уларнинг талабларини, илтимосини мумкин қадар бажо келтириш, уларга орқа ўгириб ўтирмаслик, чанқаган йўловчига сув бериш, марҳум тобутини кўтариб кузатиб қўйиш, оёқ остида ётган нон бўлаги ва ушғини олиш, кўчаэшикка сув сепиш, супириш, дарахт экиш каби бир қанча гўзал, олижаноб урф-одатлари борки, уларга «эски» деб рия қилмаслик мутлақо нотўғри йўл тутишдир.

Шуни ҳам алоҳида қайд қилиб ўтиш лозимки, халқимизнинг баъзи урф-одатларига айрим кишилар «гуноҳ» ёки «савоб» деб қараб, уларга диний тасаввурлар назаридан ёндашадилар. Ҳар бир қадимий урф-одатларнинг мавқеини, уларнинг ижобий ёки салбий томонларини аниқлашда биз уларнинг ҳар бирига конкрет, диалектик нуқтаи назардан ёндошмоғимиз керак. Чунончи, яшовчан, анъанавий урф-одатларимизнинг талайгина қисмини биз диний ёзма адабиётларда ҳам учратамиз. Масалан, диний нуқтаи назардан ариқ ва сойлардан оқиб турган сувни ифлос қилиш «гуноҳ» деб қаралган. Айни вақтда бу масалага соғлом мантиқ нуқтаи назаридан қаралса, бу — жамоат, халқ талабику, ҳақиқатда ҳам ариқда оқиб турган сув мусаффо бўлиб, унинг ҳаётбахш хусусияти ва шукуҳи ҳам шунда-ку. Ҳозирда оқар сув ҳавзаларидан эски пойафзал, консерва қутиси, синган шишадан тортиб то мушук ва итларнинг ўлигигача топиш мумкин. Маҳалла, кўча ва чорраҳаларда уюм-уюм бўлиб ётган ахлатларни кўриб таъбингиз хира тортади. Ҳатто ўтмишда халқимизнинг экологик маданияти юқори бўлган, сув ҳавзаларини, кўча-куйларни тоза тутишган. Бирорта уйнинг атрофида ўт-ўлан тартибсиз ўсиб ётмаган. Ахир буларнинг ҳаммаси атроф муҳитни муҳофаза қилишда катта аҳамият касб этган.

Наврўз байрами атрофида бўлиб ўтган шов-шувларни айтмайсизми? Наврўзга ҳам худди эскилик сарқити сифатида қаралиб, халқимизнинг анъанага айланиб кетган байрамига доир нотўғри қарорлар чиқарилди. Аслида Наврўз, ўз мазмунига кўра, халқимизнинг қадимий, анъанавий баҳор байрами бўлиб, хурофотларга мутлақо алоқаси йўқ эди.

Эндиликда йўқотилаёзган ва унут бўлиб борган халқ удум ва урф-одатлари аста-секинлик билан тикланмоқда. 1990 йилдан бошлаб Наврўз байрами расмий

равишда нишонланиб, ҳурмат топтоқда. Ҳозирги уйғониш даври миллий маданиятни кенг тадқиқ қилиш, ривожлантириш, халқ маънавий оламини шакллантиришда ундан унумли фойдаланиш имкониятларини юзага келтирмоқда. Шу боисдан ҳам ҳозир халқ анъаналари ва байрамларига эътибор каттадир. Урта Осиё халқларининг VIII асргача бўлган байрамлари, айниқса, диққатга сазовордир. Ҳозирда биз нишонлаётган йил боши — «Наврўз», қишнинг энг узун тун — «Сада» (олов), ёзнинг энг узун кун — «Ангом» ҳайити (сув сайли), кузги тенгқурлик — «Меҳргоҳ» байрамлари ўша қадимий даврларда халқ ўртасида ҳар йили ўтказиладиган анъанавий байрамларга айланган эди. Бундай, шўролар ҳокимияти даврида ўз қадрини топмаган удум ва байрамлардан 20 дан ортиғини санашимиз мумкин, бу қадимий байрамларнинг ҳар бирига тарихий ёндошган ҳолда уларни тиклашимиз лозимдир. Зероки, бу байрамлар ўзбек халқининг миллий қадриятлари бой меросларидан ҳисобланади. Диний халқ удум ва байрамларини ҳам тиклаш одамларга ҳеч қандай хурофот эмас, қувонч ва руҳий қониқишлар келтиради. Булар қаторига «Рамазон», «Қурбон ҳайит», «Хотира» каби байрамлар киради. Бундан ташқари, «Остона», «Бешиккетди», «Хатна», «Ёмғир чақириш», шунингдек, «Суст хотин», «Чала хотин», «Салла ўраш» каби кўплаб одатларимиз мавжуддир. Халқимизнинг ижобий анъаналари, урф-одатларини чуқур ва атрофлича ўрганиб, уларни янада ривожлантириш — миллий қадриятларимизни тиклаш демакдир.

3. МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР БИЛАН АЛОҚАДОРЛИГИ

Миллий ва умуминсоний қадриятлар бир-бири билан бевосита боғлиқдир. Уларнинг ҳар иккаласи бир-бирига таъсир этади, бири иккинчисини тўлдиради, мазмунини бойитади.

Умуминсоний қадриятлар миллий қадриятлардан мазмун жиҳатидан чуқур ва кенг бўлиб, уни ўз ичига олади. Маълумки, умуминсоний қадриятлар барча миллатлар, элатлар ва халқларнинг мақсад ва интилишларининг яхлитлиги ва умумийлигини ифодалайди. Шунини таъкидлаш керакки, дунёдаги биронта ҳам халқ ва миллат ўзидан бошқа халқ ва миллатлардан, умумий

жаҳон цивилизациясидан ажралган, ўзининг алоҳида тарихига эга эмас. Миллатлар бошқа халқларнинг ютуқларидан фойдаланмай туриб ривожлана олмайдилар. Барча халқларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ривожланиш тарихи бир-бири билан чирмашиб, тараққий этиб келган. Шунинг учун ҳам бир миллат ўз доирасида чекланиб қолмай, бошқа миллатлар ва халқлар билан биргаликда тараққий этиши керак.

Бутун жаҳон иқтисодий ва маънавий тараққиёти халқлар, миллатлар, элатлар, уруғлар ва қабилалар тарихий, тақдирларининг ўзаро боғланиши, чирмашуви, бир-бирини тўлдириши асосида амалга ошади. Агар бирор миллат бошқа миллатлар билан ўзаро ўхшаш хусусиятларга эга бўлмаганда, иқтисодий, маданий, сиёсий алоқада бўлмаганда, у улардан ўрганмаган ва ўзидаги ютуқларни бошқалар билан баҳам кўрмаганда эди, у таназзулга учраган миллат бўлган бўлур эди. Бундай миллат жаҳон цивилизациясининг самараларидан фойдалана олмаган бўларди.

Халқларнинг улуғворлиги миллий маҳдудликда эмас, балки *умуминсоний хусусиятларга* эга эканлигида, жаҳон цивилизациясига қўшадиган ҳиссасидадир. Айни чоқда бошқа бир нарсани ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак. Миллий манфаатларни, миллий қадриятларни умуминсоний манфаатлар ва қадриятларга қарама-қарши қўйиш, муайян ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муаммоларни қайсидир миллат ва элатнинг манфаатларига хилоф равишда ҳал этишга интилиш, миллий манфаатлар баҳонасида миллий худбинликни, текинхўрликни олқишлаш миллатлараро муносабатлар тараққиётига салбий таъсир ўтказди. Бир миллатнинг манфаати ва қадриятлари бошқа миллатникидан ажратилмаган ҳолда ўрганилиши керак.

Бизнинг давримизда давлатлараро муносабатларда умуминсоний қадриятлар ахлоқ ва маънавиятнинг устунлигини эътироф этиш, уларни турли ижтимоий-иқтисодий тузумли мамлакатлар ўзаро ҳамкорлигининг умумий йўналишини ҳосил этувчи асосий омил сифатида қарор топтириш тамойили тобора яққолроқ кўзга ташланмоқда.

Бунинг зарурлигини зиддиятли ва айни вақтда яхлит ҳолда боғлиқ бўлган бутун дунёда олиб бориладиган иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда ўз мазмуни

билан, шу жумладан барча халқлар умум цивилизациясининг узвий қисми сифатида тушуниш керак бўлади. Умуминсоний қадриятларни назар-писанд қилмаслик — жаҳон ҳамжамиятига, унинг маънавий соғломлигига тузатиб бўлмас даражада зиён-заҳмат етказиш демакдир.

Бир вақтнинг ўзида фақат миллий қадриятлар манфаатлари билангина, бир томонлама, яъни синфий характерда чекланиб қолсак, материалистик диалектика методологиясига зид равишда иш тутган бўламиз. Айни бир вақтда диалектикани эътибордан соқит қилиш баъзи тадқиқотчиларга панд берди, ягоналик, алоҳидалик ва умумийлик категориялари асосида баҳо беришда бир томондан бошқа томонга сапчишга, ҳаддан ошишларга имкон яратиб берди.

Онг одатда турмушдан орқада қолади. Онгнинг бир қисми бўлмиш тафаккур эса доимо ҳам воқеликнинг ривожланиши билан бир сафда боришга улгуравермайди. Бундай ҳол тафаккурни ақидапарастликнинг қолипига жойлаштиришга ҳаракат қилинганда юз беради. Айни шу сабабли умуминсоний ва миллий жиҳатларнинг диалектикаси тўғрисидаги таълимот намояндаларининг кўпчилиги ноҳақ унутилган, нотўғри баҳоланган ёки онгли равишда тилга олинмай келинган. Эндиликда бу жиҳатларнинг ўзаро алоқадорлигини ҳам ҳуқуқий, ҳам инсоний томондан тиклаш зарур. Бу, аввало, мамлакатимизнинг инсонпарварлик моҳиятини, умумжаҳон халқларининг ўзаро фойдали манфаатларини ифодалаган бўлур эди.

Шунинг учун ҳам умуминсоний ва илмий манфаатлар, қолаверса қадриятларни ўтиб бўлмас тўсиқлар билан ажратмасдан, балки уларни тадқиқ этиб, улар ўртасидаги ҳар томонлама алоқадорлик ва бавоситаликларни аниқлашимиз ва бундан илмий хулоса чиқаришимиз лозим.

Жаҳон ҳамжамияти ўз мавжудлигига нисбатан жуда улкан хавф-хатарга, ташвиш ва муаммоларга юзма-юз туриб қолган ҳозирги пайтда умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида ётган манфаатларга диалектик ёндошув аниқса зарурдир. Иқтисодий-сиёсий, маданий-маънавий, илмий-техникавий ва шунга ўхшаш бошқа омиллар, ҳарбий соҳанинг, алоқа ва ахборот йиғишнинг ривожланиши мамлакатлар ва халқларни тобора кўпроқ яқинлаштирмоқда. Ўзаро боғлиқлик

бундай ўсиб бораётган шарт-шароитда умуминсоний муаммолар айрим синфлар, иқтисодий системалар, миллатлар, маданиятлар, динлар ва мафкуралар доирасидан четга чиқмоқда. Бундан шу нарса келиб чиқадики, мамлакатимизнинг ҳозирги тафаккури ва унинг сиёсати ўзида синфий, миллий қадриятлар билан умуминсоний қадриятларни бирга қўшиши, бирлаштириши керак.

Турли ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тузумли давлатлар ўз синфий ва миллий қадриятларини, дунёда ҳали ҳам кучли таъсир этаётган худбинлик хислатларини четлаб ўтиб, умуминсоний қадриятларнинг устунлигини қарор топтира оладими?— деган савол туғилиши мумкин.

Ҳозирги умумбашарий муаммолар мана шу масаланинг умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан туриб ҳал қилинишига ҳаммадан кўра кўпроқ мажбур этмоқда. Инсоннинг омон қолиши, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, умумжаҳон иқтисодий механизмининг янги босқичи, ҳар томонлама ҳамкорлик ва қўшничиликнинг заруриятлари, экологик, энергетик муаммолар ва умуминсоний бой тарихий мерос, инсонларга хос умуминсоний фазилатлар; ҳозирги дунёнинг яхлитлиги ва ўзаро боғлиқлиги, унинг зиддиятлари моҳиятининг ўзгариши уларнинг асосий, туб моҳиятли хусусиятларидир.

Умумжаҳон цивилизацияси жараёнида барча миллатлар ва янги миллий ҳосилаларнинг роли ошган ҳозирги кунда халқаро муносабатлар ўзининг миллий характерини йўқотмаган ҳолда ўзини борган сари кўпроқ даражада айти халқлар орасидаги муносабат сифатида рўёбга чиқармоқда. Бундай вазиятда «ташқи» (жаҳон миқёси) ва «ички» (миллий) жиҳатларни турли мустақил соҳалар бўйича ажратиш ўринли экани даргумон бўлса керак. Зеро, «жаҳон миқёсидаги» жиҳат «миллий» жиҳатга нисбатан олганда — маҳаллий (синфий, социал, миллий) муаммоларга фақат арзимас тузатишлар киритувчи қандайдир «ташқи омил» эмас, балки кенг ёйилувчи ички реалликдир. Айрим давлатлар ва миллатлар шаклланаётган жаҳоншумул яхлитлик элементлар сифатидагина ҳозирги ўзаро боғлиқ дунёнинг мустаҳкам қисмларига айланади ва чинакамига тушунилиши мумкин.

Умуминсоний қадриятларнинг устунлиги айти вақтда миллий қадриятларни мустаҳкамлаб, уларга янги

оламшумул ва миллий реалликларга жавоб берадиган шакллар бериш зарурлигини тақозо этади. Тараққий-парвар кучлар ўз мамлакатларидаги миллий манфаатлар ва қадриятларни дунёдаги ўсиб бораётган қизиқишлар билан ўзаро боғлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Барча жаҳон олимлари ҳозирги умумбашарий муаммоларни умуминсоний мақсадлардан келиб чиқиб ҳал этмасдан туриб, ўз миллий келажаklarини дунё бўйича муштарак хавф-хатарлардан — қуролли ихтилоф, экологик фалокатлар, қашшоқлик ва очарчиликдан, иқтисодий, сиёсий ва маданий ягоналашувдан, моддий ва маънавий мерослар ҳалокатидан қутқариб қолиши мумкин эмас.

Дунё халқлари умумий инсонпарварлик қадриятларини ва ҳамма учун ягона бўлган шахс ҳуқуқларини ҳурмат қилишни қабул қилмагунларига қадар улар олдида ва бутун ҳамжамият олдида турган муаммоларнинг бирортаси ҳам муваффақиятли ҳал этилиши, халқаро хавфсизликнинг ҳам мустаҳкам ҳимоя қилиниши мумкин эмас. Умуминсоний ва миллий қадриятларнинг ўзаро боғлиқлиги шу қадар қатъийки, улар бири бири билан шунчалик мустаҳкам «чатишиб» кетганки, уларнинг лоақал бирортасини «тушиб» қолиши бутун занжирнинг узилишига олиб келиши мумкин. Бутун инсониятга тузатиб бўлмайдиган зарар етказишга қодир, тор маънода тушуниладиган миллий қадриятларнинг торози палласини босиб кетиши туфайли оғиш содир бўлмаслиги учун бунини доим эсда тутиш лозим.

Ҳозир ягона жаҳон яхлитлиги доирасида мавжуд бўлган мамлакатлар ўртасида ўзаро таъсир, биргаликда фаолият кўрсатиш ва ёнма-ён суяниб ривожланиш қонунларининг таъсири кўзга ташланмоқда. Бу эса кишилик жамиятининг тарихан белгиланиб қолган турмушини тубдан ўзгартириш қонунларини бир қадар тезлаштириб юборди. Чунончи, «учинчи дунё» давлатлари жаҳон халқларининг ижтимоий тажрибаси ва техникавий воситаларини ўзлаштириб, ривожланишнинг анъанавий типларидан жиддий фарқ қилувчи янги типини шакллантирмоқда.

Бошқача айтганда, ҳозирги дунёда ижтимоий табақаларни, уларнинг «соф кўринишида», бир-бирларидан ажралган ҳолда чинакамига илмий, ҳар томонлама, диалектик тасаввур қилиш қийин ҳамда самарасиздир.

Жаҳон цивилизациясининг ривожланиш йўлини

шунчаки оддий ҳол деб қабул қилмаслик керак. Кўп укладли мамлакатларни яхлит жаҳон тараққиёти-нинг бутун хилма-хиллигида билиб олиш, тадқиқ қилиш, ўзлаштириш, цивилизация сингари категорияларнинг моҳиятини англаб етиш, инсониятнинг олға боришида «маърифатли» ва «фармацион» жиҳатларнинг ўзаро алоқадорлигини аниқлаш лозим бўлади.

Ривожланиш омилининг аҳамиятга моликлигини шубҳа остига олмасдан, биз назарияда ҳам, амалиётда ҳам дунёда қарама-қаршиликларнинг мавжудлиги унинг яхлитлигидан қолишмайдиган даражада реаллигига тегишли эътибор бермаслигимиз мумкин эмас. Миллий худбинлик ҳар қандай битишув, қўшилув ва муросани истисно этади, бинобарин, олға қараб ҳаракат қилишнинг йўлига ғов қўяди. Дунёнинг яхлитлиги ғояси турли ижтимоий тузумли давлатларнинг ҳамкорлигисиз амалга ошиши мумкин эмас.

Биз ўз миллий манфаатларимизни, миллий қадриятларимизни эътиборга олиш билан бир қаторда бошқа давлатларнинг манфаатларини ҳурмат қилишимиз керак. Зеро ҳақиқатдан тинчлик, яхши қўшничилик, ҳар томонлама ҳамкорлик, ўзаро ишонч — нафақат омон қолиш, балки кўпгина ижтимоий вазифаларни ҳал этишга, инсонларнинг сиёсий ҳуқуқларини, миллий ва маънавий бойликлари ва меросларини сақлаш орқали умуммиллий қадриятларни таъминлаш ҳамдир. Шу билан бирга дунёда, айрим мамлакатлардаги қарама-қаршиликлар, зиддиятлар, партиялар, давлатлар ва улар тартиботларининг ўзига хос вазифалари реал муаммолар бўлиб қолаверади. Жаҳоншумул муаммоларни ҳал қилишнинг шошилинчлигини инкор этиш, уларнинг умуминсоний манфаатларини янада таъсирчан ҳимоя қилишга интилиши билан белгиланувчи тараққийпарвар ҳаракатларнинг обрўси, таъсирини ошириш имкониятларига эътибор бермаслик мулоҳазасиз иш тутиш бўлур эди. Шу сабабли бунда шошилинч янгилаш, ҳамма нарсани ўйламай-нетмай қайта кўриб чиқиш ҳам, ўзлаштирилган ерлардан янги ерларга ўтишдан ҳадиксировчи қўрқоқларча ақидапарастлик ҳам самарасиздир.

Умуминсоний ва миллий қадриятларнинг ўзаро муносабатини диалектик тушуниш мамлакат ичида ҳам, жаҳон майдонида ҳам самарали таъсирчан сиёсатни, иқтисодиёт ва маданиятни яратиш жуда катта аҳами-

ятга эга. Дарвоқе, фаолиятнинг исталган соҳаси учун давлатлар ҳамжамиятида юз бераётган ўзгаришларни ўз вақтида пайқаш ва ҳисобга олиш муҳимдир.

Ҳозирги даврдаги жараёнларни тадқиқ қилишга янгича тафаккурни изчиллик билан қўллаш дунёнинг чинакам илмий манзарасини яратишга, унинг давлатлар, сиёсий ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ижобий, бунёдкорона ҳамкорлигини йўлга қўйишга ёрдам беради. Биз эндиликда инсон зотининг муштараклигини, унинг тақдири муштараклигини англаб эски андозалардан аста-секин халос бўлаяпмиз, янгича тафаккурда нафақат тафовут ва ихтилофларни, балки янгича ҳаёт учун ғоят зарур бўлган тажрибанинг жуда бой манбаини ҳам топмоқдамиз. Миллий қадриятларни умуминсоний қадриятларга йўналтириш ҳукуматлар, сиёсий кучлар, барча ижтимоий гуруҳлар ва жамоалардан ўз манфаатлари ва фаолиятларини халқаро муносабатларга инсонпарварлик руҳини сингдириш йўли билан гражданлик жамиятини шакллантиришга қаратишни тақозо этади.

XX асрнинг иккинчи ярмигача тарихий воқелик ўзида яхлит нарса сифатида цивилизацияни, ўз-ўзини инкор этиш имкониятига эга эмас эди; инсониятга мангу мавжудот сифатида қаралар ва унинг ўзини сақлаш тўғрисида ғамхўрлик қилишга ўткир эҳтиёж йўқ эди. Энди умумийликдан хусусийликка сари — акс таъсир алоқа ҳам юзага келди: индивидлар ҳаётини қўллаб-қувватлаш ва такрор ҳосил қилиш бутун кишилик зотини сақлаб қолишга бевосита боғлиқ бўлиб қолди. Шу сабабли унинг омон қолиши тўғрисидаги ғамхўрлик объектив равишда кишилик борлигининг ўз жисман мавжудлигини сақлаб қолиш воситаларига бўлган азаллий эҳтиёжлари сингари ана шундай энг биринчи заруриятга айланади.

Умуминсоний қадриятларнинг устунлигини англаш жаҳон ҳамжамияти олдида уларнинг рўёбга чиқарилишини кафолатловчи механизмни ишлаб чиқиш муаммосини қўйди. Фикримизча, миллий қадриятларни умумжаҳон қадриятлари даражасига чиқаришда халқаро фаолиятнинг давлатлар ўзаро муносабатлари бутун комплексдан келиб чиқадиган энг муҳим негизларига таяниш керак. Ўз хавфсизлигини бошқалар хавфсизлиги ҳисобига таъминлашнинг, ўз манфаатларини бошқалар манфаатларига зиён етказиш ҳисобидан ҳи-

моя қилишнинг мумкин эмаслигидан келиб чиқиш керак. Ҳар бир халқнинг тикланиш эркинлигини тан олиш янги жаҳон тартибидаги асосий жиҳатдир.

Гуллаб-яшнайдиган, эркин ва демократик жамиятга ёлғиз ўз йўлини ижтимоий ривожланишнинг бошқа йўллариغا қарама-қарши қўйган ҳолда келиш мумкин эмас. *Биргаликда ривожланиш, биргаликда ижод қилиш, ҳамкорлик даврининг қатъий талабидир.* Қадимги Юнонистон, маърифатпарварлик даври, янги ва энг янги давр инқилоблари инсонпарварлигининг барча энг яхши томонларини ўзида мужассамлаштирган умуминсоний демократия идеаллари сари ҳаракатнинг зарурлигини эътироф этиш баракалидир. Амалиётда бу ҳол инсон ҳуқуқлари соҳасида БМТ халқаро ҳуқуқ ҳужжатлари, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, кўплаб халқаро битимлар, янги Европа учун, Париж хартияларининг универсал негизида халқаро ҳамкорликнинг кенгайтирилишини англатади. Уларни ҳурмат қилиш, уларга амал қилиш, қонун билан кафолатлаш, ҳимоя қилиш, тўлиқ амалга ошириш — ҳукуматлар ва давлатларнинг энг биринчи бурчи, шахснинг руҳияти ва ижодий имкониятларини юзага чиқарувчи ҳамда кишиларнинг ижтимоий куч-ғайратини озод этувчи эркинлик, адолат ва тинчликнинг негизидир. Ҳар қандай жамият ҳаётини демократиялаш кучайган сари фуқароларнинг сиёсий онги, уларнинг фаоллиги ошиб боради.

Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетганини иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда содир бўлаётган жараёнларда яққол кўришимиз мумкин. Маълумки, айни вақтда бизнинг мамлакатимиз жаҳон иқтисодиёти билан ўзаро яқинлашиш ниятида бозор муносабатларини ривожлантирмоқда. Бундай янги иқтисодий сиёсат айни бир пайтда ҳам бизнинг миллий талабларимизга, ҳам умуминсоният манфаатларига жавоб беради. Шунинг учун ҳам аксарият ривожланган хорижий мамлакатлар бизга ўз кўмаklarини кўрсатмоқда. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Қаримов томонидан кейинги вақтда бир неча хорижий мамлакатларга қилган сафари чоғида имзоланган кўпгина шартномалар яққол мисол бўла олади.

Собиқ СССР жумҳуриятлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси кейинги вақтда Европа ҳамжа-

миятида, Халқаро валюта фондида ва бошқа иқтисодий ташкилотлар ишида ҳам фаол қатнашмоқдалар. Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди. Ана шу масала юзасидан Швейцариянинг Давос шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон иқтисодий анжуманида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Қаримов нутқ сўзлаб, ҳозирги вақтда бизнинг асосий вазифаларимиз қуйидагилардан иборат, деб таъкидлади:

«1. Сиёсий ва иқтисодий танглик ҳолатидан чиқиб олиб, ўз қиёғамизга, бунинг устига очик ва равшан қиёғамизга эга бўлиш, ўз маънавий-миллий қадриятларимизни тиклаб, миллатлараро ва фуқаролар тотувлигини таъминлаш, — миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар шахс эркинлигига ва инсон ҳуқуқларига кафолат бериладиган замонавий демократик давлатлар қаторидан жой олишдир.

2. Текинига тайёрлик психологиясидан, текисчиликдан халос бўлиш, меҳнатнинг замонавий омилларини одамлар онгига сингдириш, ишбилармонлик ва хусусий мулкка эркинлик бериш...

3. Иқтисодиётни мафкуралаштиришдан, жамиятни эса фақат бир мафкуранинг зўрлигидан тўла-тўқис халос этиб, ажралиб қолиш ва маҳдудликни тугатиш ҳамда жаҳон иқтисодиётига қўшилишни таъминлаш.

4. Аниқ вазиятни, миллий хусусиятларни, минтақада асрлар давомида таркиб топган турмуш тарзини ҳисобга олиб, жиддий ижтимоий ларзаларсиз бозорга ўтиш.

Бу соҳада ана шу қийин ва оғир йўлни босиб ўтган давлатларнинг тажрибасини эътиборга олиш ғоят муҳим эканлигини тушунамиз ва уларнинг ёрдам ва мададига муҳтожмиз, албатта»¹.

Шуни эътиборга олиш лозимки, хорижий мамлакатлар томонидан собиқ СССР жумҳуриятларига иқтисодий ёрдам кўрсатиш уларнинг ўзлари учун ҳам кераклидир. Чунки агар улар бизнинг бозор муносабатларига ўтиш соҳасида амалга ошираётган режаларимизни қўллаб-қувватлаб, қўлларида келадиган иқтисодий ёрдамларини бермаса, унда жамиятимизнинг турли соҳаларида рўй бераётган зиддиятлар кескинлашиб, тоталитаризм диктатураси янада ғалаба қозониши мумкин. Бундай вазиятда чет мамлакатлар учун демократик ўз-

¹ «Ўзбекистон овози», 1992 йил 5 февраль.

гаришлар анча қимматга тушиши мумкин. Бундан ҳам биз ҳозирги пайтда миллий ва умуминсоний манфаатларнинг бир-бири билан узвий боғланиб кетганлигини яққол кўришимиз мумкин.

Халқлар ҳаётида рўй бераётган иқтисодий ва сиёсий ўзаро яқинлашиш маданият соҳасига ҳам тўла тааллуқлидир. Шу асосда ҳар бир миллий маданият бошқа халқларнинг маданиятига таъсир этиб, уларни бойитиб, айни пайтда унинг ўзи ҳам бойиб боради. Миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири асосида ривожланиб, такомиллашиб бориши умуминсоният маданияти тараққиётига замин яратади.

Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи жаҳон халқларининг фан, техника, адабиёт ва санъат соҳасида эришилган илғор тажрибаларидан атрофлича фойдаланишни ҳаётий эҳтиёжга айлантирди. Ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётда миллийлик билан байналмилалликни жорий этиш ва ривожлантиришда ана шунга эътибор қилиш илмий-амалий аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда мавжуд бўлган ҳар бир миллий маданиятдаги ютуқлар, ижобий, фойдали томонларни доимий равишда ўрганиш, улардан кенг ва атрофлича фойдаланиш миллий маданиятларни ўзаро бойитишнинг, кишиларни байналмилал руҳда тарбиялашнинг зарурий йўлларида ҳисобланади. Ҳар қандай миллий маданият жамият маънавий ҳаётининг барча ранг-баранг томонларини ва бойликларини ўзида акс эттиради ва шу тариқа янада ривожланади, бойиб боради. Миллий маданият умуминсоний маданиятдан ажралмасдир, унинг бир бўлагидир. Шунинг учун ҳам ҳар бир халқнинг миллий маданиятини умуминсоният маданиятига қарама-қарши қилиб қўймасдан, уларни ўзаро боғлиқликда, диалектик алоқадорликда олиб қараш мақсадга мувофиқдир.

Биргина ўзбек миллий маданий меросининг неча асрлар давомида умумжаҳон маданий мероси даражасига кўтарилиб, гуллаб-яшнаб келганлигини, унинг умумбашарий маданият муштараклигига айланиб кетганлигини жаҳон жамоатчилигининг ўзигина айтиб турибди, бунинг бўлиб бундан олмоқда ва эъзозламоқда. Бунинг ёрқин мисоли 1990 йили бобокалонимиз имом ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллигини бутун жаҳон прогрессив жамоатчилиги томонидан ЮНЕСКО

раҳнамолиги остида нишонланишидир. Бу ўзбек ва бошқа тарихий халқларнинг бебаҳо маданий қадриятларига чуқур ва чексиз ҳурмат нишонасидир.

Афсуски, охириги йилларда бизнинг маданиятимиз табиий минтақа доирасидан сунъий равишда узиб олинди. Натижада Европа минтақаси маданияти анъаналарини жаҳон маданияти, деб ўз минтақамиз маданияти анъаналарининг қадрига етмадик, нари борганда, маҳаллий-миллий чегаралардаги маданият унсурлари, деб қарашга одатландик. Миллий маданиятни жаҳон маданияти даражасига қўтариб, унинг ажралмас қисмига айлантиришни нотўғри тушундик. Энди бизларга ўз минтақа маданиятимизни чуқур ўзлаштириб ва мустақил заминда ривожлантирибгина асл маънода жаҳон маданиятига эш бўла бошлашимиз мумкинлигини тушунмоқ пайти келди. Бу бир минтақа маданиятини бошқасига қарши қўйиш ёки бири чегарасида иккинчисини ижодий ўзлаштиришдан тийилиш маъносида тушунилиши керак эмас, албатта. Жаҳон халқларидан ким қаерда арзигулик натижага эришган бўлса, таҳсин айтмоқ, қойил қолмоқ, ҳавас қилмоқ ва ўрганмоқ лозим. Аммо ўзлигини унутиш ўзгани тўғри тушунишга йўл очмайди. Аксинча илмда бир ёқламаликни келтириб чиқаради.

Ўзбек халқининг маданияти жаҳон маданиятидан четда юзага келган ва ривожланган эмас. Ўзбек халқининг маданияти фақат миллий асосда эмас, шу билан бирга умуминсоний маданиятлар таъсири остида ҳам ўсади, ривожланади. Хитой, Қадимги дунё, Рим даври маданияти, жаҳондаги бошқа маданиятлар ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Ўз навбатида ўзбек халқи ҳам бошқа халқлар маданиятининг юксалишига, умумжаҳон маданиятига, тараққиётига ўзининг фаол таъсирини кўрсатди. Ўрта аср маданиятининг буюк намояндалари Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий, Алишер Навоий ва бошқа алломалар томонидан яратилган нодир асарларнинг инсоният маънавий хазинасининг дурдонаси, жаҳон маданиятининг ажралмас қисми эканлиги бунга мисол бўлади. Шунинг билан бир қаторда ўзбек миллий маданияти бошқа халқларнинг маданияти таъсири остида ривожланиб боради. Бунинг биз миллий санъат ва миллий адабиёт соҳаларида яққол кўришимиз мумкин.

Маълумки, бошқа халқлар маданиятининг таъсири остида Ўзбекистонда опера ва балет, симфоник мусиқа шаклланиб, жаҳон мамлакатлари томонидан тан олинди. Адабиёт соҳасида ҳам бошқа халқлар маданияти таъсири остида роман, повесть, очерк каби янги жанрлар шаклланди.

Юқорида айтилганлардан яққол кўриниб турибдики, миллий ва умуминсоний қадриятлар бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган. Шунинг учун уларни бир-биридан ажратиб ҳам, бирини иккинчисига қарама-қарши қилиб ҳам қўйиш мумкин эмас. Миллий ва умуминсоний қадриятлар ўртасидаги алоқадорлик фалсафанинг алоҳидалик ва умумийлик категорияларига хос муносабатларни акс эттиради. Умумийлик нарс ва ҳодисаларнинг энг умумий томонлари орасидаги алоқаларни ўзида акс эттириб, ўз кўринишини фақат алоҳидаликлар орқали конкретлаштиради. Умумий фақат алоҳида орқали яшайди. Ҳар қандай алоҳида (у ёки бу тарзда) умумийдир. Ҳар қандай умумий — алоҳида-нинг бир қисми ёки бир томони ёки моҳиятидир. Бизни қуршаб олган дунё, табиат ва жамият умумийлик ва хусусийликнинг ўзаро таъсири натижасида бир вақтда умумий ва узлуксиз жараён тарзида намоён бўлади. Демак, миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳам бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдириб, бир-бирини акс эттириб туради.

4. МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР ВА МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАР

Миллий қадриятларни тиклаш ва улардан самарали фойдаланиш миллий манфаатлар ва миллий қизиқишлар билан узвий боғлиқдир. Миллий манфаат тётан ижтимоий-психологик ҳодиса бўлиб, миллатларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётини ҳар томонлама қамраб олади. Бошқача айтганда, *ҳаққоний миллий манфаатлар бу муайян миллат вакилининг қўллаб-қувватлаётган талаб ва эҳтиёжлари йиғиндисидан иборатдир*. Мана шундай қарашдаги миллий манфаатлар ва ишлар бошқа миллат вакиллари манфаатларига зид бўлмаслиги керак. Асл манфаатларни бир гуруҳ миллий экстремистлар, миллатчилик, шовинистик, буюк давлатчилик дардига мубтало бўлган кимсалар эмас, балки меҳнаткашлар оммаси ифода этади.

Миллатлар ва миллий манфаатлар, миллий ҳис-туйғулар мавжуд экан, миллий муносабатлар ҳам кун

сайин эътибор беришни талаб қиладиган масалалар, умуммиллий муносабатларни ҳисобга олган ҳолда ўз вақтида ва ижобий ҳал этиб боришни талаб этади. Миллатларнинг манфаатларига бирдан-бир тўғри муносабатда бўлиш — уларни энг юқори даражада қаноатлантириш ва ана шу заминда ихтилофлар чиқарадиган ҳар қандай имкониятларга хотима берадиган шароитларни яратиб боришдир. Тажрибамиз бизда ана шундай қатъий ишонч ҳосил қилдики, турли миллатларнинг манфаатларига жуда катта эътибор берилгандагина ихтилофларга сабаб бўладиган замин йўқолади, ўзаро ишончсизлик йўқолади, ҳар қандай фисқ-фасод хавфи йўқолади, бундай шароит, айниқса турли тилларда сўзловчи ишчи ва деҳқонларда шундай ишонч туғдирадики, бунингсиз халқлар орасида тинч муносабатлар бўлиши ҳам, ҳозирги замон цивилизацияси эришган барча қимматли ютуқларни бир қадар бўлса-да муваффақият билан ривожлантириш ҳам асло мумкин эмас.

Баъзи ҳолларда миллий манфаатлар ғоявий-сиёсий мазмунига кўра бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам кўп миллатли давлатимиз халқлари манфаатини тўла-тўқис акс эттирган орзу-ниятларини, соғлом миллий манфаатларини доимий равишда топиб, ўрганиб, уларни қондириш йўлларини изламоғимиз лозим. Лекин «бир ёқламалилик» характеридаги, мамлакат бирлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмайдиган ўта шахсий, тор миллий манфаатлар атрофида ўралиб қолиш ҳам тўғри эмас.

Бир миллатнинг манфаатлари бошқа миллат ва элатларнинг манфаатларидан, талаб ва эҳтиёжларидан ажратилмаган ҳолда ўрганилиши лозим.

Жамият ҳаётини демократиялаштириш, ошкораликни чуқурлаштириш шароитида, назокатни сақлаган ҳолда, барча миллатлар ва элатларнинг ўзига хослиги-ю, манфаат, қизиқишларини камситмасдан, доимо халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, ёшларни байналмилаллик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлларини қидирмоқ керак.

Миллий манфаатларни назар-писанд қилмаслик, чеклаб қўйиш хунук ижтимоий-сиёсий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бунга Тоғли Қорабоғ, Кавказорти жумҳуриятларида, Тожикистонда ва бошқа жойларда рўй берган кўнгилсиз воқеалар мисол бўла олади. Бу

воқеалар миллий қадриятлар негизида турган муаммоларни оқилона ҳал этиш лозимлигини яна бир бор тасдиқлади, миллатчилик ва буюк миллатчилик кайфиятлари қўзғатилишига асло йўл қўйиб бўлмаслигини кўрсатди.

Миллий қадриятлар кенг маънода барча мамлакатлардаги халқларни ташкил этувчи синфлар, миллатлар ва элатларнинг манфаат ва қизиқишларини ифодалайди. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, муайян миллатларга хос бўлган тор маъноли миллий қадриятлар йиғиндисидан ташкил топган, умумийлашган умуммиллий қадриятлар мажмуасидир. Демак, ҳар бир ўлка, мухтор ва мустақил давлат шаклидаги жумҳуриятлар таркибида бир неча миллатлар ва элатлар борки, уларнинг барчасига хос бўлган яхлит тарзда амал қиладиган манфаат ва қизиқишлар юзага келади. Умумманфаат заминида юзага келган муносабатлар асосли равишда уларнинг барчасига хос бўлган умумқадриятларнинг шаклланишига асос бўлади. Шу нуқтан назардан айтиш мумкинки, умуммиллий манфаатлар мазмун ва моҳияти жиҳатидан миллий қадриятларга қараганда кенг ва чуқурроқдир. Бундан кўриниб турибдики, *умуммиллий манфаатлар миллий манфаатлардан фарqli ўларoқ алоҳида ёки бир гуруҳдаги кишиларни эмас, балки мамлакатимиздаги барча мавжуд миллат, элат ва халқларнинг мақсад ва интилишларининг яхлитлиги, умумийлигини ифодалайди.*

Умуммиллий манфаатлар бутун ҳолда намоён бўлса, миллий манфаатлар ана шу бутуннинг шаклида намоён бўлади. Умумийни алоҳидадан, алоҳидаликни умумийликдан ажратиб бўлмаганидек, миллий манфаатларни ҳам умуммиллий манфаатлардан ажратиб қараш мумкин эмас. Умуммиллий манфаатлар миллий манфаатларнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Миллий ва умуммиллий манфаатлар бир-бири билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун уларни бири-биридан ажратиб, бир-бирига қарама-қарши қўйиб бўлмайди. Ҳақиқий байналмилал инсон бўлмоқ учун фақат ўз миллатининг манфаатинигина ўйлаш керак эмас, балки барча миллатларнинг манфаатларини, уларнинг умумий озодлиги ва тенг ҳуқуқлилигини ўз миллатидан юқорироқ қўймоқ керак. Лекин у ҳамма ҳолларда кичик миллатнинг маҳдудлигига, биқиқлигига, амалдорлигига қарши яккалик ва умумийликни ҳисобга олган

ҳолда, жузъий манфаатларига бўйсундириш учун курашмоғи керак бўлади.

Кўп миллатли мамлакатимиз тараққиётининг тарихий тажрибаси умуммиллий манфаатлар билан миллий манфаатларни бир-бирига уйғунлаштиришнинг бир қанча принципларини ажратиб кўрсатиш имконини беради. Бу принциплардан энг асосийси — умумдавлат, *умуммиллий манфаатларнинг миллий манфаатлардан устун туришидир*. Умуммиллий манфаатларни юқори қўйиш миллий манфаатларни чеклаш, камситиш эмас, балки умумиятнинг манфаатига асосланиш, озчиликнинг манфаатини кўпчилик манфаатидан устун қўймаслик демакдир.

Ҳақиқий байналмилаллик фақат миллий, ҳудудий, жумҳурият манфаатларини теран англашдангина иборат эмас, балки умуммиллий янгиланиш вазифаларини адо этиш йўлидан мамлакатимиздаги барча ҳудудларнинг имкониятларидан, тўла-тўқис фойдаланишни ҳам тақозо этади. Миллий ва умуммиллий манфаатларни якка-якка, алоҳида-алоҳида ҳолда эмас, балки ўзаро боғлиқ ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Умуммиллий манфаатлар ва уларни бир хилда қондириш собиқ Иттифоқ ҳудудида, барча мавжуд миллий давлат чегаралари доирасида чекланиб қолмаслиги керак. Турли районларда яшаб келаётган халқлар миллатидан қатъи назар, ҳамма жойларда ва ҳамма вақт ўзларининг ранг-баранг миллий эҳтиёжларини қондира олишлари даркор. Бу муносабат ҳудудий мухториятга эга бўлмаган халқларга ҳам тегишлидир, уларнинг миллий манфаатларини одилона ҳимоя қилиши зарур.

Қардош жумҳуриятларда яшаётган миллат ва элатларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳар томонлама ўрганиш, уларни қондириш йўлларини излаш ҳамда мамлакатимизнинг умумий манфаатига мувофиқлаштириш ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

Кенг маъноли миллий кадриятлар асосида турувчи умуммиллий манфаатлар, юқорида таъкидлаганимиздек, шундай умумийлик муносабатларини намоён этадики, буларга қуйидаги талабларни киритиш мумкин:

— барча халқларнинг миллатидан ва яшаш жойидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги, инсон ҳуқуқлари сўзсиз устувор бўлган шароитда барча миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва эркин ривожланиши керак эканлиги;

— халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, миллий қадр-қимматини қарор топтириш;

— она-тилини ва маданиятини, халқ урф-одатларини ва анъаналарини ривожлантириш ҳуқуқи билан таъминлаш керак;

— изчил байналмилалчилик, мустақил давлатлар халқларининг кўп миллатли, янгиланган ҳамдўстлигини мустаҳкамлаш, шу мустақил жумҳуриятлар таркибидаги ҳамма турдаги мухториятларнинг ҳам мустақиллигини амалда таъминлаш;

— кам сонли халқларнинг, миллий гуруҳларнинг манфаатлари ва қизиқишларини ҳимоя қилиш улар турмушининг анъанавий шакллариغا эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, қатағонга учраган ва зўрлаб кўчирилган халқларнинг ҳуқуқларини тиклаш, мана шу зўравонлик ҳаракатлари оқибатларини бартараф этиш;

— аҳолининг ноиложликдан кўчишининг олдини олиш, қочоқлар учун ҳуқуқий мақомлар жорий этиш, уларга зарурий ёрдам бериш;

— миллий экстремизм, шовинизм, ирқчилик, фуқароларнинг миллатларига ёки тилига, турмуш ёки яшаш жойига қараб камситилишининг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш зарурлиги;

— ҳар қандай кўп миллатли давлатнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш ва қўриқлаш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муносабатларнинг барчаси айнан ҳаётимиз мезонидан келиб чиқаётган ҳаққоний талаблардир. Буларга ўз вақтида эътибор бермаслик ўз навбатида кўплаб салбий ижтимоий оқибатларга олиб келиши муқаррар. Бироқ муаммоларни ҳал қилиш жараёнида фақат муайян жумҳуриятдаги бир миллат ва элатнинг талаб ва эҳтиёжларига зўр бериш, миллий маҳдудликка, худбин манфаатларга асир бўлиб қолиш ҳам ярамайди. Чунки бу ҳол муайян жумҳуриятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий раванқига ҳисса қўшмайди, аксинча, салбий таъсир этади, миллий туйғуларнинг кучайишига олиб келади. Миллий ва умуммиллий манфаатларнинг моҳиятини белгилаш, ҳимоя қилиш чоғида йўл қўйилган шошмашошарлик, ўйламасдан ташланган ҳар бир қадам оғир қалб жароҳатларига олиб келиши мумкинлигини ёддан чиқармаслик керак.

Миллий муносабатларни янада такомиллаштириш учун *ижтимоий синфлар, миллат ва элатлар манфаат-*

ларининг муштараклиги, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш катта аҳамият касб этади.

Маълумки, ўзбек халқининг этник таркибида туб аҳоли устун мавқени эгаллайди. Шу билан бир вақтда республикамиз ҳудудида ўз маданияти ва анъанасига эга бўлган юздан зиёд миллат вакиллари яшаб турибди. «Ўзбекистоннинг миллий-маданий жиҳатдан ғоят ранг-баранглиги миллий ўзлигини англаш ва маънавий қайта тикланишнинг кучайиб бориши билан узвий бирликда жамиятни янгилаш, уни очиқ жамиятга айлантириш учун қудратли омил бўлиб хизмат қилади ва республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шароитларни вужудга келтиради»¹.

Миллатидан қатъи назар одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам кўрсатиш Ўзбекистон халқига хос фазилатлардандир. Бу халқимиз бойлигининг асосий манбаидир.

Қардош халқлар, миллатлар ва элатларнинг куч-қуввати, қудратлари ва имкониятлари Улуғ Ватан уруши йилларида, фашистлар томонидан тилка-пора қилинган шаҳар, қишлоқларни, завод ва фабрикаларни, музейлар, маданият саройлари-ю, кутубхоналарни, ўчиб, ишламай қолган домналар ва шахталарни тиклаш, аслига келтириш учун сарф қилинган меҳнат ва кўрсатилган буюк жасоратларда ҳам ҷамоён бўлди.

Аммо бизнинг ютуқларимиздан миллий жараёнларда муаммолар йўқ, деган тасаввур туғилмаслиги керак. Ҳар қандай ривожланишга ҳам зиддиятлар хос бўлади, улар мазкур соҳада ҳам муқаррардир. Энг муҳими уларнинг доимо юзага келиб турадиган жиҳатлари ва қирраларини кўра билиш, ҳаёт ўртага қўяётган саволларга ўз вақтида тўғри жавоб топиб беришдан иборат. Афсуски, ўтмишда биз миллий сиёсатнинг улкан ва шубҳасиз ютуқлари ҳақида керагидан ортиқча даражада гапирдикки, аммо мазкур масаладаги жиддий камчиликлар, бузилишлар, хатолар, муаммолар ҳақида лом-мим демадик. Ютуқларимизга ортиқча баҳо бердик, камчиликлар, хатоликлар, жиддий қийинчиликларни кўриб кўрмасликка олдик. Реал воқеаликдан

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли, 12—13-бетлар.

анча йироқлашиб кетдик, қорани оқ қилиб тасвирладик, миллий масаладаги ечимини кутаётган муаммолар рўй берган ва газак олиб бораётган салбий ҳодисалар хусусида индамасликни, ҳамма нарсани безаб, бенуқсон қилиб тасвирлашни ўзимиз учун одат қилиб олдик.

Миллий масалада, миллатлараро муносабатларда, иқтисод ва экологияда, тил масалаларида, пахта якка-ҳокимлиги, ижтимоий масалалар, аҳолини озик-овқат, уй-жой, тиббий хизмат билан таъминлаш, миллий кадрларни ўстириш; ўзбек хотин-қизлари ўртасида авж олиб кетган ўз-ўзига ўт қўйиш, ёш болалар ўртасида кучайиб борган бевақт ўлим ва бошқа энг долзарб муаммолар ҳақида узоқ йиллар давомида индамасдан, дардимизни ичимизга ютиб келдик.

Турғунлик йилларида нашр этилган илмий ишларда, ҳимоя қилинган диссертацияларда, айрим собиқ раҳбарларнинг баландпарвоз нутқларида миллий муносабатларда ҳеч қандай муаммо йўқлиги, бўлиши ҳам мумкин эмаслиги ҳақида зўр бериб гапирилди, бу соҳадаги ютуқлар бир ёқлама, фақат яхши томондангина баён этилди ва бўрттирилди, реал ҳақиқат бузиб кўрсатилди. Айрим жумҳуриятлар ва мухтор тузилмаларнинг ҳам, миллий гуруҳларнинг ҳам ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиёти эҳтиёжлари етарли равишда ҳисобга олинмади. Миллатлар ва элатлар тараққиётининг ўзи ўртага қўйган бир талай кескин масалалар ўз вақтида ҳал этилмади. Бу эса ижтимоий қаноатланмасликка олиб келиб, баъзан можароли тус олди. Миллий худбинлик ва кибр-ҳаво, тайёрига айёрлик кайфиятлари ва маҳаллийчилик кўринишлари содир бўлиб қолди. Ўн йиллар давомида йиғилиб келган салбий ҳодисалар узоқ вақтгача эътиборга олинмади, муносиб равишда баҳоланмади. Бунинг натижасида шундай кўнгилсиз ҳодисалар рўй бердики, бу нарса нафақат собиқ шўролар жамияти кишиларини, балки жаҳон халқларини ҳам ташвишга солмоқда. Собиқ Иттифоқнинг тугаб кетиши, Грузия, Арманистон, Озарбайжонда ва бошқа жумҳуриятларда рўй бериб турган воқеалар ва жараёнлар шулар жумласидандир.

Узоқ йиллар давомида зўр бериб айтилгандек, агар собиқ Иттифоқда миллий масала билан боғлиқ бўлган муаммолар «тўла ва узил-кесил» ҳал этилганда, мингминглаб одамлар қатагонлик қурбони бўлмаганда, бошқа бир қатор хато-камчиликларга, жиноятга йўл

қўйилмаганда, кейинги йилларда мамлакатнинг бир қанча минтақаларида нохуш ҳодисалар ҳеч қачон бўлмаган, ҳисобсиз қон тўкилмаган, қурбонлар берилмаган, вайронгарчиликлар бўлмаган бўларди.

Нисбатан хийла жонланиб қолган миллатчилик, миллий калондимоғлик, миллий худбинлик, экстремизм кўринишлари маълум маънода айнан ўша эски хатолардан озиқланди, дейиш мумкин. Кишиларни дарғазаб қилган салбий ҳодисаларнинг туғилишига фақат шахсга сиғиниш йилларида миллатлараро муносабатларни белгилаш, байналмилал тарбияни йўлга қўйиш чоғида рўй берган жуда катта хатолар, камчиликларгина эмас, балки кейинги йилларда миллий масалага ёндошиш бобида йўл қўйилган жиддий нуқсонлар ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Ана шунақа хатолар йиғилиб-йиғилиб, газак олиб, охири юқорида айтиб ўтилган миллий заминдаги кўнгилсиз ҳодисаларга шариоит яратди.

Миллий ва миллатлараро муносабатлар масаласида йўл қўйилган ҳато ва камчиликлар қандай салбий оқибатларга олиб келганлигини, нималарда намоён бўлаётганлигини билиш, миллий масалада келажакда бундай вазиятлар такрорланишига йўл қўймаслик учун уларни келтириб чиқарган ва ривожлантириб юборган сабабларни кенг ва атрофлича идрок қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шуни эътиборга олиш керакки, миллатлар ва миллатлараро муносабатларга бевосита дахлдор бўлган жуда кўплаб муаммолар бирданига, фавқулодда, бирикки йил ичида эмас, балки узоқ йиллар мобайнида секин-асталик билан пайдо бўлиб, ривожланиб, йиғилиб-йиғилиб, пировард оқибатда ҳозирги кескинлашиб кетган даражасига етган пайтда қайта қуриш миллатлараро муносабатлар соҳасидаги бир қатор муаммолар ва зиддиятларни ижтимоий ҳаёт юзасига қалқитиб чиқарди. Бу муаммолар номаълум айб учун бутун-бутун халқларни жазолаш мумкин деб ҳисобланган пайтда энг жиддий тус олди. Ҳозирги пайтда бу низолар юзга чиқди, холос.

Шуни очиқ-ойдин айтиш керакки, миллий сиёсатдаги бузилишларнинг катта қисми Сталин даврида юз берди. Сталин миллий сиёсатнинг кўп томонларини назар-писанд қилмади, уларни обрўсизлантирди. Миллатлар ва миллий муносабатларнинг эркин ривожланиши

жонли жараёнида раҳбарликнинг формал-бюрократик усуллари тор доирасига бошқарувнинг буйруқбозлик ва маъмуриятчилик системасини барқарор этиш билан узвий боғлиқ бўлган республикаларнинг мустақиллиги, ташаббуси ва фаоллигини бўғиб қўйган асоссиз тарзда қаттиқ марказлаштириш зўрма-зўраки тиқиштирилди. Миллатлар ўртасидаги муносабатларда тенглик ва адолатга риоя қилиш, кам сонли миллатларга ён босиш ва уларга нисбатан яхши муомалада бўлиш зарурлиги унутиб юборилди.

Миллий сиёсатнинг қўпол равишда бузилиши шахсга сиғиниш йилларида миллий жараёнларни бошқариш механизмини тугатишда, СССР Олий Кенгаши Миллатлар Кенгаши фаолиятини ўзгартириб ва торайтириб, уни СССР Марказий Ижроия Қўмитаси фаолияти билан тенглаштиришда, 20—30-йиллардаги буржуазия миллатчилигига қарши кураш баҳонаси билан ҳам миллий кадрларни, ҳам рус кадрларини қатағон қилишда ва бошқа масалаларда ҳам намоён бўлди.

Сталин томонидан 20-йиллардан кейин тез-тез такрорланиб турадиган, Совет Иттифоқи социализмга яқинлашиб боргани сари синфий кураш кескинлашиб боради, деган хато фатво ўтмишда минглаб кишиларни ноҳақдан-ноҳақ ўлдиришларни, сургун қилиб юборишларни оқлаш учун сиёсий қўлланма бўлиб хизмат қилди. Ички ишлар халқ комиссарлиги ва Бош бошқарманинг раҳбарларидан ҳисобланган Ягода, Ежов, кейинчалик эса Берия Сталиннинг бу сўзларидан Октябрь инқилоби ғалабасини амалга оширишда шахсан иштирок этган профессионал инқилобчиларни, Лениннинг энг яқин шогирдларини, бутун ҳаётини, ақл-идроки ва заковатини халқ ишига бахшида этган кишиларни жисмонан йўқ қилиш, сиёсат майдонидан улоқтириб ташлаш, йўлни ўз фойдаларини кўзлаб тозалаб олиш учун фойдаландилар.

Мамлакатда шахсга сиғиниш йилларида юзага келган ва кескин авж олиб кетган қатағонлик, бало-қазодек, ҳамма жойда, жумладан Ўзбекистонда ҳам кенг ёйилди.

Бутун-бутун халқлар, элат ва миллатларга нисбатан бошланган қатағон Улуғ Ватан уруши йилларида ва ундан кейин ҳам давом этиб турди.

50—60-йилларда миллий муносабатлар соҳасидаги салбий хатолар кўпайгандан кўпайиб бораверди. Мазкур соҳага раҳбарлик қилишда сиёсий ирода ва доно-

лик етишмади. Миллий муносабатлардаги муаммолар, камчиликлар ва қийинчиликлар хусусида сукут — сақланди, кенг жамоатчиликдан бор ҳақиқат атайин яширилди, ютуқлар керагидан ортиқча мақталди, ура-урачиликка берилиб кетилди. Сталин репрессиялари, халқларга адолатсиз муносабат қатъий қораланмади, олимлар тарих ва ҳозирги даврга ҳолисона баҳо беришда фаоллик кўрсатмадилар. Марказий идоралар томонидан бир қанча иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятларнинг ҳуқуқларини чеклаб қўйиш, манфаатларини камситиш амалиёти кўзга ташланди, маҳаллий ҳокимият органлари ўз мавқеларини ҳимоя қила олмадилар. Айрим миллатлар ва элатларнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий манфаатлари эътиборга олинмади.

70—80-йилларда мамлакат иқтисодиётида рўй берган танглик, ижтимоий, маънавий ва ахлоқий соҳалардаги бузилишлар, порахўрлик, таниш-билишчилик, вазифасини сунистеъмол қилишлар, қўшиб ёзишлар, меҳнатсиз даромад қилишга ружу қилишлар, ижтимоий адолат принципларидан чекиниш, тўрачилик, формализм ва қуруқ сафсатабозликнинг кенг ёйилиши ва бошқа шу каби салбий ҳодисалар миллий ва миллатлараро муносабатларнинг ҳолатига кескин таъсир кўрсатди. Хизмат лавозимидан шахсий, ғаразли манфаатлари йўлида фойдаланган, халқ бойлигини ўғирлаган, миллий ривожланиш муаммоларига мутлақо эътибор бермаган кишиларнинг давлат ҳокимияти органларига раҳбарлик қилишлари ҳам миллатлараро муносабатларга ҳисобсиз зарар етказди. Ана шу салбий ҳодисаларнинг ҳаммаси ҳар хил миллатчилик кайфиятларининг намоён бўлиши, миллатлараро низолар вужудга келиши учун негиз яратди.

Ҳозирги куннинг асосий вазифаси фақат ўтмишни баҳолаш, миллий масалада ўтмишда рўй берган нуқсон ва камчиликларни санаб ўтишдангина иборат эмас, балки бугунги куннинг вазифалари ва келажак ҳақида аниқ-равшан, илмий асосда ўйлашдир. Фақат орқага қараб олдинга юриш мумкин эмас, шундай қилинса биринчи тўсиқдаёқ қоқилиб қолиш мумкин. Биз ўтмишнинг хатолари ҳақида кўп ўйладик, маълум чора-тадбирлар кўрдик. Эндиги вазифа — ҳозирги кун ҳақида ўйлашдир. Агар шундай қилинмаса, кўп имкониятлардан фойдалана олмаймиз, майда-чуйда масалалар доирасида ўралашиб қолиб, муҳим воқеалар, вазифаларни

билиш, улардан фойдаланиш ва амалга ошириш имкониятларини қўлдан бой берамиз.

Жумҳуриятимизда кейинги вақтда рўй берган тарихий воқеалар, жумладан Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Қонун қабул қилиниши, унинг 150 га яқин хорижий мамлакатлар томонидан тан олиниши, ҳаётимизнинг ҳамма соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар миллатлар ва миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга қулай шарт-шароитларни вужудга келтирмоқда. Шулардан тўлиқ фойдаланган ҳолда миллий ва миллатлараро муносабатлар соҳасидаги барча мавжуд камчиликларни зудлик билан тузатиш ҳаммамизнинг олдимиздаги долзарб вазифадир.

Миллий муаммолар тўғрисида гап борганда, давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий, сиёсий ва маънавий тангликдан чиқиш ҳам, миллий кадр-қиммат ва ўзлигини англашни қарор топтириш ҳам, экология, табиатни муҳофаза қилиш ҳам, тил ва маънавий меросни сақлаш ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Миллий ва миллатлараро муносабатларга доир муаммоларнинг ҳаммаси ўзаро боғлиқ. Шунинг учун ҳам уларни ўзаро ажратиб ҳал этиб бўлмайди. Одамларнинг кайфияти, жамиятдаги маънавий-сиёсий иқлим кўп жиҳатдан ана шу муаммоларни ижобий ҳал этишга боғлиқ.

Яна бир муҳим масала. Миллий сиёсатга тааллуқли, ҳар бир миллат ва элатнинг манфаатларига, кишиларнинг миллий туйғуларига дахлдор бўлган ҳамма ишларда айниқса ҳушёр ва сергак бўлишни, айтиш чоқда қандай либос кийиб олганлигидан қатъи назар *миллий чекланганлик ва манманлик, миллатчилик ва шовинизм кўринишларига қарши кураш олиб боришни ҳеч қачон эсдан чиқариб бўлмайди.*

Миллий манманлик, миллий маҳдудлик, миллий мақтанчоқлик бизнинг ғоят буюк бойлигимиз бўлган байналмилалчилик туйғуларимизга тамомила ётдир. Миллий туйғулар жуда нозикдир. Бирор миллатни мақташ, унинг тарихи, маданиятини идеаллаштириш бошқа миллат вакиллариининг миллий туйғуларига бирмунча тегиб кетади. Бу миллий туйғулар миллатчилик туйғуларига айланиб кетиши мумкин.

Миллий маданият тарихини ҳаддан ташқари идеаллаштириб юбориш ҳам ўз навбатида шовинистик кайфиятларнинг кучайишига ёрдам бериши мумкин.

Миллатчилик ва шовинизмнинг ривожланишига имкон берувчи сабаблар бор, албатта. Бизнинг шароитимизда миллатчилик миллий маҳдудликда, миллий худбинликда, ўз миллати манфаатларини биринчи ўринга қўйишда, бошқа миллатлар ва бошқа жумҳуриятларнинг манфаатларини ҳисобга олмасликда, миллий мақтанчоқликда, ўз миллатини кўкларга кўтариб мақташда ва бошқаларда намоён бўлади. Баъзан, миллий хусусиятларни мақтаб кўрсатиш, миллий удум ва анъаналарни идеаллаштириш каби омиллар ҳам миллатчилик туйғуларининг кучайишига ёрдам бериши мумкин. Кадрларнинг ишбилармонлигига қараб эмас, балки миллий белгисига қараб танлаш ҳам миллатчиликнинг жонланишига ёрдам бериши ҳеч гап эмас.

Майда миллатлар маданиятига, миллий хусусият ва анъаналарига катта миллатларнинг ёндошувидаги буюк давлатчилик кайфиятлари миллатчилик туйғуларининг кучайишига таъсир кўрсатади. У ёки бу жумҳурият ҳудудида яшаётган майда миллатларнинг тилига, уларни ўз тилида ўқитишга, рўзнома ва китоблар нашр қилишга, маҳаллий кенгашларда иш юритишга ниҳоят даражада эҳтиёткорлик билан ёндошиш керак. Буни эътиборга олмаслик миллий адоватга, аламзадалик ва хоказоларга олиб келиши турган гап.

Инсоний муносабатлар миллат танламайди. Жумҳуриятимизнинг оддий меҳнаткашларига миллий манманлик мутлақо ётдир. Улар бирор миллатни кўкларга кўтаришга ҳам, одамларни миллати ёки диний эътиқодига кўра қарама-қарши қўйишга ҳам ҳеч қачон эҳтиёж сезмайдилар. Уларнинг асосий шиори — ҳалол яшаш ва меҳнат қилиш, атрофдагилар билан чинакам инсоний муносабат ўрнатишдан иборатдир. *Оддий инсонлар онгини миллий маҳдудлик, миллий худбинлик каби салбий тушунчалар билан заҳарлашни, уларни беҳуда безовта қилишни асло оқлаб бўлмайди.* Миллатчилик, шовинизм, миллий маҳдудлик, миллий калондимоғлик шахсни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан емиради, жамиятни иқтисодий ва ижтимоий қашшоқликка олиб келади.

Миллатчилик ва шовинистик муносабатлар натижа-сида ва бошқа сабабларга кўра ҳозирги пайтда собиқ Иттифоқ жумҳуриятларида турли миллатларга мансуб бўлган 60 миллион киши ўз ҳудудидан ташқарида яшайди. Бу нарса, албатта, қатор муаммоларнинг ту-

ғилишига сабаб бўлмоқда. Ҳозирги пайтда ана шу муаммоларни ҳал этишга қаратилган ишлар олиб бо-
рилмоқда. Шуларнинг бири — миллий мухторият, мил-
лий районларни ташкил этиш масаласидир. Собиқ
Иттифокда урушдан аввалги йилларда грек, немис,
яхудий районлари бўларди. Уша даврларда РСФСР ва
Украинанинг ўзида уч юздан кўпроқ миллий район ва
уч мингга яқин миллий қишлоқ советлари тузилганди.
Ўзбекистон ҳудудида ҳам 20-йилларда айрим миллат
ва элат намояндалари бир ерда яшайдиган жойларда
миллий районлар ва қишлоқ советлари тузилган эди.

Шахсга сиғиниш йилларида ўз ҳудудларидан четда
яшовчи миллат ва элат кишиларининг манфаатларини
ҳисобга олиш издан чиққанлиги миллатлараро муноса-
батлар чигаллашувининг сабабларидан биридир. У ёки
бу миллатга мансуб бўлган кишиларнинг манфаатлари
камситилиши, эътиборга олинмаслиги миллий аламза-
далиқ ва можароларга олиб кела бошлади. Бундай
кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун ўз ҳуду-
дидан ташқарида яшаётган ҳар хил миллат ва элат
вакилларининг адолатли талаб ва истакларини зарурий
равишда инобатга олиш ва қондириш лозим.

Ҳаёт миллий гуруҳларнинг давлат ҳокимиятидаги
вакиллигини, она тилида таълим олиш, миллий мада-
ниятини, урф-одат, анъаналарини ривожлантириш ва
бошқа ҳуқуқларини янада аниқроқ белгилаб қўйишни
кун тартибига қўйди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида 1 мил-
лиондан зиёд қozoқлар, қарийб 300 минг қрим татар-
лари, 300 минг корейс, 700 минг тожик яшайди. Улар-
нинг турли-туман эҳтиёжларини қондириш учун қатор
чора-тадбирлар кўрилмоқда. Аҳолининг она тилида
таълим олиши борасидаги эҳтиёжлари тўларoқ қонди-
рилмоқда. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш,
маданий ва маънавий бойликларни тақсимлаш масала-
ларида ижтимоий адолат принципларига асосланила-
ти. Миллий тилда рўзномалар, китоблар нашр этил-
моқда. Кўпчилик миллатларнинг эҳтиёжларини ҳисобга
олиб, телевизион кўрсатув ва радио эшиттиришлар
кенгайтирилмоқда, миллий маданият марказлари таъ-
сис этилмоқда. Бошқа миллатларнинг вакиллари давлат
ҳокимияти, ижтимоий ишларга жалб қилинмоқда. Ўй-
лаймизки, бундай тадбирлар миллатлараро муносабат-
ларни янада такомиллаштиришда ижобий роль ўйнайди.

Миллий муносабатларни янада такомиллаштириш тўғрисида сўз юритганимизда, мазкур масалага тааллуқли бўлган яна бир муҳим нарсани аниқлаб олишимиз лозим. Ўтмишда адабиётларда миллий муносабатларга хос *иккита* тенденция мавжуд, уларнинг *биринчиси* — *социалистик миллат ва элатларнинг гуллаб-яшнаши ташкил қилса, иккинчиси* — *уларнинг ўзаро яқинлашуви ташкил этади*, деб келинади. Иккинчи тенденция эса биринчисига нисбатан *устун* туради деб ҳисобланарди. Бундай қарашлар кейинги пайтларда матбуотда танқид қилинмоқда. Айрим олимлар асосли тарзда «Биринчи тенденцияни — Марказий Осиё жумҳуриятлари учун қўллаб бўлмайди, бу республикаларда яшовчи халқлар ўзларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиши даражаси бўйича Россия, Украина, Белоруссия ва бошқа республикалардан икки-уч барабар орқада қолиб кетишган. Шунинг учун Марказий Осиё жумҳуриятлари халқлари ўзининг амалдаги қолоқлигини эндиликда бартараф этмоқдалар, холос. Шунинг учун уларнинг гуллаб-яшнаши ҳақида гапиришга ҳали эрта демоқдалар.

Бошқа олимлар эса илгарилари кенг тарқалган ва етакчи тенденция деб ҳисобланган миллатлар ва элатларнинг бир-бири билан яқинлашувини шубҳа остига олмоқдалар. Бундай ёндошиш, пировард оқибатда миллатлар ва уларнинг маданияти бирикиб кетади, деган эски мафкурадан келиб чиққандир. Шунинг учун бундай қарашлар ҳам тўғри эмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Шунга кўра миллий муносабатлардаги икки тенденция ҳақидаги масалага ҳозирги замон шароитини ҳисобга олиб, янгидан ёндошишимиз зарур бўлиб турибди.

Бизнинг фикримизча, миллий муносабатлар ривожланишидаги тенденцияларнинг *биринчиси*ни *жамиятимиздаги барча миллат ва элатларнинг эркин ва ҳар томонлама уйғунлашуви ва ривожланиши ташкил этса, иккинчиси*ни *барча миллат ва элатлар ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш ва янада мустаҳкамлаш ташкил этади*.

Бундай ёндошиш, биринчидан, барча миллат ва элатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланиш даражасини тенглаштириш йўли билан, ўзларининг иқтисодиёти ва маданиятини юксалтириш

учун кенг имкониятлар очиб беради; иккинчидан, барча миллат ва элатларни жаҳон иқтисодиёти ва маданияти ютуқларидан баҳраманд этиш билан улар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уларни она-Ватанга муҳаббат ва байналмилалчилик руҳида тарбиялаш имкониятларини юзага чиқаришга шароит яратади.

Миллий муносабатларни янада такомиллаштиришда барча миллат ва элатлар ўртасидаги дўстликни кучайтириш, уларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш катта аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган ҳар бир миллий маданиятдаги ютуқлар, ижобий, фойдали томонларни доимий равишда ўрганиш, улардан кенг ва атрофлича фойдаланиш миллий маданиятларни ўзаро бойитишнинг, кишиларни байналмилал руҳида тарбиялашнинг зарур йўлларида ҳисобланади. Ҳар қандай миллий маданият жамиятимиз маънавий ҳаётининг барча ранг-баранг томонларини ва бойликларини ўзида акс эттиради ва шу тариқа янада ривожланиб, бойиб боради.

Миллий маданият умуминсоният маданиятидан ажралмасдир, унинг бир бўлагидир. Шунинг учун ҳам ҳар бир халқнинг миллий маданиятини умуминсоният маданиятига қарама-қарши қилиб қўймасдан, уларни ўзаро боғлиқликда, диалектик алоқадорликда олиб қараш мақсадга мувофиқдир.

Кишиларни байналмилаллик руҳида тарбиялашда, турли халқлар ўртасидаги дўстликни, ҳамкорликни ривожлантиришда инсоният маданиятининг таркибий қисми — ҳозирги даврда барча давлатлараро ва миллатлараро алоқа воситасини бажарувчи тилларни мукамал эгаллаб олиш катта аҳамият касб этади. Буни ҳеч унутиб бўлмайди. Ҳозир барча жумҳуриятлар туб аҳолиси ўзларининг она тилини давлат тили деб эълон қилишди, давлат тилининг мақоми тўғрисида қонунлар қабул қилинди ва бу қонунлар амалга оширилмоқда. Бу, албатта, фойда ижобий жараён. Лекин шунинг очиқ-ойдин эътирофи этишимиз керакки, жойларда ўзбек тилига давлат мақомини бериш муносабати билан рус тилига бўлган қизиқиш илгариги йилларга нисбатан анча пасайиб кетмоқда.

Ҳозирги ижтимоий, илмий-техник тараққиёт жараёнида, айниқса, қанчадан-қанча миллатлар ва элатлар ягона оилага бирлашган бизнинг мамлакатимиз шарои-

тида фақат она тилининг ўзинигина эмас, балки бошқа халқлар ва элатлар тилларини, аввало, жамиятимизда миллатлараро алоқа тилига айланиб қолган рус тилини ҳам билиш шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун, миллатлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш учун зарур омил эканлигини эътироф этмасдан ўтолмаймиз.

Ҳар бир тил халқларнинг маънавий бойликларини чуқурроқ эгаллаб олиш учун, миллатлар ва халқларнинг ҳаёти, тарихи, маданияти ва психологиясини чуқур тушуниб олиш учун алоҳида аҳамиятга эга. Рус тилини билиш ҳозирги тараққиётни чуқурроқ тушуниш учун янада кенг имкониятлар очиб бериши шубҳасиз. Шунинг учун ҳам миллий тилларни янада ривожлантириш билан бир қаторда рус тилини билишга эътиборни кучайтиришимиз лозим.

Жаҳон миллатлари ўртасидаги дўстликни, ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда бошқа хорижий тилларни билиш ҳам катта аҳамият касб этиши ҳаммамизга аён.

Маълумки, ўтган асрларда ижод этган ота-боболаримиз бир неча чет тилларни, жумладан, араб, форс, иброний, санскрит, лотин, юнон ва бошқа тилларни билишга интилишган ва шу тилларда нодир асарлар ёзиб қолдиришган. Масалан, буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий араб, форс ва иброний тилларини мукаммал билган ва уч тилда — туркий, араб, форс тилларида самарали ижод қилган. Бундай ҳолатларни Абу Али ибн Сино, ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий ва бошқаларнинг ижодидан ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Утмишда бу масалага ҳам давлатимиз томонидан юзаки қараб келинган эди. Эндиликда халқимиз хорижий тилларни билишнинг қадрига яхшироқ тушуна бошлади. Ҳозирги пайтда жумҳуриятимизда чинакамига чет тилини ўрганиш авж олмақда. Бу соҳада муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда жумҳуриятимиз Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ўқувчи-стажерлар, мутахассисларга чет тилини кенг кўламда ўқитиш тизимини такомиллаштириш, унинг моддий-техника базасини ривожлантиришга оид масалалар бўйича махсус қарор қабул қилиб, чет тилини ўрганиш учун Вазирлар Маҳкамасининг захирасидан икки миллион сўм, шунингдек валюта маблағлари ва бинолар ажра-

тиш белгиланди. Тошкент Давлат дорилфунунида тиллар куллийети ташкил этилди. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети барпо қилинди. Бошқа чоралар ҳам кўрилмоқда. Буларнинг ҳаммаси жумҳуриятимизнинг хорижий давлатлар билан дўстона алоқаларини барча соҳалар бўйича янада ривожлантириш ва мустақкамлаш имкониятини очиб беради, деб умид қиламиз!

VI б о б. ЖАМИЯТНИ ИЛМИЙ БИЛИШ ВА ИЛМИЙ БОШҚАРИШ МУАММОЛАРИ

1. ИЖТИМОЙ ВОҚЕЛИКНИ БИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини билиш, ижтимоий ҳаётимизнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларида намоён бўлаётган зиддиятларни чуқур ва атрофлича англаб, уларни ўз вақтида бартараф этиш, мамлакатимизни илмий асосда бошқариш — инсоннинг бахт-саодати, истиқболи учун зарур бўлган барча нарсаларни яратиб беришнинг асосий омилларидандир.

Италиялик олим Виконинг фикрича, жамият тарихи табиат тарихидан шу билан фарқ қиладики, биринчиси биз томонимиздан, иккинчиси бизнинг иштирокимизсиз яратилган. У ижтимоий ҳодисаларни билишнинг принцинал имкониятларини асослаб беришга ҳаракат қилган эди. «Миллатлар дунёси инсонлар томонидан яратилганлиги учун,— дейди Вико,— ҳаммаси учун ягона илк миллатларнинг келиб чиқиши ва мавжудлиги жараёнининг «энг умумий ва доимий асосларини» топиш мумкин». У тарихда одамийликнинг ўзида зарурий ўзаро келишувлар билан белгиланадиган гражданлик дунёсининг «энг умумий ва доимий тартибини» кўради. Бироқ, тарихнинг оқилона олға боришини «эълон қилган ҳолда Вико инсоният тарихини «доимий бир хил» бўлган механик қайтарилишдан иборат қилиб қўяди. Жамият алоҳида одамдек уч босқични: болалик, ёшлик ва етуқликни босиб ўтади. Болалик даврига худолар асри (давлатнинг бўлмаслиги, қўҳинлар кастасининг мутлақ ҳокимлиги), ёшлик даврига қаҳрамонлар асри (аристократик давлат), етуқлик даврига «одам асри» (демократик республика ёки демократик озод-

ликларга эга бўлган ваколатли монархия) тўғри келади. Жамиятнинг ривожланиши мана шу уч босқични босиб ўтиб, бошланғич нуқтага қайтиб келади ва ўз эволюциясини ўша айлана бўйлаб давом эттиришга мажбурдир.

Гегель фикрича, тарихда ҳар бир халқ ва ҳар бир индивидни пировард мақсадга эришишга мажбурловчи, ҳар бир давр учун қайтарилмас ўзига хосликни таъминлаб турувчи, шу билан бирга уни инсониятнинг умумий тараққиётида зарурий босқичга айлантирувчи илоҳий мутлақ ғоя, мутлақ ақл ҳукмронлик қилади. Гегель жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи кучларни тарихнинг ўзидан қидирмаган эди, аксинча бу кучларни тарих соҳасига четдан, фалсафий мафкурадан келтирар эди.

Вико ҳам, Гегель ҳам социал билишнинг илмий асосларини ишлаб чиқа олмадилар, чунки улар ижтимоий тараққиёт қонуниятларини тушунтиришда идеализм позициясида турар эдилар.

Социал-билиш муаммосини диалектик-материалистик ҳал қилишда, моддий ҳаётни ишлаб чиқариш усули умумий ҳаётнинг ижтимоий, сиёсий ва руҳий жараёнларига сабабчи бўлади деган, тарихда пайдо бўлган барча ижтимоий муносабатларни ва давлат муносабатларини, барча диний ва ҳуқуқий системаларни, барча назарий қарашларни фақат ҳар бир тегишли даврда, ҳаётнинг моддий шароитини тушунган ва уларни ана шу моддий шароитдан келтириб чиқарган вақтдагина тушуниш мумкин деган қонидани эсда тутишимиз зарур.

Маълумки, у ёки бу жамият нима ишлаб чиқаргани билан эмас, балки қай усулда ишлаб чиқариши билан характерланади. Моддий бойликлар ишлаб чиқариш усулининг ривожланиши ва алмашуви табиий-тарихий характерга эгадир, яъни ўз ички қонуниятларига асосан амалга ошиб, уни ўрганиш эса социал билишнинг асосий масаласини ташкил қилади.

Социал билишнинг объекти — *жамият*, унинг предмети эса — *инсон* ҳамда унинг *фаолияти* ва *маданияти* ҳисобланади. Инсоният жамияти табиат қонунларидан фарқ қиладиган ўзига хос алоҳида қонунлар асосида ривожланади. Инсон ҳаёти, ҳайвон ҳаётидан фарқланиб, социал қонуниятлар томонидан бошқарилади, уларнинг ўзига хос белгилари эса биринчи навбатда меҳнат

фаолияти, уларнинг моддий ҳаётларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқариш билан боғлиқдир.

Жамият тарихи инсоннинг ўз мақсадига эришишдан бошқа нарса эмас. Жамият тарихи онгли мавжудот — инсонларнинг ўзаро таъсирлари маҳсулидир.

Кишилар тарихий драманинг актёрлари бўлиб қолмасдан, балки муаллифлари ҳамдир. Улар истеъмол воситалари сифатида табиат берган тайёр нарсалардангина фойдаланмасдан, ўзларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун зарурий воситаларни меҳнат қуроллари ёрдамида ишлаб чиқарадилар. Меҳнат фаолияти асосида ва жараёнида инсон тафаккури ва тили, маънавий дунёси, унинг маданияти келиб чиқди ва ривожланмоқда.

Моддий бойликлар ишлаб чиқариш субъект ва объектнинг ўзаро таъсиридан иборат бўлиб, бу таъсир натижасида субъект ҳам, объект ҳам ўзгаради. Субъект ва объектнинг ўзаро таъсири жараёнида уларнинг бир-бирига ўтиши содир бўлади, субъект объективлашади, объект эса субъективлашади. Объективлаштириш жараёнида субъектдан маълум миқдорда субъектив энергиянинг сарф бўлиб, индивиднинг ўз индивидуаллигидан маълум бўлакнинг ажралиши ва унинг маҳсулотда ўтириб қолиши юз беради. Демак, инсон меҳнат жараёнида ўз субъектининг маълум қисмини объектив мавжуд предметга айлантиради:

Объектнинг субъективлашиши ишлаб чиқариш жараёнида объект субъект хусусиятларига эга бўла боришида намоён бўлади. Инсон ўз орзу-ниятига мувофиқ предмет шаклини ўзгартиради, унга ўз эҳтиёжларига мувофиқ келадиган хусусиятлар бағишлайди.

Буларнинг ҳаммаси жамият органик бирликни ташкил қилган субъект ва объектдан иборат эканлигидан далolat беради.

Табиатдан фарқ қилувчи жамият фақат билиш объекти бўлмасдан, балки унинг субъекти ҳамдир. Қ.Маркс инсоният жамиятини «субъект» деб атар, бу ҳолат ҳамма тарихий фанларда донмо илмий билишнинг дастлабки шарти қилиб олинishi зарур, деб таъкидлар эди.

Жамиятнинг объект ва шу билан бирга билиш субъекти деб тасаввур қилиш ишлаб чиқариш усули ва ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг ривожланиш қонуниятлари билан узвий боғлиқдир.

Инсон ўзини ўраб турган дунёдан, чунончи, ҳайвот оламидан ажралиб чиқиб субъектга айланиши воқеликни ўзгартириш йўлига ўтиши билан боғлиқдир. Маълумки, «инсоннинг шаклланиши» фақат меҳнатдагина вужудга келади.

Социал билиш ижтимоий тараққиёт қонуниятлари амал қилишининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиған қийинчиликлар билан белгиланади. У шунда намоён бўладики, иқтисодий шакллар (ҳодисалар)ни таҳлил қилганда, микроскопдан ҳам, химиявий анализдан ҳам фойдаланиб бўлмайди, унисининг ҳам, бунисининг ҳам ўрнини инсон абстракцияси эгаллайди.

Ҳақиқатдан ҳам, ижтимоий муносабатлар ўзининг ғоят турли-туманлиги билан характерланади, унинг ҳамма уйғунликларини билиб олишга доимо интилувчи инсон бунинг уддасидан тўла чиқа олмайди.

Жаҳон ҳўжалигидаги ҳар бир айрим ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш техникасига ҳар хил ўзгартиш киритаётганлигини англайди, ҳар бир ҳўжайин ҳар йилги маҳсулотларни бошқа маҳсулотларга айирбош қилаётганини англайди, лекин бу ишлаб чиқарувчилар ва ҳўжайинлар ушбу ишлари билан ижтимоий турмушни ўзгартираётганликларини яхши англаб етмайдилар. Инсониятнинг олий вазифаси ҳўжалик эволюциясининг (ижтимоий борлиқ эволюциясининг) мана шу объектив мантиқини умумий ва асосий белгиларида қамраб олиши ва имконияти борица аниқ, ёрқин, танқидий тарзда ўз ижтимоий онгини ва барча капиталистик мамлакатлар илғор синфларининг онгини унга мослаштириши керак.

Ижтимоий жараёнларни билишдаги қийинчиликлар жамият қонунларининг табиат қонунларидан сифат жиҳатдан фарқидан келиб чиққан бўлиб, улар қуйидагилардир:

Биринчидан, табиат қонунлари оламдаги предмет ва ҳодисаларнинг, стихияли кучларнинг ўзаро таъсири шаклида намоён бўлса, ижтимоий тараққиёт қонунлари эса онгга эга бўлган кишиларнинг фаолияти орқали намоён бўлади. Бунга мисол сифатида шуни кўрсатишимиз мумкин. Маълумки, ўргимчакнинг иши тўқувчининг ишини эслатади, асалари ҳам мумдан уя ясаб, баъзан кишиларни — меъморларни уятга қолдиради. Лекин энг ёмон меъмор ҳам энг яхши асаларидан, аввало, шу жиҳати билан фарқ қиладики, у мумдан уя ясашдан

олдин, бу уяни мясида қуради. Меҳнат жараёнининг охирида бу жараён бошланмасдан олдиноқ кишининг тасаввурида, яъни фикран мавжуд бўлган натижа ҳосил бўлади. Киши асаларидан табиат берган нарсаларнинг шаклини ўзгартириши билангина фарқ қилиб қолмайди; табиат берган нарсадан у ўз онгли мақсадини ҳам амалга оширади, бу мақсад, қонун сифатида, кишининг иш усулини ва бу ишнинг характерини белгилаб беради ва киши ўз иродасини ана шу мақсадга бўйсундириши лозим.

Иккинчидан, узоқ амал қилувчи табиат қонунларидан фарқ қилувчи жамият қонунлари, қисқароқ вақт ичида амал қилиш хусусиятига эга. Социал жараёнларнинг характерли хусусиятларидан яна бири — уларнинг биологик қонуниятлар ва бошқа табиат ҳодисаларига қараганда юқори тезликда ривожланишидир. Табиатда шароитнинг ўзгариши билан янги қонунларнинг келиб чиқиши одатда узоқ вақтларда, миллион ёки миллиард йилларда амалга ошади. Ижтимоий ҳаётда эса аҳвол бошқача бўлиб, бу шароитлар нисбатан тез ўзгаради.

Кишилиқ жамиятининг кўпгина қонунлари табиат қонунларидан фарқли ўлароқ, маълум тарихий даврадагина амал қилади, кейин улар ўз ўринларини бошқа янги қонунларга бўшатиб берадилар. Бу ҳол инсонлар уларни бекор қилганликлари учун эмас, балки бу қонунлар амал қилувчи шароитлар ўзгарганлиги натижасида юз беради.

Учинчидан, табиатда янги қонуннинг кашф қилиниши ва қўлланиши анча текис амалга ошади ва бевосита ижтимоий ларзаларга олиб келмайди. Табиат қонунларини кашф қилиш ва фойдаланиш ишлаб чиқаришни ривожланиши ва техниканинг такомиллашиши эҳтиёжларидан келиб чиқади. Шунинг учун турли эътиқодли кишилар табиат қонунларини очишлари ва ўз фойдалари учун ишлатишлари мумкин. Ижтимоий тараққиёт қонунлари эса, аксинча, кишиларнинг, жамиятдаги синфларнинг муносабатларини қамраб олиб, тўғридан-тўғри, бевосита маълум синфларнинг манфаатларига таъсир қилмасдан қола олмайди. Синфлар буни англаши ёки англамаслигидан қатъи назар, улар иқтисодий тараққиёт қонунларининг талабини бажарадилар — бунда уларнинг фаолияти тарихий қонуниятга мос келади ва улар ўз мақсадларига эриша оладилар ёки бу

талабларни бажармайдилар, бунда жамият тараққиётида ихтилофлар ва ижтимоий ларзалар юз беради.

2. ИЖТИМОИЙ ЭҲТИЁЖЛАР ВА МАНФААТЛАРНИНГ БИЛИШ ЖАРАЁНИГА ТАЪСИРИ

Социал билишнинг субъекти — бу ўзининг конкрет мақсад, манфаат ва эҳтиёжларини кўзловчи маълум синфга, ижтимоий гуруҳларга мансуб бўлган конкрет шахсдир. Бу эса билиш субъектининг ижтимоий ҳаётга қандай муносабатда бўлиш характериға муҳим таъсир кўрсатади.

Социал билиш, маълумки, инсоннинг оламға амалий-фаол муносабати асосида амалға ошади. Бунда кишиларнинг амалий хулқи уларнинг ижтимоий-синфий мансубликлари, характери ва мазмуни, кишилар фаолияти амалға ошадиган маълум социал соҳалар таъсири остида тўпланган йўл-йўриқ, қадриятлар ва нормалар томонидан белгиланади. Бу ҳол социал билишда объектив ҳақиқат масаласини, шунингдек, турли синф вакиллари томонидан социал жараёнларни баҳолашдаги мезон муаммосининг актуал эканлигини кўрсатади.

Ҳар бир жамиятда ижтимоий ҳодисаларни билиш, уларни тушунтириш, одатда шу жамиятнинг дунёқараши, диний ва ахлоқий қоидаларига мувофиқ амалға ошади. Шунинг учун билишнинг мазмуни билаётган субъектнинг ижтимоий мавқеиға боғлиқ бўлади.

Хукмрон синфлар асосан мазкур жамият тартибларини оқлаш ва мустаҳкамлашға ёки айблаш ва ўзгартиришға ёрдам берадиган билимлар олишдан манфаатдордирлар.

Илмий ҳақиқат ҳар доим ягона бўлиб, у объективдир. Бу маънода ҳақиқат синфларға бефарқдир, лекин синфлар унга нисбатан бефарқ эмас.

Диалектик-материалистик фалсафа инсонни «умуман» абстракт одамнинг эҳтиёжи ва манфаатлари сифатида қарашни бутунлай тугатди. Бутун инсоният номидан гапириш, албатта, идеализм ва субъективизм ботқоғиға олиб келади, чунки бунда инсоннинг оламға ва бошқа кишиларға конкрет муносабатлари, бу муносабатларнинг жамият ривожланиши билан ўзгарадиган шакллари ҳисобға олинмайди.

Фалсафа ижтимоий онг шакли сифатида ўзини у ёки бу воқеаларға баҳо бериш орқали намоён қилади,

лекин бу ерда ҳам бу баҳо ўз қиёфасининг конкрет номига эга бўлиб, унинг характери муайян ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, синфларнинг манфаати, унинг дунёқараши билан боғлиқдир. Яъни айнан бир хил социал воқелик ҳодисаларига бўлган реал муносабатлар билишдаги фарқ билан боғлиқ бўлмасдан, балки социал шароитлар ва синфий манфаатларнинг фарқ қилишига ҳам боғлиқдир. Ижтимоий тараққиёт қонунлари табиат қонунлари каби объектив характерларга эга. Бу қонунлар кишиларнинг иродаси ва онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиб, маълум шароитда кишилар бу қонунларни билишлари ва улардан фойдаланишлари мумкин, лекин бу қонунларни улар бекор қилмайдилар ёки йўқ қила олмайдилар.

Социал воқеликни билиш умумий илмий билишнинг тури сифатида ўзаро қарама-қаршиликларнинг узвий боғлиқлиги сифатидаги эмпирик ва назарий даражаларини ўз ичига олади.

Эмпирик билиш даражасининг мақсади бевосита тажрибавий билимга эга бўлишдир. У фактларни йиғиш ва умумлаштиришга асосланади, унинг асосида социал воқелик ҳақида, системалашган билимни ташкил қилган назария яратилади.

Назарий билиш — янги билимни бавосита олиш жараёнидир. Субъект тажриба берган маълумотларни мантиқий йўллар ёрдамида ўзгартириб, субъект турли тарихий воқелик ўртасидаги мавжуд боғланиш ва муносабатлар ҳақида билим ҳосил қилади, ижтимоий тараққиёт қонунларини умумлаштиради.

Тарихий ва социал далил деганда, социал билиш таркибига кирган қандайдир тенденция жараёни характерлайдиган ижтимоий аҳамиятга молик ҳодиса тушунилади. Ижтимоий амалиётни акс эттирадиган далиллар назарий умумлаштириш учун бошланғич материал бўлади, шу билан бирга у ёки бу назарий қарашларнинг тўғрилигини исботи бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда алоҳида далилларни олмасдан, ўрганилаётган масалага тегишли бўлган ҳамма далилларни бирга олиш зарур, акс ҳолда далиллар ихтиёрий равишда танлаб олинган, деган шубҳа вужудга келиши мумкин.

Социал далиллар кузатишга ёки статистик маълумотларга асосланиши мумкин. Статистик маълумотларга жуда кўп алоҳида фактларни солиштириш имкония-

тини берувчи тадқиқотнинг статистик усуллари қўлаш йўли билан эришилади. Статистик фактларни ижтимоий ҳодисаларнинг махсус ташкил қилинган оммавий кузатишга асосланган типик характеристикаси деб белгиласа бўлади.

Социал фактлар ўзича илмий билишни ташкил қилмайди. Илмий билиш характериға эға бўлиш учун социал далиллар муайян *назарий хулосаларға* тегишли бўлиши ва улар ёрдамида тушунтириши керак. Ана шундагина социал далиллар социал билишнинг зарурий элементига айланади.

Демак, социал билишнинг конкрет тарихий далилларға таянган эмпирик даражаси назарий даража билан тўлдирилган бўлиши керак. Билишнинг эмпирик даражасидан назарий даражаға ўтиш мураккаб диалектик жараёндир. Социал билишнинг назарий даражаси ижтимоий воқеликни билишнинг юқорироқ босқичи бўлиб, алоҳида далилларни умумлаштириш асосида ижтимоий тараққиёт қонуниятларини очишға имкон беради. Шунинг учун социал назария системалашган билим бўлиб, маълум концепция таркибига кириши билан характерланади. Социал далиллар социал назарияларнинг асосини ташкил қилади, социал назариялар эса социал далилларнинг умумлашмасидир.

Социал далиллар ва социал назарияларнинг бирлиги илмий олдиндан *кўриш* ва *башорат қилиш* учун асос бўлиб хизмат қилади.

Назарий, эмпирик маълумотларни умумлаштириш ривожлантиришнинг объектив қонуниятларини ҳисобға олган ҳолда илмий олдиндан билиш табиат ва жамиятнинг кузатиб бўлмайдиган ёки ҳали тажрибада аниқланмаган ҳодисаларни олдиндан айтишдир.

Илмий олдиндан билиш ҳар доим табиат ва жамиятнинг билиб олинган қонунларини номаълум ёки ҳали юз бермаган ҳодисаларда ҳам ўз кучини сақлаб қолишға ва уларнинг татбиқ қилинишиға асосланади. Илмий олдиндан билиш эҳтимоллик белгиларига эға, бу ҳол, айниқса, келгусида пайдо бўлувчи аниқ ҳодисалар ва уларнинг юз бериш вақти масаласида яққол намоён бўлади.

Бундай ҳолат ривожланиш жараёнида илгари учрамайдиган сифат жиҳатидан янги сабабий боғланишлар ва имкониятларнинг вужудға келиши билан шартлангандир, жамиятға татбиқ этганда эса — унда онгли, ин-

дивидуал характер ва шу кабиларга эга бўлган кишиларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган жараёнларнинг мураккаблиги ва унинг натижасида кутилмаган вазиятларнинг пайдо бўлиб қолиш сабаби билан боғлиқдир.

Башорат қилиш — илмий олдиндан кўришнинг шакли бўлиб ҳисобланади. Башорат қилиш худди илмий олдиндан билиш сингари ижтимоий тараққиёт қонуниятларини билишга, маълум даврга (10, 15 ва ундан кўп йилга) мўлжалланган социал воқеликнинг ривожланиш тенденцияларини тушунишга асослангандир.

Ижтимоий башорат қилиш мавжудлик ва ривожланиш қонуниятларини билишга асосланиб қурилган бўлажак реал жараёнлар ва ҳодисаларнинг идеал модели дейилса бўлади. Социал прогнозлар ўз навбатида тегишли режаларда аниқлаштирилади. Режа прогноздан фарқ қилади, у ҳаракат учун аниқ кўрсатмадир.

Диалектик-материалистик илмий олдиндан билиш ва башорат қилиш футурология таълимотига зиддир. Футурология термини келажак ҳақидаги ҳозирги замон фалсафий концепцияларида кўпроқ қўлланилади. *Футурология* лотинча *futurum* — келажак ва грекча «логос» — таълимот сўзидан олинган бўлиб, келажак ҳақидаги таълимот демакдир. Биринчи марта «футурология» терминини 1943 йилда немис социологи О. Флехтхейм идеологияси ва утопияга зид бўлган синфдан ташқари турувчи қандайдир «келажак философияси»ни номлаш учун тавсия қилган. 60-йиллар охиридан бошлаб буржуа футурологияси инқирозни ўз бошидан кечирмоқда. 70-йиллар бошида жамият тараққиётининг мавжуд тенденцияларида «глобал фалокат»нинг муқаррарлиги ҳақидаги концепцияни илгари сурувчи оқим биринчи ўринга чиқди. Баъзи футурологлар (Дж. Форрестер, Д. Медоус, Р. Хейлброне (АҚШ) социал пессимизмнинг неомальтусчилик ғояларини ривожлантирмоқдалар. Бошқалари — Тофлер, М. Месарович, Э. Ласло, В. Феркисс (АҚШ), Э. Пестель (ГФР), К. Фримен (Англия), И. Кайя (Япония) ва бошқалар) фалокатни четлаб ўтиш мумкин деб исбот қилишга ҳаракат қилмоқдалар.

Объектив социал билиш буржуа герменевтикаси — изоҳлаш санъати назарияси — позициясидан ҳам оширилиши мумкин эмас. (*Герменевтика* — лотинча, тушунтираман, изоҳлайман.) Герменевтиканинг асосий нуқсони онгнинг бевосита гувоҳлигига ишонмасдан, ман-

тиқдан кўра тилда намоён бўладиган онгининг «бошқа» гувоҳликларга мурожаат қилишидир (П. Рикёр (Франция), Г. Кун, А. Аппель (Германия), Э. Корето, Э. Хайнтель (Австрия)).

Футурология ва герменевтикадан фарқли ўлароқ, диалектик-материалистик олдиндан билиш ва прогнозлаш концепцияси кишиларнинг иродаси ва онгига боғлиқ бўлмаган ижтимоий тараққиётнинг йўналиши ва қонуниятларини аниқ ҳисобга олишга асосланади. Унинг илмийлиги ва объективлиги мана шунда намоён бўлади.

Жамият тараққиёти қонуниятларини билиш ва улардан инсон манфаати учун фойдаланишда ижтимоий фанларнинг роли каттадир.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг турли-туман масалалари, унинг ўзаро боғлиқ бўлган сиёсий, иқтисодий, илмий-техник, ижтимоий, маданий, маънавий психологик каби жиҳатларини таҳлил қилишда диалектик методология катта аҳамият касб этади. У ижтимоий тараққиёт жараёнини қонуний тарздаги, ғоят кенг кўламдаги кўп қирралилиги ва зиддиятлилиги билан яхлит ҳолда илмий асосда ўрганиш йўлини кўрсатиб беради, иқтисодий ва сиёсий кучларнинг характери ва ўзаро муносабатларини тўғри англаб олишга, курашнинг турғун йўналишлари, шакллари ва усуллари танлаб олишга, кескин тарихий бурилишларда ўзини дадил ҳис қилишга ўргатади.

Ижтимоий фанларни ривожлантиришда маълум ютуқлар бўлиши билан бирга жиддий камчиликлар ҳам бор. Бизнинг фалсафий ва иқтисодий жабҳамиз ва умуман бутунлай жамиятшунослик ҳаёт талабларидан орқада қолмоқда. Ҳозирги давр ижтимоий фанлар амалиётнинг конкрет эҳтиёжларига кенг миқёсда пешвоз чиқиши ҳақидаги масалани қўяётир, жамиятшунослимлар ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларга сергаклик билан қараб, ўз мушоҳадаларини айтишлари, янги ҳодисаларни кўзда тутишлари, амалиётга тўғри йўл-йўриқ бера оладиган хулосалар чиқаришлари талаб қилинади.

Амалиётга асосланадиган ва амалиётга қайтадиган, чуқур умумлашмалар ва омилкорона тавсиялар билан бойиган илмий йўналишларгина ҳаётийдир. Схоластика, қироатхонлик ва догматизм ҳамиша билимларнинг чинакам бойишига тушов бўлиб келди. Бу иллатлар

фикр турғунлигига олиб боради, илм-фанни ҳаётдан қалин девор билан ажратиб, унинг ривожланишини сустлаштиради. Ҳақиқат дабдабазлик ва фармойиш, кўрсатмаларда эмас, балки илмий мунозаралар ва баҳсларда вужудга келади, амалиётда синовдан ўтади. Ҳаёт ана шундай ривожланиш йўлини тақозо этади.

Бугун жамиятшунос олимлар олдида маълум вазифа — ҳаёт талабларидан узоқда қолиш ҳолатидан қутулиш, бутун жамиятшуносликни амалиётга қаратишга эришиш вазифаси турибди. Бу борада Ўзбекистон жамиятшунос олимлари ҳам кўп иш қилишлари керак. Ўзбекистон жамиятшунос олимлари мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, бозор муносабатларига ўтишда ўз масъулиятларини тўла сезишлари, ижтимоий-синфий ва миллатлараро муносабатларга, демократия ва ўз-ўзини бошқаришга эътибор беришлари, қонунбузарлик, порахўрлик, ўғрилик, чайқовчилик, бюрократизм каби салбий ҳодисалар сабабини ҳар томонлама ўрганишлари керак.

Ҳозир Ўзбекистон ва бошқа қўшни республикалар учун табиатни қўриқлаш, экология масалалари, чунончи, ҳудудимиздаги ноёб ичимлик сув ҳавзаси, дунёнинг оқиб чиқиб кетмайдиган йирик кўлларида бўлган Орол денгизи ва Орол бўйини сақлаш масаласи ҳар доимгидан ҳам долзарб аҳамиятга эгадир. Маълумки, охириги 25 йил ичида Орол денгизининг сатҳи 13 м. га пасайиб кетди. У ўз ҳажмини 55% йўқотди, қуриб қолган сув сатҳининг майдони 2 млн. га дан ошди. Олимларнинг ҳисобича, Орол қуришининг салбий оқибатлари ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Орол бўйи қисмлари (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти) халқ хўжалигига эски нархда 100—120 млн. сўмлик зарар келтирмоқда. Вужудга келган вазиятнинг зиёни 300 млн. сўмдан ошиши, ҳаммаси бўлиб талафот миқдори 10—11 млрд. сўмни ташкил қилиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси жамиятшунослар ва бошқа фанлар намояндаларининг Орол ва Орол бўйи муаммоларини комплекс ўрганиш ва бу муҳим илмий муаммони тез орада ечишнинг пухта тавсияномаларини тайёрлашга эътибор беришини талаб қилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон учун, шунингдек, меҳнат ресурсларини ўрганиш, улардан оқилона фойдаланиш, тез ўсаётган меҳнат аҳлини, илмий-техника ва ижтимоий тараққиётни, интенсификациялаш масалаларини

ҳисобга олган ҳолда, иш жойлари билан таъминлаш ғоят актуалдир.

Шунингдек, биз учун пахтачиликда чиқитсиз ва кам чиқимли технологияни ишлаб чиқиш ва яратиш билан боғлиқ бўлган, Марказий Осиёдаги пахта етиштирувчи бошқа республикалар учун ҳам муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни комплекс ўрганиш илмий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга молик вазифалардандир.

Байналмилал дўстлик, тарбия масалалари, оила-никоҳ муносабатларини ривожлантириш каби бошқа долзарб масалалар ҳам чуқур ўрганишни талаб қилмоқда. Ижтимоий фанлар олдида турган ушбу ёки бошқа масалаларни уларнинг ривожланишида ҳозир жиддий тўсиқ бўлиб турган догматизм ва эмпиризмни енгмасдан туриб ҳал қилиб бўлмайди.

Иқтисодий қонун ва категориялар, социализм ҳақидаги баъзи қоидалар, социалистик демократия, социал адолат, цивилизациянинг ривожланиш суръатлари ва истиқболларининг догматик талқин қилиниши жамият ҳақидаги фанда турғун зоналарни вужудга келтиради. Мамлакат социал-иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётида рўй бераётган туб ўзгаришларнинг мақсад ва вазифаларини тушунтиришга ижодий ёндошиш уларни вульгар, тор манфаатпарастларча изоҳлашни улоқтириб ташлашни талаб қилади.

Жамият ҳақидаги фаннинг ҳақиқий йўли илгари-дан берилган ва қулай принциплардан ҳаёт фактларига боришдан иборат бўлмай, балки реал борлиқ, ҳақиқий ҳаётий жараёнлар тўғрисида хулосаларга келишнинг принципи ва мақсадларини ифода қилишдир.

Бошқа томондан, ижтимоий фанларнинг эмпиризмга, тасвирлашга тушиб қолишига йўл қўймаслик лозим, реал ҳаётни ўрганишни сийқа, манфаатпарастларча тушуниш, у ёки бу ҳодисаларни чуқур назарий фаҳлмасдан, яланғоч фактларнинг йиғиндисидан иборат қилиб қўйиш мумкин эмас.

Ижтимоий фанлар мамлакатимизда амалга ошаётган ўзгаришларнинг моҳиятига кириб бориши, янги муаммоларни дадил ва ташаббускорона қўя олиши ва уларни ижодий, назарий ишлаб чиқиши лозим. Социал билиш ва ижтимоий амалиёт эҳтиёжлари айнан шунини талаб қилапти.

Хулоса қилиб айтиш керакки, социал билиш умуман

билиш жараёнининг бир қисми бўлиб, ўзига хос хусусиятларга эга, уларни билмасдан туриб жамиятда бўлаётган воқеалар ва жараёнларни таҳлил қилиш ва баҳо бериш, уларнинг бўлажак ҳаракат йўналишларини аниқлаш мумкин эмас. Шунинг учун баъзи олимларнинг ривожланишнинг конкрет жараёнларини ҳисобга олиш умумий тадқиқотга ҳалақит беради, деб социал билишни диалектик материализмнинг билиш назариясидан ажратишга уринишлари мақсадга мувофиқ эмас.

Алоҳидалик, хусусийликни билмасдан туриб умумийлик ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш мумкин эмас. Материалистик диалектиканинг бу муҳим методологик талаби социал билиш назариясининг диалектик материализмнинг инъикос назарияси билан ўзаро чамбарчас боғлиқлигини яна бир карра тасдиқлайди.

3. ИЖТИМОЙ ЗИДДИЯТЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ

Ижтимоий, яъни социал зиддиятлар муаммоси ва уларни ҳал этиш масалалари ҳозирги даврда жамият тараққиёти ва ҳаёт илгари сураётган долзарб масалалар қаторига киради. Ижтимоий зиддиятларда социал гуруҳлар, синфлар, миллатлар, давлатлар, ижтимоий-сиёсий кучларнинг социал-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланиш масалалари акс этади.

Жамиятда юзага келаётган ижтимоий зиддиятларнинг келиб чиқиши ва сабабларининг чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиниши уларни бартараф этишнинг муҳим омилдир.

Ижтимоий зиддиятлар маълум мақсадлар ва манфаатлар йўлида ҳаракат қилувчи кишилар фаолиятида намоён бўлади. Ижтимоий зиддиятларнинг ишчилар фаолияти билан боғланиши, бир томондан, уларнинг зич субъектив томонини, иккинчи томондан эса зиддиятларнинг объектив томонларини кўрсатади.

Тарих, маълумки, кишилар фаолияти орқали намоён бўлади, кишилар эса ижтимоий-тарихий жараённинг ҳам объекти, ҳам субъекти ҳисобланади, шунинг учун ҳам ижтимоий зиддиятларга субъект ва объект муносабатларининг бирлиги сифатида қараш керак.

Объектив ижтимоий зиддиятлар жамият эҳтиёжлари

ва қизиқишларига мос тарзда субъектив омиллар: қизиқишларни англаш, мақсадни белгилаш, ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш, жамиятни қайта қуриш дастурини амалга ошириш учун ижтимоий кучларни ташкил қилиш ва ҳоказолар механизми орқали инсон фаолиятининг сабабияти сифатида намоён бўлади.

Бизнинг жамиятимиз зиддиятлари ва уларнинг намоён бўлиши шакллари ўз характери ва намоён бўлиш ўткирлиги билан жуда турли-туман ва серқиррадир.

Улар иқтисод соҳасида ҳам, ижтимоий ва миллий муносабатлар соҳасида ҳам, мафкуравий ҳаёт, шунингдек маданият соҳасида ҳам яққол намоён бўлади. Бу соҳаларнинг ҳар бирида зиддиятларнинг қамрови ва намоён бўлиш шакли жуда кенгдир.

Жамиятдаги зиддиятлар, уларнинг турличалигига қарамадан, бир-бирларидан ажралган ҳолда мавжуд бўлмайди, балки булар бир-бири билан боғлиқ ва бир-бирларини тақозо этади. Мана шу зиддиятлар ва ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишидаги салбий жараёнлар ижтимоий соҳадаги зиддиятларнинг кескинлашувига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Ижтимоий соҳадаги зиддиятлар ўз навбатида жамиятнинг маънавий ҳаётига таъсир кўрсатади, халқимизга хос бўлган юксак маънавий қадриятларни емиради. Бунинг оқибатида жамоат ишларига қизиқиш сўнади, ахлоқий қадриятларимизга тўғри келмайдиган бефарқлик ва бошқа салбий жараёнлар юзага келади. Антагонистик ва ноантагонистик зиддиятлар ижтимоий зиддиятларнинг ўзига хос шакллариدير. Илгари совет фалсафий адабиётларида, социализм жамиятида фақат ўтиш даврида (капитализмдан социализмга) иқтисоддаги кўп укладлиликда, шаҳар ва қишлоқларда эксплуататор синф вакиллари сақланиб қолганда ва «ким-кимни» деган масала ҳал этилаётган даврда антагонистик зиддиятлар мавжуд бўлган, социалистик жамият қурилиши ва эксплуататор синфларнинг тугатилиши, мамлакат ичида ижтимоий-синфий бирликнинг шаклланиши ва ривожланиши билан социал зиддиятлар йўқолади, фақат юқорининг ташаббуси ва халқнинг қўллаб-қувватлаши билан аста-секин бартараф этилиб боровчи ноантагонистик зиддиятлар сақланиб қолади, дейилган.

Масалага бундай ёндошиш кейинги вақтларда жа-

миятимиздаги зиддиятлар масаласи билан шуғулланувчи олимлар томонидан танқид қилинаяпти.

Жамиятимизнинг турли соҳаларида мавжуд бўлган антагонистик зиддиятларнинг баъзи олимлар томонидан инкор этилиши — бу, социализмни бўрттириб, унинг капитализмдан устунлигини кўрсатишга уринишдир. Антагонистик зиддиятлар масаласига бундай ёндошиш билан ижтимоий ҳаёт тараққиёти келиша олмайди.

Бизнингча, антагонистик зиддиятларни илгариги даврлардагидек фақат синфий муносабатлар соҳаси билан чегаралаб қўймаслик лозим. Тарихий тажриба, ижтимоий амалиёт шуни кўрсатадики, бундай зиддиятлар синфий, этник, миллий, ирқий, диний ва бошқа асосда бўлиб, жамият ҳаётининг барча томонларини қамраб олиши мумкин. Бундай антагонистик зиддиятлар жамият ва алоҳида шахслар ўртасида, турли давлатлар, ижтимоий-сиёсий тузумлар, сиёсий партиялар ва ҳар хил оммавий ҳаракатлар ўртасида ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Антагонистик зиддиятларнинг муҳим хусусиятлари уларни ҳал этишда мавжуд ҳолатни бузишга олиб келадиган воситаларни (талончилик, ўғрилиқ, одам ўлдириш, ҳаётий муҳим коммуникацияларнинг қамал қилиниши, шунингдек, қуроли кучлар ва ички қўшинлардан тартиб ўрнатишда фойдаланиш ва бошқалар) қўллашдир.

Худди мана шундай кенг маънодаги антагонистик зиддиятлар бугунги кунда бизнинг жамиятимизда ҳам мавжуд. Жамиятимиздаги антагонистик зиддиятларни кўра-била туриб, бизга улар хос эмас деб уқтириш нотўғри бўлур эди.

Антагонистик ва ноантагонистик зиддиятлар қотиб қолган эмас, улар бир-бирига ҳам ўтиб туради. Агар ноантагонистик зиддиятлар ўз вақтида бартараф этилмаса, маълум бир шароитда улар тўпланиб ва кескинлашиб, антагонистик зиддиятларга айланиб кетиши мумкин. Аммо жамиятимизда бўлаётган туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар бундан кейин ҳозиргидек танг аҳволнинг ва антагонистик зиддиятларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслиги керак.

Янгича тафаккур руҳида мавжуд зиддиятларни ҳал этишнинг шакл ва усуллари ҳақидаги масалани ҳам қайта кўриб чиқишимиз керак бўлади. Бу масалани

чуқур ва ҳар тарафлама текшириш илмий ва амалий аҳамиятга эга, чунки социал билишнинг асосий мақсади ижтимоий муносабатларнинг инсоният манфаатларига мос келадиган энг қулай йўлларини аниқлашдан иборат.

Ижтимоий тараққиётда зиддиятлар баъзи кишиларнинг, социал гуруҳлар, синфларнинг манфаатлари ва мақсадлари шаклида юзага чиқади. Ижтимоий зиддиятларга таъсир этиш учун уларнинг маълум мақсад ва манфаатлар йўлидаги инсонлар онгли фаолияти орқали рўй бериш механизмини билиш лозим. Фақат шу йўл билангина ижтимоий зиддиятларни бартараф этиш мумкин. Бу йўлда ижтимоий зиддиятларнинг юзага келиши шакллари текшириш долзарб масаладир.

Зиддиятлар *хилма-хил шаклларда* бартараф этилиши мумкин. Ижтимоий зиддиятлар юзага келишининг турли-туманлиги уларни бартараф этиш шакллари ҳам турли-туман эканлигини ҳисобга олишни талаб этиши табиийдир.

Бизнинг фалсафий адабиётимизда ижтимоий зиддиятларни бартараф қилишнинг турли-туман шакллари масаласи чуқур текшириш мавзуси бўлгани йўқ. Кўпинча ижтимоий зиддиятларни ҳал этиш эскининг емирилиб янгининг қарор топиши билан боғлаб кўрсатиларди.

Шубҳасиз, эскининг йўқотилиши ва янгининг пайдо бўлиши ижтимоий зиддиятларни бартараф этишнинг кўп учрайдиган шакли, аммо яғонаси эмас.

Бизнингча, ижтимоий зиддиятларни бартараф этиш шакллари таҳлил қилиш чоғида уларнинг қуйидаги уч шаклини кўрсатиш мумкин:

1) эскининг емирилиб, янгининг қарор топиши; 2) қарама-қаршиликларни бирлаштириш туфайли ижтимоий зиддиятларни бартараф этиш; 3) консенсус (ўзаро келишув) туфайли ижтимоий зиддиятларни ҳал этиш.

Биз энди юқорида кўрсатилган ижтимоий зиддиятларни бартараф этиш шакллариининг ҳар бирини чуқур таҳлил этишга ва уларнинг социал билиш ва ижтимоий амалиёт учун методологик аҳамиятини асослашга ҳаракат қиламиз.

Ижтимоий зиддиятлар ҳар доим ривожланиб турувчи жараён бўлиб, улар пайдо бўлади, чуқурлашади ва ҳал этилади. Ўзининг пайдо бўлишини дастлабки дав-

рида яхши ривожланмаганлиги сабабли ижтимоий тараққиёт жараёнига сезиларли таъсир ўтказа олмайди. Аста-секин тўплана бориб, улар кейинчалик жамият тараққиёти йўлида тўсиқ ҳамда чуқур ижтимоий адватлар манбаига айланиши мумкин. Бундай вақтда жамият ҳаётини кўнгилдагидек ташкил этиш учун жамиятда юзага келган социал зиддиятларни бартараф этиш зарурияти туғилади. Бу мақсад йўлида кўпинча *эскининг емирилиб, янгининг пайдо бўлишига* амал қилиниб, бу билан жамият олдинга томон ҳаракати учун кенг йўл очади.

Эскининг емирилиши ва янгининг қарор топиши йўли орқали ижтимоий зиддиятларни ҳал этишга жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларидаги янги таркибий тузилмаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши яққол мисол бўла олади. Мана, иқтисод соҳасида совет жамиятини инқирозга олиб келган эски маъмурий-буйруқбозлик бошқариш усули ўрнида аста-секин янги иқтисодий бошқариш усуллари қарор топмоқда. Эски марказлашган планли бошқариш ўрнига бозор муносабатларига ўтиш лозимлиги давр талабидир.

Сиёсий соҳада эса эски тоталитар маъмурий-буйруқбозлик ҳокимиятидан қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ваколатларини тақсимлашга асосланган ҳокимиятга ўтишимиз ижтимоий зиддиятлар эскининг емирилиши ва янгининг пайдо бўлиши усули орқали бартараф қилинишига яққол мисол бўла олади.

Ижтимоий зиддиятларни эскининг емирилиши ва янгининг пайдо бўлиши билан ҳал этиш шакли миллий муносабатлар доирасида ҳам кенг қўлланилмоқда. Кейинги даврдаги миллий муносабатлар масаласидаги туб ўзгаришлар, жумладан собиқ иттифоқдош жумҳуриятларнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги эълон қилиниши, собиқ иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятларнинг ҳар бирининг миллий тилига давлат мақоми берилиши, миллий маданияти, урф-одатлари, маданият ёдгорликларининг тикланиши ва мамлакатимиз халқлари улар асосида ўз-ўзини миллий англаши ва бошқа ижобий жараёнлар демократия ва ошкоралик тараққиётининг натижасидир.

Бизнинг кўз олдимизда маънавий соҳада эскининг емирилиши ва янгининг пайдо бўлиши асосида чуқур сифат ўзгаришлари юз бераяпти, эски қонун-қоидалар

инкор этилиб, унинг ўрнига бурилиш даврини характерлайдиган янги тасаввурлар пайдо бўлмоқда.

Ижтимоий муносабатларга эскича, синфий манфаатлар асосида ёндошиш ўрнига умуминсоний қадриятларни биринчи ўринга қўювчи янгича тафаккур нафақат халқаро муносабатлар соҳасида, балки мамлакат ички сиёсати соҳасида ҳам ижобий натижалар бермоқда. Буларнинг ҳаммаси янгича тафаккурнинг сермазмун эканлигидан далолат беради ва буларга олдин мавжуд бўлган тасаввур ва қарашларга ҳаёт талаби нуқтаи назаридан танқидий муносабатда бўлиш ҳамда янгича ғояни шакллантириш мажбуриятини юклайди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, эскининг емирилиши ва янгининг пайдо бўлиш шакли билан ижтимоий зиддиятларни ҳал этиш усули жамият ҳаётининг турли томонларида кенг қўлланилмоқда. Бу ерда яна шуни қайд этиш лозимки, социал зиддиятларнинг бундай усул билан бартараф этилиши натижасида қарама-қарши томонлар ўртасидаги муносабат шундай кескинлашадики, уларнинг эски сифат доирасида мавжудлиги мумкин бўлмай қолади.

Агар қарама-қарши томонлар ўртасидаги зиддиятларни мавжуд сифат доирасида ҳал этиш мумкин бўлса, бу ҳолда зиддиятларни бартараф этишнинг бошқа йўллари, жумладан *қарама-қаршиликларни бирлаштириш* шакли қўлланилади.

Фалсафий адабиётларда ижтимоий зиддиятларни ҳал этишнинг бу усули жуда кам ўрганилган. Шахсга сиғиниш ва турғунлик давларида социал зиддиятларни ҳал этиш усулларига бир томонлама ёндошилган. Уша давларда ўрганилаётган ҳар бир нарса ёки ҳодиса бир-бирига қарама-қарши бўлган икки қутбга ажратилган ва уларнинг бири янги пайдо бўлаётган жараён, иккинчиси эса умрини яшаб бўлган, ўлаётган жараён сифатида талқин қилинган.

Бу зиддиятлар нарса ва ҳодисалар қарама-қарши томонларининг муносабатини ифодалайди ва бу курашда, албатта, янги нарса ёки ҳодиса эски устидан ғалаба қозонади. Шунинг учун ҳам ўша давларда зиддиятларни юмшатиш эмас, балки кескинлаштириш керак, деган фикр мавжуд бўлган. Янгининг эски устидан ғалабаси ижтимоий зиддиятларни ҳал этишнинг ягона усули деб ҳисобланган.

Масалага бундай ёндошиш инсоннинг амалий ва

билиш фаолияти йўналишини олдиндан белгилаб қўйган. Мана шу қолип бўйича ёзувчи ва шоирларимиз ўз қаҳрамонларининг бадиий образларини яратди. Бу асарларда ижобий ва салбий образлар кураши натижасида албатта ижобий қаҳрамон ғалаба қиларди.

Амалиёт бундай ёндошувнинг нотўғри эканлигини кўрсатди. Нарса ва ҳодисаларни ҳаракатга келтирувчи ички имкониятлар зиддият қарама-қарши томонлар кураши ва бу курашда албатта янгининг ғалаба қозонишидангина иборат эмаслигини, балки у мана шу қарама-қаршилиқларнинг диалектик қўйилуви ва бир бутунликка олиб келишини ҳам кўрсатади. Бу масалага ўз вақтида Гегель ҳам катта аҳамият берган ва қарама-қарши томонлар бир-бирлари билан фақат курашиб қолмасдан, шунинг билан бирга бир-бирларини тўлдирадиган ва олға қараб ҳаракат қилишга кенг йўл очиб берадилар деб ҳисоблаган.

Қарама-қаршилиқлардаги баъзи умумий тенденцияларнинг ўхшашлиги, бирлиги қарама-қаршилиқлар бирлашувининг объектив асоси бўлиб хизмат қилади. Қарама-қаршилиқлардаги бундай ҳаракатлар, бирлашувлар маълум шароитларда амалга ошади.

Қарама-қаршилиқларни онгли равишда бирлаштиришга эришиш ҳозирги шароитда жуда муҳимдир. Чунки бир-бирларига қарши турувчи кучлар ўртасидаги тўқнашувлар бизнинг қийинчиликларимизни янада чуқурлаштириши ва жуда салбий натижаларга олиб бориши мумкин.

Ҳозирги бурилишлар даври, жамият ҳаётининг барча соҳаларида мавжуд бўлган қарама-қаршилиқларни онгли равишда бирлаштиришни мисол сифатида кўрсатишимиз мумкин.

Бизга шу нарсa маълумки, шахсга сиғиниш ва турғунлик давларида ижтимоий онгга хусусий ва ижтимоий мулк бир-бирларини тамоман инкор этади ва шунинг учун ҳам социалистик иқтисодиётда хусусий мулкчиликка ҳеч қандай ўрин йўқ деган ғоя ҳукмрон эди.

Аммо ҳаёт бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кичик корхоналар бозорга истеъмол молларини етказиб беришда ва аҳолининг анчагина қисмини иш жойлари билан таъминлашда катта роль ўйнаши мумкинлигини кўрсатди.

Цивилизациялашган мамлакатларда бундай кичик корхоналар беҳисобдир. Бизда эса ҳозирча кичик корхоналар сони кам. Бозор муносабатларига ўтиш хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни, иқтисодий қайта қуришни тезлаштирадиган қўшимча иш жойлари яратилган, харажатларни тезда қоплайдиган майда корхоналар тармоғини ривожлантиришни тақозо этади.

Кичик корхоналар тақдири кўпроқ давлат ҳокимияти идоралари тутган йўлга боғлиқ, чунки, ер, иш юриштиш бинолари, солиқ соҳасида имтиёзлар ва ҳоказолар ижобий ва тез ҳал этилгандагина кичик корхоналар яхши фаолият кўрсатиши мумкин.

Мамлакатимизда туб ўзгаришлар иқтисодни ҳозирги танглик ҳолатидан олиб чиқишда ижтимоий ишлаб чиқаришни хусусий тадбиркорлик фаолияти билан имкони борича қўшиб юбориш лозимлигини кўрсатаёпти. Бундай кичик корхоналар қандай бўлиши керак? Биринчи навбатда, улар истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган халқ ҳунармандчилиги, халқ ижодиёти, умумий овқатланиш ва маданий хизмат, ёрдамчи хўжаликлар, иккиламчи ашёлар ва саноат чиқитларини қайта ишлаш, йирик бирлашмаларнинг унча катта бўлмаган буюртмаларини бажариш соҳасида тузилиши мумкин.

Майда корхоналар қисқа муддат ичида маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш борасида яхши натижалар беришлари мумкин. Бундан ташқари, уларнинг тузилиши ишлаб чиқаришга аҳолининг илгари банд бўлмаган қисмини жалб қилиш имкониятини беради. Бу майда ва ўрта корхоналар, йирик ишлаб чиқариш комплексига эга филиаллар ва цехларнинг тузилишини истисно қилмайди, аксинча рағбатлантиради. Табиийки, бу жараён ҳукумат ва маҳаллий органларнинг республика манфаатларига зид бўлмаган йўналишлар бўйича қарорлари асосида содир бўлади. Шунга ўхшаш корхоналарнинг тузилишида корхона жамоаларининг уй-жой билан таъминланиши ва маданий-маиший хизмат объектлари билан таъминланиши муҳим шарт ҳисобланади.

Иқтисодиёт соҳасида қарама-қаршиликларни бирлаштириш натижасида тўпланиб қолган зиддиятларни бартараф этишнинг яна бир шакли: давлат тасарруфидаги мулкчилик асосида, чет эл фирмалари иштирокида қўшма корхоналар ташкил қилинишидир. Бу со-

ҳада бош йўналиш кучли чет эллик шерикларни халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга жалб қилишдир. Аралаш корхоналарнинг тузилиши чет эл маблағларини ва илғор технологияни қўллаш имкониятлари билан бир қаторда бизнинг одамларимизни меҳнатини ташкил қилишнинг замонавий услубларини ўрганиш сингари масалаларга жалб қилиш имкониятини беради.

Ижтимоий зиддиятларни ҳал қилиш шакли сифатида қарама-қаршиликларнинг онгли бирлаштирилишидан сиёсий ҳаёт соҳасидаги кўпгина муаммоларни ҳам ҳал қилишда фойдаланиш мумкин. Маълумки, ҳозирча МДХ ва мустақил республикалар ҳуқуқларини аниқ чегаралаб қўювчи механизмлар ишлаб чиқилмагани сабабли мустақил республикалар ўртасида турли зиддиятлар келиб чиқмоқда. Бунда шу нарса аниқки, ушбу масаланинг ечилиши мустақил республикалар ролларининг камситилиши ва МДХ ҳуқуқларининг кенгайтирилиши ҳисобига эмас, балки МДХ ва мустақил республикалар манфаатларини диалектик ҳисобга олиш ва бирлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Шунга ўхшаш турли сиёсий партиялар, ижтимоий ташкилотлар ва оммавий ҳаракатлар ўртасидаги зиддиятлар ҳам қарама-қаршиликларни диалектик бирлаштириш шаклида бартараф этилиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги шароитда жамиятимиз олдидаги вазифаларни ҳал қилишда соғлом кучларни бирлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан ихтилоф эмас, балки қарама-қаршиликларнинг бирлиги юзага келган муаммоларни ҳал қилиш шакли сифатида муҳим дунёқараш ва методологик аҳамият касб этади.

Маънавий соҳадаги зиддиятларни ҳал қилишда ҳам қарама-қаршиликларни бирлаштириш шаклидан самарали фойдаланиш мумкин.

Маълумки, шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида кўпгина фуқаролар сиёсий масалаларда бошқача фикрлагани учун қатағон қилинган ва уларнинг кўпчилиги жисмонан йўқ қилинган эди. Кўп ҳолларда бу ишлар ҳеч қандай жиддий сабабларсиз амалга оширилган. Фақат 1966 йилдан 1968 йилгача СССР Олий Совети Президиумининг Фармониға биноан 75 киши совет фуқаролигидан маҳрум қилинган, 100 га яқин киши СССРдан зўрлаб ҳайдаб чиқарилган. Бу сиёсий қатағонлар кейинчалик адолатли равишда қораланди. Эр-

кин демократик давлатга хос бўлган янгича тафаккур, фикрлар хилма-хиллиги талабларига мувофиқ СССР Президентининг 1990 йил 13 августдаги Фармонида мувофиқ 20—50-йилларда репрессия қилинган ҳамма жабрдийдаларнинг ҳуқуқлари тикланди. Шунингдек, 23 киши совет фуқаролигига тикланди, улар қаторида Александр Солженицин, Василий Аксенов, Владимир Войнович, Валерий Чиладзе, Виктор Корчной, Оскар Рабин ва бошқалар бор.

Фалсафий нуқтаи назардан бу қарорнинг аҳамияти, бизнинг фикримизча, қарама-қаршиликларнинг онгли бирлаштирилиши сифатида баҳоланиши керак. Ваҳоланки, фикрлар хилма-хиллигининг такомиллашиши жамиятимизда турли фикрлар, мафкуравий қарама-қаршиликларнинг бирга мавжуд бўлишини тақозо этади. Қарама-қаршиликларнинг онгли бирлаштирилиши ҳозирда давлат ҳокимияти фаолиятида услубий асос вазифасини ўтамоқда.

Амалиёт шуни кўрсатадики, шахснинг маънавий камолоти учун илмий-техник революция ютуқлари билан бир қаторда, диний таълимотлар, маданият ёдгорликлари, миллий урф-одат, анъаналарда ўз аксини топган ўтмишнинг маънавий меросини ҳам кенг қўллаш даркор.

Маълумки, ўтган йиллар мобайнида бу масалага бир томонлама ёндошув ҳукм суриб келди. Натижада ўтмишнинг маданий меросига салбий муносабат туғилди. Хусусан бу ҳол дин масаласида кескин равишда юзага келди. Уша вақтда ҳукм суриб келган мафкуравий андозаларга асосан, динга қарши қаттиқ ҳужум бошланди, кўпгина маданий ёдгорликлар, черковлар, мачитлар, ибодатхоналар бузиб ташланди, диний адабиётлар йўқ қилинди, диний арбоблар репрессия этилдилар. Буларнинг ҳаммаси мамлакатга катта маънавий ва моддий зарар етказди.

Ҳозир шу нарса муҳим бўлиб қолдики, давлат дин ва диний ташкилотларга диққат билан ва яхши муносабатда бўлган тақдирдагина улар жамиятнинг ахлоқий покланишида ва шахснинг умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланишида муҳим роль ўйнаши мумкин. Шу сабабли мамлакатда динга муносабат ўзгараяпти.

Диний арбоблар ва динга эътиқод қилувчилар ҳамма даражадаги халқ депутатлари советлари ишида қат-

нашмоқдалар, мамлакатда сиёсий ва ижтимоий барқарорликни, тинчликни мустаҳкамлаш учун курашмоқдалар. Улар катта хайрли яратувчилик ишларини олиб бормоқдалар. Атроф муҳитнинг экологик софлиги учун, тарихий ёдгорликларни асраш, миллий маданиятни янада ривожлантириш, яхши урф-одат ва анъаналарни қайта тиклаш учун қилинаётган ҳаракатларда фаол қатнашмоқдалар. Уларнинг шахсни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдаги роллари беқиёсдир. Шу билан амалда жамиятнинг маънавий камолоти учун илмий ва диний онгнинг бирлаштирилиши амалга оширилмоқда.

Бу ва бошқа мисоллар шуни кўрсатиб турибдики, ижтимоий зиддиятларнинг бартараф этилиши ва жамият тараққиёти фақат эскининг емирилиши ва янгининг қарор топиши асосидагина эмас, балки қарама-қаршиликларнинг диалектик бирлиги йўли билан ҳам таъминланиши мумкин экан.

Ижтимоий зиддиятларни бартараф этишнинг яна бир шакли — *консенсусдир*. «Consensus» лотинча сўз бўлиб, «келишиш», «якдиллик» маносини беради. Консенсус қарама-қарши кучлар, томонлар, ижтимоий гуруҳлар, партиялар, ҳаракатлар ўртасидаги зиддиятларни умумий манфаатлардан келиб чиқиб ҳал этиш йўлларида бири ҳисобланади. Консенсус келажакда ўзаро битимлар, келишувлар, ўзаро мажбуриятларни белгилашда асос вазифасини ўташи мумкин.

Консенсус одатда меҳнат жамоалари ва уларнинг ижтимоий томонлари (иш ташлаш воситалари ва касабачилар), маъмуриятлар, маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари, марказий идоралар, вазирликлар ҳамда турли давлатлар, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар ва бошқалар ўртасидаги келишувчиликлар, муаммоларни ҳал қилишда қўлланилади. У халқларимизни миллий тотувликка, ҳамкорликка даъват этадиган йўлдир.

Консенсус ижтимоий-иқтисодий, маънавий тараққиётда бўлгани сингари, халқаро муносабатларда юзага келган зиддиятларни ҳал қилишда ҳам кенг қўлланилади. Консенсуснинг муҳим хусусияти шундаки, музокаралар қатнашчилари ўзаро ён беришлар йўли билан, тинч йўл билан келишиб, ўзаро фойдали қарорларга келадилар ва бир-бирига муҳокама қилинаётган масалалар бўйича мавжуд зиддиятларни вақтинча бартараф

қилиш имкониятини берадилар. Консенсус вужудга келган зиддиятларни бартараф қилиш воситаси сифатида раҳбарият томонидан ҳали СССР мавжуд бўлиб турган даврда Кузбасс, Воркута, Қараганда, Вардашовск шахтёрлари орасида пайдо бўлган келишмовчиликларни ҳал қилиш учун фойдаланилди. У ҳозир ҳам амалда давлат ва ижтимоий ташкилотлар фаолиятида кенг қўлланилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, консенсуснинг самарадорлиги бутунлай музокаралардаги ҳамма бандлар юзасидан эришилган келишувларнинг ҳаммасини бажарилишига боғлиқ бўлади. Агар улар аниқ ва виждонан бажарилса, вазиятнинг яхшиланиши кузатилади, меҳнат жамоаларнинг ҳаёти ва фаолияти учун етарли шарт-шароит яратилади ва аксинча.

Консенсуснинг муҳим шакли, турли сиёсий кучлар ўртасидаги зиддиятларни ҳал қилиш учун кенг қўлланилаётган мулоқот ва думалоқ стол атрофида суҳбат ўтказишдир. Консенсуснинг яна бир хусусияти шундан иборатки, у оммавий ахборот воситалари орқали жамиятимиз учун муҳим бўлган сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа масалалар бўйича референдум (умумхалқ овоз бериши)лар ўтказиш ва қонунлар лойиҳасини муҳокама қилиш орқали ижтимоий зиддиятларни бартараф этиш имкониятини яратади.

Консенсус — ихтилофлардан ҳамкорликка олиб боровчи йўлдир. У халқаро амалиётда кенг қўлланилади. Маълумки, ўн йиллар мобайнида Шарқ ва Ғарб бир-бирига душманлик нуқтаи назаридан қараб келди. Ҳозир ихтилофлар сиёсатидан ҳамкорликка ўтиш амалга оширилмоқда. Бу ўтишнинг бир қанча сабаблари бор. Асосий сабаблардан бири Ғарб ва Шарқ манфаатларидан устун келадиган ва ҳамкорликда ечиш талаб қилинадиган умумбашарий муаммолардир. Булар — «учинчи дунёдаги» қашшоқлик ва очлик, энергия танқислиги, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, дунё бўйича ракета­лар, ядро ва кимё қуро­ллари ишлаб чиқариш технологиясининг ёйилиб кетиши, терроризм, гиёҳвандлик... муаммоларидир. Инсоният дуч келаётган бу муаммоларни, илгаригидек, ихтилофлар йўли билан ҳал қилиб бўлмайди.

Ҳозирги авлодларнинг тарихий вазифаси вужудга келган имкониятни қўлдан чиқармай, Европа давлатлари, МДҲ ва Ғарб иттифоқлари давлатлари манфаат-

ларига хос тушадиган муносабатларни қарор топтиришдан иборат, деган фикр тобора оммавий тус олмақда.

Консенсус — бу, фуқароларнинг тинчлик сари тутган йўлидир. Ҳозирги босқичга хос зиддиятлар, ижтимоий ва бошқа тангликлар ҳаддан зиёд кучайган шароитда жамиятнинг соғлом кучларини жипслаштиришга кучли эҳтиёж сезилмоқда.

Фуқаролар тинчлигига эришишнинг муҳим шартларидан бири — ҳамма даражадаги умумхалқ мулоқоти, турли партиялар ва оммавий ҳаракатлар ўртасидаги мулоқотдир. Мулоқот бирлашишнинг базаси ва асоси сифатида зарурдир. Эшитишни билиш ва эшитишга сазовор бўлиш — маданиятли одамлар анъаналаридир.

Мулоқот самарали бўлиши учун унда нафақат олимлар ва публицистлар, ёзувчилар ва тарғиботчилар, балки партиялар, давлат, ижтимоий ташкилотлар раҳбарлари, албатта, қатнашишлари керак. «Халқ билан юзма-юз» — бу шиор ҳамма фуқаролар тинчлигини таъминлаш эпизодларидан бири, бу ҳар бир фуқаро томонидан кимнинг кимлигини аниқлашда объектив баҳолаш имкониятидир. Бу ерда бир-бирига ён босиш, мухолифлар фикрини эшитиш ва баҳолай олиш орқали салбий томонларни эмас, балки ҳозирги туб бурилиш даврида бизларни бирлаштирувчи ижобий томонларни кидириш лозим.

Ўзгалар фикрини тушуниш — ўзгалар билан тезда тил топишиш эмас. Римлик тарихчи Гай Транквилл Светоний таъкидлаганидек, «ўзаро келишилса кичик бир нарса ҳам ривожланади, келишилмаса буюк нарса ҳам йўқ бўлади».

Фуқаролар тинчлиги — бу яқдиллик ва ҳамма нарсани бир овоздан тасдиқлаш эмас. Бундай ҳолдан биз аста-секин қутулаяпмиз, чунки бу ҳолнинг нимага олиб келишини амалиётдан кўрдик. Ҳозирги тафаккур қотиб қолган ва бир томонламалик хусусиятларидан халос бўлиб, фикрларнинг хилма-хиллиги ҳамда кенглиги билан характерланади.

Жамиятимиздаги инқирозни маънавий инқироз юзга келтирди. Бу, жумладан, меҳнат ва оиланинг шухрати, кишиларнинг қадр-қиммати тушиб кетишига, инсоний муносабатларнинг дарз кетишига олиб келди. Шуниси аёнки, савдо шохобчаларидаги пештахталар

тўла бўлса-ю, лекин кишилар онги ўсиб, инсонийлиги тикланмас экан, фуқаролар тинчлигига путур етиши турган гап.

Ҳаёт шуни кўрсатаптики, жамиятда фуқаролар тинчлигини илгари бизда ҳукм сурган буйруқбозлик ва яккаҳокимлик кучи билан эмас, балки ишонч, тўғрилиқ, барча соғлом кучларни аниқ мақсад йўлида бирлаштира бориб таъминлаш мумкин, холос.

Жамиятда фуқаролар тинчлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан яна бири — ҳокимиятга ишончдир. Ҳокимиятга ишончнинг етарли даражада бўлиши ҳар қандай ислоҳот ижобий натижа беришининг муҳим омилidir. Ижобий ўзгаришлар, ҳокимият томонидан қабул қилинадиган тўғри қарорлар кишилардаги ишонч даражасини кўтарса, нобопроқлари эса бу ишончни сусайтириши мумкин. Жамиятдаги бўлинишлар, халқнинг норозилиги, ҳукумат истеъфосини талаб қилиш, сиёсий иш ташлашлар, ҳатто қуроли кураш — буларнинг бари ҳокимиятнинг тўла инқироzi натижасидир.

Ишончнинг ажралмас омили — ўзга томонларни эшита билиш ва тушуниш, ўзаро мулоқот маданияти ва бошқалардир. Афсуски, ҳозирги кунда бизда ана шу омиллар етишмаётир.

Юқорида билдирилган фикрлардан умумий хулоса чиқарсак, ижтимоий зиддиятларни бартараф этиш шакллари турлича бўлиши мумкин. Бу эскининг емирилиб, янгининг пайдо бўлиши, қарама-қарши томонларни онгли равишда бирлаштириш ва фикр-мулоҳазаларда ўзаро келишиш учун зарур бўлган консенсусдир. Зиддиятларни бартараф этишнинг бу шаклларида аниқ шароитни ҳисобга олиб, тўғри фойдаланиш жамият ҳаётининг турли жабҳаларидаги ижтимоий зиддиятларни ўз вақтида бартараф этишда ҳамда жамият ҳаётини янгича сиёсий тафаккур асосида барпо этишда муҳим рол ўйнайди.

Ниҳоят ижтимоий зиддиятларни ўрганишнинг муҳим томонларидан бири — бу жамият ривожланишида диалектик *зиддиятлар тараққиётини бошқариш* масаласидир.

Бошқариш санъати зиддиятларни писанд қилмаслик эмас, балки у зиддиятларни ўз вақтида сезиш ва қарама-қарши томонларни ўрганишда, келишмовчилик-

ларни бартараф этиш шакллари ва йўлларини топа билишда ўз аксини топади.

Зиддиятлар қотиб қолган ҳаракатсиз, ҳамма вақт бирдай бўлмай, балки доимо ҳаракатда, ўзгаришда ва тараққиётда бўлади.

Зиддиятлар диалектик жараён бўлиб, бу жараёнда улар *пайдо бўлади, чуқурлашади ва бартараф* этилади. Шунинг учун амалий фаолиятда зиддиятларни ўз вақтида бартараф этишда уларнинг етуклик даражасини аниқлай олиш муҳим омил ҳисобланади. Бунда секинлашиш ҳам, олдин ўтиб кетиш ҳам бирдек зарарли. Зиддиятлар хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, ўз вақтида аниқлаб, бартараф этилмаса, у жамият тараққиётига салбий таъсир этади. Масалага бундай ёндошиш ижтимоий зиддиятларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига жиддий ёндошишни ва уларнинг жамият тараққиётига бўлган таъсирини ҳисобга олишни тақозо этади.

4. ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ИСТИҚБОЛИНИНГ ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

Фалсафада жамиятнинг келиб чиқиш ва ривожланиш қонуниятларини атрофлича билиш, унинг иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларида рўй бераётган зиддиятларни ўз вақтида англаб, бартараф этиш билан бир қаторда тараққиёт истиқболини фалсафий мушоҳада этиш катта ўрин эгаллайди.

Кишилиқ жамияти табиат тадрижий тараққиётининг муайян бир босқичида вужудга келган ижтимоий муносабатлар йиғиндисидир. Кишилиқ жамияти тараққиёти оламда рўй бераётган умумий диалектик жараённинг муҳим бир таркибий қисмини ташкил этади ва у табиатда рўй бераётган диалектик ривожланиш билан бевосита боғлиқдир. Жамият ўз-ўзидан ривожланиб турувчи жонли ижтимоий организмдир.

Ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини олдиндан билиш ва кенг мушоҳада этиш кишиларнинг орзу-истакларига эмас, балки жамият тараққиётининг қонунларини пухта билишга асосланади. Амалиёт шуни кўрсатадики, реал воқеликнинг ҳал қилувчи йўналишларини фақат равшан тушуна оладиган тақдирдагина тўғри, илмий жиҳатдан асосланган сиёсат юритиш мумкин.

Сиёсий муносабатларга, ижтимоий-иқтисодий масалаларга, таълим-тарбия, мафкура, табобат, кадрларга

оид ишларда ниҳоятда ҳушёр бўлиш ва сиёсий дониш-мандлик асосида иш кўриш, воқеликка асосланиш, ҳаётдан ажралиб қолмаслик, воқеалар ривожланишининг ортида эмас, олдида бўлиш, халқдан ўрганиш, халқ билан мунтазам равишда алоқада бўлиш, фан-техника ютуқларига асосланиб, оқилона иш юритиш, вазиятнинг ўзгаришига қараб ҳаракат қилиш, демократия ва ошкораликни янада кенгроқ ва чуқуроқ ривожлантириш, миллий тиллар ва маданиятлар, миллий урф-одатлар, миллий руҳият, маданий мерос, ўтмиш тарихни чуқур ўрганиш ва ҳар томонлама ривожлантиришда ва бошқа масалаларда ижтимоий адолат принципларига қатъий амал қилиш, жумҳуриятнинг иқтисодий, сиёсий мустақиллигини тўла амалга ошириш келажак томон тўхтовсиз илгарилаб боришнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Бу қандайдир кишилар гуруҳининг, айрим шахсларнинг хоҳиш-иродаси эмас, балки миллион-миллионларни ташкил этувчи мамлакатимиз халқларининг, бошқача айтганда, жамиятимиз тараққиёти ҳозирги босқичининг талаб ва эҳтиёжидир.

Шуни айтиш керакки, мамлакатимизнинг келажаги назарда тутилиб ишлаб чиқиладиган ҳар қандай режа ва дастурнинг марказида доимо инсон, унинг манфаатлари ва қизиқишлари туриши лозим. Инсон ҳаёти, унинг имкониятларини ҳар томонлама рўёбга чиқариш энг катта неъматдир. Бизда амалга оширилаётган келажак ҳақидаги режаларнинг асосида фақат мамлакатимиз кишиларининггина эмас, шу билан бирга бутун инсониятнинг манфаатлари, сайёрамизнинг тақдири ва манфаатлари ҳақида ҳам ғамхўрлик қилиш назарда тутилади. Ҳозирги пайтда ҳар бир кишини инсониятни келажакда нималар кутади, келажакнинг техникавий қиёфаси қандай бўлади, фандан нималарни кутиш мумкин? деган бошқа қатор саволлар қизиқтирмаслиги мумкин эмас. Бутун инсониятни қизиқтираётган, ташвишга солаётган сон-саноксиз саволларга жавоб бериш учун фолбинлик қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Шуни назарда тутиш керакки, келажакка ҳозир пойдевор яратилмоқда, келажак бугундан бошланади.

Ҳозирги замон мутафаккирлари чуқур илмий билимларга таянган ҳолда инсониятнинг бундан бир неча йил, кўп асрлардан кейинги ҳаёти, сайёрамизнинг тақдири ҳақида башорат қилмоқдалар. Масалан, марҳум академик А. Сахаровнинг кўрсатишича, бизнинг

невараларимиз яшайдиган эллик йилдан кейинги дунё ҳақида ўйлаб кўрган кишининг кўнглини кучли ва зиддиятли туйғулар қамраб олади. Булар инсониятнинг бениҳоят мураккаб келажагидаги фожиавий хавф-хатарлар, машаққатлар олдидаги қўрқув ва даҳшат, аynи вақтда лак-лак одамларнинг ақл-идроки, қудрати ва дилидаги инсонийликка умид туйғуларидир. Фақат мана шу умидгина босиб келаётган таҳлика, фалокатларга қарши туриши мумкин. Бу ўринда ҳозирги серқирра ва муқаррар фан-техника тараққиётидан ҳайратланиш ва унга жонли қизиқиш туйғулари ҳам бор¹.

Дунё аҳолисининг тўхтовсиз кўпайиб бораётганлиги ҳозирги даврнинг энг муҳим хусусиятларидан ҳисобланади. Шу кеча-кундузда сайёрамиз аҳолиси соатига 6000, минутига 100—120, секундига 2 кишига кўпаймоқда. Дунё бўйича кундалик ўсиш ўрта ҳисобда 275 кишига тўғри келади. Жаҳон аҳолиси ҳар йили ўрта ҳисобда 60 миллион кишига кўпаймоқда.

Дунё аҳолисининг келажакдаги ўсиш кўрсаткичлари ҳақида нима дейиш мумкин? Файласуфлар, социологлар, демографлар 2000 йилларда жаҳон аҳолисининг сони 6 млрд гача, 2025 йилларга бориб эса 8 миллиардга етишини тахмин қилмоқдалар.

Ҳисоб-китобларга қараганда, келажакда сайёрамиз аҳолисининг ўсишига тескари равишда табиий бойликлар — нефть, тошкўмир, торф, тоза сув, унумдор тупроқ секин-аста камая боради. Агар чучук сув захиралари билан қизиқадиған бўлсак, у унчалик кўп эмас. Охирги маълумотларга кўра, унинг ҳажми 35 миллион куб километрдыр, яъни сайёрадаги умумий сув ҳажмининг 2 фоизини ташкил этади. Бу, албатта, жуда оз.

Инсон табиий ёқилғилардан фойдаланмасдан яшай олмайди. Табиат энергияга бой. Аммо табиий бойликлар, энергия манбалари битмас-туганмас эмас. Табиий энергиядан, қазилма бойликлар захираларидан инсон яна қачонгача яркин фойдалана олади, деган савол туғилмаслиги мумкин эмас, албатта. Тахминий ҳисобларга қараганда, нефть запаслари унчалик кўп эмас. Келгусида нефть қаҳатчилиги бошланмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Кўмир ер бағрида нефтга

¹ Қаранг: «Вопросы философии» журналы, 1989 йил, 1-сон.

нисбатан юзлаб марта ортиқроқ учраса-да, лекин шунга қарамай, унинг захиралари ҳам чексиз эмас. камайиб, тақчил бўлиб қолади. Бундай муаммоларнинг ХХІ асрнинг ўрталарига бориб, кўмир ҳозиргидан анча олдини олиш мумкинми?

Маълумки, инсоният келажаги унинг фан-техника ютуқларидан қай даражада унумли фойдалана олишига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ҳозирги замон фан-техникасида бир-бирига тубдан қарама-қарши бўлган икки хил имконият — Ер юзидаги жамики жонли мавжудотни батамом қириб ташлаш ҳамда инсоният манфаатлари учун хизмат қилдириш имкониятлари мавжуд. Ана шу имкониятларнинг қайси биридан фойдаланиш масаласи фан-техника инқилобининг ўзига эмас, балки ижтимоий тузумнинг хусусиятига, фан-техника ютуқларидан оқилона фойдаланишга бевосита боғлиқдир. Бошқача айтганда, фан-техника инқилобининг мақсад ва ижтимоий оқибатларини ижтимоий тузумнинг моҳияти ва хусусияти белгилайди. Фан-техника инқилоби самараларидан қандай мақсадларда фойдаланиш тўғрисидаги масала ҳозирги замон имтимоий-сиёсий курашида асосий масалалардан бири бўлиб қолди. Замонамиз фани ва техникаси Ер юзида неъматларнинг мўл-кўллигини таъминлаш, жамиятнинг равнақи учун, шахснинг камол топиши учун жиддий шарт-шароитлар яратиш имкониятини беради. Аммо бу имкониятлар уни амалга ошириш борасидаги камчиликлар сабабли инсоннинг ўзига қарши қаратилмоқда. Инсоният ХХІ аср бўсағасига мана шундай даҳшатли зиддият билан етиб келди.

Шуни айтиш керакки, фан-техника инқилобидан келиб чиқадиган жуда катта моддий ва маънавий истиқболлар ҳар қанча муҳим ва зарур бўлса-да, инсоният тақдирини ҳал этолмайди. Ижтимоий-маънавий, маданий ва ахлоқий соҳаларда туб ўзгаришлар юз бермаса, фан-техника инқилоби инсониятга бахт келтира олмайди. Унинг инсоният келажаги учун қудратли куч сифатида таъсир кўрсатиши кўп жиҳатдан одамларнинг ахлоқий, маданий-маънавий етуклик даражасига, умуминсоний қадриятларни қанчалик ҳурмат қилиши ва қадрлашига ҳам боғлиқ.

Фан ва техникани шитоб билан ривожлантириш инсон моддий ва маънавий имкониятларининг ғоят даражада ўсиб кетиши, турмуш шароитларининг яхшила-

ниши, уларнинг табиат кучларидан янада унумлироқ фойдаланиши учун замин яратади.

Фан-техника инқилобининг бошланиши XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Бу давр ишлаб чиқарувчи кучларнинг барча элементларида (меҳнат қуроллари, меҳнат предметлари ва ишчи кучлари) бир вақтда юз бераётган ўзгаришларнинг тез суръатлари ва кенг қўламлари билан тасвирланади. Фан-техника инқилоби назорат ва бошқаришни комплекс автоматлаштиришни, энергиянинг янги турлари ва манбаларини кашф этиш ва улардан фойдаланишни, электронҳисоблаш машиналари яратишни йўлга қўйиб, инсониятга хизмат қилмоқда.

Фан-техниканинг йўналишлари келгусида давом этиши ва ривожланиши муқаррардир. Унинг барча тармоқлари ўзаро алоқадорликда ривожланади. Фан ва техника шундай бир мўъжизакор кучки, инсон унинг ёрдамида бугун битказмаган ишини эртага албатта битказади, бугун ўрганиб олмаган нарсасини эртага билиб олади. Фан ёрдамида инсон олис-олисларга нигоҳ ташлайди, келажагини олдиндан кўради.

Айрим мамлакатлар ва халқларгина эмас, балки бутун инсоният ҳам юқумли касалликларни йўқотиш, бошқа касалликларни эса минимум даражага келтириш, Қуёш, шамол энергиясини, ер ости иссиқлигини инсон учун хизмат қилдириш, атом энергиясини санотда, транспортда, қурилишда, табобатда қўллаш, сув тошқинларини, бўрон-довулларни, вулқон отилишларини, ер қимиришларни олдиндан билиш ва мутлақо зарарсизлантиришдан манфаатдордирки, буларнинг биронтасини ҳам илм-фан, техника ва маданият ёрдами-сиз амалга ошириб бўлмайди. Олимлар ерда маълум бўлган барча моддаларни, ҳатто энг мураккаб моддаларни — оқсил моддаларни, шунингдек, табиатда маълум бўлмаган, олмосдан ҳам қаттиқ ўтга чидамли, вольфрам ва осмийдан ҳам қийин эрийдиган, ипакдан ҳам эластик, резинадан ҳам эгилувчан моддаларни заводларда тайёрлаш устида бош қотирмоқдалар. Албатта, яқин келажакда бу ва бошқа моддаларни одамлар фан ёрдамида ихтиро қиладилар.

Инсон илм-фандан ўз умрини узайтириш йўлларини, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг янги турларини етиштиришни, халқ хўжалиги учун кўпроқ гўшт, сут, жун, ғалла, мева, тола, ёғоч ва бошқа нарсаларни олиш

йўллари топишни, ноқулай районларни, ботқоқликларни, тоғларни, чўлларни, тайгани, тундрани, денгиз тагини ўзлаштириш йўллари очиб беришни, шамол ва ҳароратни тартибга солиб туриш, булутларни юргизиш, ёмғирни ва очиқ ҳавони, қорни ва иссиқликни истаган тарзда идора қилиш механизмларини олдиндан белгилаб беришни кутиб турибди.

Бизда яқин келажакда назарий ва амалий математика, информатика ва кибернетика, элементар зарралар, атом ядроси ва қаттиқ жисмлар физикаси, микро ва квант электроникаси ҳамда оптика, радиофизика, атом ва термоядро энергетикаси соҳасидаги тадқиқотларни ривожлантириш мўлжалланган. Бундан ташқари, физикавий-кимёвий биологик жараёнлар, табобат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, физиологик фаол моддалар ҳосил қилишнинг илмий асосларини такомиллаштириш, ер қобиғи, биосфера, дунё океани ва атмосферанинг тузилиши ҳамда эволюцияси, космик фазо, энг кўп тарқалган касалликларнинг олдини олиш, диагностика қўйиш ва даволаш усуллари ҳамда воситаларини комплекс тадқиқ қилиш ҳам режалаштирилган. Буларнинг ҳаммаси илмий билимларнинг тез ўсиб боришига, фан ютуқларидан инсон ҳаётининг барча соҳаларида фойдаланишга кенг йўл очади.

Фан ва техника ҳеч қачон жамият тараққиётидан, ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан ажралган ҳолда ривожлана олмайди, жамият ривожланган сари улар олдига қўйиладиган талаблар, муаммолар мураккаблашиб бораверади. Фан учун булар ҳал этиб бўлмайдиган муаммолар эмас. Бугун ечилмаган, ҳал этилиш имконияти бўлмаган энг мураккаб муаммони ҳам фан бора-бора аста секинлик билан ечади, бошқача айтганда, уларнинг ҳал қилиниш йўллари кўрсатиб беради.

Юқорида қайд этилган, лекин кўпчилиги ҳозирча тўла ҳал этилмаган муаммоларнинг яқин келажакда ечилиши фаннинг ўз имкониятлари чегарасига бориб етганлигини билдирмайди асло. Инсоннинг ақл-идроки ва тафаккурининг табиат кучларини ўзига хизмат қилдиришга, унинг бутун сирларини билиб олишга интилишларининг чегараси йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Одамзод табиатда кўп ажойиб-ғаройиб нарсаларни кашф этган ва ҳали яна кўп нарсаларни кашф этади.

Кишилар ҳозиргига нисбатан бирмунча юксакликка кўтарилганларидан кейин ҳам тўхтаб қолмайдилар,

хотиржам бўлиб, томошабинга айланиб қолмайдилар. Аксинча, уларнинг куч-ғайратлари ошиб-тошади. Ҳал қилинган бир хил вазифалар ўрнига янги, олдингисига қараганда анча мураккаб ва долзарб вазифалар, эришилган мақсадлар ўрнига бошқа, янада ажойиб мақсадлар келади. Тарих ғилдираги шу тариқа олға томон бетўхтов айланаверади.

Жамиятни илмий асосда бошқариш ва такомиллаштиришда, айтиб ўтилганлардан ташқари, яна қуйидан тортиб то юқори — олий поғонагача масъул лавозимларда ишлаётган раҳбарларнинг зукколиги, илмий етуклиги, ғоявий-сиёсий баркамоллиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Агар жамият ҳаётига етакчилик қилаётган шахслар раҳбарлик соҳасида, ўзларининг амалий фаолиятларида ҳозирги даврдаги мураккаб шарт-шароитларни, бозор иқтисодиёти билан боғлиқ бўлган минтақавий ва жаҳон муаммоларини чуқур илмий мушоҳада қилиб иш юритсалар, жамият шакл-шубҳасиз тез юксалиб ва тараққий этиб бораверади.

Алломаларимиз айтганидек, раҳбари донишманд бўлган халқ — бахтлидир. Шундай экан, бозор иқтисодиёти қонун ва қоидаларини, унинг санъатини мукамал ўзлаштириб олган раҳбарларни тайёрлаш шу куннинг долзарб муаммосидир.

Катта йўл кичик қадамдан бошланади. Ҳозир биз республикамиз истиқлолининг порлоқ йўлида дастлабки қадамларни қўймоқдамиз. Меҳнатсевар халқимиз мустақиллик туфайли эришилган ютуқлардан оқилона фойдаланиб, ҳур Ўзбекистонимизни келажаги буюк давлатлар сафига олиб чиқишига ишончимиз комил!

ХОТИМА

Мазкур асарда биз фалсафанинг фан ва мафкура сифатидаги хусуниятлари, сиёсат билан алоқадорлиги, истиқболлари, шунингдек ҳозирги ҳаёт талабидан келиб чиқаётган долзарб муаммолар устида сўз юритдик. Инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, инсон ва инсоният тақдирининг бирлиги, миллий давлатимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий мустақиллигини таъминлаш, миллий қадриятларни тиклаш ва янада ривожлантириш, миллий ва миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, жамиятни илмий билиш ва илмий бошқариш масалалари шулар жумласидандир.

Фалсафа фундаментал назарий фандир. Шундай бўлса-да, унинг марказида турган муаммолар ҳаётдан ажралиб қолган мавҳум қондалар эмас, балки ҳаётнинг ўзидан келиб чиққан, давримизнинг диққат марказида турадиган ва ҳаммани қизиқтирадиган муаммолардир.

Фалсафа фани ўзининг моҳиятига кўра гуманистик фандир. У муайян синфларнинг, ижтимоий гуруҳларнинг, сиёсий партияларнинг эҳтиёжларини қондиришга эмас, балки инсоннинг бахт-саодати, камолотини таъминлашга, жамиятимиз миллий давлатини чинакам мустақкамлаб, миллатлар ўртасида ҳамкорлик, ҳамжиҳатликни ривожлантиришга, шунинг асосида Республикаимизнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларида рўй бераётган камчилик ва зиддиятларни қон тўкмасдан тинчлик асосида бартараф этишга ва шу каби олижаноб мақсадларга хизмат қилишга қаратилган инсонпарвар фандир.

Фалсафа фанини азалдан қизиқтириб келаётган масалалар умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ бўлган муаммолардир. Ер юзида тинчликни сақлаш, қурол-

ланиш пойгасини тўхтатиш, халқаро хавфсизликни таъминлаш, хавфли касалликларни, очарчилик, ирқчилик, миллатчиликнинг олдини олиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, фан-техника ютуқларидан инсоният ҳаётини яхшилаш йўлида фойдаланиш каби умумба-шарий муаммолар ҳозирги давр учунгина эмас, балки келажак ҳаёт учун ҳам жуда муҳим ва катта аҳамиятга эга бўлган фалсафий муаммолардир. Уларни чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш кишиларнинг фалсафий фикрлаш маҳоратини оширишни талаб қилади.

Фалсафа фани қотиб қолган эмас, у муттасил ривожланиб борадиган фандир. Шунинг учун ҳам унинг доирасидаги муаммолар доимо ўзгариб туради. Ҳозирги шароитда бозор иқтисодиётига ўтиш ўз навбатида янгича фалсафий тафаккурни талаб этадиган бир қатор муаммоларни ўртага ташламоқда. Бир иқтисодий тузумдан иккинчи иқтисодий тузумга ўтишнинг оқибатлари, Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, турли халқаро иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиши, унинг ҳаётимизга, жамиятимизнинг барча соҳаларига кўрсатадиган таъсири каби жиддий масалаларга янгича фикрлаш асосида фалсафий ёндошишни кун тартибига қўймоқда.

Кейинги пайтларда инсон руҳиятини, унинг биоқуввати, ақлий имкониятларига ўзгача қарашлар, бошқа оламлар билан «алоқалар», ғайритабiiй ҳодисалар ҳақида турли-туман маълумотлар пайдо бўлмоқда. Бу фаннинг сиёсий кишанлардан, қолиплардан халос бўлганлигининг, эркин, хилма-хил фикрларнинг оқибати, албатта. Бироқ бу ҳодисалар барча файласуфларимиз олдида қатор ўзига хос илмий вазифаларни ҳам кўндаланг қилиб қўяди. Бу ҳодисаларнинг теран фалсафий моҳиятини очиб бериш, изоҳлаш олимларимизнинг келажак илмий режаларидан ўрин олади, деган умиддамиз.

Юқорида айтилганлардан яққол кўриниб турибдики, фалсафа ҳозирги давримизнинг буюк маънавий, интеллектуал бойлигидир. Уни чуқур ўзлаштириб, ҳаётга ижобий татбиқ этиш маданиятини мукамал эгаллаб олиш — ҳозирги даврнинг талабидир. Мазкур асар мана шу борада ўзининг ижобий ҳиссасини қўшадиган бўлса мақсадимизга эришган бўлардик.

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА	3
I бoб. ФАЛСАФА, МАФҚУРА, СИЕСАТ	5
1. Фалсафанинг мафкура ва сиёсат билан алоқадорлиги	5
2. Ўтмишдаги сиёсийлашган илмий-ғоявий курашларда фалсафанинг ўрни	16
3. Ўтмишда сиёсатнинг фалсафага салбий таъсир этишининг сабаб ва оқибатлари	37
4. Фалсафани фан сифатида ривожлантириш — давр талаби	43
II бoб. ФАЛСАФА ФАНИ ИНСОНИЯТ МАДАНИЯТИНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИДИР	58
1. Фалсафа — инсоннинг дунёқарашини, тафаккур маданиятини шакллантирувчи фан	58
2. Фалсафий тафаккур маданиятини эгаллаш — мураккаб жараён	64
3. Фалсафа фани куч-қудратининг манбаи — унинг фундаментал назарияси бойлигида	73
4. Диалектика назарияси — доимо ривожланиб боровчи таълимот	79
III бoб. ФАЛСАФАДА ИНСОН ВА ИНСОНИЯТ МУАММОСИ	124
1. Инсон — ҳаёт фалсафасининг марказий муаммоси	124
2. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг фалсафий аҳамияти	136
3. Жамиятимизда демократия ва иқтисодий ислохотни янада ривожлантиришда инсоннинг роли	142
4. Инсон ва инсоният, улар тақдирининг муштараклиги	154
IV бoб. МИЛЛИЙ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ФАЛСАФИЙ АҲАМИЯТИ	164
1. Жумҳуриятимизнинг миллий давлат мустақиллиги — табий-тарихий жараён	164
2. Иқтисодий мустақиллик ва унга эришиш йўллари	175
3. Сиёсий мустақиллик — давлат барқарорлигининг омили	190
4. Ғоявий мустақиллик ва маданий юксалиш	212

V б о б. МИЛЛИЙ ВА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТ- ЛАРНИНГ ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ	229
1. Миллий ўз-ўзини англаш ва миллий ғурурнинг ўсиши демократик ўзгаришларнинг қонуний оқибати	229
2. Миллий қадриятлар ва уларнинг тикланиши	237
3. Миллий қадриятларнинг умуминсоний қадриятлар билан алоқадорлиги	256
4. Миллий манфаатлар ва миллий муносабатлар	267
VI б о б. ЖАМИЯТНИ ИЛМИЙ БИЛИШ ВА ИЛМИЙ БОШҚАРИШ МУАММОЛАРИ	283
1. Ижтимоий воқеликни билишнинг ўзига хос хусусиятлари	283
2. Ижтимоий эҳтиёжлар ва манфаатларнинг билиш жара- ёнига таъсири	288
3. Ижтимоий зиддиятлар ва уларни бартараф этиш шакл- лари	295
4. Жамият тараққиёти истиқболининг фалсафий асослари	309
ХОТИМА	316

Жандар Туленов
ФИЛОСОФИЯ ЖИЗНИ

На узбекском языке

Издательство «Ўзбекистон» — 1993
Тошкент, 700129, Навои, 30

Кичик муҳаррир *Н. Умарова*

Рассом *Д. Евсеева*

Бадий муҳаррир *А. Деҳқонхўжаев*

Техн. муҳаррир *А. Горшкова*

Мусахҳиҳ *М. Раҳимбекова*

Теришга берилди 24.06.93. Босишга рухсат этилди 28.09.93. Формати 84×108¹/₃₂.
«Литературная» гарнитурда юқори босма усулида босилди.
Шартли бос. л. 16,80, Нашр. л. 17,81. Тиражи 10000. Заказ № 463/105.
Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон» нашриёти. Шартнома № 6—93, Тошкент, 700129, Навои, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ижарадаги Янгийўл китоб фабрикасида босилди. 702801, Янгийўл ш., Самарқанд кў-
часи, 44.